

Дилором АЛИМОВА

# ЖАДИДЧИЛИК ФЕНОМЕНИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи  
«Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди

Дилором АЛИМОВА

# ЖАДИДЧИЛИК ФЕНОМЕНИ

Тошкент  
Akademnashr  
2022

УЎК: 94(575.1)  
КБК: 63.3(5Ў)  
А 50

А 50

Алимова, Дилором  
Жадидчилик феномени [Матн] / Д. Алимова. — Тошкент: «Akademnashr»,  
2022. — 272 б.

ISBN 978-9943-8187-8-1

УЎК: 94(575.1)  
КБК: 63.3(5Ў)

*Ушбу китоб XIX аср охири — XX аср бошида Туркистондаги миллий-та-  
раққий парварлик ҳаракати — жадидчилик тарихига бағишланган. Ўзбекис-  
тон тарих фанида биринчилардан бўлиб жадидчиликнинг тарихий моҳия-  
тини ва унинг Ўрта Осиё халқлари тарихидаги аҳамиятини яхлит ва холис  
таҳлил этишга ҳаракат қилинган. Муаллиф томонидан ҳаракат тарихи  
даврлаштирилган ва илғор зиёлилар тафаккурининг ўзига хос хусусиятла-  
рига баҳо берилган, уларнинг тарих, маданият, дин ва давлатчилик маса-  
лаларига қарашлари ўрганилган. Китобда жадидчилик ҳаракатининг Маҳ-  
мудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Исҳоқхон Ибрат,  
Абдулҳамид Чўлпон каби намояндалари фаолияти ва уларнинг Туркистонда  
юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги роли ёритилган.*

**Масъул муҳаррир:**

Тарих фанлари доктори, профессор **Б.В. Ҳасанов**

**Тақризчилар:**

Профессор **Ҳ. Болтабоев,**

Профессор **И. Балдауф**

**Нашрга тайёрловчи:**

т.ф.н. **Ш.И. Асадова**

ISBN 978-9943-8187-8-1

© Дилором Алимова  
«Жадидчилик феномени»  
© «Akademnashr», 2022

## МУНДАРИЖА

ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, ТАРИХИ ВА МОҲИЯТИ.....	5
Пайдо бўлиш сабаблари ва бирламчи вазифалар .....	5
Миллий-тараққийпарварлик ҳаракатининг сиёсий босқичи. Жадидларнинг давлатчилик борасидаги қарашлари .....	23
Бухородаги жадидчиликнинг ўзига хос хусусиятлари .....	48
Жадидларнинг мусулмон маданияти хусусидаги қарашлари .....	71
Туркистон жадидларининг диний-миллий бағрикенглиги ва ўзини этник англаши.....	77

## ВАТАН МУҲАББАТИГА АСОСЛАНГАН

«ҒАРБЧИЛИК».....	94
Ижтимоий-интеллектуал норозиликнинг генетик илдизлари, жадидлар дунёқарашида Ғарб ва Шарқ фалсафий ғояларининг уйғунлашуви .....	94
Туркистон жадидчилиги ва Мисрдаги ислом ислоҳотчилиги: ўхшаш жиҳатлар.....	101
Туркистон тараққийпарварлари ва ёш турклар ҳаракати: умумий ва ўзига хос жиҳатлар .....	109

## ҒОЯЛАР АСОСЧИЛАРИ.....

Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури .....

ИСҲОҚХОН ИБРАТ: ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ИЖОДИ .....

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ: ҒОЯ УЧУН БАҲШИДА УМР .....

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ВА ЗАМОН .....

ХУЛОСА .....

ИЛОВА .....	238
Унутилмас сиймолар .....	238
Абдулла Авлоний .....	239
Абдулла Қодирий .....	241
Абдурауф Фитрат .....	242
Абдулвоҳид Бурхонов — Мунзим .....	245
Абдулҳамид Чўлпон .....	246
Ашурали Зоҳирий .....	248
Абдуқодир Шақурий .....	249
Бобоохун Салимов .....	250
Исҳоқхон Тура Ибрат .....	252
Маҳмудхўжа Бехбудий .....	253
Мунаввар Қори Абдурашидхонов .....	256
Муса Саиджонов .....	258
Муҳаммадшариф Сўфизода .....	259
Обиджон Маҳмудов .....	261
Полвонниёз Ҳожи Юсупов .....	262
Саидахмадхўжа Сиддиқий — Ажзий .....	263
Саидносир Миржалилов .....	265
Тўлаган Хўжамёров — Тавалло .....	266
Убайдулла Хўжаев .....	268
Файзулла Хўжаев .....	270

## ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, ТАРИХИ ВА МОҲИЯТИ

### Пайдо бўлиш сабаблари ва бирламчи вазифалар

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига кириши кенг жамоатчиликнинг тарихга, айниқса, яқин ўтмиш — Туркистонда аҳолининг барча қатламларига дахл қилган, сиёсий воқеалар авж олган XX аср бошларидаги ҳодисаларга қизиқишини кучайтирди. Тарих тақозоси билан айнан шу даврда ижтимоий ҳаёт сахнасига миллий тараққийпарварларнинг жадидчилик деб аталган ҳаракати чиққан эди.

Таъкидлаш жоизки, совет даврида бу ҳаракат тарихини ўрганиш тақиқланган ёки атайин сохталаштирилган<sup>1</sup>. Тарихий ҳақиқатни тиклаш имконияти пайдо бўлган ҳозирги шароитда XX аср бошидаги ноёб ижтимоий-сиёсий ҳодиса — миллий-тараққийпарварлик ҳаракатининг тарихий жараёнлардаги ўрни ҳақидаги мавжуд қарашларни жиддий қайта кўриб чиқиш зарурати етилди. Тарих фанидаги туб ўзгаришлар мустақиллик учун курашда миллий-озодлик мафкурасининг қарор топиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаган мазкур ҳаракат моҳияти ва мақсадини ҳаққоний ёритиш имконини яратиб, миллий ўзликни англаш йўлида муҳим омил бўлди.

Ҳозирги кунда юртимиз олимларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида ушбу масалани ўрганишда янгича ёндашувлар қарор

<sup>1</sup> Пясковский А.В. Революция 1905 — 1917 гг. в Туркестане. Москва, 1958; Вахитов Н.Г. Формирование узбекской социалистической нации. Ташкент, 1961; Иноятов Х.Ш. Победа Советской власти в Туркестане. Москва, 1978; Вахитов Х.П. Просветительская идеология в Туркестане. Ташкент, 1979 ва б.

топди. Изланишлар натижалари жадиждлар ҳаракати XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон жамиятининг чалқаш сиёсий кучлари орасида энг илгор йўналиш бўлганини яққол намоён қилмоқда. Мазкур ҳаракат дунёвий гуманистик ва миллий қадриятларга асосланган, ўлка маҳаллий аҳолисининг ҳаётий манфаатлари ҳимояси, ижтимоий тараққиётдаги муаммоларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатган.

Жадидчилик маърифатчиликдан кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Империя сиёсати ва маҳаллий истибдод туфайли дунёнинг иқтисодий тараққий этган давлатларидан ортда қолиш хавфи, кенг халқ оммасининг оғир иқтисодий аҳволи, маданий қолоқлик, тафаккур тургунлиги жадиждларни инқироздан чиқишнинг ҳақиқий воситаларини қидиришга чорлади.

Бу даврда Туркистон ўлкаси Россия империяси мустамлакаси бўлиб, унинг хомашё базасига айланган, метрополияни ўзининг табиий бойликлари, жумладан, пахта ва ипак билан таъминлаб турган. Кейинроқ бошқа табиий ресурсларни излаб топиш ва уларни Марказга ташиб кетиш дастури ишлаб чиқилди, айнан ушбу мақсадга хизмат қилувчи тармоқларгина ривожланди. Туркистонга рус капиталининг кириб келиши, шубҳасиз, банкларнинг ривожланишига, темир йўллар қурилишига ва ҳ.к.га туртки берди. Аммо судхўрлик капиталининг ривожланиши хонавайрон бўлган деҳқонлар сонини кўпайтирди. 1912 йил ноябрига келиб аҳолининг кредит ташкилотларидан қарзи 157 млн рублга етди, бу ерсизлар сонининг ортишига олиб келди. 1917 йили Фарғона вилоятининг айрим уездларида ерсизлар барча хўжаликларнинг 30 фоизини, Тошкент ва Андижон вилоятида эса 40 – 50 фоизини ташкил этган.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасидан 59 млн пуддан ортиқ пахта, 8,5 млн пуд пахта ёғи, 950 минг пуд пилла, 2925 минг пуд жун<sup>1</sup> олиб чиқиб кетилган, Россияга 70 минг от, 12 мингдан ортиқ туя ва б. нарсалар жўнатилган<sup>2</sup>.

Бошқа томондан, ўлкага анча бой тажриба ва технологик ютуқларга, Европа билан боғлиқ ривожланган таълим тизимига эга янги европача маданият кириб келди. Бу, албатта, ўлканинг илғор фикрли зиёлилари онгига таъсир қилмай қолмади. Юзага келган шароитда зиёлилар мамлакат қолоқлиги сабабини мустамлакачилик зулми, ҳукмрон синфларнинг халқнинг саводсизлиги ва маърифатсизлигидан манфаатдорлигида кўрдилар. Шу боис дастлаб етилган муаммоларни фақат маърифатчилик ва саводхонликка эришиш орқали ҳал қилиш мумкин деб ҳисобладилар.

Нега масала айнан шу тарзда қўйилган? Буни уларнинг мисолида кўриш мумкин, жадидлар ёки ўзлари айтганларидек миллий тараққийпарварлар ўз даврининг жуда ўқимишли кишилари эдилар. Улар ўқиб-ўрганишган, ўқитувчилик қилишган, ҳам шарқ, ҳам ғарб маданиятини эгаллашга интилишган, Россияда, Европа ва Осиёнинг бошқа давлатларида бўлишган, турли мамлакатлардаги таълим ва маданиятни кўздан кечириб, солиштира олишган, зиёли сифатида дунё цивилизацияси ютуқларини Туркистонга ёйиш орзусида бўлишган.

Туркистонда маърифатчилик чуқур генетик илдизларга эга. XIX асрда фалсафий маърифатчиликнинг кучайиши, қанчалик ғайритабиий бўлмасин, XVI асрда Буюк ипак йўли фаолиятининг заифлашуви, янги денгиз йўлларининг очилиши ва Европа давлатларининг XVIII – XIX асрлардаги жадал технологик

<sup>1</sup> Народное хозяйство Туркестана. 1918 г. 30 марта, 18 мая.

<sup>2</sup> Красный архив. Москва, 1929. Т. 34. С. 54.



ривожни туфайли Ўрта Осиё хонликларининг тараққиётдан орт-да қолишининг объектив сабаблари билан боғлиқ эди. Субъ-ектив сабаблари эса халқ хўжалиги ва умумий тараққиётга улкан зиён келтирган ички урушлар бўлган. Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг ҳам Европа, ҳам Осиёдан демократик ғояларнинг кириб келиши учун имконият пайдо бўлди, дунё билан мулоқот қилиш минтақада озодлик ғояларининг ривожланишига шароит туғдирди. Бу асосий ўза-ги маърифат бўлган миллий озодлик фалсафасининг шаклла-нишидаги илк омиллар эди. Миллий мустақиллик ва тараққиёт тарафдорлари минтақанинг турли жойларида авж олган халқ исёнларини бошқариш, ташкиллаштириш ёки қўллаб-қувват-лашдан йироқ бўлишган, исёнларнинг асл сабабларини яхши билишган, уларнинг мавжуд тузумга танқидий муносабати ва ислохотлар ўтказиш зарурлигини англаб етиши ўша давр учун катта ютуқ эди.

Ислохотларнинг жўшқин тарафдорлари машҳур маърифат-чи Аҳмад Дониш, шоирлар Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Бердақ, Завқий, Баёний, Аваз Ўтар ўз шеърларида халқни билим ва маърифатга чорлаганлар. Демократик ғоялар Абай, Чўқон Ва-лихонов каби атоқли арбобларга ҳам тинчлик бермаган, улар кийин аҳволдан чиқиш йўлини нафақат маърифатда, балки тур-кий халқлар бирлигида ҳам кўрганлар. Жадидлар айнан шун-дай заминда вояга етдилар, ўтмишдошларидан анча илгарилаб кетдилар, маърифатчиликдан сиёсатга қадам ташладилар.

Янги ислохотлар ва маърифатчилик фалсафасининг шакл-ланишида Аҳмад Дониш муҳим ўрин тутди, унинг тўлиқ исми-шарифи Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ас-Сид-дикий ал-Бухорий (1827 — 1897) бўлиб, қомусий билим соҳиби эди. Замондошлари уни табиий ва аниқ фанлардаги чуқур би-

лими учун муҳандис деб аташган. У астрономия ва коинот илми бўйича тадқиқотлар олиб борган, фалсафа, тарих, адабиёт, муסיқа санъати, хаттотлик бўйича кенг билим ва малакага эга бўлган. Унинг нафақат давлатчилик тарихи ва фалсафасига, балки давлат қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги амалий тажрибасига асосланган фалсафий қарашлари жамият тафаккурига кучли таъсир кўрсатган.

А. Донишнинг сиёсий, ижтимоий ва фалсафий қарашлари унинг «Наводир ул-вақое» («Ноёб ҳодисалар»)<sup>1</sup> асарида тўлиқ ифодасини топган.

У ўша даврдаги мисрлик ислоҳотчилар каби фатализмга қарши чиққан, инсон кутиб ўтирмасдан, ўз ҳолатини яхшилаши учун фаол ҳаракат қилиши керак деб ҳисоблаган. Давлат, унинг фикрича, бир гуруҳ одамларнинг манфаати учун эмас, балки халқ учун яратилган, унинг етакчилари мамлакат ва жамият фаровонлиги учун қайғуришлари лозим. Унинг яна бир фикри жадидчилик таълимоти учун асосга айланган: халқнинг диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, илғор мамлакатлардан ўрнак олиш.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё илғор зиёлиларининг ғоялари асосида жамият тараққиётида кенгроқ вазифаларга эга бўлган жадидчилик ҳаракати шаклланди.

Ўрта Осиёдаги жадидчиликни XIX аср — XX аср бошларида Шарқнинг кўплаб давлатларида юзага келган илғор миллий зиёлилар ислоҳотчилик ҳаракатининг турларидан бири деб баҳолаш мумкин. «Жадид» атамасининг ўзи европача намунада-

<sup>1</sup> Ушбу асарнинг 1875 — 1881 йилларда ёзилган ҳамда Бухоро ва Туркистоннинг илғор зиёлилари орасида машҳур бўлган матни маълум. Тарихчи Б.В. Лунин айтганидек: «Кўлэзма нусхалар ўқувчиларнинг замонавий ижтимоий ҳаёт борасидаги саволларига жавоб берган ва уларнинг дунёқарашини кенгайтирган ҳолда қўлма-қўл бўлиб юрган». Историография общественных наук в Узбекистане. Библиографические очерки. Ташкент: Фан, 1974. С. 164.

ги янги ўқитиш усулларини ҳам қамраб олган «усули жаид» («янги усул») тушунчасидан келиб чиққан. Кейинчалик жаидчилик ҳаракатининг вазифалари орта бориши билан ушбу атаманинг маъноси ҳам кенгайган. Маърифатчилик билан бир каторда жаидлар эски ижтимоий ва сиёсий тизимни тараққиётнинг илғор шакллариغا ўзгартиришга ҳаракат қилишди. Бирок бу ҳаракатнинг иккинчи босқичи эди (бу ҳақда қуйироқда тўхталамиз). Туркистонда ҳаракатнинг энг атоқли намояндалари Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдулла Асадуллахўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтаев, Ҳожи Муин, Абдуқодир Шақурий, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зохирий, Эшонхўжа Хонхўжаев, Исҳоқхон тўра Ибрат, Бухорода Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Муса Саиджонов, Абдулвоҳид Бурҳонов, Усмон Хўжаев, Миркомил Бурҳонов, Муҳитдин Рафоат, Муҳитдин Мансуров, Мухтор Саиджонов, Абдуқодир Муҳитдинов ва б., Хивада Бобоохун Салимов, Полвонниёз хожи Юсупов, Аваз Ўтар, Ҳусайн Матмуродов, Назар Шоликоров, Отажон Абдалов, Худойберган Девонов, Муҳаммад Расул Мирзо, Матёқуб Позачи, Отажон Садаев, Бекжон Раҳимов, Муҳаммад Девонзода ва б. бўлишган. Уларнинг бари нафақат халқ оммаси маърифатига, балки озодлик ғояларининг ривожига катта ҳисса қўшган.

Жаидчилик босқичма-босқич ривожланиб борди. Бу ҳаракат ўз даврининг илғор зиёлилари барча муаммоларнинг ечими деб билган маърифатчилик ғоясидан бошланиб, ўз йўналишини такомиллаштириб борди ва фаолият доирасини кенгайтirdи. Йигирма йил ўтиб жаидлар иқтисодий ва маданий қолоқликни бартараф этиш учун сиёсий ўзгаришлар зарурлигини англаб етишди.

Таъкидлаш жоизки, ҳаракатнинг маърифатчилик босқичида илғор зиёлилар ўзининг асосий вазифасини янги таълим тизимини яратишда кўрдилар ва бор кучларини мазкур ислохотни амалга оширишга сарфладилар.

Жадидчилик феномени нимада? Авваламбор, ҳам шарқ, ҳам ғарб маданиятини билиш билан тавсифланадиган ўта юқори ақлий салоҳиятда. Уларнинг деярли барчаси А. Навоий, А. Жомий, М. Фузулий шеърляти, ўрта асрлар шарқ мутафаккирларининг фалсафий асарларига йўғрилган олий диний таълим олиб, уни ҳам шарқ, ҳам европача маданият ютуқлари билан бойитишди. Айнан шу нарса жадидчилик фалсафий дунёқарашининг хусусиятини белгилаб берди, бу уларнинг таълимни ислох қилиш, умуман, маориф соҳасидаги фаолиятида ўз аксини топди.

Жадидлар нафақат бу ислохотни ўтказиш зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб бердилар, балки янги усул мактаблари, кутубхоналар, ўқув хоналари, дастлабки театрни очиб, дарслик ва газеталар чоп эттириб, маорифни ҳаётга татбиқ этишга катта ҳаракат қилдилар.

Дастлабки жадид мактаби 1898 йили Кўкон шаҳрида Салоҳиддин домла томонидан очилди, 1899 йили эса бу ишни Тошкентда Маннон қори, Андижонда Шамсиддин домла давом эттирди.

1911 йилга келиб Туркистонда янги усул мактабларининг умумий сони 63 тани ташкил этди, уларда 4106 нафар ўқувчи таҳсил оларди; 30 та мактаб Фарғона вилоятида, 12 таси Ётти-сувда, 5 таси Самарқандда фаолият юритган. Тошкент, албатта, мактаблар кўплиги (уларнинг сони 24 та бўлган) ва таълим сифати билан ажралиб турган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX — начало XX вв.): Дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1995. С.78.

Ушбу ўқув муассасаларини, албатта, европача намунадаги мактаб сўзи билан атаб бўлмайди, аммо улар мазкур намунага нафақат ўқув машулотлари ва тузилиши, балки, асосийси, ўқитиш методикаси бўйича яқинлашган. Эски мактаблардан фарқли ўларок, бу ерда болалар 40 кунда савод чиқаришган. Шу билан нисбатан қисқа муддатда бу мактаблар аҳоли орасида машҳурликка эришди. Боз устига, ўқитувчилар ёши 25 дан ошмайдиган ёш йигитлар бўлишган ва бу ерда таҳсилнинг «таёк методи» ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Дастлаб улар орасида татар миллатига мансуб ўқитувчилар кўп бўлган. Кейинчалик империя маъмурияти «пантуркизм» ва «панисломизм» ғояларининг тарқалишидан хавфсираб уларга ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишни тақиқлаб қўйди. Масалани батафсил ўрганган А. Худойкулов таъкидлаганидек, намунали янги усул мактаблари Самарқандда Жўрабоев ва А. Шакурий мактаби, Фарғонада Абдулваҳоб мактаби ва Мазитов мактаби (Фарғона вилоятининг Бешқовоқ қишлоғида), Тошкентда Эшонхўжа Хонхўжаев<sup>1</sup>, Собиржон Раҳимов ва Мунаввар қори Абдурашидхонов мактаблари бўлган. Ҳукумат вакиллари Мунаввар қорининг мактабини энг яхшиси деб қайд этишган<sup>2</sup>. Ўз даврида уни М. Уйгур, Ҳамза, К. Рамазон ва Ойбек битириб чиқишган.

Таъкидлаш керакки, ушбу мактаблар арабча-форсча таълим йўналишидан чекинган, уларда таҳсил асосан ўзбек ва тожик тилларида амалга оширилган. Айрим мактабларда рус тили ўқитилган. Бу ишни А. Шакурий ва Мунаввар қори бошлаб беришган. Айрим мактабларда, айниқса, Тошкент мактабларида

<sup>1</sup> Муаллифнинг онаси Р. Ғуломова ҳам шу мактабда ўқиган.

<sup>2</sup> Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1995. С.81.

ўғил болалар ва қизларнинг биргаликда ўқитилишини ҳам улкан янгилик ҳисоблаш мумкин. Агар аҳолининг динга мойиллиги ҳисобга олинса, бу ҳақиқатан ҳам инкилобий қадам бўлган.

Дастлаб мактабларда таълим Россия, хусусан, татар дарсликлари асосида олиб борилган. Бироқ тез орада она тилида ўқитишнинг зарурлигини ҳис қилган ўқитувчиларнинг ўзи дарсликлар яратишди. М. Бехбудий ва Мунаввар қори Абдурашидхонов 15 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар ёзишган<sup>1</sup>.

Туркистонда империя маъмурияти янги мактаблар эски мактабларга нисбатан маълум даражада умумтаълим билимларини беришини англаб, дастлаб уларга ижобий муносабатда бўлди. Аммо вақт ўтиб бу мактабларни ташкил этиш ва кенг ёйишни рағбатлантирмаслик, ҳатто айримларини ёпиш ҳолатлари тенденцияси юзага келди. Ҳокимият вакиллари уларда мусулмон болаларига «барча майлларни қабул қилиш» қобилиятини сингдириш манбаини кўрдилар, бунда ҳокимиятга қарши кайфият назарда тутилган. Ушбу сиёсатнинг белгиланишида Туркистон генерал-губернаторлиги халқ билим юртлари бош нозири Н.П. Остроумов ҳал қилувчи роль ўйнади. А. Худойқулов тўғри таъкидлаганидек, ҳокимият вакилларининг янги мактабларга салбий муносабати «ўлканинг туб аҳолисида миллий ўзликни англашнинг ривожланишидан хавфсирашдан келиб чиққан. Шу боис улар жадид мактабларининг ривожланиши ва тарқалишига ҳар томонлама қаршилик кўрсатганлар. Кўрсатиб ўтилган сабаблар туфайли асосий эътибор сиёсий жиҳатдан ишончли, аммо самараси кам бўлган, замон талабига жавоб бермайдиган, таълимнинг янги усул тизими кучайишидан умуман манфаатдор бўлмаган, консерватив кайфиятдаги руҳоний

<sup>1</sup> Ҳақиқат жойда. С. 87 – 88.

катлам — «қадимчилар»нинг тўлиқ назорати остида бўлган диний турдаги эски усул мактабларга қаратилган»<sup>1</sup>.

Қолаверса, қадимчилар ва жадиждлар қарама-қаршилиги ўлканинг империя маъмурияти учун айни муддао эди. Шунга қарамай, жадиждлар ёпилган мактаблар ўрнига янгиларини очишдан чарчашмаган. Натижада 1917 йили Туркистонда 100 га яқин мактаб фаолият юритган<sup>2</sup>.

Таълим тизимидаги янгиланиш жараёнлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ҳам кенг ёйилди. Тожик тилли биринчи янги усул мактаби Абдулвоҳид Мунзим томонидан 1908 йили Бухорода очилди. Бироқ бу ерда консерватив кайфиятдаги рухонийлар қаршилиги анча кучли ва катта таъсирга эга эди, бу тез-тез муллалар томонидан оёққа турғизилган оломоннинг мактабларни вайрон қилишига олиб келди. А. Мунзимнинг мактаби ҳам шундай зарар кўрди. Унинг ўзи эса жонига қасд қилишларидан хавфсираб Қаршига кетишга мажбур бўлди. Жадиждчилик мактабларининг жўшқин ташаббусчиси С. Айний эса уч ҳафта давомида дўстлариникида яширинишга мажбур бўлди<sup>3</sup>.

Оқибатда 1909 йили А. Мунзим мактаби ёпилди, бухороликларга эса болаларини ҳатто татарларнинг янги усул мактабларига ўқишга бериш ҳам тақиқланди. Аммо янги мактаб «овоза кўтариб» бўлганди ва аҳоли бу ерга болаларини олиб келишда давом этди. Талабгорлар сони 50 кишига етганида уларни, С. Айний маълумотига кўра, Гавкушон мадрасаси ёнидаги татар мактабига жойлашади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX — начало XX вв.): Дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1995. С.97.

<sup>2</sup> ЎзМА. И-47-фонд, 1-руйхат, 955-иш, 233-в.

<sup>3</sup> Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века). Хужанд, 2000. С.73.

<sup>4</sup> Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века). Хужанд, 2000. С.72.

1910 йил декабрь ойи бошида Бухоро жадидлари яширин «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») ташкилотига асос солишди, у кунини четлаб ўтиб янги усул мактабларини очиш билан шуғулланган. 1911 – 1912 йилларда Бухоро амирлигида 57 га яқин шундай мактаб фаолият юритган.<sup>1</sup> Улар орасида Мукомил Бурхонов, Усмонхўжа Пулатхўжаев, Холидхожи Мехри (1913 й.) мактаблари энг яхшилари бўлган. Бухородаги Мулла Вафо мактабида асосий эътибор рус тилига қаратилган<sup>2</sup>.

Янги усул таълими амирликнинг бошқа шаҳарлари – Қарши, Шаҳрисабз, Қорақўл, Ғиждувонга ҳам тарқалди. Аммо 1914 йил июнида Бухоронинг олий рухонияти таъсири остида ва Сиёсий агентлик маъқуллови билан Амир Олимхон буйруғига биноан улар ёпилди. Аҳоли, айниқса, зиёлилар онгида янги усул мактабларининг самарадорлиги ҳақидаги фикр чуқур илдиз отиб улгурганди, шу боис, тақиқларга қарамай, уларнинг сони ошиб борди. «Либералистик қарашлар ва таълимнинг янги усули Бухоро аҳолисининг анча юқори табақалари орасида чуқур илдиз отди»<sup>3</sup>. Шу сабабли уларнинг фарзандлари жадид ўқитувчиларда таҳсил олишда давом этишди. Савдо-сотик вакилларининг 1914 йил июлида Сиёсий агентликка мактаб очишда ёрдам беришни илтимос қилиб ёзилган махфий мурожаати диққатга сазовор. Унда шундай дейилган: «... бизнинг фарзандларимизни қисқа муддат ичида ўқиш ва ҳисобга ўргатган янги усул мактаблари олий ҳазрат амир томонидан 2 – 3 нафар мулланинг шикоятига асосан ёпилди. Мана, бир ойга яқин вақт ўтдики, болаларимиз ўқиш ўрнига кўчада санқиб юришибди. Сизга яхши маълумки,

<sup>1</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865 – 1924 гг.). Москва, 1960. С. 260.

<sup>2</sup> Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века). Хужанд, 2000. С.78.

<sup>3</sup> Zenkovskiy S.A. Pan-Turcism and Islam in Russia. Cambridge, Massachusetts: Harvard University Press, 1967. P.88.



биз Бухоро фуқаролари асосан савдогар ва ҳунармандлармиз, орамизда саводли одамлар кам, шу туфайли болаларимиз тезда саводини чиқариб, савдога оид ёзув-чизув ва ҳисоб-китоб ишларини юритишлари мақсадга мувофиқ. Ўзимиз эски мактабда 7 – 8 йил ўқиганмиз, бироқ саводсизлигимизча қолиб кетганмиз; улардан ҳеч қандай фойда кўрмаганмиз. Шу боис Сиздан ёпилган мактабларнинг очилишини ўтиниб сўраймиз»<sup>1</sup>.

Бу каби хатларга ҳокимият ҳеч қандай муносабат билдирмаган. Шундай бўлса-да, вазиятнинг кескинлигига қарамай, жадид мактаблари энг асосий ишни амалга оширди — аҳолининг онгини қотиб қолган тасаввурдан дунёга юз буриш томон йўналтира олди.

Хива хонлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласи анча осон ўз ечимини топди. Бунинг сабаби Хива хони Муҳаммад Раҳим II (Феруз) технологик янгиликларни маъқулловчи маданият ҳомийси бўлганидир. 1874 йили унинг ташаббуси билан Хивага Россиядан тошбосма дастгоҳи келтирилади<sup>2</sup>. Хонликда янги усул мактабларининг очилиши Бухородагидек ҳокимият вакилларининг қаршилигига дуч келмади. Ферузнинг ўзи мактаблар ташкил этилишини қўллаб-қувватлади ва кўп-кўп юқори мартабали амалдорлар ундан ўрнак олишди.

1906 йили хон рухсати билан Урганчда қизлар учун мактаб очилди, хоннинг ўзи мактабга ташриф буюрди ва унинг фаолияти билан танишди<sup>3</sup>. Қолаверса, хонликнинг бош вазири, ўзининг илғор қарашлари билан танилган Ислом Хўжа таълим ислоҳоти бўйича фаол иш олиб борди, у Хивадаги жадиличлик фаолиятини қўллаб-қувватлаган.

<sup>1</sup> Климович Л. Ислам в царской России. Москва, 1936. С. 214 – 215.

<sup>2</sup> Каюмов М.У. Общественно-политические процессы в Хивинском ханстве (вторая половина XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 2005. С.15.

<sup>3</sup> Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900 – 1924 йиллар): Тарих фан. номз. дисс. ... автореф. Тошкент, 2005. 15-б.

Хива маърифатчилари ва ҳаракат етакчилари, хусусан, Бобоохун Салимов, П. Юсупов саъй-ҳаракатлари билан Янги Урганч, Қўнғирот, Гурлан, Шовотда мактаблар очилди. Бунга янги усул мактаблари ташкил этиш учун маблағ йиғган «Жамияти хайрия» ҳам имкон яратди. Б. Салимов ва Б. Рахимов бошланғич мактаблар учун ўқиш бўйича дастлабки дарсликларни яратишди<sup>1</sup>.

Таълим ва маорифнинг янги тизимини яратишга интиланган миллий тараққийпарварлар Ўрта Осиё халқларининг маданий меросига таянишди. Улар ўз асарларида Ибн Сино, Форобий, Улугбекни Ўрта Осиёдаги ижтимоий ва илмий ислохотлар асосчилари сифатида намуна қилиб кўрсатган ҳолда ўқувчиларга бу меросни кўп эслатишади. Жадидлар фикрича, уларнинг асарларини ўрганиш ўлканинг тараққиётини жадаллатиши, халқнинг миллий ўзлигини англашини юксалтириши мумкин. А. Фитрат «Қалб нидоси» шеърида Шарқ халқларининг ўтмишдаги буюклигини тиклашга чақириб ёзади:

*Биз замонларни боғловчи эдик,  
Биз машҳур олимлар эдик,  
Олам олимлари ичида  
Ҳурмат ва эҳтиромда эдик...  
Бизнинг билимлар қани, донолигимиз қани,  
Қани устунлигимиз, қани улугворлигимиз?..  
Вақт келди! Ухлашни бас қил!  
Иштиёққа тўлиб тур,  
Беғамликдан воз кеч<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> Каюмов М.У. Общественно-политические процессы в Хивинском ханстве. С.15.

<sup>2</sup> Форс тилидан сўзма-сўз таржима.

Жадидчиликнинг дунёқарашини белгилаб берган энг муҳим масала «Ғарб – Шарқ» мавзуси эди. Жадидлар Ўрта Осиёнинг Ғарбий Европа билан тарихий алоқаларидан хулоса чиқаришга мойиллик билдирганлар. Маърифатни тарғиб қилиб, улар Европадаги илғор давлатлар тараққиётининг сабаби таълим тизими ва янги технологияларнинг ривожланиши эканини тушунган ҳолда кўп бор ўрта асрлар ренессансини эсга олганлар. Улар Туркистонда қўллаш мумкин бўлган ҳамма нарсани таълим ислохотлари соҳасига жорий этишга интиланлар.

Туркистонда тараққиётга эришишда жадидлар асосий ўринни иқтисодиётнинг ривожланишига беришган, бироқ миллий матбуот ва халқ таълимининг ривожини ундан устун қўйишган. Тараққийпарварлардан бири ёзганидек: «миллий матбуотсиз миллатнинг ўзи йўқ»<sup>1</sup>.

Ўлканинг илғор кучлари бирлашиши ва жадидларнинг маърифатчилик фаолияти жадаллашиши жараёни нафақат янги усул мактабларининг очилиши, балки миллий матбуот, хусусан, янги газета ва журналларнинг пайдо бўлиши билан белгиланади. 1906 йили И. Обидов таҳрири остида «Тараққий» газетаси чоп этила бошлади, ўша йили Мунаввар қори раҳбарлигида «Хуршид» газетаси, 1907 – 1908 йилларда А. Авлоний таҳрири остида «Шухрат» газетаси чоп этилди, А. Бектемиров «Осиё» газетасига бошчилик қилди. Аммо тез орада мустамлакачи ҳукумат ўзининг мутахассиси Н.П. Остроумов хабарига таяниб бу нашрларни ёпиб қўйди<sup>2</sup>. Маърифатчиликнинг янги тўлқини асосида 1913 – 1915 йилларда «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Эл байроғи», «Кенгаш», «Турон», «Ойна» каби газета ва журналлар, 1917 йили эса

<sup>1</sup> Ризобадли Т. Идорага мактублар // Садои Туркистон. 1915. №64. 4-б.

<sup>2</sup> Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана. ... С.109.

«Хуррият», «Нажот», «Кенгаш», «Турон», «Улуг Туркистон» ва б. нашрлар пайдо бўлди. Тадбиркор Саидкарим Саидазимбой шарофати билан «Тужжор» газетаси чиқа бошлади, у жадидлар минбарига айланиб, уларнинг ислохотчилик гоялари тарқалишига мактаблардан кўра кенгрок имкониятлар эшигини очди. Умумий ҳисобда уларнинг сони 15 дан ортиқ бўлган, бу энди улкан гоявий куч эди. Мавзулар доираси жуда кенг, маърифатчиликдан сиёсий мавзуларгача қамраб олинган. Миллий матбуот ўлкада миллат манфаати ҳақида қайгурадиган, илғор тафаккурга эга янги инсон шаклланиганини яққол намоён этди.

Жадидлар тараққиётга эришишга тўсқинлик қилувчи қатор сабаблар орасида туркистонликлар турмушида кенг тарқалган, аслида, мусулмончилик қоидаларига бегона, одамларнинг шусиз ҳам оғир ҳаётини янада қийинлаштирадиган кераксиз ва зарарли одатларни (ортиқча удумлар, серхаражат тўйлар ва дафн маросимларини) кўрдилар. Мақола ва чиқишлар бағишланган долзарб мавзулардан бири мусулмон одоби бўлган. Жадидлар мусулмон қандай ҳаёт тарзига амал қилиши керак, ўзига ва атрофидагиларга, бошқа халқлар ва динларга, аёллар ва болаларга қандай муносабатда бўлиши лозим деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилганлар.

Ахлоқ масаласи шарқ фалсафасининг ажралмас қисми бўлган. Жадидчилик доирасида бу масала Абдулла Авлоний (1878 – 1934) ижодида, авваламбор, унинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ»<sup>1</sup> асарида тугал шаклга эга бўлган.

Авлоний учун ахлоқ, биринчи навбатда, амалий-педагогик йўналишдир. Бу «одамларни эзгу амалларга чорлайдиган ва уларни ёмон амаллардан асровчи фан»дир, у далил ва мисол-

<sup>1</sup> Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ // Таълиқланган асарлар. II жилд. Тошкент: Маънавият, 1998. 34-6.

лар асосида нима яхши, нима ёмонлигини баён қилиб бериши, яхши ва ёмон одатларни таърифлаши керак<sup>1</sup>.

Авлонийнинг фикри бўйича ахлоқли инсонни тарбияламасдан туриб ёрқин келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис у инсон фаолиятининг турли кўринишларига ва характери чизгиларига ахлоқий мезонлар орқали қарайди. Масалан, билим ва билимсизлик унинг учун шунчаки англаш фаоллиги ва бири билан айтганда билимлар «бизга яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан, жоиз нарсаларни ножоизларидан, тоза-ни нотозадан беҳато фарқлаш имконини беради», айти дамда, жоҳиллик «ёмон одатлар боши», «худбинлик ва ёвузлик»дир<sup>2</sup>. Унинг фикрича, мусулмон ахлоқи умуминсоний гуманистик қадриятларга асосланиши, амалий йўналишга эга бўлиши ва тараққиётга хизмат қилиши зарур. Жаҳидлар туркистонликлар сабр-тоқат, садоқат, жасурлик, совуққонлик, тартиблилик, виждон, одиллик каби хислатларга эга бўлишлари, ялқовлик, бекорчилик, худбинлик ва б. қусурларга қарши курашишлари керак деб ҳисоблашган. А. Авлоний мазкур сифатлар таҳлилини жамият эҳтиёжларига жавоб берувчи ёш авлод тарбияси масалалари орқали амалга оширади.

Масалан, А. Авлоний тартиблилик ҳақида тўхталиб унга алоҳида олинган инсон хислати сифатида эмас, балки кенгрок, жамиятдаги ишлар ҳолатидан туриб баҳо берган. Олимнинг фикрича, миллат тараққийси, унинг руҳий юксалиши, такомиллашуви кўп жиҳатдан одамлар олдида турган мажбурият ва вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга боғлиқ<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 184 – 185-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 52-б.

А. Авлоний шахснинг шаклланишида етакчи ўринни тарбияга беради. Унинг нуқтаи назарига кўра, инсон истеъдод ва қобилиятли, яхшилик ва ёмонликни фарқловчи қилиб яратилган, лекин бу хислатлар тарбия жараёнида такомиллашади, бу жараёнда ахлоқ жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, ахлоқ ва одоб масалалари маърифатчилик фаолияти қирраларидан бири бўлган ва жадидлар диққат марказида турган. Улар жаҳон тажрибаси аломатларини қамраб олган «янги мусулмон ахлоқи»ни тақдим этишган ва ўзлари ҳам шу ахлоқ намояндалари бўлишган. Тараққийпарварларнинг маърифатчилик дастуридаги бу ва бошқа кўплаб жиҳатларни ривожлантиришга Россия империясининг бошқа минтақаларига саёҳатлар ва у ерлардаги маърифатчилар билан мулоқот қилиш ёрдам берган.

1905 йили Тошкентда бу йўналишда Россия мусулмонлари марказий қўмитаси бюроси аъзоси Абдурашид Иброҳимов иш олиб борди. 1908 йили Қоҳирага сафари олдидан жадидчилик асосчиси, М. Беҳбудийнинг дўсти ва устози Исмоил Гаспринский яна Туркистонга ташриф буюрди ва Самарқанддаги янги усул мактаблари фаолияти билан танишди. 1910 йили таниқли татар жадиди Садри Мақсудий бутун Туркистон ўлкасини кезиб чикди<sup>1</sup>. Ўрта Осиё минтақасининг маъмурий ва маданий маркази бўлган Тошкент ислохотчилик ҳаракатлари намояндаларининг учрашувларида ҳам асосий ўрин тутган.

Жадидлар Россия империясининг Туркистондаги мустамлақачилик тизими нафақат миллий манфаатларга жавоб бермаслигини, балки мамлакатга улкан ижтимоий-иқтисодий зарар келтираётганини яхши тушунишган. Шу боис янги усулдаги

<sup>1</sup> *Агзамходжаев С.* История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). Ташкент: Тошкент ислом университети, 2006. С.40.

дунёвий таълимни жорий қилиш, миллий хусусиятларнинг энг яхши томонларини мустаҳкамлаш, маданиятни жадал ривожлантириш учун кураши охир-оқибат сиёсий мустақиллик ва бошқарувнинг демократик шакллари учун курашга айланиб кетди.

Бироқ жадиличлик ҳаракатининг бошланғич даврдаги маърифатчилик ҳаракати Россиядаги народниклик каби қуруқ маданий маърифатчилик ҳаракати бўлмаган, у миллий ўзликни англашни юксалтириш вазифасини ҳам қамраб олган. Жадиждлар маърифат тарқатиб қачонлардир буюк мамлакат бўлган Туронзамин тарихига мурожаат қилишган ҳамда бу юрт Шаркнинг ажралмас қисми сифатида Ғарбга жуда кўп нарса берганини уқтириш учун Европа тарихини ўрганишга даъват этишган.

Мусулмон оламининг бир қисми бўлган, аммо дунё тарихидаги мустақил ноёб ҳодиса саналувчи Туркистон ўлкаси ХХ аср очиб берган мураккаб ва зиддиятларга тўла келажакда ўзининг муносиб ўрнини топиши шартлигига жадиждларнинг ишончи комил эди.

Бу босқичда улар маърифат ишини бирламчи деб билишган, ҳар қандай масалани фақат ёшларга ва ҳавасманд кишиларга хос қизиққонлик билан ҳал қилишган.

Жадиждларнинг ёшини таҳлил этиб уларнинг Туркистоннинг бўлажак тузилиши дастури ёшларга хос дунёқарашни акс эттирганига ишонч ҳосил қилдик. 1910 йили ҳаракат вакиллари-нинг ёши 13 дан 36 гача ва ундан юқори бўлган. Жадиличлик раҳбари М. Беҳбудий бу пайтда 36 ёшда, кейинчалик ёшларнинг севимли шоирига айланган А. Чўлпон 13, Ф. Хўжаев 14 ёшда бўлган. Афсуски, уларнинг ҳеч бирига кексалик ёшига етиш насиб этмади.

## Миллий-тараққийпарварлик ҳаракатининг сиёсий босқичи. Жадидларнинг давлатчилик борасидаги қарашлари

Туркистонда XIX аср охири — XX аср бошларидаги ислохотчилик ҳаракати мураккаб, кўп қиррали ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жадидлар бошқа давлатларнинг тараққиётга эришиш ва ислохотлар бўйича тўпланган тажрибаларига таяниб, бу амалиётни ўлкага татбиқ этишга ҳаракат қилишди. Бирок бу жараён осонлик билан кечмади, чунончи ижтимоий тараққиётга эришиш борасидаги турлича қарашлар ўз навбатида бу заминни зиддиятлар манбаига айлантирган эди. Мустақиллик учун курашнинг бош ғояси ана шундай мураккаб шароитда шаклланди. Жадидлар бўлажак жамият ва давлатни қандай тасаввур қилишган? Уларни қайта қуриш дастурига эга бўлишганми?

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, жадидчилик ўз тарихи давомида икки босқичдан ўтган: биринчиси — маърифатчилик босқичи, иккинчиси — сиёсий босқич. Жадидларнинг давлатчилик масаласига доир қарашлари биринчи босқичдаёқ шакллана бошлаган, иккинчи босқичда эса тугал шаклга эга бўлган. Улар ўтмишга назар солиб, жамиятдаги барча салбий жиҳатларни миллий давлатчиликнинг бой берилиши билан боғлашган. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий фикрича, хонликлар ўтган 50 йил давомида дунёдан узилиб қолган ва жаҳонда эришилган ютуқлардан фойдаланишдан маҳрум бўлган, бу миллий давлатчиликнинг бой берилишига олиб келган, бу мустамлакачилик зулми остида қолиш сабабларидан биридир. Мустамлакачилик тизими Туркистон халқларини ўзлари билмайдиган европача қонунлар асосида яшашга мажбур



қилди, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун эса саводли бўлиш зарур. М. Бехбудий саводхон мутахассислар, хусусан, ҳуқуқшунослар Давлат Думаси, судлар ва Туркистондаги рус маъмурияти орқали ҳаракат қилиб миллатига фойда келтириши мумкин эди деган хулосага келади. Шундай қилиб, 1913 йилиёқ у қуйидаги назарияни илгари суради: туркистонликлар ўртасида маориф ва таълимни ривожлантириш миллий-давлат манфаатлари учун зарур.

Жадидлар дастурининг асосий қисмини Туркистондаги барча халқларнинг бирлашиши масаласи ташкил этган, зеро, улар бўлажак давлат қурилишини уларнинг бирдамлиги билан боғлаганлар.

Жадидларнинг халқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик ҳаракатларининг дастурлари билан яхши таниш бўлганлар, саёхатлар ва суҳбатлар воситасида ўзаро тажриба алмашганлар. Россияда 1905 — 1906 йилларда юз берган инқилобий воқеалар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Миллий тараққийпарварлар Россиядаги сиёсий воқеаларни диққат билан кузатиб бордилар, у ерда пайдо бўлган сиёсий партияларнинг дастурларини ўргандилар. Бироқ халқнинг миллий менталитети — унинг тинчликсеварлиги ва босиқлигига асосланиб тинч йўл билан, қонуний асосда Давлат Думасига мурожаат қилиш ва унда чиқиш орқали қўйилган мақсадларга эришишга интилдилар. Маҳаллий аҳоли сиёсий онгининг ўсишидан ташвишга тушган империя маъмурияти Туркистон вакилларининг Давлат Думасига киришига тақиқ қўйди. Шунда жадидлар Бутунроссия мусулмонлари иттифоқи таркибига кириш учун бирлашиш ва ягона мусулмон партиясини тузиш зарур деган хулосага келдилар. «Хуррият» газетасида 1906 йил

11 октябрда эълон қилинган мақолада М. Бехбудий факат шу йўл билан, Россиядаги туркий халқларнинг илгор кучларига таяниб етсангиз ҳуқуқларга эришиш мумкинлиги ҳақида ёлди<sup>1</sup>. Шу ерда социал-демократик партиянинг дастурини мусулмонлар турмуш тарзи учун яроқсиз ва хаёлий деб ҳисоблаб уларга бўлган салбий муносабатини билдирди.

Столипин реакциясидан кейин жадидлар нолегал ҳолатда иш юритдилар. Тошкент полиция департаментига етказилган хабарга кўра, асосан миллий зиёлилар ва таҳсил олаётган ёшлардан ташкил топган яширин гуруҳлардан бирига ўқитувчи Аҳмаджонов бошчилик қилган. Кўзонда 50 кишидан иборат шунга ўхшаш гуруҳ ташкил этилган. Жадидларнинг Андижондаги жамияти «Тараққийпарвар» деб номланган ва унинг бошлиги, яширин полиция етказган хабарга кўра, Убайдулла Хўжаев бўлган. Бундан ташқари, 1909 — 1916 йилларда подшо оҳранкаси агентлари мударрислар ва мактаб муаллимлари ўлкани бошқариш учун ислоҳотлар ўтказиш бўйича тарғибот ишлари олиб бораётганлари ҳақида ҳукуматни бир неча бор огоҳлантиришган<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё жадидчилигига 1905 — 1911 йилларда Туркия ва Эронда юз берган инқилоблар ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлар миллий зиёлилари ўз олдиларига монархия ҳокимиятини конституция билан чеклаш ва миллий буржуазиянинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, бунинг учун тегишли шарт-шароитларни яратиш мақсадини қўйганлар. Бироқ уларнинг тажрибаси Туркистон жадидлари томонидан тўғридан-тўғри кўчириб олинмади. Демократик ислоҳотларга эришиш учун мустамлакачиликка қарши Шарқ ва Европадаги кураш

<sup>1</sup> Бехбудий М. Хайр ул-умури авсатухо // Хуршид. 1906 й. 11 октябрь.

<sup>2</sup> Аъзамхўжаев С.С. Туркистон Мухторияти. Тошкент: Маънавият, 2000. 21-б.

тажрибасининг фақат ўлка шароитида қўллаш мумкин бўлган жиҳатларининггина маълум ўзгаришлар билан тадбиқ қилдилар.

Февраль демократик инқилоби арафасида Туркистон жадиidlари жиддий сиёсий кучга айланиб улгурганди. Агар Биринчи жаҳон урушидан сўнг жадиidlар парламент монархияси учун кураш олиб борган бўлсалар, февраль инқилобидан кейин уларнинг радикал қисми кенг қамровли талабларни илгари сурди, бу талаблар орасида ўлкани бошқаришда маҳаллий аҳоли ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий аҳоли сонидан келиб чиқиб Давлат Думасидан жой ажратиш, асосий демократик эркинликлар, авваламбор, миллий матбуот эркинлиги, монархия тузумини конституцион тузумга ўзгартириш ва ҳ.к. бўйича чуқур ислохотлар ўтказиш бор эди.

Жадиidlар Россия давлатчилигида Туркистоннинг ўрнини қандай тасаввур қилганлар? Бу М. Беҳбудийнинг мақоласида яққол ўз ифодасини топган, у ёзади: «Федерация, яъни мухторият, биз, Туркистон мусулмонлари, истаймизким, Русия мамлакатига ёпишуб туруб, хорижий ва ишларга анинг ила бир бўлиб туриб, дохил ишлар ва тирикчиликларимизни ўзимиз идора этсак, мунинг кайфияти шундай бўлур. Беш областдан иборат Туркистоннинг ҳар бир шаҳар ва уездидан бир неча нафардан киши сайланиб, Тошкандда катта марказ бир мажлисимиз бўлурки, барча олур-солиқ ва минбаъд жорий бўлатургон қонун ва низомномаларни алар тузиб, Туркистонда жорий қиладурлар. Русия ҳукумати ила мусулмонлар орасинда шул мажлис восита бўлур. Туркистон учун ва ҳар вилоят учун сайланган волий ва маъмурларни алар мустаҳкам қиладур. Туркистоннинг тараққий ва инкишофига алар ҳаракат қиладурлар. Албатта, мазкур вакил ва маъбусларимизнинг кўброқ мусулмонлардан ва озроғи руслардан бўлуб, барча ишлар ҳукм ила ва зўр ила бўлмай,

балки машварат, ризолик ила бўлур»<sup>1</sup>. Аммо ҳақ ҳуқуқларга эришиш учун, М. Бехбудий фикрича, миллатидан қатъи назар, ижтимоий курашга фаолроқ киришиш, руслар билан бирлашиб «Туркистон мусулмонлари иттифоқи»ни ташкил этиш, унга ҳар бир уездан вакил сайлаш керак — эркинлик ва мустақиллик ҳаракатининг илк шартлари шундай. У Россия демократик давлати таркибида мухторият мақомига эришишнинг бош шартиники ихтилофларни бартараф этиш деб ҳисоблаган. «Баёни ҳақиқат» мақоласида М. Бехбудий бу ҳақда шундай ёзади: «Биз истаймизки, Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яхудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошларига Русияни бир парчаси ҳисобланадургон Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизни мажлис муборровотимиз (парламентаризм) бўлсин. Туркистон мусулмонлари ўз шариат ва одатларига, ўз закўн ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар. Туркистон яхудий ва... (бошқа) мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатургон қонунлар тузулсин... Агарда биз, Туркистон мусулмонлари, хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бу кундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсалар, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламомиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватанни ривожини учун хизмат этсак. Агарда биз мухторият ривожини хоҳласак ва русларга ҳурриятдан ва ҳамватанликдан баҳра топмоқчи бўлсак, лозимки, ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда... аскарларимиз бўлсун, ул миллий аскарларимизни вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарз маишатини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана, бизнинг олдимизга энг катта ишлар турубдур. Агарда ҳаммамиз иттифоқ этиб, «Шўрои ислом» жамиятини ўзимиз учун сиёсий ва мўътабар бир жамият

<sup>1</sup> Бехбудий М. Ҳақ олинуру, берилмас // Хуррият. 1917 й. 13 июль.

қарор этуб, барча шаҳарларга шуъбаларини очиб, қадим ва жаҳидимиз бирлашуб истасак, мухториятли хурриятга ноил ўлурмиз. Вале ҳозирги Туркистон аҳволига қараганда, яна биз, мусулмонлар, русларнинг фуқароси ва раияси бўлган ўлкадек, алардан даст ва рижога қолурмиз»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, М. Бехбудий миллий-озодлик ҳаракатининг тарқоқлиги яна бошқарувнинг мустамлакачилик тизимига олиб келишини яхши тушунган. Агар бутун Туркистон халқи бирлашса, қон тўкилмайди. Ер ва мулк ажратилмайди. Тараққиёт жадаллашади. «Минг қарра доду бедодки, ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этканимиз ва ихтилофимиз сабаб ила бадбахтликга дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллионлик бир қувват уламога келурки, мунга ер титрайди»<sup>2</sup>.

Февраль демократик инқилоби тараққийпарварларнинг Россиянинг янги давлат қурилишида мухториятга эришиш мумкинлиги ҳақидаги умидларини мустаҳкамлади.

1917 йил баҳори Туркистон ўлкаси мусулмон аҳолисининг сиёсий жиҳатдан жонланишида кескин ўзгариш даври бўлди. Сиёсат майдонига демократик жараёнларга бошчилик қилишга тайёрлигини билдирган янги кучлар чикди. Шаклланаётган миллий-демократик кучларнинг негизини аввалги фаолияти давомида бу рольга тайёрланиб улгурган жаҳидлар ташкил этди. Улар ўлка туб аҳолисининг тараққийси ва мустақиллиги ҳақидаги орзулари рўёбини ўлкадаги демократик инқилоб билан боғлаган ҳолда инқилоб томонидан эълон қилинган принципларни ҳаётга татбиқ этишга фаол киришдилар. Авжига чиққан демократик жараёнларда маҳаллий халқлар сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш февраль инқилобидан кейинги

<sup>1</sup> Бехбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуг Туркистон. 1917 й. 12 июнь.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Туркистон Мухторияти // Хуррият. 1917 й. 22 декабрь.

дастлабки кунларданок уларнинг сиёсат майдонидаги асосий вазифасига айланди<sup>1</sup>. Туркистонда ушбу гоялар бошида Махмудхўжа Бехбудий турган.

Туркистонда миллий сиёсий партия ва уюшмалар юзага кела бошлади, жумладан, 1917 йил мартида жадидлар томонидан «Шўрон исломия» ташкилотига асос солинди, унинг таркибига рухонийлар вакиллари ҳам, аҳолининг бошқа ижтимоий қатламлари вакиллари ҳам кирди. Бу пайтга келиб жадидлар одамлар онгида бирликка интилишни уйғотиб маҳаллий аҳоли орасидан турли ижтимоий қатламларни эргаштиришга эришдилар. Бироқ улар тез орада Россия Муваққат ҳукумати ҳам, Туркистондаги Муваққат қўмита ҳам аввалгидек мустамлакачилик сиёсатини юритишда давом этаётганини англаб етдилар. Бу Таъсис мажлиси ўтказиш зарурлигини яққол кўрсатиб берди. Ўша пайтдан мухторият ва мустақилликка эришиш масаласи тараққийпарварлар учун ҳаёт-мамот масаласига айланди ва шиддатли сиёсий курашлар бошланди.

Жадидлар метрополиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатдилар, Россияда вужудга келаётган сиёсий партияларнинг дастурларини ўргандилар. Миллий менталитетдан, туркистонликларнинг тинчликсеварлигидан келиб чиқиб улар тинч йўл, ижтимоий петициялар, Давлат Думасидаги оммавий мунозаралар ва бошқа қонуний воситалар орқали сиёсий ён беришларга эришиш ва биринчи босқичда Туркистон миллий тараққиётининг зарурий эҳтиёжларига жавоб берувчи ҳеч бўлмаганда бирламчи шароитларни яратишга ҳаракат қилдилар. Тараққийпарварлар «пантуркизм» ва «панисломизм» гояларини Россия давлатчилиги асосларига хавф тугдирувчи деб

<sup>1</sup>Улуғ Туркистон. 1917 й. 12 июнь.

хисобловчи империяча мафкурага қарши курашишларига ва мусулмонлар бирлиги давлат бирлиги гоёсини кўзда тутмаслигини исботлашларига тўғри келди.

1917 йил июнида консерватив кайфиятдаги қисм «Шўрои исломия» таркибидан чиқиб, ўзининг «Шўрои уламо» ташкилотини тузди. 1917 йил августида Туркистон шаҳар думаларига сайловлар бўлиб ўтди. Уларнинг аксариятида «Шўрои исломия» кўпчилик овозга эга бўлди. Тошкент шаҳар думасига ўтказилган сайловда энг кўп ўринни (62) «Шўрои уламо» эгаллади. Большевиклар таъсирини йўқ қилишга уриниб ва миллий ҳаракатни мустаҳкамлаш заруратини англаб етиб тараққийпарварлар иккала ташкилотни «Турк Адами марказияти» деб номланган ягона партияга бирлаштириш ҳақида қарор қабул қилдилар<sup>1</sup>.

Таъсис мажлиси чақиришга тайёргарлик даврида ҳаракат мустақиллик учун кураш хусусиятига эга бўлди. Жадинлар мустақиллик ва мухторият учун ҳаёт-мамот жанги вақти келганини англаб мустамлакачиликни жиддий танқид қилишга киришдилар, аввалги конституцион монархия гоёсидан буткул воз кечдилар ва Туркистонга Россия Федератив Демократик Республикаси таркибида миллий-ҳудудий мухторият тақдим этилишини ёқлаб чиқдилар. «Яшасун Кўшма халқ жумҳурияти!» — 1917 йилдан жадид газеталари «Кенгаш», «Турон», сўнгра туркистонлик федерализм вакилларининг матбуот органи «Турк эли» шундай шиор билан нашр этила бошлади. Тараққийпарварларнинг дастурий ҳужжатларида асосий эътибор миллий-ҳудудий мухторият тартиботларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, Туркистоннинг мустақил ваколатла-

<sup>1</sup>Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). С.98.

рини рўёбга чиқариш учун чакирилган олий ҳокимият органларини ташкил этиш, ўлканинг бошқармалари ва судларига қаратилди. Тараққийпарварларнинг устувор вазифаси демократик ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланадиган демократик жамиятни шакллантириш эди<sup>1</sup>. Ўша йилларда Туркистондаги барча миллат ва элатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун олдида тенглиги гоясини илгари суриши уларнинг улкан хизмати бўлган. Эътиборлиси, туркистонлик жадидлар ўзларининг давлат мустақиллиги ҳақидаги гояларини ҳаётга татбиқ этишни тинчлик ва мамлакатнинг турли ижтимоий кучлари ўртасидаги мурося билан боғладилар. Улар Таъсис мажлисида ўрин эгаллаш учун катта куч ва ҳаракат сарфладилар.

Туркистондаги октябрь воқеалари ва ҳокимиятнинг большевиклар томонидан эгалланиши уларнинг олдиларига қўйган мақсадларига эришишига имкон бермади. Шунга қарамай, жадидлар большевиклар ҳукумати томонидан эълон қилинган Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги декларацияда эълон қилинган ҳуқуқларидан фойдаланиб, Қўконда «Туркистон Мухторияти» номли мустақил мухтор республика тузилганини эълон қилдилар.

Тараққиётга эришиш учун саъй-ҳаракатлар фақат давлат бундан манфаатдор бўлгандагина муваффақият қозонади. Жадидлар буни яхши тушунганлар, шу боис мустақиллик имконсиз бўлган реал вазиятни билган ҳолда Россия Федерацияси таркибидаги мустақил миллий давлат — Туркистон Мухториятига асос солишга ҳаракат қилганлар. Албатта, бу давлат ичидаги давлат тузилмаси бўлиб, унда Туркистон республикаси ва

<sup>1</sup> Агаҳходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). С.98 – 99.



Россия федерал марказининг ваколатлари аниқ чегараланган, Россия ваколатлари минимал даражага туширилган эди. Бу ўша пайтда тўлиқ ажралиб чиқиш, айна дамда, сиёсий мустақилликка даъво қилишнинг имконсизлигини тушунишдан келиб чиққан. Агар большевиклар бунга рози бўлсалар, албатта, бунини тасаввур қилиш қийин, миллий демократлар янада кўпрогини талаб қилган бўлардилар. Бу воқеалардан анча олдин, XIX аср охирларидаёқ А. Дониш шундай ёзганди: «Айна дамда руслар билан ёвлашиш ва нифок йўли ёпиқ, энди имкониятга қараб ўзбекча ва русча (белгилар)ни уйғунлаштирадиган тартибни ўрнатиш керак. Сўнгра, агар зарурат туғилса, очик тўқнашув юз беради»<sup>1</sup>.

Республика бор-йўғи уч ой яшади ва 1918 йил февралда большевиклар томонидан тор-мор этилди.

Агар маърифатчилик босқичида жаидлар фаолияти Туркистон халқларини бирлаштиришга қаратилган бўлса, 1917 – 1918 йилларда Туркистон Мухториятининг муҳим мақсадларидан бири миллий манфаатларни ҳимоя қилиш бўлди. М. Беҳбудий ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳокимият халққа мустақиллик бермаслигини асослаб берди. «Билмоқ керакки: «Ҳақ олинур, берилмайдур!» Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзини ҳуқуқи диния ва сиёсиясини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиҳодгардур. Жиҳод — жаҳд ва жиҳодни шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозир бизни жиҳодимиз фикр, газет ва басират ҳамда иттифоқ ила бўлур. Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Дониш А. Рисолаи тарихи амирони мангит. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. Инв. №1987.

<sup>2</sup> Беҳбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуг Туркистон. 1917 й. 12 июнь.

«Мустақилликка фақат кураш йўли билан эришилади, бунинг учун биз яқдил бўлишимиз лозим», — деб ёзади у. Туркистонликлар, шунингдек, европалик халқлар вакилларига мурожаат қилиб Бехбудий мухториятни сақлаш учун вақтинча бахс ва ихтилофлардан тийинлиб туришни таклиф этди. Бундан келиб чиқадикки, жадидлар дунёқарашида ушбу фикр, аввалгидан фарқли ўларок, маърифатчиликдан сиёсийга ўсиб чиқиб улгурган, яъни Туркистон Мухторияти тақдирини бевосита Туркистон жамиятидаги яқдиллик ва биродарликка боғланган.

Жадидларнинг Туркистондаги давлат қурилиши борасидаги фикрларида ўлканинг иқтисодий тараққиёти масаласи муҳим аҳамиятга эга эди. У. Хўжаевнинг мақолаларидан бири (1915 й.) ўлка зиёлиларининг иқтисодий ҳолати ва унинг хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввур беради. У ўз олдига объектив фикр билдириш мақсадини қўйиб, Қўқон, Андижон, Наманганга ташриф буюрган ва Туркистон мусулмонларининг оғир иқтисодий аҳволига шахсан гувоҳ бўлган. Айниқса, заводлар ва пахта тозалаш саноати европалик миллатлар қўлида тўпланган Қўқон аҳолиси аянчли ҳолатда эди. «Нега бу борада мусулмонлар заиф, ташаббуссиз ва ожиз?»<sup>1</sup> — деб савол қўяди муаллиф. Унинг фикрича, бунинг сабаби одамларнинг меҳнатга муносабатда тиришқоқлик ва ташаббускорлик бўлгандагина мазкур ҳолат ўзгариши мумкинлигини тушунмаганлигидадир. Андижонда мусулмонлар аҳволи бироз яхши бўлган. Наманган эса, мақола муаллифининг айтишича, маданий тараққиётда анча ортда қолган. Бироқ бу ерда, У. Хўжаев фикрича, савдо-сотик, тадбиркорлик ривожланган, ишлаб чиқариш маҳаллий аҳоли қўлида жамланган ва яхши ҳолатда бўлган. Айни дамда, айрим

<sup>1</sup>Хўжаев У. Турли ўринлар // Саҳон Туркистон. 1915 й. 2 февраль.

шаҳарларда маданий ҳаётнинг олдинги қаторларига ёш авлод вакиллари чиқа бошлаган, улар ўзларининг «миллий ва маданий қусурлари»ни англаб, уларни аста-секин бартараф этишга астойдил киришганлар. У. Хўжаев уларга Тошкент ижодий зиёлиларининг самарали таъсирини таъкидлаб ўтади. Муаллифнинг маданият ва таълимдаги қолоқликни англаш ёшларни фанларни фаол ўзлаштиришга, маърифатчилик фаолияти билан шуғулланишга ундайди деган фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. У. Хўжаев барча жадидлар каби маорифнинг жамиятни ўзгартиришга қодир қудратли куч эканига қатъий ишонган.

Жадидлар яна Туркистон келажаги ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблаганлар. М. Бехбудий «Қонуни Оврупо», «Ҳақ олинур, берилмас!», «Лойиҳа», «Қози ва бийлар ҳақида лойиҳа» мақолаларида Туркистонда ҳуқуқий соҳадаги ишларнинг абгор ҳолати ҳақида ёзади. У ўлка маъмуриятини ҳуқуқий масалаларни нафақат ҳуқуқий, балки маиший ишларни ҳам кўпинча пора эвазига ҳал этган элликбоши ва қозилар кўлига топшириб қўйгани учун танқид қилади. Бехбудийнинг таъкидлашича, шарият меъёрлари, эҳтимол, Россия сиёсати ва рус маданиятига тўғри келмас, аммо улар мусулмонларнинг ўзгармас эҳтиёжларига жавоб беради ва ислом ақидаларига кўра чуқур билимга эга бўлиш зарур, шу асосда қонун бузувчиларни, жумладан, шарият асосларини оёқости қиладиган, ўзининг ғаразли мақсадларини кўзлайдиган қозиларни аниқлаш керак.

Бу борадаги чуқур таҳлил уни қозилар суди тизимини бекор қилиш, унинг ўрнига Туркистоннинг бешта вилоятида апелляция комиссияларидан ташкил топган давлат судларини яратиш, округ судлари фаолиятини назорат қилиш учун раис,

ўринбосар ва уч нафар суд аъзосидан иборат Олий суд палата-си очиниш ҳақидаги фикрга олиб келган<sup>1</sup>. У волост сайловларида 20 ёшга тўлган ҳар бир туркистонлик қатнашиши керак деб ҳисоблаган.

Ҳатто Туркистон Мухторияти мағлубиятга учраганидан кейин ҳам жадидлар Туркистоннинг давлат қурилиши қандай бўлиши кераклиги ҳақида гапиришни тўхтатмадилар. Бу ерда М. Беҳбудийнинг 1918 йили эълон қилинган ушбу масалага дахлдор жуда муҳим мақоласига эътибор қаратамиз. Мақолада муаллифнинг нафақат давлатчилик асосида ётиши керак бўлган иқтисодий масалалар бўйича қарашлари, балки бу масалаларни большевиклар ҳокимияти қандай ҳал қилаётгани, аслида, қандай ҳал қилиниши лозимлиги борасидаги танқидий фикрлари ўз аксини топган.

Туркистон Мухторияти қулаганидан кейин, 1918 йил июнида М. Беҳбудий «Ғалла, аскарлик, ер ва таъминоти ҳарбия» мақоласини эълон қилади, унда дон таъминоти, қўшинга чақирик, ҳарбий солиқ, ер ва сувдан фойдаланиш борасидаги қарашлари қисқа-лўнда акс эттирилган.

Тошкентга маориф масаласидаги қурултойда иштирок этиш учун келган М. Беҳбудий, Туркистон компартияси раиси И. Тоболин қабулида бўлади ва ушбу масалалар бўйича ўз фикрларини билдиради. Табиийки, бу йўқ жойдан пайдо бўлиб қолган гоёлар эмас, балки узоқ йиллик маърифатчилик ва сиёсий фаолияти давомида тўпланган (унинг ўзи таъкидлаганидек, 25 йиллик) тажрибасига асосланган қарашлари эди, умуман, бу қарашларда жадидларнинг мазкур масалалар борасидаги фикрлари ўз ифодасини топган.

<sup>1</sup> Беҳбудий М. Қози ва бийлар ҳақида лойиҳа // Ойна. 1913. №5. 106 – 107-бетлар.

Ўз таклифларини айтиб у, биринчи навбатда, И. Тоболиннинг диққатини халқнинг маънавий, диний ва бошқа анъаналари билан ҳисоблашишга қаратади. Унинг иқтисодиётнинг айрим масалалари, хусусан, дон масаласидаги қарашлари большевикларникига тамомила зид эди. У озиқ-овқат қўмиталари томонидан доннинг национализация қилинишига бутунлай қарши бўлган. Беҳбудий Туркистоннинг айрим ҳудудларида деҳқонлардан дон бутунлай тортиб олинаётгани ҳақидаги гап-сўзлардан ташвишга тушиб, бу ишга салбий муносабатда эканини билдирган ва масалани ҳал қилиш бўйича дастурини илгари сурган. Унинг таклифлари қўйидагилардан иборат эди: бозор очик, нархлар эркин бўлиши керак, вилоят ва уездлардан дон олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик, хусусий новвойхоналарнинг фаолиятига қўйилган тақиқлар олиб ташланиши даркор. М. Беҳбудий ўзининг таклифларини қўйидагича асослаган: «... бозор очик бўлсун, аммо вилоят ва уезддан ғалла чиқорилмасун ва омборларнинг ғалла олиши манъ қилинсун. Такса (қатъий баҳо) асло бўлмасун. Фақат ғалла эккан деҳқонлар бир ботмон экилган ердан тўрт пуд ғалла такса юзасиндан берсунларким, бу ҳам аввало дафтар бўлуб, сўнгра берилсун»<sup>1</sup>.

Қўшинга олиш масаласида ҳам Беҳбудий ўз нуқтаи назарига эга бўлган. Унинг фикрича, ҳали янги ҳокимиятга кўникмаган аҳолини мажбурлаб қўшинга чақириш зарар келтириши мумкин. Бунинг ўрнига у кўнгиллилар қўшинини тузишни, ҳарбий солиқни бекор қилишни таклиф этади, негаки қимматчилик ва очарчилик халқни хонавайрон қилган. Муаллиф, жумладан, шундай дейди: «... мусулмонлар хануз шунга ўрганмаган ва ҳам дохийий фитначилар қора халқнинг фикридан фойдаланиб,

<sup>1</sup> Беҳбудий М. Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия // Меҳнаткашлар товуши. 1918 й. 2 август.

эхтимолки, баъзи бир фитналарга сабаб бўлсалар. Ва ҳам но-  
маълум ва сиёсатан фикри билкулли нотўғри кишилар кўлига  
яроқ ўтуб, эхтимолки, кутилмаган ёмон ходисалар пайдо бўлса.  
Шунинг учун таклиф қиламанки, то халқ ўрганиб, бир оз аҳвол  
ўзгаргунча умумий аскар олимай, кўнгилли тариқида тарғиб  
ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволига қараб олинса эди»<sup>1</sup>.

Бехбудий ерларнинг национализация қилинишига қарши  
чиқиб, статистик таҳлил йўли билан уларнинг ҳолатини аниқ-  
лаш зарурлигига эътиборни қаратган ва И. Тоболиндан корхо-  
налар, устахоналар, тегирмонларни национализация қилишни  
тўхтатиб туришни сўраган<sup>2</sup>. Унинг фикрича, озиқ-овқат раз-  
вёрсткаси ва ерларнинг национализация қилиниши ҳукумат  
ва халқ ўртасидаги тўқнашувларга, шунингдек, халқ оммаси-  
нинг ниҳоятда қашшоқлашишига олиб келиши мумкин. Унинг  
бу башоратлари кейинроқ ҳақиқий воқеликка айланди. Бирок  
ўша пайтда у соддалик билан И. Тоболин бу таклифларга ижо-  
бий муносабатда бўлди деб ўйлаган. Унинг бу масалалар бо-  
расидаги нуқтаи назари жадидлар иқтисодий концепциясининг  
бир қисми сифатида большевиклар концепциясига умуман мос  
келмасди.

Жадидчилик Ўрта Осиёда анча серқирра ходиса ҳисобланиб,  
Бухоро ва Хивадаги миллий-тараққийпарварлик ҳаракатлари  
унинг ўзига хос шакли эди. Ўзига хос хусусиятлари ва ривожла-  
ниш шакли билан фарқ қилган ҳолда улар мазкур минтақалар-  
да яшаётган халқларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳола-  
ти билан боғлиқ бўлган. Ф. Хўжаев ўтмишда ислом маданияти  
ривожланган марказлардан бири бўлган Бухорога ҳурмат сақ-

<sup>1</sup> Бехбудий М. Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия // Меҳнаткашлар товуши. 1918 й.  
2 август.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

лаган ҳолда бу ерга Европа, хусусан, Россия иқтисодиётининг кириб келиши ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқарганини таъкидлайди<sup>1</sup>. Ўрта асрларга хос анъанавий бошқарув шакли ва турмуш тарзининг сақланганлиги, айни дамда, иқтисодий қарамликнинг кучайиши Бухорони мушкул аҳволга солиб қўйган. Бухоро жамиятининг тараққийпарвар кучлари огир вазиятдан чиқиш йўлларини қидириш зарурлигини тушуниб етган.

Шу боис Бухоро жадиidlари, хусусан, А. Фитрат асарларида ҳуқуқ, савдо-сотик, бошқарув ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ масалалар жиддий танқид остига олинган.

Шунга қарамай, тарих жадиdчилик ҳаракати учун ортга йўл йўқлигини кўрсатди: маърифатчилик ва маданиятчиликнинг тор доирасидан бошлаб, кейинчалик у ўз олдига жамиятни ва унинг бошқарув тартибларини ислоҳ қилиш мақсадини қўйган сиёсий ҳаракатга айланди. Жадиdчилик Татаристонда «Му-сулмон иттифоқи», Туркистонда «Шўрои исломия», Бухорода эса «Ёш бухороликлар» партияларининг шаклланишига имкон берди. Бирок сиёсий талаблар ушбу партиялар ташкил топганидан кейингина биринчи ўринга чиқа бошлади деб ҳисоблаш хато бўлур эди, улар аввал ҳам илгари сурилган.

Жадиd ташкилотлари мақсадларининг кенгайиши ва уларнинг сиёсийлашувига, биринчидан, қанчалик ғайритабиий туюлмасин, амир ҳокимиятининг реакцияси ва унинг ортидан 1914 – 1915 йилларда газеталар ва янги усул мактабларининг ёпилиши сабаб бўлди. Иккинчидан, жадиdлар сафи хорижда таҳсил олган ва миллий тараққийпарварлик ҳаракатининг Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги тажрибаси билан таниш-

<sup>1</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Ташкент, 1926. С.8.

ган ёшлар орқали тўлиб борди. Улар маданиятчилик билан чекланмасдан, аниқ сиёсий вазифаларни ҳал қилиш, солиқларни қисқартириш, амалдорларнинг ҳокимиятини чеклаш, деҳқонларнинг ҳаётини енгиллаштиришни талаб этиш керак деб ҳисоблашган. Натижада жадидлар икки қарама-қарши гуруҳга: эскича фикрловчилар ва А. Фитрат бошчилигидаги ёшларга бўлиниб кетди. Улар ўртасида зиддиятлар келиб чиқа бошлади, бу, ўз навбатида, ҳаракатларнинг номувофиқлиги, амир манифестини қўллаб-қувватлаб ўтказилган тинч намойишнинг тарқатиб юборилиши ва кейинчалик «Ёш бухороликлар» партиясига асос солган жадидларга қарши қатағонларнинг бошланишига олиб келди.

Ёш бухороликлар қандай давлат тузишни хоҳлаганлар ва уларнинг давлатчилик борасидаги қарашлари асоси нималардан иборат бўлган?

«Ёш бухороликлар» ўзининг ислохотлар дастурига эга бўлиб, унда жадидларнинг давлат қурилиши борасидаги қарашлари умумлашган ҳолда акс этган. Унинг лойиҳаси асосан А. Фитрат томонидан ишлаб чиқилган ва Марказий кўмита томонидан қабул қилинган. Шунини инобатга олиш керакки, бу дастур жадидларнинг кенг қамровли мақсадларининг фақат бир қисмини ифодалаган. Шунга мувофиқ равишда улар сиёсий вазиятни ҳисобга олиб давлат қурилишининг глобал вазифаларини ёки зўрлик йўли билан бошқарувнинг республика шаклини ўрнатиш мақсадини қўйишмаган. Ф. Хўжаев ушбу лойиҳани минимал дастур деб атаган, унда «конституция масаласини ҳал қилмай, бошқарувнинг монархия шаклини ўзгартирмай... икки мақсад кўзда тутилган: Бухорода ҳуқуқий давлатчиликни жорий этиш, ўрта асрларга хос шарқона мустабид тузумни Европа намунасидаги маърифатли монар-



хияга алмаштириш ҳамда Бухородаги меҳнаткаш омманинг фаровонлиги ва маданиятини ошириш асосида Бухорони иқтисодий, сиёсий, ҳарбий томондан мустаҳкамлаш»<sup>1</sup>. Давлат бошқаруви соҳасида дастур инқилобий бўлмаган ва амир бошқарувининг ҳуқуқий асосларига деярли дахл қилмаган. Бироқ ички ишлар масаласида Бухорода қатъий маъмурий бўлинишни амалга ошириш, ҳукумат томонидан ҳақ тўланадиган маҳаллий бошқарув органларини таъсис этиш ва бошқарувни марказлаштириш талаб қилинган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш жуда чекланган доирада кўзда тутилган: фақат ҳокимиятнинг қўйи бўғини — оксоқоллар халқ томонидан сайланиши керак эди. Адлия ташкилотлари шарият қонунларига таяниши ва руҳоний шахслар қўлида қолиши керак бўлган. Шу билан бирга, ўн кишидан иборат Вазирлар кенгашини яратиш таклиф қилинган, унинг таркибида қўйидаги вазирлар бўлиши керак эди: зироатчилик, вақф ишлари, ҳарбий иш, молия, ички ишлар, адлия, миршаблар, алоқа йўллари, қазув ва қайта ишлаш саноати, маориф, шунингдек, ташқи ишлар вазирлари. Аммо вазирларнинг сайлаб қўйилиши ва уларнинг жавобгарлигига тўхталиб ўтилмаган.

Барибир, мамлакатни иқтисодий ва маданий қайта қуриш масалаларида ёш бухороликлар кўпроқ журъат кўрсатдилар, Бухоро аҳолиси турмушнинг барча соҳалари, айниқса, солиқ сиёсати соҳасида ислохотлар ўтказишни таклиф қилдилар, бу ислохотлар халқ оммаси аҳволини яхшилашга қаратилганди.

Лойиҳа, жумладан, давлатга ва меҳнаткашларга тегишли ерлардан олинадиган солиқларни камайтириш, аксинча, хусусий бўлган «мулк» ерлари ва давлатники ҳисобланган, аммо амир

<sup>1</sup> *Ходжаев Ф.* К истории революции в Бухаре. С. 35.

томонидан хусусий шахсларга бириктириб қўйилган «мулки хирож» ерларининг бир қисмига солиқларни кўпайтиришни кўзда тутган. Обод қилинган, лекин экин экилмаган ерларни солиққа тортиш, ёш бухороликлар фикрича, экин экишдаги зўриқишга ёки ерга ишлов беришга қодир бўлмаган хўжаликларга сотиб юборилишига сабаб бўлиши мумкин эди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, экин ерлари майдонини кенгайтириш ва ер эгаллигини интенсивлаштириш, Зарафшон сугориш тизимини тартибга солиш масалаларига ҳам дахл қилинган. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришни рағбатлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги кредити ва ишлов беришни механизациялаштириш, яъни Бухорода вилоятларда кўп сонли шохобчаларига эга, мамлакат деҳқончилигини «кўп сонли қишлоқ судхўрларининг ўткир чангалидан кутқариш, шунингдек, Бухорога кўплаб қишлоқ хўжалик машиналарининг олиб келиниши ва деҳқонларга бўлиб берилишига ҳамда деҳқонларни улардан фойдаланишга ўргатишда»<sup>1</sup> ёрдам бериши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик банкига асос солиш назарда тутилган.

Ёш бухороликлар дастурида маориф масалалари муҳим ўрин эгаллаган, айти дамда, вақф институтига алоҳида ўрин ажратилган. Бироқ улар маориф ва вақф вазирликлари вазифаларини ажратишмаган ҳамда таълимни ривожлантириш ишида иккинчисини маъқул кўришган.

Ёш бухороликлар, албатта, кучли мустақил давлатнинг бош белгиси қўшин ҳисобланишини яхши тушунишган. Амир қўшинларининг ҳолатини ҳисобга олган ва Европа давлатлари, хусусан, Россиянинг ҳарбий тузилмаси ҳақида тасав-

<sup>1</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. С. 32.

вурга эга бўлган ҳолда улар қўшин тузишнинг умумий ҳарбий мажбурият, давлат хазинасидан ҳақ тўланадиган қўмондонлар таркиби учун ҳарбий мактаб яратиш, аскарларни алоҳида либос ва минимал ойлик маош билан таъминлашни кўзда тутадиган европача усулини жорий қилиш шарт деб ҳисоблашган. Айни дамда, амир қўшинида кенг қулоч ёйган олий амалдорларнинг қуйи амалдорларга нисбатан бошбошдоқлиги ва бешафкат муносабатига барҳам бериш зарурлиги таъкидланган.

Молия соҳасини кўздан кечириб ёш бухороликлар молия вазирлиги ишини батафсил лойиҳалаштира олмаганлар, фақат у амирнинг шахсий маблағини умумдавлат маблағидан ажратишни, солиқларни тартибга солиш ва аниқ белгилашни, ҳар йили давлат бюджетини эълон қилишни кўзда тутишини кайд этишган, холос.

Умуман олганда, камчиликларга қарамай, ёш бухороликларнинг биринчи дастури миллий демократлар томонидан Бухорони тубдан қайта қуриш зарурлигининг тушунилишини ифодалаган ёрқин ҳужжатга айланди. Ёш бухороликларнинг Туркистондаги Марказий бюроси томонидан яратилган иккинчи ҳужжат ундан тубдан фарқ қилган, эндиликда улар амир ҳокимиятини қандай бўлмасин ағдариш ва Туркистон большевиклари ёрдамида ўз ҳокимиятини ўрнатишга қарор қилиб улгуришганди. Ҳужжатнинг асосий қоидалари амирни ағдариш ва аҳоли сонига пропорционал равишда ва умумий сайлов ҳуқуқи асосида шакллантирилган ҳукуматга эга халқ республикасини тузишга қаратилган. Шундан келиб чиқиб мазкур ҳужжат анча сиёсийлашган ва ёш бухороликлар қуришни ният қилган давлат борасидаги аниқ қарашларини акс эттирган.

Туркистондаги қочқинлик йиллари изсиз кетмаганди. Ўлкада мавжуд бўлган сиёсий тизим уларга таъсир қилганди, бу дастурнинг қуйидаги нуқталарида ўз аксини топган: «Партия капиталистик Европа билан ҳар қандай ҳамкорликдан воз кечади, аммо европалик ишчи ва деҳқонлар билан меҳнаткашларни озод этиш борасида ҳамкорликда кураш олиб боради»; «партия бор куч ва воситалар билан Европа империализми ҳукми остидан озод бўлиш учун курашади»<sup>1</sup>. Аввалги дастурдан фарқли ўлароқ, ёш бухороликлар миллий масалага катта аҳамият беришган, партия миллий ва диний низо чиқишига йўл қўймаслиги, бор куч-ғайрати билан «Бухоро Халқ Республикасининг ҳар бир фуқароси ҳуқуқларда бошқалар билан тенг бўлиши, унга тақдим этилган барча ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланиши»га<sup>2</sup> интилиши кўрсатиб ўтилган.

Бухоро жадидларининг ушбу дастурига кўра, ҳуқуқ соҳаси тубдан янгиланиши керак эди. Таъсис мажлиси томонидан ишлаб чиқилган қонунлар «фаолиятига ҳар қандай аралашиш ва бегона кишиларнинг таъсиридан» муҳофаза қилинган судлар томонидан сўзсиз бажарилиши кўзда тутилган. Жиноят судлари икки инстанциядан ташкил топиши керак эди: биринчи инстанция судлари аҳоли томонидан сайланиши, иккинчи инстанция судлари эса биринчи инстанция судлари кўриб чиққан ишларга аниқлик киритиши талаб этиларди. Мазкур дастурда саккиз соатлик иш куни белгиланиши, касаба уюшмаларининг ташкил этилиши, тижорат ва давлат кредитлари масалалари ҳам янгилик эди.

Бундан ташқари, ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлатнинг меҳнатни муҳофаза қилиши, 18 ёшга тўлмаган

<sup>1</sup>Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. С.65.

<sup>2</sup>Ўша жойда.

шахсларни меҳнатга ёллашнинг тақиқланиши, кекса ва меҳнатга лаёқатсиз ишчилар борасида давлат сугуртаси кўзда тутилган<sup>1</sup>.

Бироқ ёш бухороликлар ушбу дастурни амалга ошириш усуллари масаласида ягона тўхтамга кела олмадилар. Маълумки, ёш бухороликларнинг «Ёш бухороликлар» партиясининг Турк бюроси томонидан ишлаб чиқилган дастур коммунизм гояларига зид деб ҳисоблаган коммунистик гуруҳи ҳам мавжуд эди. Гарчи мақсадлари битта — амир ҳокимиятини ағдариш бўлса-да, айнан юқорида таъкидланган жиҳат иккала гуруҳнинг бирлашишига тўсқинлик қилди. Коммунистик гуруҳ вакили Орифов «дин ва шариат» сўзлари бирлашиш учун ўтиб бўлмас гов эканини таъкидлаган<sup>2</sup>. Ёш бухороликлар Турк бюроси раҳбари Ф. Хўжаев мушкулотларни бартараф этишга ва ўз партиясининг мавқеини сақлаб қолишга қанчалик уринмасин, РКП(б) Турк бюросининг қатъий талаби билан қўшилиш юз берди, оқибатда Россия коммунистик партиясининг бир қисми сифатида Бухоро коммунистик партияси ташкил этилди. Шу вақтдан бошлаб февраль инқилобига қадар бўлган позицияда турган жадинларнинг катта қисми сиёсатдан четлашди. Қатагон йилларида улар ҳам совет ҳокимиятига қўшилганлар қаторида жисмонан йўқ қилинди.

Аввал айтиб ўтилганидек, Хива хонлигида жадинчилик XX аср бошларида биров бошқача тарихий шароитларда юзага келган. Бу ерда жадинчилик ҳаракати иккита оқимдан иборат эди. Ўнг оқим ўша пайтда хонликда ривож топган савдо-саноат корхоналари эгалари ва йирик ер эгаларини бирлаштирган. Унга Ислом Хўжа — Асфандиёрхоннинг бош вазири бошчилик

<sup>1</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. С. 65.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

қилган. Улар ўз олдиларига хон ҳокимиятини сақлаб қолган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш орқали бозор муносабатларини ривожлантириш йўлларини кенгайтиришни қўйганлар. Хива жадидчилигининг сўл оқимига майда буржуазия вакиллари, хунармандлар, уламолар ва аҳолининг ўрта қатлами кирган. Унинг раҳбари Хива хонлиги шайхулисломи Бобоохун Салимов эди. Бироқ Биринчи жаҳон урушига қадар Хива жадидларининг ягона маркази ва дастурий ҳужжатлари бўлмаган.

Бухорода жадид ҳаракатидан «Ёш бухороликлар» партияси келиб чиққанидек, 1914 йил августда Хивада жадидларнинг сўл оқими томонидан «Ёш хиваликлар» партияси ташкил этилди, унга Полвонниёз ҳожи (Полёз ҳожи) Юсупов раҳбарлик қилди.

Партия ўз дастурига эга бўлиб, унда Хивада конституциявий монархия ўрнатиш ва демократик ўзгаришларни амалга ошириш мақсади қўйилган.

1917 йил 5 апрелда Хива хони Асфандиёр «Ёш хиваликлар» партияси томонидан тайёрланган манифестни имзолашга мажбур бўлди. Унда ислохотлар ўтказиш, жумладан, янги усул (жадид) мактаблари очиш, мамлакатда темир йўллар қуриш, почта ва телеграфни йўлга қўйиш, давлат хазинасини назоратга олиш, амалдорларнинг сайланишини таъминлаш ва уларга маош белгилаш, шунингдек, одамларнинг шарият олдида тенг ҳуқуқлилигини эълон қилиш талаб этилган. Ислохотларнинг боришини назорат қилиш учун хон ҳузурида 49 нафар вакилдан иборат назорат органи (Идораи маршрут) тузилди. Давлатни бошқариш учун Хивада хон ҳузурида парламент кўринишидаги Мажлис (раиси Б. Салимов) ва Нозирлар кенгаши (раиси Хусайнбек девонбеги Матмуродов) ташкил этилди. Аммо Асфан-

диёрхон тез орада уларни тарқатиб юборди ва Идораи машру-  
тияни ёпиб қўйди<sup>1</sup>.

1919 йили «Ёш хиваликлар» партиясининг янги дастури қа-  
бул қилинди, 1920 йил 8 февралда у Тошкентдаги «Известия»  
газетасида эълон қилинди. Унда Хива инкилобий партиясининг  
яқин келажакдаги вазифалари ифодаб берилди ва 12 банд-  
дан иборат манифест чиқарилди, унда Хивада хон ҳокимияти-  
ни ағдариш, хон ва унинг яқинлари мулкани национализация  
қилиш, йирик мулкдорларнинг ерларини камбағал деҳқонларга  
бўлиб бериш, хон тузумига барҳам бериш ва халқ-демократик  
бошқаруви шаклидаги республикага асос солиш режалашти-  
рилган<sup>2</sup>. Хива инкилоби ҳам Бухородаги сценарий бўйича кеч-  
ди. Хива жадиidlари тақдири ҳам Бухоро ва Туркистон жадиidlа-  
риники билан бир хил бўлди.

Ҳар қандай ҳаракат ҳам унинг етакчилари кутганидек яқун  
топавермайди ва биз, албатта, уларнинг хато-камчиликларини  
ҳисоб-китоб қилишдан йироқмиз. Бироқ Бухоро ва Хива жа-  
диidlарининг жамиятни янгилаш ишидаги ҳал қилувчи хатоси  
уларнинг узоқни кўролмаслигидан келиб чиққан ўта инкилобий  
йўлни танлашида эканини қайд этмаслик хато бўлур эди. Улар  
большевикларнинг кучига умид боғлаб ўзлари қарши кураш-  
ган нарса — қарам ярим мустамлака тизимга эга бўлишларини  
кўра олмадилар. Фақат сарфланган шунча саъй-ҳаракатлар,  
тўкилган қонлар ва берилган қурбонлар қўйилган мақсадга  
эришишга олиб келмаганига ачиниш мумкин, холос, шубҳасиз,  
жадидчилик ва унинг гоёси тарихда ўз даврининг ноёб феноме-  
ни сифатида сақланиб қолди.

<sup>1</sup> Юсупов П. История младохивинцев (воспоминания). Ургенч: Хоразм, 2000. С. 74 – 75.

<sup>2</sup> Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. Алма-Ата: Наука, 1964. Т.9. С.499.

Ўзларининг ривожланган давлат барпо этиш борасидаги гояларини амалга ошириш жараёнида Туркистон, Бухоро ва Хива жадидлари консервативлик, лоқайдлик ва қолоқликка қарши курашга катта эътибор бердилар. Бу вазифаларни ҳал қилишда улар тараққиётнинг ёш ва саводли тарафдорларига таяндилар. Улар ўқувчилар диққатини Европа давлатлари замонавий тараққиётга эришиш давомида ўтган йўлларга қаратиб ўз асарларини кўплаб тарихий мисоллар билан бойитдилар. Жадидлар тил ўрганиш, фан-техникани ривожлантиришга алоҳида эътибор бердилар ва ўтмишдаги, бугунги Туркистоннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб келажак дастурини қўйидагича шакллантирдилар: банк капиталининг эркин ҳаракатланишига таяниб совет ҳокимияти ва хусусий мулк дахлсизлиги асосида мустақил давлат барпо этиш. Бундай давлат, исломга ҳурмат сақлаган ҳолда барча кўринишдаги маданиятнинг эркин ривожланишини маъқуллаши керак эди. Жадидлар халқнинг маданиятини халқаро стандартлар даражасига кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув марказларида ўқитиш зарур деб ҳисоблаганлар, зеро, мамлакат келажаги уларнинг қўлида эканини тушунганлар.

Миллий тараққийпарварлар фаолияти ва дастури келажак авлодлар учун жуда ибратли. Шубҳасиз, уларнинг тарихий хизмати шундан иборатки, ўша пайтда етилган ижтимоий вазифаларни эволюцион-ислоҳотчилик гоялари асосида формацион-институционал ўзгаришлар йўли билан ҳал қилдилар.

Аммо, барибир, бошқа партиялар ва ҳаракатлар билан бирлашиш ҳаракатларининг кучсизлиги, Туркистон жадидларининг ўта зиёлилиги, ва аксинча, Бухоро ҳамда Хива жадидларининг сиёсий калтабинлиги, улар таркибидаги ёшларнинг ҳар



қандай йўл билан, хусусан, большевиклар ёрдамида ҳокимият-ни эгаллашга бўлган интилиши ҳалокатли оқибатларга олиб келди.

Аянчли яқун топганига қарамай, жадинлар асос солган миллий-тараққийпарварлик ҳаракати миллий ўзликни англашнинг ўсишига имкон яратди, миллий-озодлик ғоясининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади.

### **Бухородаги жадинчиликнинг ўзига хос хусусиятлари**

Кўп асрлар давомида илм-фан ва таълим маркази бўлган Бухорода қандай қилиб XX аср бошида бу каби реакцион, консерватив тузум вужудга келди? Бунинг сабаблари нимада? Жадинлар уни қандай баҳолаганлар, қандай изоҳлаганлар? Маърифатчилик ҳаракатини нима рағбатлантирган ва нима унга тўсқинлик қилган? Бу масала кўплаб тадқиқотчиларни ўзига жалб қилиб келади.

Яхшилаб назар солинса, кўплаб фикрлар архив ва адабий манбаларни кенг жалб этмай, фақат ҳиссиётлар устига қурилгани кўзга ташланади. Кейинги пайтларда тарихчиларнинг Бухоро учун «баракали» бўлган амир бошқаруви «жадинлар томонидан барбод қилингани» ва уларнинг фаолияти XX аср бошида Бухоро иқтисодиёти, маданияти ва диний асосларига катта зарур келтиргани ҳақидаги мулоҳазаларини эшитишга тўғри келмоқда. Бу каби фикрларни қабул қилиш ёки рад этиш учун Бухорода XIX аср охири — XX аср бошида — аҳамиятига кўра бутун бир тарихий даврга тенг вақтда нималар бўлганини аниқлаштириб олиш зарур.

Бу мақсадда, биринчи навбатда, Бухорода бу даврда юз берган жараёнларга бевосита дахлдор бўлган ва уларни ўз асарларида тавсифлаган одамларнинг гувоҳликларига эътибор қаратиш талаб этилади. Ўша пайтдаги Бухоро тарихи ҳақида мушоҳада юритган тадқиқотчилар, авваламбор, биз юқорида эслаб ўтган атоқли олим, маърифатчи ва шоир Аҳмад Дониш асарларига таянадилар.

XIX асрнинг 50-йиллари ўрталарида амир Насруллоҳ саройига бош хаттот ва рассом сифатида хизматга кирган А. Дониш 1870 йили ўз ихтиёри билан хизматдан кетади, негаки бу хизмат унинг давлатнинг адолатли тартиби ҳақидаги тасаввурларига мос тушмасди. У бу ҳақда шундай ёзади: «... Тартиб йўқлиги боис кўшинда хизмат қилиш ва ҳукмдорларнинг хизматида бўлиш менга мушкул ва бефойда туюлди, таклиф қилишларига ва ёзгиришларига қарамай, мадрасага жойлашдим, қотган нонга қаноат қилдим»<sup>1</sup>. Бухоро амирлари унинг чуқур билимини инобатга олиб уч марта Россияга юборилган элчилик таркибига киритганлар. Россия сафарлари унинг Бухородаги ҳукмрон доираларга танқидий муносабатини янада оширди. У амирликдаги бошқарув шаклларининг қоқоқлигини яхши тушунган. 70-йиллар охиридан (то амир Музаффарнинг вафотига қадар) Аҳмад Дониш олисдаги Ғузур ва Нарпай вилоятларида қози бўлиб ишлади. Бу фаолият унинг Бухорода ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрини янада мустаҳкамлади. Биз аввалроқ тилга олган давлат қурилиши ва одамларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги асари («Наводир ул-вақое» — «Нодир воқеалар»)да у мавжуд тузумга муносабат билдиради ва Бухоро амирлиги давлат бошқарувини ислоҳ қи-

<sup>1</sup> *Епифанова Л.М.* Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России. Бухара-Ташкент, 1965. С.14.

лишни таклиф этади. Мамлакатнинг хақиқий ҳолати, бошқарув тизими, халқнинг аҳволи, шунингдек, Россия билан урушнинг кўпроқ «Рисола» ёки «Рисолаи тарихи амирони мангит» («Мангит амирлари тарихи бўйича рисола») <sup>1</sup> номи билан машҳур бўлган асарда ифодаланган. Бухоронинг Дониёлбийдан Абдулахадгача бўлган барча амирларини (Шохмуроддан ташқари) у давлат ва фуқароларнинг манфаатини эмас, ўзининг шахсий манфаатини ўйлайдиган нўноқ ҳукмдорлар деб таърифлайди. «Улар, — деб ёзади муаллиф, — қўлларига илинган нарсани — беваларнинг шамидаги оловни ва вақф омборларидаги нонни ҳам тортиб олганлар, буларнинг бари ўз нафси ва кўнгилхушлиги учун. Ҳеч кимнинг эътироз билдиришга журъати етмаган. Амир ва ҳокимлар орасида киморбозлик, шаробхўрлик ва бузуклик бозори авж олган, жабр-зулм, солиқлар ва аминона, вакилона каби турли-туман йиғимларнинг кўплигидан дехқон ва ҳунармандларнинг на ўтиришга, на юришга имкони қолган» <sup>2</sup>. А. Дониш кундалик ҳаётдан мисоллар келтириб ёзади: «Агар қандайдир бева аёл бозорга бир калава ип келтирса ва уни уч фулусга (махаллий танга — Д.А.) сотса, амин икки фулусини тортиб олади, мабодо кимдир бир боғ ўтин олиб келиб, уч дирҳамга сотса, унинг икки дирҳами аминнинг ҳақига айланади» <sup>3</sup>.

А. Дониш Бухорога пилла сотиш учун келган ғиждувонлик дехқон оғзидан кизиқарли ҳикояни келтиради: «Бозорга келишим билан молимни бир нечта тарозига тортқилашди, 2 — 3 жойда аминона ва жой ҳақи олишди, ярим вазни ва ярим ҳақини белгилаб беришди, шундай экан, 10 тангани олибоқ бозордан

<sup>1</sup> Рисола. ЎЗР ФА ШИ. Кўлёзма. Инв. №1987.

<sup>2</sup> Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России. С.19.

<sup>3</sup> Ўша жойда. С.19.

техда қочиб қолдим ва бу ўғриларнинг таролисида, худо кўрсатмасини, ўзим ҳам йўқолиб қолмай деб қапалагим учиб кетди»<sup>1</sup>.

Бундай вазият жамият ҳаётининг барча соҳаларига хос эди. Бухоронинг иқлим шароитида ҳаёт-мамот масаласи бўлган суғориш соҳасида ҳам одамларни шиллишининг ўша тизимни ҳукмрон бўлган. Сув шаҳарга кириб келишидан анча олдин мироблар ҳақ олишни бошлашган, у ариқларни тозалашда катнашганлардан ҳам олдинган. Дехқонлардан ҳатто экин экилмаган ерлар учун ҳам солиқ ундирилган, солиқ тўламаганлар зиндонбанд этилган. Миршаблик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. А. Донишнинг айтишича, «жамоат хавфсизлиги посбонлари» давлатдан маош олишмаган. Уларнинг хизмат ҳақи аҳолидан ундирилган йиғимлардан иборат бўлган, шу боис улар «табiiий равишда» Бухоро аҳолисининг ҳаёти ва мол-мулкини сақлаш ўрнига ўзлари қароқчиға айланишган, талончилар билан келишиб олишган. Ҳокимият тизимининг ижтимоий пиллапоясида бу энг қуйи қатор эди. Энг юқори қатор сарой ҳисобланган, унда давлат хизматиға тайинлаш кўпинча катта мансаб эгасиға пора тарзида бериладиган қимматбаҳо «тухфа» ёки мансабға даъвогарнинг ёш қизи борлиги билан белгиланган. Амалдорларнинг мансабини сунистеъмол қилиши, амиру умароларнинг очкўзлиги, диний аҳкомлардан номақбул ҳатти-ҳаракатларни оқлаш учун фойдаланиш, таълимнинг абгор аҳволи, давлатнинг мустақиллигини асрашға қаратилган аниқ ташқи сиёсат йўналишининг йўқлиги, минтақадаги янги ерларни эгаллашға қаратилган калтабин ҳаракатлар, боз устиға, халқнинг ночор аҳволи — мана ўша пайтда яшаган шахс томонидан амир Музаффар давридаги Бухоро амирлигиға берилган умумий тавсиф.

<sup>1</sup> *Елшфанова Л.М.* Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России. С.19.

Айтиш жоизки, А. Дониш шунчаки танқид билан чекланмаган, ўз юртининг абгор ҳолатини англаш унинг елкасига огир юк бўлиб тушган. Ривожланган давлатлар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлган ҳолда у вазиятдан қутулиш мумкинлигини, бунинг илгор ташаббуслар белгилаб беришини билган ва бунга ишончи комил бўлган. У ислохотни ҳаёт-мамот масаласи бўлмиш сугориш тизимидан бошлашни таклиф қилган ва ўз аса-рида рус-бухоро урушидан кейин Зарафшон суви подшоҳ ҳукмати назоратига ўтгани туфайли янада мураккаблашган амирликдаги сув тақчиллигини Қалиф ва Керки атрофида Амударёдан сугориш каналларини чиқариш лойиҳасини илгари сурган. Юқорида айтилган сабаблар боис қурғоқчилик бошланган, аммо бу одамларни солиқ тўловидан озод этмаган, шу сабабли кўплаб деҳқонлар Қазали қишлоғи ва руслар назорати остидаги ҳудудларга кетиб қолган. Бу каби ҳодисалар ижтимоий ҳусу-сиятга эга бўлган ва қишлоқда чуқур таркибий ўзгаришларни келтириб чиқарган.

Рисолани ўқир эканмиз, Аҳмад Дониш ўз мақсадлари йўлида ёлғиз бўлмаганига ишонч ҳосил қиламиз. У аҳолининг тўртдан бир қисми бундай тартибдан норози эканини ёзади. Бу халқнинг айнан унинг ўзи онгига маърифат уругини қадаган қисми эди, натижада тараққиёт ва жамиятнинг тўлақонли ривожига даъват қилган жадиличлик деб аталган ҳаракат етилиб кела бошлади. Унинг асосчиси А. Дониш бўлди.

Унинг издоши ўз даврида фан оламида машҳур бўлган Мирза Абдул Азим Соми бўлган. Тазкираларнинг ҳаммасида у таниқли тарихчи, адиб, шоир, хаттот ва «нотиқлик устаси» сифатида таърифланади. У амир Музаффар даврида ва ўн йилдан ортиқ амир Абдулаҳад ҳузурида «мунший» (амир котиби) лавозимида ишлаган. XIX аср охири — XX аср бошларида Бухорода

юз берган ҳодисаларнинг гувоҳи сифатида у авлодларга қатор асарлар қолдирди, улар орасида энг машҳури «Тарихи салотини Мангития» («Мангит ҳукмдорлари тарихи») ҳисобланади, унда муаллиф Бухоро амирлигининг ҳолатига тавсиф беради ва Россиянинг Туркистонни босиб олиши тарихини батафсил баён қилади. А. Дониш асарларидан фарқли ўлароқ, муаллиф китобда ҳарбий ҳаракатларнинг тўлиқ манзарасини беради, Самарқанд ва Шарқий Бухоро аҳолисининг аҳволи ва руҳияти ҳақида ҳикоя қилади, Дукчи эшон бошчилигида 1898 йили Андижонда юз берган исён ҳақида тўхталади ва ҳ.к.

Совет тарихшунослигида шу қадар қимматли асардан узук-юлуқ ҳолатда фойдаланилган, муаллифи эса русларга қарши фикрларни тарқатувчи шахс деб баҳоланган. Асардаги амирликнинг мустақилликни бой бериши ҳақида алам билан битилган қисмлар муаллифнинг шахсига салбий баҳо бериш учунгина қўлланилган. Унга «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг ижобий аҳамиятини тушуна олмаган» инсон тамғасини босишган. Шунга қарамай, асарига қараб баҳо берадиган бўлсак, Соми юксак даражадаги ватанпарвар шахс эди. Бухоронинг Россия билан уруши вақтида у «вақои нигор» («ҳодисаларни кузатувчи») лавозимида бўлган, шундай экан, юз берган воқеаларни ҳаққоний таърифлаш имкониятига эга эди. Ушбу лавозим мамлакатнинг умумий техник ва ҳарбий қолоқлигини, ўзининг сўзларига кўра, тасодифий, аксарияти «умрида милтиқ овозини эшитмаган ўғрилар, қиморбозлар, ичкиликбозлар... бўлган»<sup>1</sup> кимсалардан йиғилган қўшин ҳолатини кўриш имконини берган.

Тарихчилар унинг лавозимдан четлатилиши ва амир саройидан ҳайдалиши сабабини тахт атрофидаги амалдорлар ва Бухо-

<sup>1</sup> Мирза Абдул Азим Сами. Тарих-и салатин-и Мангитийа (История мангитских государей) / Предисловие, перевод и примечания Л.М. Епифановой. Москва, 1962. С.56.

родаги бошқарув тизимига салбий муносабатини яширмагани билан боғлашади. Ўзининг шеърӣ асарларида у бекорчилик ва бузуқчиликка муккасидан кетган аъёнлар, ҳатто амирнинг ўзини ҳам кўркмай танқид қилади. Шеърларидан бирида «адолат куйи ердан осмонга чиқиб кетгани»ни айтади, бу на бошқарув усулларида, на амирнинг қарорларида, на аҳолининг аҳволида адолатни кўрганини англатади.

Сомӣ фикрича, амир Насруллоҳ (1826 – 1860) даврида бошланган давлатнинг инқирози ва халқнинг қашшоқлашуви амир Музаффар (1860 – 1885) даврида янада кучайган, тизимдаги қусурларнинг вайронкор кучи амир Абдулаҳад (1885 – 1910) даврида Бухорони боши берк кўчага киритиб кўйган. Сомининг айтишича, «айрим тажрибали оқсоқоллар Бухоро давлатининг инқирози санасини шу амир Насруллоҳнинг тахтга чиқишидан ҳисоблай бошлаганлар...»<sup>1</sup>

«Янги амир Музаффар – деб ёзади Сомӣ, – зулм ва ноҳақликда марҳум отасини ортда қолдирди... Аста-секин иш шарият чегараларининг бузилишигача бориб етди»<sup>2</sup>.

Мирзо Абдул Азим Сомӣ рус кўшинлари билан урушдаги мағлубият учун асосий айб ўзининг тор манфаатлари доирасидан чиқа олмаган амир Музаффар зиммасида деб билади. У Тошкент руслар томонидан қамал қилинаётганидан фойдаланиб Кўқонни босиб олган.

Сомӣ куйидаги қизиқарли фактларни келтиради: «Авлиётани куч билан эгаллаган насронийлар кўшини (*полковник М.Г. Черняев қўмондонлигида – Д.А.*) у ердан Тошкентга юриш қилди ва Шошни ўраб олди. Тошкент амирлари ва аҳолиси қаршилик кўрсатиш учун бел боғладилар ва жанг қилишга

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

қарор қилдилар. Улар амир Музаффарга ёрдам ва Бухоронинг бутун аҳолисини оёққа турғизишини сўраб илтимос мактуби юбордилар... Бу орада насроний қўшинлар гайрат-шижоат билан камалга киришди, қалъани узукдек қуршовга олди ва вайронкор тўплардан ўққа тутди. Тошкентликлар милтиқ ва тўп ўқлари ёмғиридан қаршилик кўрсата олмадилар ва ёрдам сўраб фарёд солдилар. [Бироқ] улар амир Музаффардан илтимос мактублари орқали ва оғзаки тарзда қанчалик ёрдам сўрама-синлар, [барчаси] беҳуда кетди, у Бухоро қўшинига юриш қилиш ҳақида буйруқ бермади. Тошкент аҳолиси бухороликларнинг кўмагидан умид узди, сўнгги қони қолгунча чидашга қарор қилиб қалъа мудофаасида сабот ва матонат кўрсатди... Бу ҳам камлик қилгандек, [амир] Хўжанддан чиқиб, катта қўшин ва тўплар билан Қўқон томон юрди. Қўқон қўшинлари Тошкентни ташлаб чиқиб, Қўқон муҳофазасига қайтишга мажбур бўлди». Бу рус қўшинларига шаҳарни тўрт томондан ўраб олиб, қалъага кириш йўлларини беркитиш имконини берди, «амир Музаффар Бухоро қўшинлари билан Қўқоннинг Қонибодом деган жойига етиб борганида насронийлар қўшини Тошкентни куч билан эгаллади, унинг аҳолисини қилчу ханжар тигидан ўтказиб, кўп одамларни ҳалок этиб шаҳарни қўлга киритди. Амир Музаффар эса жангсиз ва қаршиликсиз Қўқонга кириб, ўзининг азалий орзусини амалга оширди»<sup>1</sup>.

Кўриб турганимиздек, амир қаршилик кўрсатишни ташкиллаштириш фикридан йироқ бўлган. Қўқонни забт этишга интилиб, гарчи рус қўшинлари амирлик чегарасига жуда яқинлашиб қолган бўлса-да, Россия билан урушга тайёрланмаган. Фақат Бухоро руҳонийларининг норозилиги уни урушга ки-

<sup>1</sup> Мирза Абдул Азим Сами. Тарих-и салатин-и Мангитийа. С.58 – 59.



ришга мажбур қилди, уруш натижасида Бухоро амирлиги мағлубиятга учради ва қарам давлатга айланди. Мирзо Абдул Азим Соми ҳам, Аҳмад Дониш ҳам Бухоро кўшинларининг мағлубияти сабабини амирнинг кўшинни бошқариш борасида бирор режага эга эмаслиги ва стратегик мақсадларнинг йўқлигида деб билишган. Ҳарбий бошлиқ лавозимларига ҳарбий соҳадан ҳабарсиз одамлар тайинланган. Шунингдек, жангчиларга маош тўлашдаги бетартиблик ва номунтазамлик, улар ҳалок бўлганда оиласининг таъминотсиз қолиши ва кўшинларнинг душман ҳақида маълумотга эга эмаслиги ҳам ўз сўзини айтган.

Бирок, Сомидан фарқли ўлароқ, А. Дониш амир каби душман ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмай туриб улкан уюшмаган халқ лашкарини тўплаган, уларнинг кўлига таёқ бериб «жиҳод»да қатнашишга мажбур қилган, бу билан уларни муқаррар ҳалокат сари етаклаган руҳонийларнинг ишига ҳам танқидий баҳо беради.

Соми ҳам, А. Дониш ҳам ҳукмдорлар ҳақида кескин муносабат бирдиришган ҳамда халқнинг оғир аҳволини ёрқин бўёкларда тасвирлашган. Амир Абдулаҳадни қаттиқ танқид остига олишган. Соми фикрича, унинг бошқаруви даврида «темурий ўзбек хонлик аждодларидан асар ҳам қолмаган», А. Дониш эса янги амир даврида ҳеч нарса ўзгармагани ва халқнинг аҳволи яхшиланмаганини таъкидлаган.

Биз асарларига мурожаат қилишимиз мумкин бўлган уларнинг ёш замондоши машҳур бухоролик тарихчи Мирза Муҳаммад Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим эди, у учта амир — Музаффар (1860 — 1885), Абдулаҳад (1885 — 1910) ва Олимхон (1910 — 1920) даврида муҳим лавозимларни эгаллаган. У бизга Бухоро тарихи бўйича қатор қимматли асарлар ёзиб қолдирган, улардан бири жуда катта давр — Чингизхон тарих саҳнасида

пайдо бўлганидан то Бухорода 1920 йили юз берган воқеаларгача камраб олган «Тарихи Салимий»дир. Унинг асари анча кенг кўламли ва Аҳмад Донишнинг рисоласидан фарқли ўларок, бизни кўпроқ қизиқтирадиган анча кейинги даврлардаги ходисаларни тасвирлайди.

Мирзо Салимбек ўзининг узоқ йиллик хизмати давомида кўп нарсаларга гувоҳ бўлган. Хизмат фаолиятини 20 ёшида Нарпай хокими Зиёвуддин Остонақулибек идорасида мирзалиқдан бошлаб, кейинчалик қўшбеги (амирнинг энг яқин аъёни)га айланган, у доим хизмат пиллапояларидан юқорилаб борган, муҳим лавозимларда фаолият юритган — Бухоронинг Тошкентдаги вакили (Н.О. Розенбах Туркистон генерал-губернатори бўлган пайтда) бўлишдан тортиб Бухоро амирлигининг турли вилоятлари хокимлигигача. Амирлик ҳаётининг сўнгги йилида у бош закотчи (барча закот йиғувчилар бошлиғи) лавозимида хизмат қилган.

Инқилобдан кейин Мирзо Салимбек кўплаб йирик амирлик амалдорлари қаторида ҳибсга олинган, унинг мол-мулки мусодара этилган. Озодликка чиқарилганидан сўнг Бухоро арки тарихини ёзишни ният қилган «Тарихи анжуман» номли илмий жамият комиссияси таркибига киритилган<sup>1</sup>. Афтидан, бу иш уни Бухоронинг ҳаққоний тарихини ёзиш фикрига ундаганга ўхшайди. Китобнинг катта қисми унинг ўзи гувоҳ бўлган воқеаларга бағишланган. Мирзо Салимбек асарни бошқалар ўқиши учун ёзмаган, шу боис, шарқшунос А.А. Семёнов тўғри таъкидлаганидек, «кўп нарсани кўрган ва кўп синовларни бошдан кечирган шахснинг оригинал, дилдан чиққан гапларга тўла, бўяб-бежалмаган хотиралари юзага келган»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> *Епифанова Л.М.* Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России. С.45 – 46.

<sup>2</sup> *Семенов А.А.* Последний бухарский историк [Мирза Салимбек]. Рукопись. 53 с. Душанбе. АН Тадж. Отдел научных фондов архива. Фонд А.А. Семенова. Оп. 1, д. 24, л. 45.

Узоқ йиллар амирнинг яқин маҳрами бўлиш Салимбекнинг тарихий ҳодисалар ва ўзи иродасиз деб таърифлаган амирнинг ҳатти-ҳаракатларига баҳо беришда холисликни сақлашига тўсқинлик қилмаган. Амир Саид Олимхон бошқаруви даврини баҳолар экан, у Бухоро иқтисодиётида кучайиб бораётган инкироз ҳақида ёзади. Салимбекнинг гувоҳлик беришича, Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ошиб кетган. Агар урушгача 1 ман (8 пуд) бугдой 200 танга, 1 ман гуруч 700 танга турган бўлса, 1917 йили 1 ман бугдой 12 000 танга, 1 ман гуруч 14 000 танга баҳоланган<sup>1</sup>. Қоғоз пулнинг қадри доимий равишда тушиб борган. Айниқса, Россиядан келтирилган товарлар нархи ошиб кетган. Мирзо Салимбек Россиянинг Бухородаги мустамлакачилик сиёсатини ўта салбий баҳолайди. Шу билан бирга, у амир Олимхон даврида ҳам бошқарувнинг ўша маъмурияти, амирнинг ўз фуқаролари устидан чекланмаган ҳокимияти ва Бухоро жамияти ҳукмдор қатламининг текинхўр турмуш тарзи, ўз-ўзидан, оддий халқнинг оғир аҳволи сақланиб қолганини қайд этади. Ўтмишдошларидан фарқли ўларок, Саид Олимхон анча иродасиз шахс бўлган ва унинг ҳатти-ҳаракатлари кўп томонлама атрофини ўраб турган амалдорларга, уни ўз йўриғига юргиза олганларга боғлиқ эди.

Юқорида тилга олинган муаллифлар XIX аср охири – XX аср бошларидаги Бухоро давлатининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолати ҳақида нисбатан батафсил тасаввур яратдилар. Бу асарлар шуниси билан эътиборга сазоворки, уларнинг муаллифлари ҳукмдорлар қошида юксак мансабларни эгаллашган, бошқарувнинг юқори доираларига аралашишган,

<sup>1</sup> Тарихи Салимий. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. Инв. №2016. 188а-в.

сиёсий воқеалар марказида бўлишган, шу сабабли юз берган ҳодисаларни жууда асосли тарзда аке эгтиришган.

Тарихчилар тарихни шахслар эмас, халқ яратди деб ўйлаган вақтлар аллақачон ортда қолди. Бу фақат қисман тўғри, ҳоло. Тарих фанининг А. Тойнби, Е. Тарле, М. Блок, Ф. Фукуяма каби даҳолари тарихни шахслар, етакчилар бошқаради деб ҳисоблашган. Халқлар тақдири ижобий ё салбий томонга қараб кетиши уларнинг билими, мушоҳадаси кўлами, юз бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш маҳорати ва тўғри қарорлар қабул қила билиш қобилиятига боғлиқ. Шу боис юқорида номи тилга олинган маҳаллий муаллифлар, гарчи олимликка даъво қилмасаларда, ҳодиса ва фактларни таҳлил қилиш ва баҳолашга мойил, фавқуллодда қобилият эгаси бўлган давлат ходимлари махсус билимлар билан қуролланган кўплаб замонавий тадқиқотчилардан илмда ва ҳолислиқда кам эмас эдилар. Аксинча, улар Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши, мамлакатни ўз манфаатларидан келиб чиқиб бошқариши, шариат қонунлари ва ислом аҳкомларини оёқости қилиш қандай аянчли оқибатларга олиб келгани ҳақида мулоҳаза юритганда ниҳоятда ҳолис мавқеда турганлар. Улардан бири кўпроқ, бошқаси камроқ даражада жадидчиликка яқин бўлганлигига қарамай, барчалари Бухоронинг ўша пайтдаги ҳолати ижтимоий ҳаётнинг бирор-бир цивилизацион шаклига жавоб бермаслигини тушунишган. Айнан мана шунинг ўзи янгилик ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ ҳамма нарсани жамлаган ва инкироз ҳолатидан чиқиш йўлларини кидиришни кўзда тутган тараққиёт учун ҳаракатни вужудга келтирган. Ислом ва фанни, ислом ва тараққиётни бирлаштириш — мана жадидларнинг илк вакиллари фалсафий изланишлари жамланган нуқта.

Ҳаракат асосчилари Бухоро жамиятини қандай тавсифлаганлар, воқеликка қандай баҳо берганлар, уларнинг ислохот-

ларга хос фалсафий ва амалий гоялари нимага таянган? Бу са-  
волларга жавоб беришга уриниб биз, авваламбор, ўша пайтда  
воқеалар марказида турган ва маълум маънода уларга таъсир  
кўрсатган Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва Файзулла  
Хўжаев асарларига мурожаат этамиз.

Ўқувчига Бухоро жадидчилигининг энг таниқли арбоби,  
олим, демократ ва ёзувчи — Шарқ миллий-тараққийпарварлик  
харакатининг ёрқин вакилларида бири Абдурауф Фитратни  
таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. У ҳақда жуда  
кўп ёзишган, Ўзбекистонда ҳам, ундан анча олисларда ҳам ар-  
бобнинг ижодини ва ҳаётини батафсил ўрганишга бағишлан-  
ган фитратшунослик юзага келган. Бизнинг мақсадимиз у ва  
унинг асарлари ҳақида батафсил тўхталиш эмас, балки шоҳид-  
лар тилидан Бухоронинг ҳолатини ва жадидчиликнинг тарихий  
қисматини кўрсатиб беришдан иборат. Биз Фитратнинг фақат  
икки асари — «Баёноти сайёҳи ҳинди» («Ҳинд сайёҳи қисса-  
си») ва «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври»га мурожаат  
этамиз, холос.

Уларнинг биринчиси Бухорога ташриф буюрган ҳинд сайё-  
ҳининг ҳикоясидан иборат. Бухоронинг ўтмиши ва ҳозирги бутун  
асар бўйлаб ўқилди бўлиб ўтади, муаллиф биринчисидан ул-  
кан фахр туйса, барча жойда порахўрлик авж олган, халқнинг  
аянчли аҳволи кўзга ташланиб турган, қўшин тайёргарлиги  
паст, таълимнинг ҳолати абгор бўлган, атрофда саводсизлик,  
исломни нотўғри талқин қилиш ва бошқа камчиликлар кўзга  
ташланиб турган иккинчи ҳолатдан уятга қолади. Албатта, са-  
йёҳ тилидан бухороликларнинг абгор турмуши ва ҳаётини чет-  
дан кузатган киши бўлиб А. Фитратнинг ўзи гапирди. Шариат-  
ни, умуман, исломий хулқ-атвор меъёрларини нотўғри талқин  
қилувчи руҳонийларнинг мутаассиблиги ва жоҳиллиги, унинг

фикрича, бухороликлар ҳаётининг барча жабҳаларига салбий таъсир кўрсатган.

Маълумки, Бухоро бутун дунёга илм-фан, тиббиётнинг буюк вакиллари, шоиру мутафаккирлар ватани сифатида танилган. Бироқ кейинчалик тамаддуннинг ёркин юлдузи, инсоният китобининг порлоқ саҳифаси... бўлган Бухоро, умуман, Туркистон жаҳолат ботқоғига ботди<sup>1</sup>. Муаллиф бунда Қуръон оятларини ўзбошимчалик билан талқин қилган Бухоро руҳонийларини айблайди. У келтирган мисоллар: тиббиёт фанининг умумий қонуниятларига эмас, балки аллақандай ўйлаб чиқарилган афсунларга асосланган тиббиёт аҳволи; хизматга ҳеч қандай ҳақ тўланмайдиган ва барча аҳолидан олинадиган йиғимларга таянадиган ўлка бошқаруви; адолат даъвогарнинг чўнтаги билан белгиланадиган суд ҳокимияти; қуруқ сафсата ва матнларни маъносини англамай ёдлаш ҳукмрон бўлган таълим бу соҳалар вакиллари билан таъсирли ҳикоя-суҳбатларга таянади.

Бухоро азалдан таълимнинг йирик ўчоғи бўлганини англаганлиги А. Фитратнинг қайғусини янада оширади. 1911 йили, «Баёноти сайёҳи ҳинди» асари ёзилган вақтда, 200 та олий, ўрта ва қуйи босқич мадрасалар фаолият юритган. У вақфдан олинган умумий даромади 3 776 000 танга бўлган 72 та мадрасанинг номини келтириб ўтади<sup>2</sup>. Бу ўша пайт ўлчовида улкан маблағ эди, бироқ уларнинг жуда кам қисми мадрасалар таъминотига сарфланган, катта қисми вақф бошқарувчиларининг чўнтагига тушган. Улар на ҳужраларни сотишдан, на мударрислар ўрнини пул эвазига тақсимлашдан ҳазар қилишмаган. «400 000 олимни тарбиялаган ва уларни дунёнинг барча бурчакларига

<sup>1</sup> *Абд-ур-Рауф*. Рассказы индийского путешественника (Бухара, как она есть) / Перевод с персидского А. Н. Кондратьева. Самарканд, 1913. С.2.

<sup>2</sup> *Ўша жойда*. С.19 – 22.

йўллаган Бухоро илгари шу каби қудратли илмий салоҳият эгаси эди... Саводхонлик осмонининг бу қуёши, инсоният оламининг бу жаннати, олам илмларининг бу обод хонадони, бутун олам учун билим минбари тараққиётнинг юқорида қайд этилган барча йўллари мавжуд бўлгани ҳолда аҳмоқлик тоғлари билан ўралган ва жоҳиллик занжирига боғланган мамлакатга айланган!»<sup>1</sup> — деб хитоб қилади Фитрат.

Европа фан ва маориф соҳасида Шарқдан кўп нарса олгани ва юксак натижаларга эришгани ҳақидаги фикр А. Фитрат асари бўйлаб ўқ илдиз бўлиб ўтади. Энди ишлаб чиқариш, савдо-сотик, бошқарув маданияти ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларини юксалтириш учун европаликлардан ўрганиш ва уларнинг фан-техникасидан фойдаланиш вақти келди, деб ёзади Фитрат. Ахир, Бухорода ажойиб матолар ва ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарилади, лекин улар машина ва техника ёрдамида яратилган хориж моллари томонидан бозордан суриб чиқарилмоқда дея таъкидлайди у. Фитрат ўз гояларини бошқа халқларнинг ютуқларидан улар бошқа динга эътиқод қилгани учунгина воз кечишни маъқулламайдиган Куръон кўрсатмалари орқали далиллайди.

Ушбу асар исломнинг фалсафий мазмунига янгича баҳо бериш, унда олам тавсифини ва бу оламда инсоннинг ўрнини тўғри тушунишнинг ёрқин намунасига айланди.

Фитрат фикрича, тадбиркорлик ва савдо-сотикнинг ривожланиши билим ва миллат бирлигига асосланмоғи лозим. Ўзаро мўмай даромад учун курашиш эмас, балки фабрикалар куриш, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун воситаларни бирлаштириш саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожига ёрдам беради. Ахир,

<sup>1</sup> Ҳақиқат жойда 24 — 25-бетлар.

Бухоро фойдали қазилмалар — олтин, мис, темир, кўмир, нефт-га бой деб хитоб қилади муаллиф<sup>1</sup>. У болаларга тадбиркорлик ва бошқа фанларни ўргатиш тараққиётнинг бош шarti деб ҳисоблайди. «Агар бухороликлар ушбу илоҳий неъматлардан имкон қадар фойдаланишмаса, шубҳасиз, хорижлик савдогарлар яқин орада бу конларга эга чиқади ва ҳар бирининг ёнига фойдали фабрика ва машиналарни ўрнатишади. Кўп пул топишади, минглаб ишчиларни иш билан таъминлашади, ўшанда сизнинг болаларингиз беихтиёр уларнинг ишига ўз елкаларини тутишади»<sup>2</sup>. Фитрат айнан нимани назарда тутгани кундек равшан: иқтисодий қолоқлик Россия империясига иқтисодий ва сиёсий қарамликка олиб боради.

Муҳими, А. Фитрат шунчаки танқид қилиш билан чекланиб қолмайди, у таназзул сабабларини қидиради, инқирозни ортида қолдиришнинг эҳтимолий йўллари ҳақида мулоҳаза юритади, ахир, ўтмишда Бухоро Шарқнинг бир қисми сифатида дунёга фан ва маданиятнинг энг яхши намуналарини тақдим этган. Хусусан, у инсоният учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган, мамлакат ривожига ҳам катта таъсир кўрсатадиган савдо-сотик ҳақида фикр юритади. Унинг фикрича, рақобатга дош бериш жуда қийин бўлган мустамлакачилик ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида кўп нарса савдогарларнинг савдохонлигига боғлиқ. Бу ерда гап маҳаллий тадбиркорлар учун зарур бўлган тижорат таълими ҳақида кетмоқда.

Ёш бухоролик — ҳинд сайёҳининг суҳбатдоши қиёфасини чизар экан, А. Фитрат Бухоронинг ўсиб келаётган ёш авлодига ишора қилади, у жамиятни ўзгартиришга қодир бўлишига умид билдиради.

<sup>1</sup> Абд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника. С.97.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 97 — 98-бетлар.



Китоб ўз даврида нафақат Бухоро, балки бутун Ўрта Осиё одамлари онгида инқилоб ясади. У Бухоронинг XX аср бошидаги тарихи бўйича ажойиб манба сифатида бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

А. Фитратнинг иккинчи китоби Бухоро аҳолисининг маънавий ва ижтимоий ҳаётини, шунингдек амир Саид Олимхоннинг фаолиятини ҳам ёритади. Гарчи китобнинг катта қисми мангит амирларининг қисқача тавсифига бағишланган бўлса-да, Фитрат асосий сиёсий ҳодисаларга дахл қилмасдан гўёки амирга шахсий баҳосини беради, унинг турмуш тарзини таърифлайди. «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» китоби тоталитар тузум тўлиқ қарор топган ва жади́дчиликка расмий ҳокимият томонидан «миллий-буржуа ва аксилинқилобий ҳаракат» тамғаси босилган 1930 йилда ёзилганини инобатга олиш керак. Айнан шу боис хаёлга А. Фитрат жади́дларни «масалага аралаштирмай», шахсий баҳолаш билан чекланган деган фикр келади. Шунинг учун ҳам, унинг айрим, масалан, Насрулла қўшбегининг жади́дларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятига берган баҳолари салбий характерга эга.

Шунга қарамай, Фитрат асарининг қиммати унда Бухоро давлати қурилишининг моҳияти ҳам аниқ баҳоланганидадир. Асосий сиёсий шахслар, А. Фитрат фикрича, қўшбеги (бош вазир), қозикалон (барча диний масалаларни ҳал қилган ва суд ҳокимиятини бошқарган), раис (нарх-наво, статистика, йўл бошқаруви ва б. масалалар билан шуғулланган маъмур), хазиначи (давлат ғазначиси) бўлган. А. Фитратнинг таъкидлашича, мамлакат бошқарувини «иродасиз ва танбал» Олимхон доимий равишда ўрин алмашган ва ўзаро курашган шу одамларга топшириб қўйган. Муаллиф Олимхон ҳузуридаги ушбу давлат хизматчиларининг ҳеч бири давлат белгилаган маошга эга бўл-

маган, шу боис мамлакатда порахўрлик ва аҳолидан йиғимлар олиш авж олган, деб ёзади<sup>1</sup>.

Амирнинг ўзи асосан шахсий хузур-халовати хақида қайғурган. Унинг жадидчилик ривожининг бошида ҳаракатга бироз ён босиши, мактаблар очилишига рухсат бериши, «Фармони ислохот» деб номланган ислохоти — буларнинг бари анча саводхон ва жадид ҳаракатига мойиллиги бор Насрулла кўшбегининг таъсири натижаси бўлган. Қабул қилинган қонунга кўра, пора ва давлат лавозимларини эгаллаб турган шахсларга совға-салом бериш тақиқланган, солиқлар, хусусан, ер солиғи камайтирилган, сарой хизматчиларининг маоши оширилган. Бироқ илдиз отган порахўрлик тизимига қарши малҳам йўқ эди, кўшбеги кураш олиб борганига қарамай, амирнинг ўзи совға-саломларни қабул қилишда давом этган.

А. Фитрат ҳарбий тизим тузилишига ҳам батафсил тўхталарди, кўшинга ташқаридан ёки ҳарбий таълим олмаган мадраса талабаларидан одамларни жалб қилиш тизими ижобий натижа бермаган деган хулосага келади.

Ўз асарида А. Фитрат Садриддин Айнийдан кўп иқтибос келтиради, унинг «Мангит амирлари тарихи» асарига таянади. Айний, ўз навбатида, Аҳмад Дониш асаридан фойдаланган. Ҳар учала адиб Бухоронинг сўнгги амирлари бошқарувига салбий баҳо беради. С. Айний А. Фитрат каби Саид Олимхонни фақат ўзининг ҳаловатини ўйлаган тутуриксиз ҳукмдор деб баҳолайди. Ислохот хақида фармон чиқариб «у ўз фармонини имкон қадар тезроқ бекор қилишга интилган. Муваққат ҳукумат борасида хотиржам бўлиб ва фармон чиқариб гўё жамоатчилик кўз ўнгида ўзини оқлаган, эндиликда фармондан қутулиш учун

<sup>1</sup> *Фитрат*. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. Тошкент, 1992. 30-б.

баҳона керак эди, холос»<sup>1</sup>, — деб ёзади С. Айний ўзининг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» китобида.

Кўрганимиздек, Бухоро ва минтақанинг сиёсий, иқтисодий аҳволи, тарих сахнасида жади́дчилик каби миллий-тараққий-парварлик ҳаракатининг пайдо бўлишига олиб келган.

Ф. Хўжаев Бухорода жади́дчилик юзага келиши учун, авваламбор, хонликнинг иқтисодий ҳаёти, жамият ривожига тўсқинлик қилган «ажабтовур ва жирканч сарқитлар» асос бўлган деб ҳисоблайди. Айни дамда, у Бухоро Ўрта Осиёнинг бир чеккасида эканлигига қарамай, қадимий дунё йўллари марказида жойлашгани боис, аҳоли эзилган, саводсиз бўлган бир шароитда ўзига хос юксак маданият излари ҳар қадамда учрашни эътироф этган. Буларнинг барига «сиёсий сабаблар юзасидан» рус милтиқлари билан муҳофаза қилинган мустабид тузумни қўшиш керак, бунинг натижасида Бухоро жади́дчилик ватанига айланган. Парадоксми? Йўқ, айнан шу сабаблар, қўшимчасига, «Ўрта Осиёни ўз банклари, савдо идоралари тўри билан ўраб олган, деҳқонлар хомашёсини зўр бериб сотиб олган ва Ўрта Осиёга ўз газмоллари ва бошқа маҳсулотларини етказиб берган рус капитализми»<sup>2</sup> — буларнинг бари жамиятнинг илғор қисмини чуқур мулоҳазага чорлаган. Бухородаги бошқарувнинг эскирган тизими, айни дамда, унинг иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар жамиятнинг тадбиркор қисмини қийин аҳволга солиб қўйган. Шу боис «жади́дчилик савдогарлар синфи илғор қисмининг манфаатларини акс эттирган». «Қишлоқ қулоқлари» — кичик феодаллар бир поғона қўйида жойлашган ер-мулкларида ислохотлар таъсирига тушмаганлар, негаки энг сифатли ерлар — «мулк», «мулки хур», «танҳо»га эгаллик

<sup>1</sup> Айни С. Материалы по истории Бухарской революции // Памир. 1986. №4. С.85.

<sup>2</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Ташкент, 1926. С. 8.

қилган ҳолда эркин ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлганлар. Рухонийлар таъсири остида бўлган деҳқонлар эса лоқайд ва сусткаш эдилар. «Жадидларнинг кўпчилиги, — деб ёзади Ф. Хўжаев, — моддий жиҳатдан ўртаҳол ва кам таъминланган зиёлilar ёки майда буржуазия вакиллари: диний мактаб талабалари, майда дўкондорлар, кичик амалдорларга боғлиқ эди, йирик савдогарлар ҳам бўлган, аммо, биринчидан, уларнинг сони кам..., иккинчидан, улар ташкилотда ишламасалар ҳам, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлар: Мансуров ва Ёқубовни эслашнинг ўзи кифоя. Ҳатто йирик рухоний шахслар ҳам бўлган, масалан, мулла Икром (мулла Икром ўша пайтдаги Бухорони танқид қилган рисоласи билан машҳур), аммо, умуман олганда, партия шаҳарнинг ўрта қатлами партияси бўлган»<sup>1</sup>.

Бизнинг фикримизча, Ф. Хўжаевнинг савдогарларнинг жадидчилик ҳаракатидаги роли ҳақидаги хулосалари жуда тўғри. Савдогарлар савдо-сотик капиталининг ривожланиши учун Бухоронинг европалашиши ва унда жилла курса минимал даражада ҳуқуқий меъёрлар ўрнатилиши кераклигини тушунишган. Амирликдаги ҳолат эса бунинг учун тегишли шароитларни таъминламаган. Шу боис савдогарлар оппозицияга мойил бўлишган ва жадидчилик ҳаракатига қўшилишган, уни моддий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашган.

Бироқ улар Колесов воқеаларидан кейин авж олган қатағонлардан кўрқиб қолишган ва амир билан, Ф. Хўжаев ифодаси билан айтганда, йўқотишлар ютуқлардан кўп бўладиган очик курашга киришишни исташмаган. «Муваффақиятли инқилобнинг асосий шarti бўлган оммавий ҳаракат, — деб ёзади

<sup>1</sup> Ўша жойда. 12-б.

муаллиф, — уларни чўчитган. У ёки бу тарзда капитал манфаатларига дахл қиладиган умумхалқ кўзголони уларнинг дастурига кириши мумкин эмасди. Уларга инқилоб эмас, қисман ислохотлар керак эди... Уларнинг тарк этиши ҳаракатни жиддий заифлаштирди, ташкилотни анча муҳим мададдан маҳрум қилди»<sup>1</sup>.

Ф. Хўжаев Бухородаги шароит, «ижтимоий ҳаётнинг оғир муҳити» жадиdчилик ҳаракатини кучайтирган, гарчи у Туркистондагидан кечроқ вужудга келган бўлса-да, эртароқ, 1915 йилданок маданиятчиликдан сиёсат йўлига бурилди дейди. Муаллиф нафақат хонликдаги маънавий ҳаёт, балки қонуншунослик, савдо-сотик, бошқарув шакллари ҳам танқид остига олинган Бухоро жадиdлари, хусусан, А. Фитрат асарлари (масалан, биз кўриб ўтган «Баёноти сайёҳи ҳинди») бунинг далилидир деб билади.

Жадиdчилик ташкилий хусусиятга эга бўлган 1910 йилдан кейин «жадиdларнинг илғор қисми орзуларида», уларнинг максимал дастурида асосий ўринни Бухорода гарб намунасидаги демократия ва капитализмнинг раванқ топиши ғояси эгаллайди. Ф. Хўжаевнинг ўзи бу ғояларга мойил бўлган, ҳатто китоб ёзилган вақт — 1926 йил ҳам унинг большевиклар учун бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар — демократия ва капитализмни бирлаштиришига тўсқинлик қилолмаган<sup>2</sup>.

Албатта, Бухоро жадиdчилигининг Ф. Хўжаев ва А. Фитрат мансуб бўлган ёшлардан иборат сўл оқими намояндалари шундай фикрлай олганлар. Ҳатто ёши улғайган пайтда ҳам улар ўша йўлда қолганлар. Гарчи, С. Айний фикрича, намойиш пайтида «А. Фитрат ва Ф. Хўжаев бошчилигидаги сўл гуруҳнинг эҳтиётсизлиги ва шароитни нотўғри тушуниши оқибатида жа-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 33-б.

<sup>2</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. С. 13.

дицлар ташкилотни тор-мор келтирилган»<sup>1</sup> бўлса-да, Ф. Хўжаев очик чиқишлар тактикасини хато деб ҳисобламаган.

Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда юз берган тарихий ҳодисалар Абдулвоҳид Бурҳонов, Усмои Хўжаев, Муҳитдин Рафоат, Муса Санджонов, Садриддин Айний ва бошқалар шайроитга тўғри баҳо беришгани ва амир фармонини қўллаб-қувватлаб намойиш ўтказишга қарши чиқиб тўғри қилишганини кўрсатди. Улар жадидлар консерватив руҳонийлар таъсири остидаги асосий халқ оmmasи орасида етарлича таянчга эга эмаслигини ва исталган пайтда уларнинг чақириги билан жадидларга қарши чиқиши мумкинлигини тушуниганлар, амада шундай ҳам бўлиб чиқди. Шу боис улар ниҳоятда эҳтиёткор ва ўйланган ҳаракатлар тарафдори бўлганлар, ҳар қандай инқилобий, боз устига, қонли ларзаларсиз босқичма-босқич, сокин ислохотчиликни қўллаб-қувватлаганлар.

Тўғриси айтганда, жадидларнинг ҳатто қуролли қўзғолондан ҳам қўрқмайдиган радикал кайфиятдаги қисми дастлаб намойиш, сўнгра Колесов воқеаларининг сабабчиси бўлган. Аммо сўл ёш бухороликлар қанчалик қизиққон бўлмасинлар, Абдулвоҳид Бурҳоновни ранс сифатида қолдириб ташкилотнинг бўлиниб кетишига йўл қўймасликка ақллари етди. Улар амирнинг 1917 йил мартдаги қатағонларидан кейин вазият жиддий ўзгарганини, жадидчиликнинг ижтимоий асоси савдогарлар вакилларининг чекиниши ва уларнинг ташкилотни моддий қўллаб-қувватлашни тўхтатишидан сўнг анча торайганини яхши англаганлар. «... Ундан (*курашдан* – Д.А.) мулк эгалари чекина бошлади. Оғирлик маркази сўлга оғди, зеро, ташкилотнинг кенгайишда давом этиши эндиликда аҳолининг ҳисобига

<sup>1</sup> Айни С. Материалы по истории Бухарской революции // Памир. 1986. №4. С.26.

юз берди... Ташкилот заифлашди, унинг жамиятга рухий таъсири ҳам заифлашди»<sup>1</sup>, — деб ёзади Ф. Хўжаев.

1917 йилга келиб жадиidlар ёш бухороликларнинг янги сиёсий партиясига бирлашдилар, у инкилобга бошчилик қилди. Бу пайтда унинг раҳбарлари Ф. Хўжаев ва А. Фитрат партия амирни ағдариш учун «Совет Тошкенти»нинг ёрдамидан фойдаланиб қолиши кераклигига чин дилдан ишонганлар. Фақат кейинроқ улар бу ерда ўз манфаатлари доирасида большевиклар асосий куч сифатида чиққанларини, ёш бухороликлар эса Бухорони эгаллашда уларга кўмакчига айланганларини тушуниб етдилар.

Жадиidlарнинг етакчилари Колесов воқеаларининг бутун фожиавий моҳиятини англаганлар. Маълумки, Ф. Колесовнинг 1918 йил мартида Бухорога юриши мағлубият билан тугаган, оқибатда 1500 нафар жадиd ва уларнинг хайрихоҳлари тигдан ўтказилди; 3000 нафар турли миллатга мансуб ҳеч қандай айби йўқ одамлар амир томонидан уюштирилган қатли ом пайтида ҳалок бўлди. Кейинроқ, 1926 йили, Ф. Хўжаев ростини тан олади: «МҚнинг раҳбарларидан бири сифатида юз берган ходисада, МҚнинг Колесов воқеаларида йўл қўйилган барча хатоларда бошқалардан айбим кам эмас, ҳатто кўпроқ ҳам, ўзимизнинг камтарона, эндиликда кўриб турибманки, арзимас ютуқларимизга мафтун бўлиб қолиш, шунингдек, қуролли қаршилиқнинг муваффақият қозонишига умид қилишда бошқалардан кам бўлмаганман»<sup>2</sup>. Орадан саккиз йил ўтиб, китобдан аён бўлишича, Ф. Хўжаев Ўрта Осиёнинг бутунлай большевиклашишига икки марказ: Туркистон Мухторияти ва Бухоро амирлиги ҳалақит берганини англай бошлаган.

<sup>1</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. С.17.

<sup>2</sup> Ушн жойда. 51-б.

Цензура, афтидан, Ф. Хўжаев китобидаги Ф. Колесов бора-сидаги енгил кинояни пайкамаган кўринади: «Ўзининг Қўқон-даги галабасидан сармаст бўлган Колесов ўшандай осонлик билан Бухоро амирлигига ҳам барҳам беришни ўйлади, аммо воқелик унга қарши бўлиб чиқди... Осон галабани кўзлаган Колесовнинг, шубҳасиз, ёш бухороликларнинг озроқ мадади билан Бухорони забт этиш учун ўзининг кучлари етарли бўлишига ишончи комил эди»<sup>1</sup>.

Бухоролик жадидлар ёш, илгор фикрловчи зиёлилар сифатида жамиятни ўзгартиришни хоҳладилар, аммо бу йўлда большевикларга таяниб хато қилдилар. Шунга қарамай, таъкидлаш жоизки, жадидчилик гоёси мамлакатни тўлақонли ривожлантиришнинг фалсафий концепцияси сифатида ноёб бўлган ва тарихан ўзини оқлаган.

### Жадидларнинг мусулмон маданияти хусусидаги қарашлари

Туркистонлик жадидларнинг жамиятни янгилаш дастури-нинг катта қисми таълимни ислоҳ қилиш, хулқ-атвор маданиятини қайта шакллантириш, ҳаёт ва диний тартибни тўғри ташкил этишга бағишланган. Улар мусулмон маданияти қандай бўлиши керак — диний аҳкомлар доираси билан чекланиши керакми ёки инсоният маданиятининг умуминсоний тушунчалар ва қадриятларга асосланган тараққиётга мувофиқ ривожланиши керакми деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилишди. Бу «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Ойна» газета-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 45-б.



лари саҳифаларида нашр этилган мақолаларда, М. Бехбудий, А. Фитрат, А. Авлоний ва бошқаларнинг махсус асарларида ўз аксини топди.

Маншій маданият, аёллар мавқеи ва уларга бўлган муносабат, маориф ва театрнинг ўзига хос роли уларнинг асарлари ва мақолаларида аке этган асосий мавзулар бўлган. Ушбу масалаларни ўрганиб чиқиш ягона мақсадга — янги ҳаёт тартибини сингдириш орқали аҳолининг маданий тафаккурини уйғотишга хизмат қилган. Тил масаласи ва хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Аммо бу каби мақолалар нисбатан юқори ақлий салоҳиятга эга ўқувчиларга мўлжалланган эди.

Миллий тараққийпарварларнинг маданиятшунослик масалалари бўйича қандайдир назарий мақолалари мавжудлиги ҳақида гапириш нотўғри бўлур эди. Лекин биз, барибир, жадид матбуотида ўша пайтдаги маданият билан боғлиқ маълум мулоҳазалар ва долзарб муаммолар бўйича уларнинг маданиятни ўзгартириш концепциясини тасаввур қилишимиз мумкин. Биз бу ишни фақат битта нашр — мазмун-моҳияти тарихчилар томонидан етарлича ўрганилмаган «Садои Фарғона» газетаси бўйича амалга оширишга ҳаракат қилдик. У 1914 йилдан 1915 йиллар давомида нашр этилган ва унинг илк материалларини тараққийпарварлар томонидан газетага юкланган ўзининг ижтимоий ролини очиб берувчи мақолалар ташкил этган. Улар «Садои Фарғона» тимсолида қудратли қурол — «биринчи илож ва чора» — омма онги ва тафаккурига таъсир этишни кўрдилар<sup>1</sup>. Фарғоналик машхур жадид, ношир ва бош муҳаррир Обиджон Маҳмудов ёзади: «Газета маълумотлари инсоннинг

<sup>1</sup> Яҳё Қори. Каломунносни ала қадари укалаҳум // Садон Фарғона, 1914 й. 20 апрель.

салбий фаолиятдан газаб ва нафратни келтириб чиқаради, яхши янгиликлар, масалан, техника ютуқлари ҳақидаги маълумотлар фахр ҳисси ва комилликка интилиш туйғусини уйғотади. Бу, ўз навбатида, Пайгамбаримизнинг ҳадисларда ақс этган талабларига мос келади»<sup>1</sup>. Газета саҳифаларида бошқа жадид нашрлари каби, биринчи навбатда, жадид мактабларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинган. Фарғона жадидлари рус-тузем мактаблари фаолиятига салбий баҳо берган Маҳмудхўжа Бехбудийни қўллаб-қувватлаганлар<sup>2</sup>. Бу мактабларни очар экан, Россия империяси ҳукумати нафақат аҳолини руслаштиришни, балки Туркистондаги империя маъмуриятининг ёрдамчилари сифатида маҳаллий аҳоли орасидан рус тилини билувчи бутун бошли хизматчилар жамоасини тайёрлаш ва тарбиялашни мақсад қилган.

Янги мактаблар фаолияти ҳақидаги мулоҳазалар доим Ўрта Осиё, умуман, Шарқнинг маориф тарихига саёҳат билан ёнма-ён келган. Жадидлар буюк ўтмишдан мисоллар келтирганлар, одамларни жаҳолат ва нодонликдан воз кечишга чақирганлар. Масалан, Холид Сайид нодонликда ўтган бир соатни қамокда ўтказилган кунга тенглаштиради<sup>3</sup>.

Жадидларни айниқса, аёлларнинг ҳолати ташвишга солган. Лекин бу эски қарашларни қайта кўздан кечириш ёки эркаклар билан тенгҳуқуқлилик ўрнатишга ва уларни ижтимоий майдонга чиқаришга чақириқ эмасди. Аёлларнинг оғир ижтимоий ва маиший аҳволини англаган ҳолда жадидлар фақат оналик бурчи, ўқимишли аёлгина жамиятнинг тўлақонли аъзосини тарбиялаши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазалар билан чекланган-

<sup>1</sup> Маҳмудов О. Газета надур ва на учун лозим // Садои Фарғона. 1914 й. 10 апрель.

<sup>2</sup> Туркистон вилоятининг газети. 1909 й. 2 октябрь.

<sup>3</sup> Холид Сайид. Тарбият иксири аъзамдур // Садои Фарғона. 1914 й. 27 апрель.

лар. Улар ҳақли равишда Туркистон келажаги ҳисобланмиш болалар тарбияси оналар кўлида; она қанча ўқимишли бўлса, ёш авлод ҳам шунча ўқимишли бўлади деб билганлар. Мақола-лардан бирининг муаллифи бу фикрни қуйидагича ифодалаган: «Аёл — инсониятнинг иккинчи ярми. Агар унга таълим ва тарбия берилмаса, бу давлатнинг айни пайтдаги ҳолатида ҳам акс этади ва аҳолининг тенг ярми таълим ва тарбиясиз бўлиб қолади»<sup>1</sup>. Фақат Абдурауф Фитрат ўзининг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарида аёлларнинг консерватив дунёқараш ва исломни нотўғри тушуниш туфайли келиб чиққан ниҳоятда оғир аҳволини тавсифлашга журъат этган<sup>2</sup>.

Газетада турмуш тарзи ва урф-одатлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, тўй ва дафн маросимларидаги ҳаддан ортиқ исрофгарчилик танқид остига олинган. М. Бехбудий бошчилигидаги Туркистон жадиidlари ушбу қусурларга қарши курашган, руҳонийларнинг фатвосини олишгача борилган. «Садон Фаргона» газетасининг катта қисмини шу мазмундаги мақолалар ташкил этади<sup>3</sup>. Имтиҳон пайтида ўқитувчиларга ҳаё келтиришни жадиidlар ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчилар муносабатларидаги ахлоқ-одобга ҳурматсизлик ва ҳақоратнинг ёввойи кўриниши деб баҳолаганлар<sup>4</sup>. Натижада ушбу ҳалокатли ҳодисага қарши фатво чиқарилган. Масалан, мактаблардан бирига таклиф этилган қози Камолиддин усули жадиid нафақат таълимнинг янги услуби ва маориф ислоҳоти, балки ҳаётнинг ўзини ислоҳ қилишдир дея таъкидлаган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Садон Фаргона. 1914 й. 8 июнь.

<sup>2</sup> Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Баку, 1915.

<sup>3</sup> Асир. Наманган тўйларини ислоҳ ва мактаб // Садон Фаргона. 1914 й. 20 апрель; Хатна тўйидаги исрофот ўрнига // Садон Фаргона. 1914 й. 16 май.

<sup>4</sup> Явушев Н. Имтиҳонларда чою ош // Садон Фаргона. 1914 й. 21 май.

<sup>5</sup> Имтиҳонларни соддалаштирмоқ // Садон Фаргона. 1914 й. 9 май.

Тил борасида тараққийпарварлар катъий равишда ўзбек тилининг қўллаш йўлини танлаганлар ҳамда арабий, туркча, форсча атамаларининг кириб келишига қарши бўлганлар, аниқроқ қилиб айтганда, улар она тилининг софлиги учун курашганлар. Ашурали Зоҳирий ўзининг «Она тили» мақоласида адабиёт вакиллари «усмонийча» ва татарча тилларга берилиб кетиб ўзбек тилининг ривожига зарар келтираётганлари ҳақида таъвишланиб ёзади. Газетани тилининг ривожига энг таъсирчан воситалардан бири деб ҳисоблаб маҳаллий газеталарни ўзбек тилида чоп этишни талаб қилган<sup>1</sup>.

Бироқ она тилининг ривожини масаласини кўздан кечириш давомида мақолалар муаллифлари хорижий тилларни ўрганиш зарурлигини инкор қилмайдилар, аксинча, уларни ўрганишнинг таълим, фан ва маданият ривожини, умуман, умумий тараққиёт учун муҳимлигига ургу берадилар. Бу, жумладан, М. Бехбудийнинг «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласида ўз аксини топган<sup>2</sup>.

Миллатлар ва халқлар ўртасидаги бирлик ва ўзаро ҳурматни жадидлар маданият даражаси белгиларидан бири деб ҳисоблаганлар. «Садои Фарғона», шунингдек, «Садои Туркистон», «Ойна» бунга катта аҳамият берган. Саломатлик ҳолати ва уни яхшилаш ҳақида қайгуриш ҳам маданият белгиси саналган. Муаллифлардан бирининг «Саломат фикр ва тоза ақл саломат баданда бўлур» мақоласи номи русча «Здоровый дух в здоровом теле» мақолининг айнан таржимасидир<sup>3</sup>.

Гарчи фарғоналик тараққийпарварлар Россиянинг хомашё базасига айланган ўлканинг иқтисодий қолоқлиги яққол

<sup>1</sup> Зоҳирий А. Она тили // Садои Фарғона. 1914 й. 13 апрель.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим // Ойна. 1913. №1. 13-6.

<sup>3</sup> Садои Фарғона. 1914 й. 1 июнь.

сабаблари ҳақида ёзмасалар-да, улар Туркистоннинг иқтисодий тараққиёти масалаларига катта аҳамият берганлар. Улар маҳаллий тадбиркорларнинг касбий малакасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратганлар. Шу муносабат билан улар томонидан мутлақо янги «тадрижий маданият» атамаси киритилган. Жадидлар маориф иқтисодий тараққиёт шакллари-дан бири эканига ишонганлар, шу боис тадбиркорларни газета материаллари билан доимий равишда танишиб боришга чақирганлар<sup>1</sup>. Аммо, бизга маълумки, М. Бехбудий, А. Фитрат ва бошқа жадидлар иқтисодий таълимни Россия ва Ғарбда ривожланган янги технологиялар билан танишишни ҳам қўшган ҳолда анча кенг тушунганлар ва Туркистон иқтисодиётини технологиялаштириш зарурлиги ҳақида гапирганлар.

Умуман олганда, «Садои Фаргона» газетаси таҳлили Фаргона жадидлари Тошкент ва Самарқанд жадидларига нисбатан камроқ сиёсийлашгани ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Бу ерда маданият гўёки сиёсатдан ташқарида турган. Улар ўз фикрлари билан маданият фақат халқнинг ўзига боғлиқ деган тасаввур ҳосил қилганлар, негаки уни ривожлантиришнинг ташқи омиллари ҳақида мулоҳаза юритмаганлар. Ҳатто Туркистонда ёдгорликлар, мадраса ва масжидларни таъмирлаш зарурати ҳақида гап кетганда ҳам улар империя маъмуриятига ҳеч қандай талабларни қўймаганлар. Эҳтимол, бу маҳаллий менталитетнинг намоён бўлиши, балки, ҳаддан зиёд эҳтиёткорлик намунасидир. Афтидан, бу уларнинг жадид ҳаракати марказидан олислиги билан изоҳланса керак. Бундай нуқтаи назар ҳаракатнинг илк йилларида Тошкентдаги жадид матбуотида ҳам намоён бўлган, лекин 1914 йилга келиб Тошкент жадидла-

<sup>1</sup> Иброҳим Даврон. Худбинлик ёки виждонлик // Садои Фаргона. 1914 й. 18 апрель.

ри ҳукмдор доиралар — дастлаб империя маъмуриятини, сўнгра Керенский ҳукуматини очик танқид қилганлар.

Бирок ҳам фарғоналик, ҳам тошкентлик жадидлар худди Бухоро ва Хива жадидлари каби мусулмон маданияти, ўзининг диний ва миллий-анъанавий хусусиятларига қарамай, умуминсоний қадриятлар ва ютуқларга таяниши лозим деб ҳисоблаганлар.

### **Туркистон жадидларининг диний-миллий бағрикенглиги ва ўзини этник англаши**

Россия империясининг Ўрта Осиёга бостириб кириши ва уни мустамлакага айлантириши бу макон халқлари ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти ва менталитетига жуда зиддиятли таъсир кўрсатди. Икки хил маданиятнинг тўқнашуви европача цивилизациянинг афзаллиги ва унинг қадриятларини маҳаллий аҳоли қабул қилмаслигини кўрсатган кўплаб янги муаммоларни юзага келтирди. Иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари, минтақага Россия капиталининг кириб келиши, Туркистоннинг тезкорлик билан метрополиянинг хомашё базасига айланиши муқаррар равишда маиший ва ҳуқуқий меъёрларда ҳам ўзгаришларни талаб қилди. Бу жуда мураккаб жараён эди, сабаби, Б. Бобожонов таъкидлаганидек, «бундай вазият янгиликларга турлича (асосан салбий) муносабатни келтириб чиқарди, чунки исломнинг ақидавий ва ҳуқуқий тизими шундай қурилганки, унга соҳиблик қилувчилар ҳар қандай янгилик (бид'а)ка тегишли баҳо беришлари шарт, у қабул қилса бўладиган, «яхши» (бид'атун ҳасанатун) ҳам, қабул қилиб бўлмайдиган ҳам, шубҳали ёки маълум шароитларда ва қўшимча шартлар билан қабул қили-

надиган ҳам бўлиши мумкин»<sup>1</sup>. Аниқроқ айтганда, мусулмонларнинг янги жараёнларда иштирок этишига ижозат бергувчи ва буни оқловчи, янгиликларга диний баҳо бериш алоҳида долзарблик касб эта бошлади. Буни амалга ошириш учун, авваламбор, бошқа динларга нисбатан бағрикенглик муносабатини шакллантириш зарур эди, негаки барча янгиликлар, биринчи навбатда, оддий халқда «кофирлар» деб аталган бошқа динлар вакиллари — насронийлар, яхудийлар ва б. томонидан яратилган нарсалар сифатида қабул қилинган.

Туркистон миллий тараққийпарварлари диний бағрикенгликнинг ҳаққоний ифодачилари бўлганлар. Улар ўзларининг диний таълими, дунёқараши ва интилишлари билан бунга тамомила ҳақли эдилар. Уларнинг энг атоқли намояндалари нафақат мадрасани тугатганлар, балки диний мансабга ҳам эга бўлганлар. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий ота-боболари каби муфтий бўлган ва ўз даврида Самарқанд вилоятида шу мансабни эгаллаб турган. Мунаввар қори ҳам мадраса таҳсилдан сўнг Тошкентдаги Дархон масжидида имом бўлиб ишлаган, Исҳоқхон Ибрат эса Тўрақўрғонда қози вазифасини бажарган.

Жадидларнинг Европа ва Шарқ мамлакатларига саёҳат қилиш, шунингдек, ривожланган мусулмон давлатларининг саноат ва маданий ютуқлари билан, зиёли инсонлар ва турли ижтимоий ҳаракатлар намояндалари билан танишиш имкониятига эга бўлганликлари туфайли улар Туркистондаги ҳаётни бунга қиёслаб, унинг тараққиётда нақадар орқада қолганини яхши англаганлар ва Ўрта Осиёнинг мусулмонча маданий анъаналарини янгилаш тарафдори бўлганлар. Улар ўз ислохотларини ислом таълимотини англашдан бошлаганлар.

<sup>1</sup>Бабаджанов Б. Предисловие к книге Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Халжа. Мизан аз-Заман. Ташкент-Токио, 2001. С.13.

Америкалик олим А. Холид фикрича, «Ўрта Осиё жадидчилиги бевосита мусулмон модернизми доираларидан ташқарига чиқмаган... Унинг риторик тузилиши илдизлари Ўрта Осиёнинг мусулмонча анъаналарига бориб тақалади, шу боис жадидлар ўз анъаналарида исломга таянганлар... Замоनावийлик исломнинг «асл» мазмунига «боғланган» ва фақат асрлар давомида пайдо бўлган иллатлардан тозаланган ислом мусулмонларнинг фаровонлигини таъминлаши мумкин эди. Жадидлар оламга янгича назар билан қарашга, исломни янгича тушунишга, мусулмон бўлиш нимани англатишини уқишга эришганлар»<sup>1</sup>.

Жадидларнинг жамиятни янгилаш назариясида тараққиётда анча илгарилаб кетган Европа билан яқинлашиш, унинг энг яхши ютуқларини ўзлаштириш масаласи муҳим ўрин тутган. Туркистоннинг мустамлака ҳолати туфайли юзага келган инкироздан чиқиш, авваламбор, Европа тажрибасидан фойдаланиб маданий ислоҳотлар ўтказишда кўринган. Бунинг учун, биринчи навбатда, ислом билан тараққиётни қонунийлаштириш назариясини ва исломнинг инсон ва жамиятнинг уйғун ривож масаласига муносабати ҳақида мусулмон оммага тушунарли концепцияни ишлаб чиқиш зарур эди. Жадидлар ушбу гоёни адабий ва публицистик ижод орқали амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Бу гоё уларнинг кўплаб асарларида кўзга ташланади. Абдурауф Фитратнинг<sup>2</sup> «Мунозара» ва «Ҳинд сайёҳи қиссаси» (у ҳақда юқорида тўхталиб ўтдик) асарларида икки хорижлик Қуръоннинг анча пухта билимдонлари сифатида тасвирланади ва муаллиф уларнинг номидан Туркистон ва Бухородаги таъ-

<sup>1</sup> Khalid Adeeb. The politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. Berkley-Los-Angeles-London, 1988. P.113.

<sup>2</sup> Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила Бухороли бир мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси // Фитрат А. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2000. 46 – 98-бетлар.



лим, бошқарув, кўшин, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳолатига баҳо беради. А. Фитрат биринчи асарда француз, иккинчи асарда ҳиндни, яъни европалик ва ўрта осиелик бўлмаган мусулмонни бекорга танламаган деган фикр келади, уларнинг тилидан тараққиётнинг объектив сабаблари ва Қуръондаги унга даъват қилувчи оятлар ҳақида тўхталади.

Француз Қуръон ва ҳадиснинг оламшумул аҳамиятига қуйидаги сўзлар билан баҳо беради: «Биз бошқа дин вакилидурмиз, лекин биз Қуръонни алангада ёқмадик, биз ундан ўз манфаатларимиз йўлида фойдаландик, билимга бўлган чанқоқликни қондириш учун ўргандик. Унда кўрсатилганларни амалга оширдик ва тезда тараққиётга эришдик. Сизлар эса унинг кўрсатмаларидан фойдалана олмай инқирозга учрадинглар»<sup>1</sup>. Бу билан А. Фитрат мусулмонлар европалик тараққийпарварлар исломни ҳурмат қилганидек бошқа динларни ҳурмат қилишни ўрганишлари кераклигини уқтиради.

«Агар фан ва кашфиётларга бағишланган насронийлик китоблари гуноҳкор бўлса, уларни ўқимасдан қандай тараққиётга эришамиз, ахир, Қуръонда Библия, Толмут, Забур муқаддас китоблар деб аталади», — хитоб қилади А. Фитрат, бу билан диний нигилизм ва мусулмонларга хос чекланганликни рад этади. Боз устига, руҳонийлар томонидан дунёвий ҳокимиятнинг ўзлаштириб олиниши ва уларнинг гуноҳсизлигига чексиз ишонч нималарга олиб келишини кўрсатиш учун насронийлик тарихига, хусусан, инквизиция тарихига кўп мурожаат қилади. Бу Бухорода аксарияти, муаллифнинг фикрича, ўзининг қавмига нисбатан жинойтга қўл урадиган руҳонийларни идеаллаштирмасликка чақирувчи анча дадил мулоҳаза

<sup>1</sup> Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила Бухороли бир мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси. 46 — 98-бетлар.

эди: «Ҳақиқатан Бухоро ва бухороликлар аҳволи ачинишга арзийди ва уламоларингизнинг қабиҳ хатти-ҳаракатлари ушбу миллатнинг диний бўшлиғига сабаб бўлиб хизмат қилади»<sup>1</sup>. Европа халқлари қандай қилиб протестант жамоалар ёрдамида черковнинг чекланмаган ҳокимиятини енгганлари ҳақида тўхталиб у ўқувчини рухонийлар қонун чиқарувчи ва тақдирларни ҳал қилувчи бўла олмаслиги, уларнинг кўрсатмаларига кўр-кўрона эргашиш керакмаслиги ҳақидаги фикрга олиб келади. Шундай қилиб, у диний соҳанинг демократлашувини ёқлайди, унинг диний арбоблар томонидан тўлиқ эгаллаб олинишига қарши чиқади.

Жадидлар ўзларининг бошқа маданият ва динларга нисбатан хайрихоҳлигини яна бир қарра тасдиқлаш учун Европа ва Осиё тарихига мурожаат қилганлар. Бағрикенгликни тарғиб этишда маданиятларнинг меросийлиги, уларнинг узок тарихий тараққиёт мобайнидаги ўзаро алоқаси, бир-биридан озикланиши ва ўзаро чатишиб кетиши асосий қуролга айланган. Тараққийпарварлар учун тарих ўз ғояларини тарғиб қилишнинг энг муҳим воситаси бўлган. Жадидларнинг тарихий асарлари бир талай, улар махсус ва батафсил тадқиқотларни талаб этади. А. Фитратнинг «Тараққий ва танқид», «Истамбул», «Мухтасари тарихи ислом»; Мирзо Қорининг «Ўз ҳолларимиз»; Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон»; М. Беҳбудийнинг «Мирзо Улуғбек», «Бухоро»; С. Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар»; М. Муҳаммаджоновнинг «Турмуш уринишлари» (бу асар жадидчилик тарихига бағишланган) каби асарлари билан танишиш жадидлар замонавий ҳолатни изоҳ-

<sup>1</sup> Абд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара, как она есть) / Перевод с персидского А.Н. Кондратьева. Самарканд, 1913. С.27.

лаш учун тарихга таянганларини тушуниш имконини беради. Айниқса, бу М. Беҳбудий (ушбу китобнинг алоҳида бўлимида кўриб чиқилди) ва А. Фитрат ижодида яхши кўзга ташланади. А. Фитрат Фаробий, Ибн Сино ва Беруний анъаналарига эргашган ҳолда ўзининг «Нажот йўли» асарида барча дунёвий фанларни ислом билан бирлаштиришга ҳаракат қилади. Боз устига, дунёвий фанлар европаликларнинг ютуқларини ҳам қамраб олган. Бу китобда А. Фитрат диний тоқатсизликка ҳам қарши фикр билдиради: «Ҳеч қандай шубҳа йўқки, гарчи одамлар турли динларга эътиқод қилсалар-да ва турли мамлакатларда яшасалар-да, турли элат ва миллатларга мансуб бўлсалар-да, уларнинг бари бир отанинг болаларидирлар ва одамнинг битта уругига мансубдирлар. Бошқача айтганда, улар ога-инилардир. Шундай экан, уларнинг бари шафқатли бўлишлари, бир-бирларини севишлари керак»<sup>1</sup>. Европа муслмон ренессанси даврида Ўрта Осиёнинг зироатчилик, ҳунармандчилик, санъат, илм-фандаги ютуқларини ўзлаштириб олганлиги ҳақидаги фикр юқорида қайд этганимиз «Мунозара» асарида ҳам аниқ кўзга ташланади.

Энди улардан ўзлаштириш вақти келганини англаб А. Фитрат ёзади: «бизнинг бахтимизга қарши, агар бой берилган маданиятимиз ва тамаддунимизни ортга қайтариш учун биттагина ҳаракатни амалга оширсак, бизнинг уламоларимиз ўша захоти: «Сен кофир бўлдинг», — дейишади ва бизга халақит бера бошлашади»<sup>2</sup>.

Жадидларни, айниқса, бундай жоҳиллик тиббиёт соҳасида пайдо бўлгани ташвишга солган. Кўплаб муслмонлар руҳонийлардан кўрқиб рус шифокорларга мурожаат қила олма-

<sup>1</sup> Фитрат А. Нажот йўли (Раҳбари нажот) / Тарж. Ш. Воҳидов. Тошкент: Шарк, 2001. 159-б.

<sup>2</sup> Абд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника. С.33.

ганлар. Шу боис А. Фитрат ва бошқа муаллифлар одамларни бу шариатга қарши эмаслигига ишонтирганлар. А. Фитрат шундай мисол келтиради: «Аббосий халифалар... бошқа динга мансуб кўнлаб шифокорлар ва олимларни ўз хизматига олганлар, уларни юнонча ва ҳиндча илмий китобларни араб тилига ўгиришга ундаганлар ҳамда уларни Бағдод мадрасаларида ўрганишга мажбур қилганлар. Халифа Абу Жаъфар Мансур Аббосий, Буюк Имом (Абу Ҳанифа) унинг даврида яшаган, ҳатто насроний Георгий Бахтишни Бағдоднинг бош шифокори этиб тайинлаган, халифа Абдурашид эса... Бағдоднинг бош шифокори ўрнини юқорида эслаб ўтилган Георгийнинг насроний бўлган ўглига берган, ўзининг шахсий шифокори этиб оташпараст Манкани тайинлаган. Буларнинг бари тасдиқлайдики, энди биз, мусулмонлар, бир неча талабани Европага тиббиётни ўрганиш учун юборсак, у ердан етук шифокорларни таклиф этсак ва уларни ўзимизнинг тиббий мадрасаларимизга ўқитувчи қилиб тайинласак, бу асло шариатга зид бўлмайди»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибратнинг «Мезон уз-замон» асари ҳам худди шундай панд-насиҳат услубида, унда муаллиф Европа цивилизацияси, технологик ва маданий янгиликлардан фойдаланиш зарурлигини диний жиҳатдан асослаб беради. Бироқ, агар А. Фитрат бунинг учун ўз нуқтаи назарини ўқувчига қизиқарли хикоя шаклига келтириб, адабиётнинг имкониятларидан фойдаланган бўлса, И. Ибрат ваъз айтиш — «амри маъруф» шаклини танлайди. Б. Бобожонов тўғри таъкидлаганидек, Ибратнинг ўзи жамият консерватизмини ўзгартиришнинг ягона йўли ўз ватандошлари билан улар тушунадиган тилда ва уларнинг динга мо-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 57-б.

йиллигини назарда тутиб мулоқот қилиш эканини жуда яхши фахмлаган. Айнан шунинг учун у ваъз шаклини танлаган. Бошқалар каби И. Ибрат икки муҳим мавзу: иноқлик ва бирлик ҳамда номусулмонларга муносабатга тўхталиб ўтади, Қуръон ва ҳадис ёрдамида бағрикенглик ғоясини шакллантиради. Унинг бағрикенгликка даъвати одамларнинг бир ота — Одам Ато ва бир она — Момо Ҳавводан келиб чиққани ҳақидаги ақидага асосланади<sup>1</sup>. Ибрат ғарб маданиятини сингдиришнинг энг асосий тарафдори бўлган бўлса керак. У бошқалардан кўра кўпроқ чет элда яшаган, Кошғар, Истамбул, София, Афина, Рим, Кобул, Жиддага борган. 1892 йилдан 1896 йилгача Бомбей ва Калькуттада истикомат қилган, у ерда нафақат урду, балки инглиз, француз тилларини, қадимий яҳудий, сурия ва қадимий юнон ёзувларини ўрганган, рус тилини жуда яхши билгани ва рус адабиёти билан таниш бўлганини гапирмаса ҳам бўлади. Бу билимлар ва кўп қиррали истеъдод, жаҳон адабиётидан хабардорлик 2 томдан иборат дастлабки ўзбекча-арабча-форсча-туркча-ҳиндча-русча «Луғати ситта ал-сина»ни<sup>2</sup> яратиш имконини берган.

Жадидларни кўпинча Ғарб олдида сажда қилишда айблашган, аммо айнан шу «камчилик» уларнинг бағрикенглигини белгилаб берган. Туркистон жамияти тараққиётда анча ортда қолган бир вақтда улар Европа ютуқларидан ҳайратга тушмасликлари мумкин эмасди.

Янги фанлар ва алоқа воситаларига салбий муносабатни улар мутаассиблик деб атаганлар ва ўзлари сафарлардан техник янгиликлар (граммофонлар, фотоаппаратлар, лампалар ва б.)ни албатта олиб келганлар. Улар ўз фикрларини Пайғамба-

<sup>1</sup>Исхакхантура ибн Джунайдаллах Ибрат. Мизан аз-Заман. Предисловие. Ташкент-Токио, 2001. С. 8–9.

<sup>2</sup>Ибрат. Ажзий. Суфизода. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1999. 13-б.

римиз даврида эндиликда биринчи заруратга айланган кўплаб нарсаларнинг йўқ бўлгани билан асослаганлар, А. Фитратнинг «Мунозара» асаридаги бухоролик мусулмонлар учун жадид мактабларининг зарурлиги ҳақида мулоҳаза юритаётиб далил сифатида бу мактабларда болалар ўтирадиган насронийлар томонидан кашф этилган кресло ва стулларни келтиради. Бунга А. Фитрат фаранги тилидан Худо ифлос похолдан кўра креслода ўтириб чин дилдан ва самимият билан ўқилган оятни қабул қилади деган фикрни айтади<sup>1</sup>.

Жадидлар фикрича, айнан диний консерватизм техник янгиликлардан фойдаланишга тўсқинлик қилади, шу туфайли хунармандчилик ва корхоналар Россиянинг ривожланган саноати билан рақобатга дош беролмай тараққиётга ортда қолади.

Шундай қилиб, тараққийпарварлар ўзларида «анъанавий (диний) менталитетни Шарқнинг мусулмон жамиятларида техник ва илмий инқилобнинг зарурлиги ҳақидаги гоёлар, очикроқ ва бағрикенгроқ бўлишга даъватлар билан» анча муваффақиятли тарзда мужассамлаштирганлар.

Бироқ бу уларга мустамлака бошқарувининг Туркистондаги ўлка туб аҳолиси манфаатларини ерга урувчи, маданият ва таълимнинг тўлақонли ривожланишига имкон бермайдиган (хукумат томонидан насроний-миссионерлик фаолиятининг рағбатлантирилиши, жадид мактаблари ва газеталарининг тақиқланиши бунга мисол бўлиши мумкин) миллий ва диний сиёсатини кўриш ва танқидий баҳолашларига тўсқинлик қилмаган. Жадидлар Россия империяси маъмурияти мусулмонларнинг фаоллашиши ва уларнинг сиёсий онги ўсишидан манфаатдор эмаслигини жуда яхши тушунганлар.

<sup>1</sup> *Фитрат А.* Хиндистонда бир фаранги ила Бухороли бир мударрисининг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси. 79-б.

Аммо маъмуриятнинг Туркистонни ҳам Россиянинг ўзида, ҳам Осиё ва Европа мамлакатларида юз бераётган сиёсий жараёнлар таъсиридан ажратиб қўйишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасиз тугади.

Миллий тараққийпарварларнинг бағрикенглиги уларнинг Россиянинг бошқа мусулмон минтақаларидаги, ўз навбатида, рус демократик ҳаракати билан яқин алоқада бўлган ҳамфикрлари билан ҳамкорлиги ва алоқалари туфайли анча кучайган.

Туркистон жадиждларининг мафкуравий қарашларига кўп жихатдан демократик ҳаракатлар интеграцияси шарофати билан қўшни давлатлардан ўлкага кириб келган ғоявий-сиёсий оқимлар таъсир қилган<sup>1</sup>.

Жадиждлар Туркистон келажагига ҳаққоний баҳо берганлар ҳамда куч ва имкониятларнинг тенг эмаслигини тушунган ҳолда Россиядан ажралиб чиқишдек катта мақсадни қўймаганлар, айнаи дамда, мусулмонларнинг давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини ҳимоя қилганлар. Айниқса, бу нуқтаи назар улар Туркистон Федератив Россиянинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши мумкинлигига ишончи февраль инқилобидан кейин яққол намоён бўлди. Бироқ, уларнинг фикрича, бунинг муҳим шарти иккала томоннинг ўзаро ҳурмати, диний ва миллий бағрикенглиги эди. Жадиждчиликнинг бош мафкурачиси бўлган М. Бехбудий Туркистондаги давлат бошқаруви шакли ва маҳаллий аҳолининг сайланадиган органлар ишидаги иштироки борасидаги ўткир баҳслар пайтида, 1917 йилда, шундай дейди: «Мусулмонлар қолоқ ва мутаассиб деб таъкидлаш

<sup>1</sup> Абдуллаев Р.М. Интеграционные процессы в мусульманском мире и туркестанские джидды // Жадиждчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент: Университет, 1999. С. 75.

нотўғри. Биз бир-биримиз хақида жуда кам биламиз ва жуда кам вақт бирга яшадик, фақат энди эркинлик бизни бирлаштириб турибди. Бундай бирлашиш катта оғаларимиз руслардан ўрганиш истагидаги мусулмонларнинг манфаатларига мос. Биз ягона Россия фарзандларимиз ва бирга қадам ташлашимиз лозим, илгариги камситишлар унутилиши керак». Ҳаракат ривожининг биринчи босқичида тараққийпарварлар демократик кучларни ифодаловчи мусулмонларни бирлаштиришни мақсад қилиб қўйган бўлса, 1917 йилга келиб бу гоёлар ички бирлик доирасидан ташқарига чиқди. Туркистоннинг Россия таркибидagi суверенитети шарти эндиликда, диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, барча кучларни бирлаштириш ҳисоблана бошлади. М. Беҳбудийнинг ёзишича, янги давлатда, диний ва ирқий мансублигидан қатъи назар, Туркистоннинг бутун аҳолиси ҳуқуқларини ҳамоя қиладиган қонунлар ишлаб чиқилиши керак<sup>1</sup>.

Бағрикенглик, диний тоқатлилиқ ва барча халқларга дўстона муносабат жадидларнинг сиёсий фаоллиги энг юксак чўққига чиққан даврда алоҳида қиёфа касб этди, бу миллий-худудий автономия — Туркистон Мухториятига асос солиш гоёсида ўз аксини топди. Аввал айтиб ўтганимиздек, бу дунё тажрибасидаги умуминсоний гоёларга асосланган миллий-давлат қурилишига биринчи уриниш бўлган.

Жадидларнинг «Шўрои исломия» партияси ташаббуси билан чақирилган Ўлка мусулмонларининг 2-съездидаёқ (1917 йил 7 — 11 сентябрь) қарор қабул қилинди, унда шундай дейилади: «Съезд ҳокимиятнинг Аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари советига берилишига қарши чиқади. Ҳокимият коали-

<sup>1</sup> Беҳбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуг Туркистон. 1917 й. 12 июнь.



цион бўлиши ва мамлакатнинг бутун кучларига таяниши, яъни умумхалқ бўлиши керак»<sup>1</sup>. Большевиклар ҳукуматидан фарқли ўлароқ, Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳақиқатан вакиллик ва бағрикенгликни ифода этган орган эди. 32 нафардан иборат Туркистон Муваққат Кенгаши аъзолари сони илгарироқ Туркистон ўлкасидан Умумроссия таъсис мажлисига юборилган депутатлар сони билан белгиланган. Миллат Мажлиси 54 ўриндан ташкил топди, улардан 4 тасини шаҳарларнинг ўзини ўзи бошқариш съезди вакилларига тақдим этиш кўзда тутилди ва ўлкадаги турли европаликлар ташкилотлари вакилларига 18 ўрин ажратилди<sup>2</sup>. Бу нуфуси Туркистон аҳолиси умумий сонининг 7% дан ошмаган европалик аҳолига ўринларнинг учдан бир қисми ажратилганини англатарди<sup>3</sup>.

1917 йил 1 декабрда Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати Туркистон ўлкаси аҳолисига мурожаат қилинган варақаларни тарқатди, унда шундай дейилади: «Ўлка мусулмонларининг фавқулодда съезди (*унда мухторият эълон қилинган — Д.А.*) Туркистоннинг барча фуқаролари — мусулмонлар, руслар, яҳудийлар, ишчи, аскар ва деҳқонлар, ўлкада қўним топган барча қабила ва халқлар, шаҳар ва давлат ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий ва касаба ташкилотлари ва уюшмалари, барча давлат ва хусусий муассасаларни Туркистон халқ ҳокимияти атрофида бирлашишга ҳамда унинг зиммасига юкланган мураккаб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда унга ёрдам беришга чақиради»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Кенгаш. 1917 й. 2 сентябрь.

<sup>2</sup> Эл байроғи. 1917 й. 22 декабрь.

<sup>3</sup> *Агзамходжаев С.С.* Из истории борьбы за автономию Туркестана // Туркистон мустакиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент: Фан, 1996. С. 32.

<sup>4</sup> Известия Временного правительства Автономного Туркестана. 1917 г. 13 декабря.

Бу пайтга келиб тараққийпарварларнинг ҳам диний, ҳам миллий бағрикенглиги ягона тушунчага бирлашиб, умумдавлат сиёсати мақомига эга бўлди.

Бироқ жадидларнинг бағрикенглиги уларнинг ислом маданиятига устиворлик беришига халақит қилмаган. Улар ҳаммиша мусулмонларнинг дунё цивилизациясига дахлдорлигига ургу берганлар. Арасту, Афлотун, Суқротнинг асарларидан кенг фойдаланган ва замонавий фалсафий оқимлардан яхши хабардор бўлган ҳолда<sup>1</sup> улар шарқнинг исломий фалсафаси билан умумий нуқталарни топа олганлар. Улар маданиятлараро мулоқотнинг тафаккур принципларида қатъий турганлар. Улар Шарқ ва Ғарб тенг мулоқотга киришса, ўзаро бирга бўла олади деб ҳисоблаганлар. Эҳтимол, бунинг сабаби фақат замонавий жараёнлар ва таълим бўлмагандир. Диний бағрикенглик моҳиятан Ўрта Осиёда тарихий илдизларга эга бўлган. Асрлар мобайнида бу ерда турли диний жамоалар ва этнослар тинч-тотув яшаб келган. Шу боис жамиятнинг энг тараққийпарвар қисми онгида диний бағрикенглик ва атрофдагиларга, ирқий ва диний мансублигидан қатъи назар, дўстона муносабат мавжуд эди.

Айнан шу нарса жадидларнинг ёш турклар ва мисрлик ислоҳотчилар ортидан европаликларнинг сиёсий тажрибасидан жиддий фойдаланиши, айна дамда, миллий ўзига хосликни сақлаб қолишига имкон берди. Аста-секин уларда «конституцион монархия, шариат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни қисман қўллашдан тортиб «кенгайтирилган» конвергенцион ёндашувгача» бўлган европача ва шарқий (исломий) ижтимоий тузи-

<sup>1</sup> Прилуцкий Е.А. Запад и Восток в философских и теоретических концепциях джадидов // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент: Университет, 1999. С. 62.

лиш принципларининг инсбати даражасига қарашлар шаклланди, бу ислом меъёрларининг халқ-демократик тузуми билан ёнма-ён яшашини белгилаб берган<sup>1</sup>.

Жадидлар дастурида миллий масала бутун этносни бирлаштириш доирасида ҳал қилинган. Балки, бу бирмунча содда ёндашув бўлгандир. Аммо уларнинг миллий ўзликни англаши этник тушунча билан чамбарчас боғлиқ эди. Этник мансубликни улар «миллат», «мусулмонлар», «туркистонликлар», «туронликлар» каби атамалар билан ифодалаганлар. «Миллат» уларнинг тушунчасида Туркистон, Бухоро ва Хивада кўним топган турк тилли ва форс тилли одамлардир. «Мусулмон» — барча диндошларга мурожаат бўлиб, у нафақат диний тусга эга, балки кўпроқ Туркистоннинг турк тилли ва форс тилли аҳолисини акс эттиради. Жадидлар мусулмонлар бирлиги ҳақида гапирганларида, албатта, диний эмас, балки этник бирликни назарда тутганлар. Бу М. Беҳбудийнинг «руслар», «яхудийлар» каби этник атамалар қаторида «мусулмонлар» атамаси қўлланилган «Баёни ҳақиқат» мақоласидан олинган парчада яққол кўзга ташланади<sup>2</sup>.

Айни дамда, «мусулмонлар» сўзи «насронийлар» атамаси билан бир қаторда диний белги сифатида қўлланилади. Шу билан бирга, айтишимиз мумкинки, жадидлар шарофати билан диний мусулмон тушунчасининг этник тушунчага ўзгариши юз берган. Мустамлакачиликка қарши муваффақиятли курашнинг бош шарти бўлган сиёсий гоялар ва тараққийпарвар кучларни бирлаштириш этник бирлашишга олиб келган.

Бу фақат Ўрта Осиё мусулмонларига тегишли эмасди. Татар жадидчилиги тадқиқотчиси Д.М. Исҳоқов ёзганидек,

<sup>1</sup> Уша жойда. 64-б.

<sup>2</sup> Беҳбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуг Туркистон. 1917 й. 12 июнь.

«татарларнинг этник ўзлигини англаши XIX аср ўрталарига қадар «мусулмон» қобигига «ўралган» ва «мусулмон» кон-фессионизми уларда анча мустаҳкам бўлган»<sup>1</sup>. Америкалик олим Шомил Ўгли фикрича, татарлар доимий равишда рус-лар томонидан ҳақоратга учраган ҳолда аҳволини умидсиз деб ҳисоблаб ўзларини бундай ном билан аташни истамаганлар<sup>2</sup>. Бу ўзларини бундай аташни истамаган сартларга ҳам таал-луқли.

Этник масалалар ҳам жадидлар томонидан мустамлакачи-ликка қарши курашга боғланганидан М. Бехбудийнинг зиёли-лар орасида машҳур бўлган «Сарт сўзи мажҳулдир» мақоласи гувоҳлик беради, бу муҳим, афсуски, тарихчи ва этнографларга яхши маълум бўлмаган манбадир, у ҳақда яна батафсил тўхта-ламиз<sup>3</sup>.

М. Бехбудий «Қозоқ қариндошларимизга очик хат» номли бошқа мақоласида ёзади: «... биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, ко-зок, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозогистон-даги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухторият-нинг амалга келишига саъй ва эҳтимом этмоғимиз лозимдур. Агарда бизга ўз бошимизга, шариат, урф ва одатимизга муво-фиқ тирикчилик қилмоқ керак бўлса, ҳаммамиз вақтли низоъ ва «манман»лиқни қўйиб, ҳамма нарсани эсимиздан чиқариб, ёлгуз «мухторият» учун ҳар нимарсамизни фидо этмоғимиз ло-зимдур»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Исхаков Д.М. Феномен татарского джадидизма: введение к социокультурному осмыслению. Казань, 1997. С.19.

<sup>2</sup> Shamiloglu Ul. The formation of Tatar historical consiosness: Sihatlidin Marcantanal image of the Golden Horde // Central Asia surver. 1990. Vol. 9. №2. P. 24.

<sup>3</sup> Бехбудий М. Сарт сўзи мажҳулдир // Ойна. 1914. №22. 340-б.

<sup>4</sup> Бехбудий М. Қозоқ қариндошларимизга очик хат // Хуррият. 1918 й. 26 январь.

Ўрта Осиё жадидларининг туркчилик байроғи остида бирлаштириш гоёси янгилик бўлмай, ўлкадан ташқарида ҳам кенг ёйилган. Бунда, бизнинг фикримизча, Россия, хусусан, татар жадидчилигининг ҳиссаси катта бўлган. Россия империяси ИИВ қошидаги «Махсус кенгаш»нинг 1910 йилдаги материалларида кўрсатилишича, «қозонлик тараққийпарварлар рус муслмонларини диний хаёлий қабилавий бирлик асосида ягона сунъий турк-татар тилига эга битта миллатга бирлаштиришга тобора кўпроқ ҳаракат қилишмоқда»<sup>1</sup>. Қозон губернатори расмий ҳужжатларда зиёлилар «давлат ичидаги диний-миллий автономия руҳи ҳамда панисломча ва пантуркча бирликка интилиш тўлиб-тошган»и ҳақида хабар беради. Туркистон генерал-губернаторларининг империя марказий раҳбариятига, мос равишда Туркистон райони муҳофаза бўлимининг унга юборган хабарлари ҳам шу руҳда бўлган.

Аввал айтиб ўтганимиздек, Шарқда юз берган воқеалар — Эрондаги конституцион ҳаракат (1905 — 1911 й.), Ҳиндистондаги мустамлакачиликка қарши чиқишлар (1905 — 1908 й.), Туркиядаги инқилоб (1908 й.) ва б. ҳам Туркистондаги миллий ҳаракатга маълум таъсирини ўтказган. Бирок Туркистон жадидлари ҳеч қачон умумтурк ёки умумислом давлатини яратишни мақсад қилиб қўймаганлар. Бирлашиш шиори диний-ахлоқий хусусиятга эга бўлган, подшо яккахоқимлигига қарши қаратилган ва мустамлакачиликка қарши хусусият касб этган.

XX асрнинг 20-йилларида, совет ҳокимияти даврида, Кўқондаги Туркистон Мухторияти тор-мор келтирилганидан кейин жадидларнинг аксарияти эмиграцияга кетган, қолганлари

<sup>1</sup>Исхаков Д.М. Формирование национального самосознания татар: проблема становления (XVIII — начало XIX вв.) // Культура, искусство татарского народа. Казань, 1993. С.124.

эса таълим соҳасида ишлаётган бир пайтда туркчилик ғояси ривожланишда давом этди. У 1920 йил январида туркий халқларни бирлаштириши керак бўлган Турк республикасини яратиш ғояси билан чиққан ТуркМИК раиси лавозимини эгаллаб турган Турор Рисқуловнинг нуқтаи назарида ўз ифодасини топди. Унинг нуқтан назари мустабид марказнинг зўравонлигига қарши қаратилганди, у Россия Федерацияси таркибида Турк республикасининг яратилиши суверен миллий тараққиёт имконини беради деб ҳисоблаган. Бироқ бу большевикларга маъқул келмади ва Т. Рисқулов ғояси В. Ленин томонидан рад этилди. Туркистон АССР амалда ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган, унинг қонуний ҳокимияти эса марказий партия органлари билан алмаштирилган<sup>1</sup>. Ўрта Осиёнинг миллий-худудий чеғараланиши ва миллий республикалар ташкил этилишидан сўнг «туркчилик» ғояси тарафдори бўлган жадидларнинг аксарияти ўзларини ўзбек деб ҳисоблаб Ўзбекистонда яшади ва ўзбек маданияти соҳасида фаолият олиб борди.

<sup>1</sup> Қаранг: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент, 2000. С. 155 – 163.

## ВАТАН МУҲАББАТИГА АСОСЛАНГАН «ҒАРБЧИЛИК»

**Ижтимоий-интеллектуал норозиликнинг генетик  
илдизлари, жаҳидлар дунёкарашида Ғарб ва Шарқ  
фалсафий ғояларининг уйғунлашуви**

Инсоният тарихи ўзининг деярли барча босқичларида ривожланиш жараёнини бошдан кечирган, бунга турли минтақалардаги маданиятларнинг ўзаро таъсири тўртки бўлиб хизмат қилган. Дунёни икки қисм — «наصريйлар Европаси» ва «муслмонлар Шарқи»га бўлиш, ўз навбатида, ҳар иккала қисм маданиятига кучли таъсир кўрсатган. Гарчи икки маданий феноменнинг бу қадар яққол фарқини тасвирловчи мантиққа зид жиҳатлар кўп бўлган бўлса-да, Киплинг билдирган «улар абадий кесишмайди» деган фикр тарих томонидан рад этилди.

Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё X — XIV асрларда қудратли маданий юксалишни бошдан кечириб, кейин Ғарбга ўрнини бўша-тиб берди. Ғарб, ўз навбатида, Шарқнинг илмий ютуқларини ўзлаштириб олиб Европада уйғониш даври деб аталган янги даврга қадам қўйди. Муслмон Шарқидан кўркиш ўрнини ундан хайратланиш эгаллади. Бутун ўрта асрлар Европа адабиёти ва янги даврнинг ижод оламига сирли Шарқ романтикаси сингиб кетган. Маълумки, Гёте ўзини Шероз булбули Хўжа Хофизнинг асири деб атаган ва унинг ижодига асосланиб, Шарқ поэзиясига кўнгил қўйиб Ғарб ва Шарқ хақида дoston ёзган. Данте «Илохий комедия»да инсоният даҳолари орасида Ибн Сино номини айтиб ўтган. Шарқ фани, хусусан, Ўрта Осиё ва-

киллариининг назарий таълимотларини Европа ниҳоятда юксак ўринга қўйган, унинг ёрдамида билим-маърифатга эга бўлган. Америкалик исломшунос олим Франц Роузентал Ғарб ва Шарк билимлари илдизи ягона деб ҳисоблайди, улар бир дарахтнинг шохларидир, барча сезиларли фарқлар битта гулнинг ёрқин ёки хира тусларини акс эттиради<sup>1</sup>. Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ.

Аmmo нега маданий жихатдан кучли қисмлар XIX асрда бу қадар нотенг ҳолатга келиб қолди? Уйғониш даври гуманизми прода эркинлиги ва инсон тафаккурига ишончни, айнаи дамда, унинг худбинона манманлигини қарор топтирди. Ўз ортидан машиналар ёрдамида ишлаб чиқаришнинг жадал ривожини олиб келган билишнинг илмий методи тараққиёти, назоратдан холи товар саноати, географик кашфиётлар зўрлик билан экспансия қилишга олиб келди, аксарият давлатларни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва хомашё етказиб берувчиларга ажратиб ташлади. Динни суриб чиқарган табий фанлар ва технологиялар Ғарбда олий кадриятлар мақомига кўтарилди.

Илмий кашфиётлар ва техник ихтиролар тўлқини аср бошига келиб жадал тус олди ва 1908 йилда 862 мингтани ташкил этди<sup>2</sup>.

Қолаверса, Ғарб билан тўқнашув Осиё давлатларининг иктисодий ва технологик қоқоқлигини ошқор қилиб қўйди, шу сабабли бир замонлар қудратли бўлган, кейин турли хонликларга бўлиниб кетган Амир Темур салтанати Россиянинг мустамлакасига айланди.

Жадидчилик миллий ва маданий юксакликка эришиш учун ижтимоий ҳаракат сифатида Ўрта Осиёнинг тарихий чақирик-

<sup>1</sup> Роузентал Ф. Торжество знания. М., 1978. С. 327.

<sup>2</sup> Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. М., 1992. С. 467.



қа жавоби ҳам эди. Цивилизация бу ерда жуда бой маданий меросга таянган ва улкан сафарбарлик захираси: фалсафа хуқуқини тартибга солувчи фалсафий рационалликка, қадимий миллий анъаналарга асосланган ижтимоий жипслик механизмларига, боз устига, табиий бойликлар ва кўп миллионлик аҳолига эга бўлган. Европаликнинг прагматизми ва сергайратлилигига шарқона маданият орқали тарбияланган инсоний хислатлар: ўзаро ёрдам ҳисси, бирликка мойиллик ва мослашувчанликни қарши қўйишган, бироқ бу яхшироқ ҳаётга интилиш билан белгиланган ва норозилик билдиришга ҳалақит бермаган.

Бу норозиликни, бошқача айтганда, ақлий-ижтимоий портлашни ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маърифатчилари ва файласуфларининг назарий меросига эга бўлган жадидлар келтириб чиқардилар. Ғарб ва Шарқ маданиятларининг ёнма-ён яшашида, ҳар иккисининг ютуқларидан фойдаланишда улар мамлакат равнақи асосини кўрдилар. Аммо айнан ватан тарихи соҳасидаги чуқур билимлар уларга ҳақли равишда ўз халқини жаҳон цивилизациясининг ютуқларига дахлдор деб ҳисоблаб, миллий тажриба асосида давлатни ривожлантириш назариясини мафкуравий ва методологик жиҳатдан асослаш имконини берди.

Бироқ нафақат ўз мамлақати тарихи, балки Европа тарихидан хабардорлик, боз устига, сафарлар давомида бу мамлакатларнинг маданият ва маориф, давлат қурилиши соҳасидаги тажрибаси билан танишиш уларни шундай глобал миқёсда фикр юритишга йўналтирди. Айнан шу нарса уларнинг мустамлакачи томон вакилларида нафратланмаслик, ўзлари астойдил хоҳлаган тараққиёт ва мустақилликка эришиш йўлини топиш учун рақибнинг куч-қудратини тушунишига имкон берди.

Рости, ўша йиллардаги реал геосиёсий вазиятда Ўрта Осиёнинг Ғарб цивилизациясига чиқиши Россия орқали амалга оширилган ва жадидлар бошқа йўл қон тўкилишига олиб келишни англаган ҳолда дастлаб келишув йўлини маъқул кўрдилар. Буни 1916 йилги кўзғолонлар натижаси тасдиқлаб улгурганди. Эслатиб ўтиш жоизки, империянинг буюк давлатчилик шовинизми маданиятларни бир-бирига қарши қўйиш, ўлка миллий маданиятини қўпол тарзда ва зўравонлик шаклида рад этиш, диний ва миллий адоватни авж олдиришда намоён бўлган.

Столипин ҳукумати жадидларнинг янги таълим тизимига қарши қатагон кампаниясини кенг авж олди, газеталар, журналлар, мактабларни ёпиб қўйди. У миссионерлик нашрлари томонидан амалга оширилган исломга қарши ташвиқот шовшувлари, гўёки Россия давлатчилиги асосларига зарба берувчи ислом ислохотчилигига қарши курашдан куч олди. Жадид ҳаракатининг машҳур етакчиси Садри Мақсудий 1912 йил мартда Дума мажлисида ушбу сиёсатга танқидий баҳо берди<sup>1</sup>. Буларнинг бари Туркистон тараққийпарварларини метрополиянинг ўзидаги миллий-тараққийпарварлик ҳаракати билан янада яқинлаштирди. Жадидлар асарларини ўрганиш тараққийпарварларнинг Ўрта Осиёнинг Ғарбий Европа билан тарихий алоқалари ҳақида уларнинг замонавий ҳолатига эътиборни жамлаган ҳолда хулосалар чиқаришга мойил бўлган деган фикрга келиш имконини беради. Улар асосли равишда айнан ислом маданияти Европа учун Афлотун ва Арастуни сақлаб қолган деб билганлар, ўзлари ҳам нафақат уларни кадрлаганлар, балки маълум маънода уларнинг назарияларининг янги ташвиқотчилари бўлганлар. Нега М. Бехбудий И. Кант, А. Фитрат Ш. Сеньобосс, А. Авлоний, Афлотун, Сукрот ва Арасту асарла-

<sup>1</sup>Идель. Казань, 1991. №10 – 11. С. 88 – 92.

рига бу калдар астойдил кизиккан, уларнинг таълим ва тарбияга қарашиларнинг алоҳида эътибор қаратган? Асосий қондаси тинг-лаш бўлган ислом тафаккури ва бу нарсаларга европача эркин қараш ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин деган савол туғилди. Бу саволга жавоб Афлотун, Суқрот, Арасту, ҳатто А. Македонский, Ибн Сино, Румий, Бедил фалсафасини бир-лаштиришни, бу манбаларнинг Қуръонга мослигини исбот-лашни ва шу асосда мусулмонлар учун илгор ахлоқ тизимини ишлаб чиқишни удадлаган А. Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асариде яққол ўз ифодасини топган<sup>1</sup>. А. Фитрат-нинг тарб социологлари ва психологлари тадқиқотлари ҳамда исломий рисола ва ҳадислар қоринмасига асосланган «Оила» монографияси ҳам тахминан шундай йўналишда<sup>2</sup>.

Айни дамда, диний тафаккурни схоластикадан тозаллаган ҳол-да улар ўзлари Ғарб маданий меросида кўрган нарса — умумин-соний қадриятни исломга қайтаришга ҳаракат қилдилар. Та-факкурнинг бундай глобаллашуви — жадидчиликнинг энг фаол қисмига ҳос ҳусусият. Уларнинг фикрича, мусулмон оламининг бир қисми бўлган, аммо жаҳон тарихида мустақил ноёб ҳодиса ҳисобланмиш Ўрта Осиё XX аср очиб берган мураккаб ва зид-диятли келажакда ўзининг муносиб ўрнини топиши лозим эди.

Жамиятнинг тубдан яхши ҳолатга ўтганини нима белгилаб бериши керак? Бу, биринчи навбатда, илмий ютуқлар ва илгор техникани ўзлаштириш орқали, ёш авлодда маънавиятни тар-биялаш орқали таълим ва маориф соҳасидаги ислоҳотлар асо-сида юз бериши лозимлигига жадидларнинг ишончи қомил эди. М. Бехбудий фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ўзлаш-тирмаган миллатлар пешонасига жаҳон цивилизациясининг

<sup>1</sup> Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ // Таълиқан асарлар. II жилд. Тошкент, 1998. 33 – 92-бетлар.

<sup>2</sup> Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Баку, 1915.

хилват жойларида беҳуда ҳаёт кечириш қисмати битилган деган кескин фикрда бўлган. Техника Ғарбда ривожланган экан, тараққийпарварларнинг нигоҳи ҳам ўша ёққа қаратилган. Афтидан, уларнинг ёшларни хорижга юбориш борасидаги саъй-ҳаракатлари шу билан изоҳланади.

Барибир, Россия мустамлакачилигига қарши кураш, айниқса, 1916 йилги қўзғолонлар билан белгиланган, кўп асрлик вужудга келиш тарихига эга Туркистондаги ақлий портлаш 1917 йили ижтимоий-сиёсий мақомга ўсиб чиқди, негаки маданият ва маорифнинг ривожланиши, ўз навбатида, мустамлакачилик доирасида имконсиз бўлган ижтимоий ва сиёсий такомиллашувсиз имконсизлиги ойдинлашиб қолди.

Сиёсий уринишларнинг муваффақиятсиз яқунланишига кўп жихатдан ички келишмовчиликлар сабаб бўлди. Жадидларни «ғарбчилик»да, миллийликдан воз кечишда айбладилар.

Айниқса, бу каби ҳамлалар «Шўрои уламо» ташкилоти ва рухонийлар таъсири остида бўлган аҳолининг консерватив қисми томонидан амалга оширилди. Аслида, тараққийпарварлар воқеликка реал қараганлар ҳамда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий инқироzi ва Европа давлатларининг тараққиётини кўрганлар. Агар улар маданиятнинг ғарбча намуналарини тўғридан-тўғри қабул қилишга мойил бўлсалар, нега марксизмни бутунлай рад этганлар? Улар ғарб фалсафий тафаккурига танлов асосида ёндашганлар, ғояларнинг миллий асоси, диний ақидалар билан ёнма-ён яшаши мумкинларидангина фойдаланганлар. М. Беҳбудий ижодида Огюст Конт фалсафасининг бош йўналиши бўлган позитивизм излари кўзга ташланади. М. Беҳбудий ўзининг «Хайр ул-умури авсатухо»<sup>1</sup> мақоласида марк-

<sup>1</sup> Беҳбудий М. Хайр ул-умури авсатухо // Хуршид. 1906 й. 11 октябрь.

сизм ва социализмни утопия ва туркистонликлар учун умуман яроқсиз деб атаб улар ҳақда ўзининг қатъий нуқтаи назарини билдирган (бу ҳақда қуйироқда яна тўхталамиз). Марксизмнинг энг салбий томони, жадидлар назарида, хусусий мулкка салбий муносабатни қамраб олган иқтисодий назариядан ташқари атеизм ҳам бўлган.

Дин жадидлар учун сиёсий қурол эмас, балки жаҳолатдан покланиш воситаси бўлган. Улар ўзларининг диний туйғуларида самимий бўлганлар. Аммо, динга мойилликларига қарамай, улар Туркистоннинг бўлажак давлат қурилишини демократик қонунлар ва парламентаризмга таянувчи дунёвий давлат деб тасаввур қилганлар. Аҳоли нега уларнинг миллий хусусиятларга эга дунёвий давлат қуришга уринишини қўллаб-қувватлаган? Туркистон Мухторияти мавжуд бўлган уч ой мобайнида бутун минтақа бўйлаб уни қўллаб-қувватлаб оммавий намойишлар бўлиб ўтгани маълум. Сабаби, бизнинг фикримизча, шундаки, бу ерда кўп асрлар давомида ишлов берилган диндан ташқари соҳаларда ҳам қўлланилган ислом ҳуқуқий назарияси амал қилган. Шарқнинг ҳуқуқий фалсафаси Европа (Англия, Франция ва Испания)дагидан анча аввал суверенитет ғоясини илгари сурган. X – XV асрлардаёқ Ибн ал-Арабий, Ал-Фаробий ва Ибн Халдун бу ҳақда мулоҳаза юритишган, Алишер Навоий эса олий давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйилиши ғоясини илгари сурган<sup>1</sup>. Агар Ал-Фаробий ва Ибн Сино, XIX аср охирида Аҳмад Дониш давлатчилик принципларини одамларнинг ижтимоий бирлигида кўргани ҳам таъкидлаб ўтилса, тараққийпарвар жадид ҳаракати қандай асосга таянгани, уни Европа сиёсий фалсафаси ҳақидаги билимлар билан бойитгани ойдинлашади.

<sup>1</sup> Рузиев Р. Историческое развитие доктрины суверенитета // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанининг долзарб муаммолари. II республика илмий-назарий конференцияси иштирокчиларининг маъруза ва чиқишлари тўплами. 1995 йил 26 май. Тошкент, 1995. II қисм. 19 – 20-бетлар.

Тор миллий доирадан чиқиш, Туркистондаги барча миллат ва элатларни бирлаштиришга интилиш, ички келишмовчилик ва зиддиятлардан қутулиш ҳам халқнинг тарихий тажрибасини, ҳам ривожланган давлатларнинг дунёвий тажрибасини ўрганишга асосланган жадидчилик фалсафасининг моҳиятини белгилаб берган.

### **Туркистон жадидчилиги ва Мисрдаги ислом ислохотчилиги: ўхшаш жиҳатлар**

Туркистон жадидчилиги буржуазияга қадар бўлган даврнинг маънавий анъаналарнинг Ғарбдан келган дунёвий анъаналар билан ёнма-ён яшашида намоён бўлган аънавий ва замонавий жиҳатлар бирлиги сифатида Шарқда ривожланган бошқа ҳаракатлар билан ўхшашликларга эга эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, негаки XIX аср ўрталарида Ер шарининг жанубий қисми тарихи ижтимоий онгнинг ўзгариши, аҳоли тараққийпарвар қисмининг тараққиёт учун курашнинг янги оптимал шаклларини қидиришга интилиши кучайиши босқичига қадам қўйди. Айниқса, бу ўхшаш жиҳатлар Миср ва Туркистонни солиштирганда кўзга ташланади.

Агар XIX аср ўрталарида «Наҳда» («Уйғониш») деган ном олган умумараб маданий ва мафкуравий юксалиши даври бошланган бўлса, XIX аср охири «Жадидчилик» («Янги») деб аталган умумтурк ҳаракати вужудга келган даврга айланди. Наҳда тарафдорлари ғарб ва шарқ цивилизациялари элементларини умумлаштиришга интилишди, айти дамда, арабларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳадаги қадим қудратини тиклаш вазифасини биринчи ўринга қўйишди.

Тараққиёт ҳақидаги худди шундай тасаввур Туроннинг буюк меросига мурожаат қилган, бу ерда фан ва маданиятнинг юксак ривожига далил сифатида Ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва б.нинг номларини келтирган туркистонлик жадидларда ҳам бўлган.

Ҳар иккала йўналиш тарафдорлари ўз халқларининг маданий меросини Ғарбнинг технологик ва маданий ютуқлари билан бирлаштиришга ҳаракат қилишди. Айни дамда, униси ҳам, буниси ҳам ўз ҳудудида биринчи бўлиб миллий бирлик, миллий маданиятнинг ривожини ҳақидаги масалаларни кун тартибига қўйди. Наҳда ҳам, жадидчилик ҳам миллий уйғониш даврини, ўзининг индивидуаллигини, ўз халқининг юз бераётган жараёнлардаги муҳим ўрнини англаш даврини очиб берди ва миллий буржуазия шаклланишининг талабларига жавоб берувчи ижтимоий-тарихий ҳодисага айланди.

Икки ҳаракатнинг мутлақо бир хиллиги ҳақида гапириш нотўғри бўлур эди, зеро, уларнинг ҳар бири ўзининг тарихий хусусиятлари ва шароитларига эга бўлган. Бироқ умумлаштирувчи ибтидо ислом ислоҳотчилиги ғояси бўлди, чунки аҳолининг диний тушунчалари ва ҳолати ижтимоий ва маънавий тараққиёт йўлидаги ғовга айланганди.

Мисрлик ислоҳотчилар Жамолиддин ал-Афғоний ва унинг издоши шайх Муҳаммад Абдо қиёфасида ўзларининг асосий мақсади сифатида диний ислоҳот (ал-ислоҳ ад-диний)ни илгари суриб, мусулмончиликнинг асосий принципларини тубдан ўзгартириш ва қайта кўриб чиқишга асло ҳаракат қилмаганлар, балки анъанавий исломнинг ижтимоий эволюция натижасида сифат ўзгаришлари, бошқача тушунишни талаб қилган элементларини текширувдан ўтказиш тўғрисида фикр билдирганлар.

Мисрнинг мусулмон ислоҳотчилари диний таълимотни асрлар давомида йигилиб қолган бузилиш ва бидъатлардан тоза-

лашга ва кейинги даврлардаги диний-ақидавий расм-русумлардан воз кечиш орқали янгилашга чақирдилар. Улар исломни ўрта асрларга хос схоластик тушуниш ва Қуръонни шунга мос равишда талқин этишдан воз кечдилар ҳамда мусулмон диний таълимотини тугилиб келаётган капиталистик муносабатлар талабларига жадаллик билан мослаштириш йўлини танладилар.

Туркистон жадидлари том маънода диний мутахассис бўлмаганлар, аммо уларнинг ислом ва Қуръон бўйича билимлари анча чуқур эди. Уларнинг Қуръонни изоҳлаши Муҳаммад Абдонинг Қуръон тафсирига оид «Тафсир ал-Қуръон ал-ҳаким» асари билан таниш бўлганлари ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Ҳам Наҳда, ҳам жадидчилик вакиллари концептуал қарашлари марказида оламда инсоннинг ўрнига ҳамда Худо ва У томонидан яратилган коинотни англашда билимнинг ролига ойдинлик киритиш мавзуси турган.

Ал-Афғоний эркин изланишга тўсқинлик қилувчи ақидаларни қайта кўриб чиқиш тарафдори бўлган, Худо яратикларининг энг олийси ва ўз ерининг эгаси, борлиқ сирларини билишга қодир одамга ишонишга чақирган<sup>1</sup>. Муҳаммад Абдо ўз устозининг инсон онги орқали мавжуд оламни билиш мумкинлиги тўғрисидаги нуқтаи назарига қўшилган: «Инсонга табиатан ўзининг моддий имкониятларидан ташқарида бўлган нарсаларни билишга интилиш ато этилган. У тадрижий ривожланишга қодирлиги билан ажралиб туради... Худо онгдан унинг олдида турган борлиқ ҳодисаларини билишда фойдаланишни тақдир қилган<sup>2</sup>. Ўз навбатида, Туркистон жадидчилигининг атоқли вакили, йирик жамоат арбоби, олим ва ёзувчи

<sup>1</sup> Кириллина С.А. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX — начало XX в.). Москва: Наука, 1989. С.130.

<sup>2</sup> Иқтибос манбаси: Левин З.И. Развитие основных течений общественно-политической мысли в Сирии и Египте (Новое время). М., 1972. С.198.



Абдурауф Фитрат ушбу фикрни ривожлантириб инсон онгига тўхталиб ўтади, унинг асосий вазифаси бу онгдан оламни такомиллаштириш учун фойдаланишдир. Инсоннинг вазифаси нафақат Қуръонда ёзилган ўғитлардан фойдаланиш, балки ўз ери, ўз тақдирининг эгасига айланишдир. «Инсон, Қуръон ҳукмига кўра, олий мавжудот, у ер ва осмонни бошқариши, уларни ўзгартириши мумкин, — деб ёзади А. Фитрат. — Агар тоғлар, темир, ер инсон томонидан ўзгартирилса, нега у ўз ҳаётини ўзгартира олмаслиги, балки ҳукмдорларнинг садақасини кутиб ўтириши керак?» У Қуръон оятларини тақдирга итоаткорликка чақириқ эмас, балки одамларни ўз тақдирини ўзи белгилашга ундаш сифатида изоҳлайди, ундан олинган «Лайла лил-инсани илла ма саъи» — «Инсон нимага эришмасин, ҳаммасига истак ва тиришқоқлик билан эришади» деган оят билан бу фикрини далиллайди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ҳам мисрлик ислоҳотчилар, ҳам туркистонлик жадидлар инсон иродасининг илоҳий онгдан мустақиллиги борасидаги фикрда яқдил бўлганлар. Жамолиддин ал-Афғоний илоҳий тақдирнинг мутлақлигини инкор этувчи мўтазила таълимотига мурожаат қилиб фаталистик мулоҳазаларга қарши чиқади. М. Абдо инсон эркин иродага табиий хусусият сифатида эгаллик қилишини таъкидлаб бу масалани прагматик руҳда таҳлил қилади. Шунга боғлиқ равишда Қуръоннинг 64 оятида ирода эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилганига ишора қилади<sup>2</sup>.

Бу билан фатализм белгиларининг намоён бўлиши анча чекланди ва ақидапараст-қадимчиларнинг инсон тақдирининг олдиндан белгилаб қўйилиши ва нариги дунёдаги ажр ўлчови ҳақидаги

<sup>1</sup> Фитрат А. Хид сайёҳининг қиссаси // Шарк юлдузи. 1991. №8. 15-6.

<sup>2</sup> Кириллина С.А. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX — начало XX в.). С. 132.

фикрларига эътироз билдирилди. М. Абдо «Куръонга шарҳлар»-да таъкидлайди: «Аллоҳ бизга бахтли ҳаётни таъминлаш ҳамда азоб-укубатлардан холи бўлишга етарли онг ва куч берган»<sup>1</sup>.

Айнан шундай фикрга асосланиб Туркистон жадидчилигининг ғоявий илҳомчиси Маҳмудхўжа Бехбудий «Ҳақ олинур, берилмас» мақоласида бир кишининг манфаат йўлидаги ҳаракатлари ғоясини манфаатга эришаётган одамлар гуруҳи — жамиятга кўчиради, яъни у ҳеч ким халққа озодликни ихтиёрий равишда бермаслигини, унга тинч йўл билан эришиш кераклигини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Маълумки, Мисрдаги каби Туркистонда ҳам мустамлакачи назариячилар Европа давлатларининг босқинчилик ҳаракатларини қолоқ давлатларга маданият ва маориф келтиришдек буюк миссия билан асослашга ва оқлашга ҳаракат қилишган. Араб ислоҳотчилари бунга фаол муносабат билдирганлар. Ал-Афғонийнинг Сорбонна университетида ислом ҳақида маърузалар ўқиган машҳур француз файласуфи Эрнест Ренан билан мунозараси катта шов-шувга сабаб бўлган. Олимнинг маърузалари моҳиятини араблар абстракт фикрлаш ва илмий изланишга ноқобил деган тушунча ташкил этган. У буни мусулмон таълимотининг фан ва фалсафий билимга салбий муносабати билан изоҳлаган. Ал-Афғоний у билан баҳсга киришиб ёзади: «Айнан умумий жаҳолат даврида араблар унут бўлган илғор меросга (*юнон ва рим цивилизациялари мероси* — Д.А.) назар ташлаганлар ва уни қабул қилганлар, улар сўнган илмларни ҳаётга қайтарганлар ва фанни шу пайтга қадар кузатилмаган чўққига кўтарганлар»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Кириллина С.А. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX — начало XX в.). С.136.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Ҳақ олинур, берилмас // Хуррият. 1917 й. 13 июль.

<sup>3</sup> Кириллина С.А. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX — начало XX в.). С.140.

Шарқ ҳам, Ғарб ҳам тарихнинг турли босқичларида бир-бирига маданий ютуқларни улашган деб ҳисоблаган туркистонлик жаидлар ҳам худди шу фикрда бўлганлар.

Айни дамда, улар европалик маърифатчилар каби динга маданий мерос контекстида қараганлар ва маданиятни ривожлантириш концепцияси исломга тараққиётга чорловчи дин сифатида янгича қарашга асосланиши керак деб ҳисоблаганлар.

М. Бехбудий мусулмонларга сайловларда ўрин ажратилишига қарши чиққан кадетлар партияси етакчиси Н.Г. Маллицкийни танқид қилиб шундай дейди: «Сизлар Ҳиндистондаги мустамлакачилик бошқаруви ҳақидаги йирик асарларни ўшатишимдан шу ерда фойдаланиш учун ўғирдинглар. Уларнинг ўрнига ҳукмрон ва туб миллатлар бир хил сайлов ҳуқуқларига эга бўлиши ва тенг шароитда яшаши ҳақидаги китобларни чиқарсанглар яхшироқ бўларди»<sup>1</sup>.

Туркистон жаидлари мисрлик ислохотчилар каби инсонда тўлақонли дунёқарашнинг шаклланишида билимлар, умуман, фанга ҳам катта аҳамият берганлар. Иккала оқим вакиллари-нинг давлат қурилиши борасидаги қарашлари ҳам мос келади. М. Абдо конституцион бошқарувга ҳукумат билан тинч келишув орқали эришиш мумкин деб ҳисоблаган. Бундай нуқтаи назар амир ҳокимиятини сақлаб қолган ҳолда конституцион монархия жорий этишни хоҳлаган Бухоро жаидларининг биринчи авлодига ҳам хос.

Уларнинг фикрича, давлатда бошқарув шакллари-нинг ўзгаришига аҳолини тайёрлаш учун халқ ва ҳокимият эгаларини парламент демократияси ўрнатилиши зарурлигини англашга олиб келиши керак бўлган маърифатчилик фаолияти талаб этилади.

<sup>1</sup> Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. 9 – 16 апреля 1917. Ташкент: Типография «Туркестанских ведомостей», 1917. С.29.

Кўплар М. Абдони инглизпарастликда, мамлакатда ижтимоий ва диний ислохотлар ўтказишда хорижликлар ёрдамига таянишда айблаган. У бунга шундай жавоб берган: «Муқаддас Қуръон, аждодларимиз даври ва тажрибаси кофирлар ва немусулмонлардан масалани мусулмонлар фойдасига ҳал қилиш мақсадида фойдаланишга маслаҳат ва руҳсат беради»<sup>1</sup>. Бундай муносабат кўпроқ мамлакатдаги сиёсий кучларнинг мувозанати борасидаги теран фикрлашдан келиб чиққан.

Жадидлар, мисрлик ислохотчилардан фарқли ўларок, мусулмонларнинг ўзаро бирлиги ҳақида тўхталиб ягона давлат яратиш ҳақида ҳеч қачон ўйламаганлар, бу ҳақда юқорида айтиб ўтдик.

Ал-Афғоний эса мусулмонларни Европанинг мустамлакачилик ҳаракатларига қарши туришга қодир такводор халифа ҳомийлиги остида бирлаштиришни ўзининг энг муҳим стратегик вазифаси деб ҳисоблаган. «Мусулмон давлатлари» иттифоқи лойиҳасини у Миср хадиви Исмоилга, Эрон шоҳи Насриддиншоҳга, турк султони Абдулҳамид II га юборган. Бироқ Ал-Афғонийнинг миллий озодликка эришиш мақсадида мусулмонларнинг жипслашишида уларнинг ёрдамига кўз тиккани ўзини оқламади ва у конституцион монархияни сақлаган ҳолда бошқарувнинг парламент шаклини ёқлаб фикр билдира бошлади.

Иккала ислохотчилик ҳаракатининг ўхшамаслиги, бизнинг фикримизча, шундан иборатки, мисрликларда аҳолининг хилма-хиллиги муаммоси бўлмаган. Туркистонда эса асрлар оша турли туркий, эроний ва европа миллатлари қўним топган. Эҳтимол, тор миллий доирадан чиқиш, Туркистондаги барча мил-

<sup>1</sup> Кириллина С.А. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX — начало XX в.). С.154.

лат ва элатларни бирлаштиришга ҳамда ички андешият ва келтирилганликлардан қутулишга интилиши шу билан изоҳланар.

Ислохотчилик ҳаракатининг ҳар икки йўналиши нуқтаи назари таълим, мусулмонча диний таълимотга зид келмайдиган анча босиқ усуллар билан озод қилишни аниқлаш билан фарқланувчи аёллар аҳволига муносабат масалаларида ҳам ўхшаш бўлган.

Иккала йўналиш вакиллари она тили билан пухта иш олиб бориш зарурлигини англаганлар, буни миллий уйғониш концепциясининг ўзи талаб қилган, аммо улар Европа тилларини ўрганишнинг муҳимлигини ҳам тушунганлар. Агар М. Абдо: «Ким ҳеч йўқ битта Европа тилини билмаса, у бизнинг асримизда ҳеч қачон олим бўлолмайди»<sup>1</sup>, — деган бўлса, М. Бехбудийнинг маслағи «Икки эмас, тўрт тил лозим» эди. Қонулар ва замонавий ҳаёт борасида билимдон бўлиш учун, унинг фикрича, ҳам туркча ва форсчани, ҳам Европа тилларини билиш зарур<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, бир-биридан шу қадар узоқда жойлашган, лекин жуда бой ислоний мерос орқали боғланган икки ҳудуддаги икки ислохотчилик ҳаракатининг боришини таққослаб биз уларнинг маънавий умумийлиги, айни дамда, маълум миллий хусусиятлар орқали белгиланган ўзига хос жиҳатлари ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Албатта, мисрлик ислохотчилар ҳам, туркистонлик жадиждлар ҳам маълум сиёсий шароитларда фаолият юритиб хатолардан холи бўла олмаганлар. Аммо уларнинг энг буюк хизмати тарихий ривожланишнинг ўзига хос тажрибасига эга мусулмон давлатларига тараққиёт гоёларини кенг ёйганидадир.

<sup>1</sup> Кириллина С.А. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX — начало XX в.). С.170.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим // Ойна. 1913. №1. 12 — 14-бетлар.

## Туркистон тараққийпарварлари ва ёш турклар ҳаракати: умумий ва ўзига хос жиҳатлар

Миллий ҳаракатлар тарихида ўз мақсадлари ва моҳиятига кўра Туркистон жадидчилиги ва ёш турклар ҳаракатчилик бу қадар ўзаро ўхшаш ва боғлиқ ҳаракат бошқа йўқ. Умумий манфаатлар асоси, авваламбор, туркчилик бўлган. Бу ғоя ёш турклар ҳаракати мафкурачиларининг ҳам, ўзларини «миллий тараққийпарварлар» деб атаган туркистонлик жадидларнинг ҳам қарашларида ўқ илдиз бўлиб ўтган. Ҳаракатларнинг юзага келиш сабаблари ҳам бир хил. 1908 йилги турк инқилобининг дастлабки тадқиқотчиларидан бири З.Х. Габидуллин таъкидлаганидек: «Турк буржуазияси, биринчидан, ишлаб чиқариш кучларининг ривожига ғов бўлиб турган феодал муносабатларнинг ҳукмронлиги, иккинчидан, ўз маҳсулоти билан турк саноатига босим уюштираётган хорижий рақобат туфайли эркин ривожланиш ва ўсишга эриша олмаган»<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёда пайдо бўлган буржуазия, бир томондан, бу ерга Россия капитали кириб келишидан, русча иқтисодий тараққиёт тизимидан фойдаланди ва ўз ҳолатини анча такомиллаштирди. Бошқа томондан, метрополиянинг саноатини Туркистон хомашёси билан таъминлаган тармоқларнигина ривожлантириш орқали минтақани империя хомашё базасига айлантирилиши миллий тадбиркорларнинг имкониятларини чеклаб қўйди, илгорроқ саноат техникаси ва унинг маҳсулотлари кириб келиши эса халқ истеъмоли молларини маҳаллий ишлаб чиқарилишига барҳам берди.

Туркия ва Туркистоннинг миллий зиёлилари давлат бошқарув тизими, кенг қулоч ёзган коррупциядан норози эди. Бухо-

<sup>1</sup> Габидуллин З.Х. Младотурецкая революция. М.: Соцэкгиз, 1936. С.46.

ро амирлигида ҳам, Усманийлар империясида ҳам коррупция ҳокимиятнинг барча бўғинларини, жумладан, расмий маош билан таъминланмаган кўшинни ҳам қамраб олган. Бу ҳақда, юқорида эслатиб ўтганимиздек, Аҳмад Дониш ўзининг машҳур – «Наводир ул-вақое» ва «Рисолаи тарихи амирони мангит» рисолаларидаёқ ёзган эди.

Ёш турклар, шунингдек, империя маъмурияти томонидан ёш сартлар деб аталган туркистонлик жадидлар, ёш бухороликлар ва ёш хиваликларнинг жамиятни янгилашга бўлган уринишларида бош вазифа диний ислоҳотларни ислом орқали қонунийлаштириш йўли билан амалга ошириш эди. Улар маърифатчилик ҳаракатини, таълимнинг янги тизимини, янги технологиялар тарғиботини Қуръон билан асослашга, оқлашга, ҳатто ёритишга ҳаракат қилдилар.

З.Х. Габидуллиннинг ёзишича, «ёш турклар, айниқса, исломдан воз кечиш, мусулмон анъаналарини бузишда айбашларидан кўрқишган. Ўзларининг барча тадбирларини, жумладан, конституцияни ҳам ёш турклар сардорлари Қуръондан ва ислом тарихидан олинган иқтибослар билан мустаҳкамлашган. Уларнинг газеталарида бошқарувнинг конституцион тартиби мусулмон анъанасида буюрилгани, зеро, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам, унинг халифалари ҳам халқ вакиллари билан маслаҳатлашмасдан ҳеч қандай муҳим давлат ишларига қўл урмагани ва ҳ.к. батафсил ва қизгин асослаб берилган»<sup>1</sup>. Тараққийпарварларнинг бундай нуқтаи назари бу пайтга келиб Туркияда ҳам, Туркистонда ҳам ислом узил-кесил консерватив хусусиятга эга бўлиб қолгани ва ўзининг ҳақиқий фалсафий ахамиятини йўқотгани билан белгиланади. Шу боис исталган

<sup>1</sup>Габидуллин З.Х. Младотурецкая революция. С. 114.

соҳадаги ҳатто арзимас ўзгариш учун ҳам диний асос талаб қилинган. Ҳатто ҳаракатнинг «камолчилар» даврида ҳам ислом дини «мафкуравий қобиқ» сифатида қўлланилган<sup>1</sup>. Рухонийлар бир қисмининг ўша пайтда Туркиянинг миллий манфаатларига мос келадиган антиимпериалистик, ватанпарварлик руҳидаги чиқишлари, халқнинг динга мойиллиги ҳисобга олиниши миллий тараққийпарварлар ҳаракатида ўз изини қолдирган. «Бизнинг миллатчилигимиз ҳар ҳолда худбинона, такаббуруна миллатчилик эмас, биз мусулмон эканмиз, ислом концепциясига мувофиқ мусулмон жамоаси бирлиги йўлида турамыз, бу миллатчиликнинг тор доираларини бепоён чегараларгача кенгайтиради»<sup>2</sup>, — деганди Мустафо Камол 1920 йил 14 августда.

Туркистон ва Бухорода жамиятни янгилашни ислом билан асослаш тенденцияси Туркиядагидан кўра кучлироқ ва ёрқинроқ бўлган. Жадидчилик ҳаракатининг эътироф этилган етакчилари Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдурауф Фитрат ҳатто битта «Мухтасари тарихи ислом» номи билан исломнинг қисқача тарихини ҳам ёзишган. Бу мавзуга бу қадар кўп мурожаат қилган бошқа муаллифлар топилиши дарғумон. Улар нима ҳақида мулоҳаза юритмасинлар, барча принциплари Қуръон ва ҳадислар билан далилланган. А. Фитратнинг юқорида эслаб ўтилган «Ҳинд сайёҳи қиссаси» асарида исломнинг фалсафий мазмунини янгича баҳолаш, айниқса, яққол намоён бўлади. У инсоннинг оламдаги ролига бутунлай бошқача баҳо беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, Қуръон инсонга нафақат ўзида ёзилган ўғитларни бажаришни, балки ўз ери, ўз тақдирининг эгасига айланишни буюради.

<sup>1</sup> Гасанова Э.Ю. Об идеологии национально-освободительного движения в Турции и роли Кемалья Ататюрка в ее развитии // Турция: история и современность. Сб. Статей. М.: Наука, 1988. С.164.

<sup>2</sup> Кемаль Ататюрк. Избранные речи и выступления. М., 1966. С.107.



Иккала ҳаракат концепцияларида ҳам бағрикенглик масаласи муҳим ўрин эгаллаган. Уларнинг раҳбарлари мусулмонча чекланганлик ижобий сиёсий натижаларга эришиш имконини бермаслигини тушунишган. Туркистон Россия империясининг мустамлакаси бўлган, Усманийлар империяси эса, аксинча, кўплаб минтақа ва халқларни қамраб олган. Ёш турклар ҳаракати Абдулҳамид тузумига қарши муваффақиятли кураш нафақат турк халқи, балки Усманийлар империясидаги бошқа халқларнинг ҳам қўллаб-қувватлашини талаб этишини яхши англаганлар. Шу боис ёш турклар ҳаракатининг ибтидосида унинг мафкурачилари бошқа миллатлар вакилларига ҳам мурожаат қилганлар.

Муаллифи ёш туркларнинг машҳур арбоби Халил Шариф бўлган 1867 йилги чақириқда шундай дейилади: «... Фақат мусулмонлар ва номусулмонлар ўртасидаги сиёсий ва ижтимоий тафовутларни ўчириб ташлайдиган конституциягина Турк империясининг насроний халқлари кўз ўнгида мусулмон ҳукуматининг рус фитналари устидан тантанасини белгилаб беради. Номусулмонлар ўзлари керак ҳамма нарсани — адолат ва хусусий мулк таъминотини Турк империясидан олсалар, ташқаридан келган иккиюзламачи мурожаатларга қулоқ солишни бас қиладилар»<sup>1</sup>.

Бу фикр ҳаракат мақсадини кўп миллатли минтақанинг барча миллат ва элатлари вакиллари иштирокида ва ислом дини талабларини инобатга олиб Туркистон ҳукумати ва парламенти тузиш, ирқий ва диний мансублигидан қатъи назар, аҳолини ҳимоя қилувчи қонунчиликка асос солиш деб белгилаган М. Бехбудий тилидан сал бошқачароқ янграйди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Турецкий сборник. СПб., 1909.

<sup>2</sup> Улуг Туркистон. 1917 й. 12 июнь.

Бошқа миллатларга мансуб буржуазия билан бирлашиш, З.Х. Габидуллин таъкидлаганидек, асло ёш турклар кейинчалик ислом билан алоқани узмаса-да, мусулмонча зоҳидликдан воз кечишга мажбур бўлганларини англамайди<sup>1</sup>.

Умуман олганда, илгарирок айтиб ўтганимиздек, Ғарб олдида таъзим қилиш Европанинг маданий ва технологик ютуқлари олдида таъзим қилишдан бошқа нарса эмасди. Ҳукумат билан муроса сиёсати, ўз фаолиятида кескин бурилишлардан воз кечиш дастлаб XIX асрнинг 70-йилларида ёш турклар ҳаракати учун ҳам, XX аср бошларида Туркистон, Бухоро жадидлари учун ҳам хос бўлган. Улар ҳам, булар ҳам юзаки ислохотлар ўтказилишига (турклар Султон Абдулазиз фармони эълон қилинишига, бухороликлар амир Саид Олимхон манифести чиқарилишига) эришганлар, аммо қисқа муддатда худди шу ҳукмдорларнинг ўзи бу ислохотларни бекор қилган. Бунинг ортидан юз берган Туркиядаги 1878 йилги «Зулм» реакцияси ва Бухородаги 1917 йилги катагонлар ҳамда тараққийпарварларнинг чет элга эмиграция қилиши бир хил сабабларга эга.

Давлат қурилиши ҳақидаги дастлабки тасаввурлар, конституцион монархиянинг бошқарувнинг мақбул шакли сифатида илгари сурилишида ҳам бир хиллик кўзга ташланади. Бироқ Бухоро ва Туркистон жадидларининг анча кейинги сиёсий интилишлари кўпроқ Камол Отатурк ислохотларига яқин. Туркистонлик жадидларни ёш турклар каби нафақат консерватив рухонийлар билан кураш, балки ҳаракат ривожининг сўнгги босқичларида яққол намоён бўлган ички зиддиятлар ҳам парчалаб ташлаган.

Ёш турклар партиясининг ижтимоий асосини ташкил этувчи турк либерал буржуазияси орасида яқдиллик йўқ эди. «Ит-

<sup>1</sup> Габидуллин З.Х. Младотурецкая революция. С.109.

тиход ва тараккий» кўмитасидан «эркин фикрловчилар бўлими»ни ташкил этган гуруҳ ажралиб чиқди, у кўмитани миллий тенгҳуқуқлилик принципини бузишда ва мусулмонларга ҳаддан зиёд хайрихоҳликда айблади, бу парламент сайловлари вақтида кўзга ташланди<sup>1</sup>. 1917 йил ёзида Туркистонда жадинларнинг «Шўрои исломия» ташкилотидан «Шўрои уламо» гуруҳи ажралиб чиқди, у, аксинча, ташкилот аъзоларини диндан қайтиш, «ғарбчилик» ва ижтимоий муаммолар ечимига ёндашувларни ҳаддан зиёд замонавийлаштиришда айблади.

Жадид ва ёш турклар ҳаракатларининг бир-бирига бу қадар яқинлиги икки жиҳат билан изоҳланади. Биринчидан, XIX аср – XX аср бошларида Ғарб давлатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий зўравонлигига оммавий норозилик билдириш ҳаракати сифатида ривожланган ҳамда мустамлакачиликка қарши йўналишга эга бўлган туркчилик ғояси ёки мусулмон миллатчилигининг кенг тарқалиши<sup>2</sup>. Машҳур америкалик туркшунос К. Карпатнинг фикрича, бу ҳолатда «миллатчилик жамиятни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қайта қуришнинг махсус шаклини мафкуравий жиҳатдан оқлашдан иборат бўлган»<sup>3</sup>. Унинг ҳокимият тепасига келган бюрократик зиёлилар вакиллари ўз мамлакатининг анъанавий ўтмишидан кескин воз кечгани борасидаги фикри тўғри. Бироқ «айни дамда, улар Европа маданиятидан бегоналашган»<sup>4</sup> деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Аксинча, бу ҳаракат доирасида улар мазкур маданиятга жуда яқинлашишган. Ҳар ҳолда, Туркистон жадидлари ҳам қадимий, ҳам замонавий ғарб фалсафасидан фойдаланишган.

<sup>1</sup> Габидуллин З.Х. Младотурецкая революция. С.116.

<sup>2</sup> Karpat K. Inquiry into the Social Foundation of Nationalism in the Ottoman State from Social Estates to Classes, from Millets to Nations. Princeton, 1973. P.96.

<sup>3</sup> Ўша жойда. P.111.

<sup>4</sup> Ўша жойда. P.45.

Туркия ва Туркистондаги икки ҳаракатнинг бирхиллиги яна бирининг иккинчисига сезиларли таъсири билан изоҳланади. Маълумки, ўрта осиелик зиёлилар ва тадбиркорларнинг Туркияга сафари кенг қулоч ёзган. Кўплаб жадидлар шу мамлакатда таҳсил олганлар. Айрим архив маълумотларига кўра, Туркияда 1913 йили 250 нафар бухоролик талаба билим олган.

Империядаги ҳукумат вакиллари муносабатларнинг бундай ривожидан жуда хавотирда эди. Уларнинг хавотирини подшо оҳранкаси ходимларининг маълумотларни анча ошириб тақдим этган агентларнинг хабарларига асосланиб жидду жаҳд кўрсатиши янада кучайтирган.

Масалан, агентлардан бирининг хатида Тошкент жадидлари етакчиси Мунаввар қори Туркиянинг яққол тарафдори деб аталган ва туркча китобларни таржима қилганликда, тушган пулларни эса гўёки турк флотини таъминлаш учун Туркияга юборганликда айбланган<sup>1</sup>. Фарғонадаги қўриқчи бўлим Кўконда тузилган «Ғайрат» жамиятини туркларнинг «Иттиҳод ва тараққий» жамияти бўлинмаси деб тахмин қилган<sup>2</sup>. Туркистон зиёлилари вакиллари томонидан Россия билан урушда Туркияга ёрдам учун пул йиғиляпти деб ҳисобланган<sup>3</sup>. Туркистонга ташриф буюрган, диндошлари томонидан қўллаб-қувватланган ёш турклар ҳаракати вакиллари қўриқчи идораларнинг алоҳида назорати остида бўлган<sup>4</sup>.

Подшо оҳранкаси агенти хабарида бухоролик тараққийпарварлар «Бухоро фуқароларида миллий ўзликни англаш ҳиссини уйғотишга интилишмоқда, уларнинг Туркияга мойиллиги

<sup>1</sup> ЎзМА. И-461-фонд, 1-руйхат, 1784-иш, 13-в.

<sup>2</sup> ЎзМА. И-461-фонд, 1-руйхат, 1919-иш, 8-в.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 2016-иш, 59-в.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 2017-иш, 40-в.

кучли, айримлари Туркияда таълим олишган ва фақат Туркияда мусулмон яхши тарбия олиши мумкин дейишади»<sup>1</sup> деб қайд этилган. Бу каби мойиллик шаронти бир хил ислом давлатида тараққиётга эришилгани, бунга Туркистонда ҳам эришиш мумкинлигини англашдан келиб чиққан. Шу боис Туркия Миер, Россия ва бошқа ривожланган давлатлар каби намуна бўлиб хизмат қилган.

Таъкидлаш жоизки, туркистонлик, бухоролик, хивалик жадидлар юксак ватанпарварлик туйғуси билан ажралиб турганлар ва бегона намунага кўр-кўрона эргашмаганлар. Айни пайтда, улар бошқа давлатлар ислохотчилик ҳаракатларининг ижобий тажрибасини рад этишмаган.

Ҳаракатнинг алоҳида маҳаллий хусусияти, авваламбор, тарихан шаклланган миллий анъаналар, империя мустамлакачилик сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланган. Туркистон жадидларининг таркиби ҳам бошқача бўлган. Ёш турклар ҳаракатининг кўплаб вакиллари ҳарбий қатламга мансуб эди. Султон ҳокимиятининг ғарб таъсирига бўлган нафратига қарамай, ҳарбий мактабларни европача йўсинда ташкил этишга ва ёшларни Европадаги таълим муассасаларига ўқишга юборишга тўғри келган. Шу боис зобитлар жамиятнинг энг илғор ва маданий қисмини ташкил қилган ҳамда миллий буржуазия манфаатларини акс эттирган. Уларнинг аксарияти Германияда таҳсил олган ва германпарастга айланган. Бундан ташқари, мамлакатга Германиянинг иқтисодий таъсири кучли бўлган. Бу, айниқса, триумвират бошқаруви даврида кучайган.



<sup>1</sup> Ўша жойда. 1919-иш, 21-в.





Ҳожи Муин (ўртада) томонидан ташкил этилган янги усул мактаби  
ўқувчилари. Самарқанд ш., 1911 й.





Абдуқодир Шакурӣ (ўртада) янги усул мактаби  
ўқувчилари билан. Самарқанд ш., 1914 й.





 ۱۲ ک — ک  
 تگ ، کان ، چاک ، لاک ، کاسا  
 تاسان ، زاکاز ، اکام ، کان بادام ، اکام پار

---





 ۱۳ و — و  
 فاو ، یاو ، وای ، وان ، تاو  
 تراو ، تاوان ، راوان ، باران ، تاو پار ، تاو پار ، تاو پار

---





 ۱۴ پ — پ  
 تاک ، پار ، پاک ، شاپ  
 ساپال ، پاپا ، یاپار ، بارار ، بی بار



 ۱۳ ج — ج  
 جام ، بانج ، جان ، کج ، جانی ، باغج  
 جانان ، آتاجان ، آتاجان ، باباجان ، قه جان

---



 ۱۴ ر — ر  
 آثار ، پار ، قار ، رام ، آشار  
 آتبار ، آتبار ، تاربابا ، قاراچای ، باباآشاد

---



 ۱۵ ز — ز  
 غاز ، نماز ، ساز ، آرز ، یاز  
 زار ، آش بار ، چای بار ، تن آرز ، بازار بای

Янги мактабда ўқитилган алифбо китоби



Янги усул мактабининг 15 йиллик юбилейи ништирокчилари.  
 Улар орасида Махмудхўжа Бехбудий, Ҳожи Муин, Абдуқодир  
 Шақурий ва б. бор. Самарқанд ш., 1917 — 1918 й.



Маҳмудхўжа Бехбудийнинг авлодларида сақланаётган фотодан нусха




Ҳожи Муин





Анвар Ҷуразалиев Андижон шаҳридаги жади́длардан бири бўлган



Чизикли боемахона дастгоҳи (XIX аср охири).  
Жади́д газеталари шундай дастгоҳларда чоп этилган

12 июни 1906 йили (10 июни 1325 ھ) 10-томлиги (10-июни 1325 ھ) 12 июни 1906 йили (10-июни 1325 ھ)

# Тараққий

Тараққийнинг маъноси  
 1-том 50 қоп  
 2-том 50 қоп  
 3-том 50 қоп  
 4-том 50 қоп  
 5-том 50 қоп  
 6-том 50 қоп  
 7-том 50 қоп  
 8-том 50 қоп  
 9-том 50 қоп  
 10-том 50 қоп  
 11-том 50 қоп  
 12-том 50 қоп  
 13-том 50 қоп  
 14-том 50 қоп  
 15-том 50 қоп  
 16-том 50 қоп  
 17-том 50 қоп  
 18-том 50 қоп  
 19-том 50 қоп  
 20-том 50 қоп  
 21-том 50 қоп  
 22-том 50 қоп  
 23-том 50 қоп  
 24-том 50 қоп  
 25-том 50 қоп  
 26-том 50 қоп  
 27-том 50 қоп  
 28-том 50 қоп  
 29-том 50 қоп  
 30-том 50 қоп  
 31-том 50 қоп  
 32-том 50 қоп  
 33-том 50 қоп  
 34-том 50 қоп  
 35-том 50 қоп  
 36-том 50 қоп  
 37-том 50 қоп  
 38-том 50 қоп  
 39-том 50 қоп  
 40-том 50 қоп  
 41-том 50 қоп  
 42-том 50 қоп  
 43-том 50 қоп  
 44-том 50 қоп  
 45-том 50 қоп  
 46-том 50 қоп  
 47-том 50 қоп  
 48-том 50 қоп  
 49-том 50 қоп  
 50-том 50 қоп

Тараққийнинг маъноси: «Тараққий» газетаси 1906 й. 27 июндан нашр қилинган. Мухаррири И. Обидов

<h3>Аҳва</h3> <p>Тараққийнинг маъноси: «Тараққий» газетаси 1906 й. 27 июндан нашр қилинган. Мухаррири И. Обидов</p>	<h3>Аҳва</h3> <p>Тараққийнинг маъноси: «Тараққий» газетаси 1906 й. 27 июндан нашр қилинган. Мухаррири И. Обидов</p>
---	---


Биринчи миллий газета – «Тараққий» 1906 й. 27 июндан нашр қилинган. Мухаррири И. Обидов

<h3>Хуршид</h3> <p>Хуршиднинг маъноси: «Хуршид» газетаси 1906 й. сентябридан чоп этилган</p>	<h3>Хуршид</h3> <p>Хуршиднинг маъноси: «Хуршид» газетаси 1906 й. сентябридан чоп этилган</p>
--	--

«Хуршид» газетаси Мунаввар қори Абдурашидхонов таҳрири остида 1906 й. сентябридан чоп этилган




Саидкарим Саидазимбоевнинг «Тужжор» газетаси 1907 й. августидан нашр қилинган



«Самарқанд» газетаси 1913 й. апрелидан чоп этилган. Мухаррири Маҳмудҳужа Бехбудий







«Мехнаткашлар товуши» газетаси. Самарқанд ш., 1919 й.



Миллий зиёлилар Гўри Амир макбарасида (ўртада Махмудхўжа Бехбудий, Саидахмадхўжа Сиддикий турибди). Самарқанд ш., 1916 й.



Хожи Муин ва унинг ўқувчиларига атаб чизилган ҳазил расм.  
 Х. Муин (ўртада), Х. Олимжон, А. Фитрат, А. Қодирий,  
 А. Чўлпон, Боту, В. Маҳмуд



Исмомил Гаспринский —  
 Қримда жади́дчилик асосчиси



Саид Нуриддин — Андижон  
 шаҳридаги жади́длардан бири



Иброҳим Даврон — шоир,  
маърифатчи, рассом



Қаримбек Норбеков — «Турон»  
жамияти асосчиларидан бири



Саидризо Ализода —  
«Зарафшон» газетаси ходими,  
1920 — 1921 й.



Абдулвоҳид Бурҳонов —  
бухоролик жадид





«Шурои исломия» ташкилоти аъзолари. Қўқон ш., 1919 й.



Маҳмуд Ходиев (Боту), Шокир Сулаймон, Абдулҳамид Чўлпон



Сидкий Хондайликий



Шокир Раҳимий



Файзулла Хўжаев. 1920 й.



Файзулла Хўжаев. 1935 й.



Бухоро арки



Абдурауф Фитрат ўқувчилари билан



Мухитдин Мансуров (ўнгда, ота) ва Абдуқодир Мухитдинов (ўғил) —  
Бухоро Республикаси ҳукумати аъзолари. 1920 — 1921 й.



Хўжа Мирбобо Мирмуҳсинов —  
Бухоро шаҳри жадиdlаридан бири



Садриддин Айнийнинг ноёб сурати.  
1917 й. апрель



Мухторжон Саиджонов — Бухоро шаҳридаги  
етакчи арбоблардан бири





Наимжон Ёқубзода — ташки ишлар вазири ўринбосари,  
ички ишлар вазири, БХСР МИК котиби



Хоразм Республикаси УМИК



XXСР рахбарлари. Ўртада Бобоохун Салимов



Полвонниёз хожи Юсупов I Халқ вакиллари Умумхоразм курултойида  
нутқ сўзламоқда. Хива ш., 1920 й. апрель





М. Бехбудийнинг невараси — Назирхон Бехбудий  
(унгда) ва чевараси Шохрух Бехбудий



Ҳожи Муиннинг Самарқанд шаҳридаги уйи. 2008 й.




Ҳожи Муин портрети,  
муаллифи номаълум



Ҳожи Муиннинг кизи —  
Салима Муинова, 2008 й.



Бир гуруҳ тарихчилар Ҳожи Муин ва Маҳмудхўжа  
Бехбудий авлодлари билан. 2008 й.



Бухоро шаҳридаги Файзулла Хўжаев ёдгорлиги



Андижон шаҳридаги Абдулхамид Чўлпон ёдгорлиги

Энг ашаддий германпарастлардан бири 1909 – 1911 йилларда Туркиянинг Германиядаги ҳарбий атташеси бўлиб ишлаган Анвар Пошо эди. Ёш туркларнинг германпараст сиёсати ва, эҳтимол, Талъат Пошо, Жамол Пошо ва Анвар Пошодан ташкил топган триумвиратнинг Туркиянинг турк бўлмаган халқларига нисбатан империячилик сиёсати кўп жиҳатдан шу билан белгиланган.

Туркистон, Бухоро ва Хива жадиidlари ҳарбий соҳадан йироқ бўлиб, фақат аҳолининг гуманитар қисмини ифодалаганлар. Балки, шу боис улар ўз хатти-ҳаракатларида у қадар катъиятли бўлмагандирлар. Боз устига, уларнинг заифлиги кенг халқ оммаси мададига эришолмаганида намоён бўлди. Туркларнинг «Иттиҳод ва тараққий» партиясидан фарқли ўлароқ, «Шўрои исломия» оммавийликка эришолмади ва Туркистоннинг шаҳар Думасига 1917 йил августи – сентябри бошида ўтказилган биринчи сайловда диний йўналиши билан ажралиб турган «Шўрои уламо» кўпчилик овозни қўлга киритди<sup>1</sup>.

«Иттиҳод ва тараққий» эса 1909 йили 100 минг аъзога эга бўлган. Ёш турклар 1908 йилги инқилоб пайтида аҳоли ўртасидаги обрўсидан фойдаланди. «Чекка районлар дехқонлари, миллатидан қатъи назар, қўлига қурол олиш учун сигнал берилишини кутиб турарди»<sup>2</sup>.

Ёш турклар ҳам, Бухоро жадиidlари ҳам якуний босқичда ички кучларга қарши курашишга мажбур бўлди. Аммо Туркияда бу триумвират сиёсати белгилаб берган империячилик хусусиятига эга эди. Ёш турклар инқилобининг ўчоғи бўлган Македонияда «фуқаровий ва ҳарбий бошқарувнинг барча тармоқ-

<sup>1</sup> Қаранг: Абдуллаев Р.М. Из истории национального движения в Туркестане после февраля 1917 г. // ОНУ. 1993. №4. С.49 – 53.

<sup>2</sup> Габидуллин З.Х. Младотурецкая революция. С.110.

лариди бошбошдоқлик ҳукм суришда давом этди. Насронийлар каби мусулмонлар ҳам аҳолига ҳеч нарса бермаган инқилоб натижаларидан яққол норози эди. Болгар, грек, араб, валах галалари яна қуролланиб, македон қишлоқларини талай бошлади. Албаниянинг сепаратистик руҳдаги мусулмон аҳолиси янги ҳукуматга бўйсуншдан воз кечди»<sup>1</sup>. Ҳамма жойда мустақиллик ҳаракати етила бошлади.

Ўрта Осиёда эса большевиклар ҳокимиятни босиб олган пайтдан қаршилик ҳаракати — «босмачилик» юзага келди, бунинг сабабларидан бири Қўқонда Туркистон Мухториятининг қонга ботирилиши ва Бухорода жадидлар томонидан ҳокимиятнинг эгалланиши эди. Лекин Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро жадидлари исёнчилар билан жанг қилишни умуман хохлашмаган ва муваффақиятсиз тарзда келишув йўлини қидиришган. Большевикча сиёсат бўлмаганида, балки, масаланинг бундай ечими топиларди ҳам. Ўрта Осиёда большевикларнинг мавжудлиги Туркистон жадидчилигининг ривожланишда давом этишига имкон бермади ва охир-оқибат у совет ҳокимияти томонидан йўқ қилинди.

Шунга қарамай, тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларига эга икки ҳаракат мутаассиблик, ташаббуссизлик, консерватизм билан кураш асосий аҳамиятга эга бўлган ривожланган давлат қуриш ғояларининг концептуаллиги билан ўзаро боғланган. У ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам уларни исломга эҳтиромни сақлаб қолган ҳолда маданият ривожини эркинлигини, аграр масаласини ҳал қилишни, жаҳон майдонига чиқишни, Европа ва Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга интиланган ёшлар ҳаракати деб аташ мумкин.

<sup>1</sup> Ўша жойда. 112-б.

## ҒОЯЛАР АСОСЧИЛАРИ

### Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури

Махмудхўжа Бехбудий ҳақида ёзиш жуда қийин, негаки унинг ҳаётида «рационал дунёқараш»ни қидириш устида жавлон урган, барча таълимотларни танқидий жиҳатдан кўздан кечирган ва ўзига хос тараққиёт йўлини барпо этган XIX аср – XX аср бошларидаги жадида тафаккурнинг барча ҳодисотлари умумлашиб кетган ва ўз аксини топган. У ҳақда ёзиш яна шунинг учун мураккабки, унинг феномени шунчаки адабий ва маърифий феномен эмас, балки Туркистоннинг тарихий-фалсафий ривождаги боғловчи бўғиндир. Кекса шарқшунос Л. Азизода 1926 йилдаёқ айтган фикрдан ошириб бир нарса дейиш қийин: «Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан кейин фан ва маданиятда учинчи шахснинг номини абадийлаштириш керак бўлса, бу Бехбудий ёдгорлиги бўлиши лозим»<sup>1</sup>.

Бу сўзлар Махмудхўжа Бехбудийни ҳақли равишда Улуғбек ва Алишер Навоий сингари Шарқнинг буюк гуманистлари ва мутафаккирлари қаторига қўшади. М. Бехбудий фақат фан ва маданият арбоби бўлгани учунгина эмас, балки улар каби дунёвий миқёсда фикрлагани учун ҳам бу алломалар даражасида баҳоланган. Шубҳасиз, юксак салоҳият ва серқирра истеъдод соҳиби, бор-йўғи 45 йил яшаган инсон, у қачон ва қандай қилиб шунча катта билим ва тажрибага эга бўлди, қандай ҳаётий ва-

<sup>1</sup> Азизода Л. Бехбудий // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №2.

знятлар унинг қарашлари тугилиши ва диалектикасига таъсир кўрсатди? Афсус билан қайд этиш керакки, М. Бехбудий ҳақида илмий-публицистик мақолалар кўплигига қарамай, уларнинг аксарияти кейинги йилларда пайдо бўлди, биз бугунги кунда унинг тўлиқ ва мукамал таржимаи ҳолига эга эмасмиз. 1923 йилиёқ унинг яқин сафдоши Ҳожи Муин: «Маҳмудхўжа Бехбудий вафот этганига тўрт йил бўлди, лекин ҳануз унинг тўлиқ таржимаи ҳоли ёзилмади», — деб ёзган ҳамда ўзидаги маълумотлар ва мутафаккир зот қариндошларининг гувоҳликларига таяниб масалага қисман ойдинлик киритишга ҳаракат қилган. Бугунги кунга қадар Ҳожи Муиннинг мақолалари тадқиқотчилар таянадиган ягона манбалигича қолмоқда<sup>1</sup>.

Тадқиқотчиларнинг кўпи Маҳмудхўжа Бехбудий камбағал оилада туғилган деб ёзишади. Хаёлга бундай бўлмаса керак деган фикр келади. Мантик унда таълим олиш ва ўз маблағларидан бу қадар «исрофгарчилик» билан фойдаланиш: кутубхона учун китоблар сотиб олиш, унинг қошида ўқув зали ташкил этиш, шунингдек, газета-журналлар чоп қилиш, босмахона очиш, ҳатто кейинчалик хорижда ўқиётган туркистонлик талабаларга ёрдам бериш учун маълум бир бошланғич моддий асос, бўлганлигидан далолат беради. Кейинчалик муҳаррирлик билан банд бўлган Маҳмудхўжа Самарқанд яқинидаги кишлоқлардан бирида эгаллаган муфтий лавозимидаги вазифаларини мунтазам бажара олмаган. Муфтийлик учун берилган маоши эса унинг катта харажатларини қоплаши даргумон эди. Г. Андреев билан суҳбатда у журнал чоп этиб дастлабки вақтларда фақат зиёнга ишлашга тўғри келганини тан олади<sup>2</sup>. Самар-

<sup>1</sup> Муин Х. Маҳмудхўжа Бехбудий // Учкун. 1923. №1.

<sup>2</sup> Андреев Г. Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор — издатель Махмуд Ходжа Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915 г. 17 сентября.



қанда муфтийлик қилганида М. Бехбудий ҳатто Ражаб Амин кишлоғидан Абдуқодир Шақурийни уйига олиб келиб, янги усул мактаби таъминотини бўйнига олишни уйдалаган<sup>1</sup>. Бехбудийнинг отаси — Бехбудхўжа муфтий бўлган, уша пайтда ушбу эътиборли лавозимга яхши ҳақ туланган. Отаси ўз даврида ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис бўлгани ҳамда бу борада бир неча китоб ва рисоалар муаллифи сифатида танилганини таъкидлаш ўринли. Н.Х. Авазовнинг айтишича, Бехбудий аждодлари каби «қори» бўлган — Қуръонни ёд билган. Бобоси Солихўжа имомлик орқасидан кун кечирган<sup>2</sup>. Агар Маҳмудхўжа оилада ягона ўғил эканлиги назарда тутилса, у каттагина меросга эга бўлган дейишга асослар етарли. Айтилганларга далил сифатида таъкидлаш ўринлики, Бехбудий оиласи Жомбойда вақф мулкига ва Бахшитепада улкан боғларга эгалик қилган (Надим Бехбудий эсдаликларидан)<sup>3</sup>. Шундай экан, Солихўжа Бехбудий округдаги йирик ва бадавлат хўжалардан бири ҳисобланган.

Маҳмудхўжа аждодларининг ўқимишлилиги нафақат унинг, балки Қуръонни ва унга шарҳларни мукаммал билган икки нафар синглисининг ҳам ажойиб таълим олишига сабаб бўлган, сингилларидан каттаси «қориябегим»<sup>4</sup> деган шарафли номга эришган.

М. Бехбудий аждодлари хоразмлик бўлган деган тахмин бор. Надим Бехбудийнинг гувоҳлик беришича, уларнинг авлоди келиб чиқиши Хоразмдан бўлган ва Яссада маҳаллий аҳолини ис-

<sup>1</sup> Бехбудий М. Самарқанд мактаби ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 1908 й. 30 январь.

<sup>2</sup> Авазов Н.Х. Маҳмудхўжа Бехбудий — маърифатпарвар. Тошкент, 1993. 1-б.

<sup>3</sup> Надим Бехбудий Маҳмудхўжанинг набираси, Самарқанд давлат университети профессори, у билан суҳбатни вафотидан бир оз олдин — 1995 йили ёзиб олишга муваффақ бўлганмиз.

<sup>4</sup> Авазов Н.Х. Маҳмудхўжа Бехбудий — маърифатпарвар. Тошкент, 1993. 1-б.

лом динига киритиш мақсадида кўним топган машхур шайх Ахмад Яссавийга боғланади<sup>1</sup>. Ушбу фикрга кўра, Яссавий авлодининг бир қисми Самарқандга кўчиб келади ва «Гузари Махдуми Хоразм» номли гузарга асос солади. Бехбудийнинг бобоси Самарқандда Қори Ниёзхўжа Урганжий сифатида машхур бўлган. Надим Махмудий яна М. Бехбудийнинг рафикаси Амир Темури даврига қадар Самарқанд атрофидаги Мотруд деган жойда хизмат қилган Қутби Чордах шайхлари уруғидан бўлганини таъкидлайди. Тепакўрғонда шайхнинг хилхонаси жойлашган, Туркистон Россия империяси томонидан эгалланганидан кейин бу ерда мустақкам қалъа қуриш мақсадида портлатиб юборилган<sup>2</sup>. М. Бехбудийнинг ўзи машхур этнограф Г.В. Андреев билан суҳбатда тоғалари араб бўлгани ҳақида гапиради: «Бу, албатта, анча олдин, камида 100 – 200 йил аввал бўлган. Энди бизнинг уруғда арабча ҳеч нарса қолмаган»<sup>3</sup>. Афтидан, М. Бехбудий ўзи дастлаб билим олган онасининг оға-иниларини назарда тутган. 6 – 7 ёшлигидаёқ катта тоғаси Муҳаммад Сиддикдан ёзувни ва Қуръондан бошланғич маълумотларни ўрганайди, 15 ёшида эса бошқа тоғаси — мулла Одилнинг олдида кўчиб боради, ундан араб тили грамматикаси, математика, ҳуқуқшунослик асослари, мантиқ ва филология, яъни педагогик фанлар сифатида хусусий мактабларда, оилаларда мавжуд бўлган, лекин, жадидларникидан фарқли ўлароқ, «қадими» деб аталган анъанавий мактабларда асосий саналмаган дунёвий фанларни ўрганайди. Шундай қилиб, ёш Бехбудий икки томонлама: ҳам диний, ҳам дунёвий билим олган. Бунга оиласининг юксак саводхонлиги имкон берган. Айтиш мумкинки, унга ақлий қобилият қондан

<sup>1</sup> Бу фикр мунозарали ва тадқиқотларни талаб этади.

<sup>2</sup> Бу маълумотлар Надим Бехбудий билан 1993 йилги суҳбат чоғида олинган.

<sup>3</sup> Андреев Г. Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор — издатель Махмуд Ходжа Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915 г. 17 сентября.

ўтган, қисқа умри давомида доимий ўқиб-ўрганиш орқали бу қобилиятни такомиллаштириб борган. Замонавий адабиётларда у мадрасада таҳсил олгани ҳақида гапирилмайди, зеро, унинг ўзи Г.В. Андреевга: «Мен ўзимизнинг Самарқанддаги мадрасаларда ва Бухорода ўқиганман»<sup>1</sup>, — деб айтади.

Тадқиқотчи Иброҳим Ёркин М. Беҳбудий Бухоро мадрасаларидан бирида узоқ вақт ўқигани ва 1910 йилгача муфтий унвонини олгунига қадар Бухорода турганини қайд этади<sup>2</sup>. Бироқ ҳаёлга унинг Бухорода туриши доимий бўлмаган деган фикр келади, негаки 1903 — 1904 йилларда Россияга ташриф буюрган. 1893 йили Маҳмудхўжанинг отаси вафот этади ва у мустақил ҳаёт бошлайди, қозихонада мирза (иш юритувчи) бўлиб ишга кирилади. Ҳуқуқшунослик тизимидаги фаолият, биринчидан, жамиятнинг турли қатламлари ҳаёти билан яқиндан танишиш, иккинчидан, ўз билимларини амалиётда қўллаш учун ажойиб мактабга айланган. Ҳуқуқшунослик, мерос ҳуқуқи ва бошқа фанлардан имтиҳон топшириб муфтий даражасига эга бўлади.

25 ёшида М. Беҳбудий биринчи марта ҳаж амалини адо этади. Саёҳат унга дунёқарашини кенгайтириш ва оламдан боҳабар бўлиш имконини беради. Сафар йўналиши Россия, Қрим, Эрон, Туркия, Миср шаҳарлари бўйлаб ўтади. У поездда, пароходда, отда ва пиёда сайр қилади, яъни барчасини ўз кўзи билан кўриш: назар солиш, фикр қилиш, таққослаш, таҳлил этиш, эслаб қолиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, келишувга эришиш, маънавий, тадбиркорлик алоқалари ўрнатиш, керакли китоблар, газета ва журналлар, дарсликлар, ўқув дастурлари сотиб олиш, яъни юртига қайтганидан кейин буюк

<sup>1</sup> Андреев Г. Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор — издатель Махмуд Ходжа Беҳбуди // Туркестанские ведомости. 1915 г. 17 сентября.

<sup>2</sup> Ibrahim Yarkin. Mahmud Xoca Behbudi // Hur Turkistan icin istikbala gazete. 1975. 15 ocak.

маърифатчилик фаолиятида қўлланила бошлаган ҳамма нарса-ни келтириш имконияти тугилади. Шундай қилиб, биринчи ҳаж сафари улкан маънавий ва амалий аҳамиятга эга бўлади.

Маълумки, ҳаж инсоннинг маънавий эҳтиёжи, унинг рухий уйғунликка эришиш, покланиш, муқаддас жойларга қадам қўйиш ва Яратган билан яқиндан мулоқот қилиш истаги ҳисобланади. Буларнинг бари М. Беҳбудийга бегона бўлмаган бўлса керак. Аммо, энг асосийси, у дунё кўриб ўз мамлакати чорасиз аҳволда эмаслигига ишонч ҳосил қилган. Жадидчилик томир ёзиб улгурган Туркия, Миср, араб мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилиб ўқитишнинг янги усуллари, ислоҳ қилинган мадрасалар ва педагогика тизимлари билан танишган. Тоғаси Муҳаммад Сиддиқ (қози бўлиб ишлаган), сўнгра қози Зубайр хузурида мирзалик қилиш тажрибасига эга бўлган 25 ёшлик Беҳбудий учун ўзи кўрган дунё кўплаб муаммоларнинг очилиши учун калит вазифасини ўтаган. Қозихонадаги фаолият уни мавжуд ижтимоий муаммолар билан тўқнаш келтиради, табиийки, у бу ерга келаётган одамларнинг қайғусига бефарқ бўла олмасди. Унда Россия Туркистонининг ижтимоий-сиёсий, диний, ҳуқуқий тизимлари ва иқтисодий асослари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлган. Ҳаж сафарига бориш уни кўп нарсаларни ўзгартириш, такомиллаштириш мумкинлиги, мусулмон мамлакатда умумжаҳон цивилизациясига ҳамоҳанг тараққиётни таъминлаш имкони борлигига ишонтирган. Сафардан уч йил ўтиб, 1903 — 1904 йилларда у Петербург, Москва, Қозон, Оренбург, Қримга ташриф буюрган, Россия тажрибаси, айниқса, татарларнинг маърифатчилик тажрибаси, Исмоил Гаспринский билан танишиш унинг мақсад-муддаоларига узил-кесил тузатиш киритган, унинг бор кучини Туркистон жамиятини қайта қуриш режасини рўёбга чиқаришга йўналтирган. 1914 йилга келиб

бу ишларда маълум ютуқларга эришиб улгурилган. У фаолият юритаётган янги усул мактаблари, жадид газеталари, дарсликлар, ўз шахси ва гоёлари атрофида Туркистоннинг энг етук ақл эгалари жипслашгани, маданият ва адабиётдаги янги интилишлар билан ҳақли равишда фахрланиши мумкин эди. Бироқ унинг мақолаларида қониқмаслик, ўз лойиҳасини ривожлантиришда давом этиш истаги яққол кўзга ташланади. Янги маънавий озикқа эга бўлиш эҳтиёжи уни навбатдаги хориж сафарига чиқишга ундайди. Ўқувчиларга хатида унинг ўзи буни шифокорлар маслаҳати бўйича саломатликни тиклаш зарурати деб тушунтиради<sup>1</sup>. Албатта, суд ишлари, илмий фаолият (бу пайтга келиб у 7 – 8 та китоб чиқаришга улгурган), «Ойна» журналиндаги машаққатли меҳнат, китоб савдоси тизимини ташкиллаштириш — буларнинг бари зўр куч-ғайрат талаб қилган. Лекин дам олишда ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий дунёқарашини кенгайтириш, амалий алоқаларни ўрнатиш, бошқа мамлакатларнинг маданият ва маориф соҳасидаги тажрибасини ўрганишни режалаштиради ҳамда Истанбул, Миср ва дунёнинг бошқа давлатларига саккиз ойлик сафарга отланади. Бу навбатдаги ҳаж зиёрати, айни дамда, зукко ақл соҳибининг мақсадли маълумот олиш сафари эди. Саёҳат давомида у катта ишларни амалга оширади: йўли тушган барча минтақалар иқтисодиёти, географияси, тарихи, аҳолисининг ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганади ва кундалик қайдларини ўзи «Саёҳат хотиралари» деб атаб, «Ойна» журналининг 15 та сонидида чоп этади. Муаллиф саёҳати ҳақидаги таассуротларини, Россия империяси ва Шарқдаги шаҳарлар манзарасини маҳорат билан тасвирлайди. «Саёҳат хотиралари»да Марв, Байрамали, Красноводск, Же-

<sup>1</sup> Бехбудий М. Қасди сафар // Ойна. 1914. №31. 598-б.

лезноводск, Ессентуки, Одесса, Ростов ва бошқа шаҳарлар ҳам батафсил тавсифланган. Тавсифлар ўқувчига бу жойлар аҳолиси, хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, турмуш маданияти, савдо-сотик ва ҳ.к. ҳақида аниқ тасаввур беради. Бу «Хотиралар» маълумотларга бойлиги ва таҳлилий тақдимоти билан бугунги кунда ҳам катта илмий тарихий аҳамиятга эга.

М. Бехбудийнинг Туркия, араб давлатлари, Жазоир, Сурия ва б.га берган тавсифи ниҳоятда батафсиллиги билан ажралиб туради. «Саёҳат хотиралари»да шаҳарлар меъморчилиги, сиёсий вазият, аёллар аҳволи, аҳоли машғулоти, кийим-кечаги ва унинг ўзгариши, банклар, темир йўллар фаолияти, ҳатто чипталар ва меҳмонхонада туриш нархларигача ёритилган. Кўрган-кечирганлари М. Бехбудийга ушбу мамлакатлардаги барча ижобий жиҳатларни таҳлил қилиш ва салбий томонларини аниқлаш имконини беради. Туркистон тараққиётда ниҳоятда ортда қолганини тушунган М. Бехбудий немис, француз, инглиз тиллари ўқитиладиган, французлар ва инглизлар ҳам ўқитувчилик қиладиган, кимё лабораторияларига эга, тиббий ўқув юртларида операция хоналари мавжуд Байрут университети ва олий ўқув муассасалари ҳақида ҳавас билан ёзади. «Бу ерда Туркистондан бошқа дунёнинг барча давлатларидан ёшлар таҳсил олишади», — деб хитоб қилади М. Бехбудий. Уни кутубхоналар, улардаги китоб фонди, журнал ва газеталарнинг миқдори ҳайратга солади<sup>1</sup>. М. Бехбудий шунчаки саёҳат қилмагани, балки ўзи борган мамлакатлар халқларининг илмий-ижодий меросини ўрганганига шак-шубҳа йўқ. Бу сафарлар унинг билимларини бойитишида ва гуманистик фалсафаси ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Арбобнинг файласуфона ақли

<sup>1</sup> Бехбудий М. Саёҳат хотиралари // Ойна. 1914. №48. 1142 – 1147-бетлар.

ва табиати жонажон Туркистонининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти борасидаги гоёлари ва орзуларининг равшанлашишига имкон беради. Шу билан бирга, у муқаддас Каъбага ташриф буюриб улкан ҳаловатга эришади. Унинг қалами инсон санъатидан ҳайрат ва Парвардигорга миннатдорлик ҳисларини тўкиб солади. У Макка меъморларига фикран эҳтиром ила мурожаат этади: «О муқаддас мусулмон аждодларимиз! О бинокор-усталар! О голиблар! Аллоҳнинг сизга бўлган марҳамати чексиз, зеро, сиз ўз вақтида бизлар (авлодлар) учун бу қадар муқаммал ва илоҳий асарларни яратгансиз. Чин мусулмонлар, ҳақиқий инсонлар — сизсиз!»<sup>1</sup>.

Бироқ саёҳат қайдларида ҳаётининг мавзулар муқаддас жойлар тавсифидан ортиқ. Жадидчиликнинг немис тадқиқотчиси, профессор Балдауфнинг «Маҳмудхўжа бу асарни саёҳат ва Муқаддас Заминга ташриф баҳонасида ўқувчиларга ўзининг табаррук, чуқур самимиятга йўғрилган қайгуларини изҳор қилиш учун, Ўрта Осиё муаммолари ва у ҳақдаги ғамхўрлиги билан ўртоқлашиш учун, ўз юртдошларига хатоларини кўрсатиб бериш учун ёзган» деган фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Географик ва савдо-сотик тафсилотлари аниқ мақсадни кўзлаб, савдо-сотик ва туристик алоқаларни йўлга қўйишга чорлаш ниятида берилган дегани ҳам тўғри<sup>2</sup>. Шу билан бирга, «Саёҳат хотиралари» нафақат «Ойна» журналининг ўзи каби муаллифнинг Туркистон турмуши ҳақидаги фикрларини акс эттирувчи кўзгу, балки оламни бор қирралари билан туркистонлик ўқувчи кўз ўнгида очиб бериладиган асардир. Агар, И. Балдауф фикрича, «Ойна» Ўрта Осиё буржуазиясига Париждан Япониягача бўлган дунё-

<sup>1</sup> Бехбудий М. Саёҳат хотиралари // Ойна. 1914. №51. 1212-6.

<sup>2</sup> Балдауф И. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993 й. 21 май.

ни кўрсатиб берган бўлса, «Саёҳат хотиралари» Туркистонга мусулмон Шарқини очиб берган. Асарда муаллифнинг ўзи ва унинг характери намоён бўлади. М. Бехбудий нафақат кузатувчи, балки тинчлик элчиси ва маърифатчи сифатида кўзга ташланади. Унинг феъллидаги фаоллик ва шижоаткорлик зиддиятли вазиятларга бефарқ қараб туришга йўл қўймаган. Ростовда у иккита ўзаро адоватдаги мусулмон жамоасини яраштиришга ва умумий саъй-ҳаракатларни мактаб қурилишига йўналтирган ҳолда уларни бирлаштиришга ҳаракат қилган. Маккага яқин муқаддас жойларда қашшоқлик, қаровсизлик, вайрон бўлган суғориш тизими, қуриб қолган дарахтлар, ҳожилар кам садақа бергани учунгина уларни ҳақорат қиладиган тарбиясиз болаларни кўриб у Аллоҳ учун, бу ерда дафн этилган пайғамбарлар ҳаққи кўзни катта очишни ва амалий ишга қўл уришни: чанқаган дарахтларга сув қуйиш, анҳорларни тозалаш, вайронага айланаётган кўҳна ёдгорликларни қутқаришга чақирган ҳолда ташриф буюрувчиларнинг эътиборини тортишга уринади<sup>1</sup>.

Махмудхўжа баъзан ўзини романтик сифатида намоён этади. Унинг олижаноб қалби табиат гўзалликлари қаршисида бефарқ қола олмасди. Қуёш ботаётган пайтдаги денгиз уни мафтун айлайди, Волид ибн Абдулҳаким томонидан Дамашқда қурилган масжид эса ўзининг меъморий жозибаси билан унинг қалбини шу қадар тўлқинлантирадики, бир ҳафта давомида бу жойни томоша қилгани келгани ва уни дунёдаги ҳеч бир масжидга тенглаштира олмаганини айтади. У ҳиссиётга берилиб кўз ёш тўқади. «...Сени илоҳий ҳолат чулғаб олади ва бутун оламни унутасан, сенинг қалбинг, бутун борлигинг ягона «Аллоҳ!» сўзини талаффуз қилади», — деб эслайди у кейинроқ.

<sup>1</sup> Ойна. 1914. №50. 1189-б.



М. Беҳбудийнинг табиати ва фаолиятида юксак билим даражаси, ўз кучини тадбиркорлик ва оқилона ҳисоб-китоб билан амалиётда қўллаш мақсадида халқ маорифига бағишлаш бирлашиб кетган. У нафақат назарий маърифатчи ва оғзаки тарғиботчи, балки Ўрта Осиё бўйлаб билимларни амалиётда қўллашнинг бутун бошли тизимини яратган инсон эди. У томонидан чиқарилган «Ойна» журналини (у ҳақда алоҳида тўхталамиз) ҳисобга олмаганда ҳам, у отаси шарафига «Нашриёти Беҳбудия» деб аталган хусусий нашриёт эгаси, Бухоро, Қўқон, Наманган, Тошкент, Андижон, Самарқандда китоб дўконлари тармоғи соҳиби бўлган (Самарқанддаги дўкон унинг ўз уйида жойлашган). «Беҳбудия» кутубхонаси у томонидан Самарқанднинг руслар яшайдиган қисмида жойлашган. У нафақат замонавий тушунчамиздаги кутубхона бўлган, балки кутубхона-дўкон эди, бу ерга ташриф буюрувчилар Истанбул, Миср, Байрут, Қозон, Боғчасарой, Баку, Оренбург, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Петербург ва, албатта, Туркистонда чоп этилган китобларни харид қилиши мумкин бўлган<sup>1</sup>. Ўша замонда яшаган кишининг гувоҳлик беришича, бу кутубхона М. Беҳбудийнинг вафотидан кейин қимматбаҳо китоблар ва ноёб манбалар кўплиги бўйича Туркистондаги энг катта кутубхонага айланган<sup>2</sup>. Бу ерда Қуръон ва ҳадисларнинг турли нашрларини, форс, турк, араб ва рус тилларидаги турли йўналишларга доир илмий китобларни харид қилиш мумкин эди, нархлар эса одатдагидан анча арзон бўлган. Турли мамлакатлардан бунча миқдордаги китобни келтиришни ташкиллаштириш кенг моддий имкониятларни, халқаро алоқаларни, тадбиркорлик ва ишбилармонлик-

<sup>1</sup> Беҳбудий М. Китобат ул-атфол. Самарқанд, 1914.

<sup>2</sup> М.Ф. Махмуд Ходжа Бегбули // Наука и просвещение. 1922. №1. Август – сентябрь. С.23 – 25.

ни талаб қилган. Ушбу кутубхонада кироатхона — ўқув зали ҳам очилган. Қироатхонага китоб ва журнал ўқишга келган хар бир кишига М. Бехбудийнинг кўрсатмасига биноан, ўзининг фикрича, илмий иш давомида мияни озиклантириш учун зарур бўлган шакарли чой берилганини унинг невараси Надим Бехбудий кулиб айтиб берганди. Ушбу кичик маълумот у билимга интилувчи одамларга қанчалар хайрихоҳ бўлганидан далолат беради.

Қомусий билим соҳиби, гуманист М. Бехбудий тарих ҳақида, тарих фани, унинг жамият ҳаётининг турли соҳаларида, хусусан, сиёсий бошқарув борасида инсоннинг билимдон бўлишидаги аҳамияти тўғрисида мулоҳаза юритмаслиги мумкин эмасди. Унинг «Мозий — истиқболнинг тарозисидур»<sup>1</sup> деган доҳиёна фикрини тарихий тажриба тўла тасдиқлади. Бехбудий жамиятнинг онглилиги, унинг тараққиётида тарихнинг ролини қандай баҳолаган? Унинг бу борадаги муносабати «Тарих ва жугрофия»<sup>2</sup> мақоласида яққол ифодалаб берилган: бу фанлар консерватив ислом ҳукмронлиги даврида бидъат, гуноҳ ҳисобланган, у исломдаги машҳур шахслардан иқтибос келтириб, бу фанлар асло жадид мактаблари кашфиёти эмаслиги, балки жамият ҳаётида азалдан мавжуд бўлганини таъкидлаган ҳолда бу фанларнинг замонавий ҳаётда зарурлигини исботлаб беради. М. Бехбудий табиий ва гуманитар фанларни «Ақлли илмлар» деган тушунча остида бирлаштиради. Халқ тарихи, мамлакат тарихи, ислом тарихини билмасдан на оддий мусулмон, на давлат арбоби, на ислом хизматчиси, на олим мавжуд бўла олади. Тарих, М. Бехбудий фикрича, ҳамма нарса: давлатнинг равақ топиши ва инқирози сабаблари, одамлар ишонч-эъти-

<sup>1</sup> Самарқанд. 1913 й. 3 сентябрь.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Тарих ва жугрофия // Ойна. 1914. №27. 502 — 505-бетлар.

қодн ҳолати, мусулмончиликнинг таназзули сабаблари, ислом ақидаларининг бузилишига ойдinлик киритади. Комил ва одил инсон бўлиш учун тарихни билиш шарт, ҳеч бир билим тарихий билимсиз мукамал бўлолмайди. У ёзади: «Дунёга яшамок учун диннатлик бўлмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарих ўқумок ва билмоқ керак, подшоҳ, вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумок керак, дин исломнинг асли ҳазрат пайгамбар ва саҳобаларнинг исломият ва уммат учун чеккан жафо ва меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқумок керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат, ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумок керак. Ўтган пайгамбарлар, дин ва умматларнинг аҳволдан, мансух ва мунқариз бўлганининг сабабидин бохабар бўлмоқ учун тарих ўқумок керак. Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва ал-он на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва илож худдорий ва тараққий надур? Мунинг билмоқ, учун, тарих ўқумок керак. Хулоса, дин ва дунёдан бохабар бўлмоқни хоҳлайдурган ҳар ким учун тарих ўқумок керак, чунки ҳар нимарсада ишнинг асли тарихдан билинур»<sup>1</sup>.

Бу ҳақда мулоҳаза юритиб М. Беҳбудий, албатта, биринчи ўринга ислом тарихини ўрганишни қўйган. Унинг мулоҳазалари ҳаводан олинмаган: Қуръонни жуда яхши билгани боис ислом тарих фанига нақадар катта аҳамият беришини оят ва ҳадислар билан исботлай олган, шу боис ислом тарихини билмайдиган ва бунинг ортидан ўнғайсиз ҳолатга тушиб қоладиган ҳурмат-эътиборли дин хизматчиларини танқид остига олади. Беҳбудийнинг фикрича, тарих ва географияни билиш сув ва ҳаводек зарур, тарихни яхши билиш учун эса географияни, айниқса,

<sup>1</sup> Ойна. 1914. №27. 503 – 504-бетлар.

тарихий географияни билиш шарт. Журнал муҳаррири ўз мақоласи билан чекланмай ўқувчиларга турли фанлар ҳақида тизимли равишда маълумотлар бериб боришни ваъда қилади. У ислом тарихига махсус «Мухтасари тарихи ислом» асарини бағишлаган.

М. Беҳбудий Куръон билимдони, унинг тафсирчиси ва муҳаддисларга азалдан бир нечта талаб қўйилганини таъкидлайди, улардан бири тарих фанини билиш эди. Исломни тадқиқ қилган тарихчилардан бири Куръоннинг салкам тўртдан бир қисмини тарихий маълумотлар ташкил этишини қайд қилади.

М. Беҳбудий тарихни ўрганишга қанчалар аҳамият берганини «Беҳбудия» кутубхонасидаги доимий экспозицияси ва савдосидаги китоблар рўйхати ҳам кўрсатиб турибди, китобларнинг 70% ни тарих бўйича китоблар ташкил этган, булар «Маданият тарихи» (3 томлик), «Ислом тарихи», «Умумий тарих», «Тарихий истиқбол», «Турклар тарихи», «Шоҳларнинг ғалаба китоби», «Маданият тарихи моҳияти», «Усманийлар тарихи кўзгуси», «Ислом маданияти тарихи», «Темур», «Ислом олами ва Европа XX асрда», «Американинг кашф этилиш тарихи», «Эрон тарихи», «Буюк Эрон тарихи», «Бахтиёр тарихи» ва б. эди<sup>1</sup>.

«Ойна» журналининг 38-сонидан жой олган долзарб мақолада фақат Маҳмудхўжа Беҳбудий қўйиши мумкин бўлган (мақоланинг муаллифи кўрсатилмаган) саволлар кўтарилган, унда ўлка тарихи бўйича ҳануз «тартибга солинган, фойдаланиш етарли даражада қулай бўлган асарлар» йўқлиги қайд этилган. Очигини айтганда, турклар орасида бу вазифанинг урдасидан чиқадиган одамнинг ўзи йўқлиги айтилади. Аммо бу тарих бў-

<sup>1</sup> Ойна. 1914. №47.

йича китоблар йўқлигини билдирмайди деб ёзади Бехбудий. «Турк, форс ва араб тилларида ҳозирги пайтда руслар ва бошқа европаликлар фойдаланаётган кўплаб китоблар ёзилган». Аммо аҳоли бу китоблардан «қиссалар, афсоналар, ривоятлар ва севги ғазалари»ни афзал кўришини инобатга олиб ноширлар асосан моддий фойда илинжида шундай китобларни чоп этадилар. Унинг фикрича, тарихни ёддан чиқариш айби уларнинг зиммасида. Туркистоннинг янги тарихини ёзиш ишининг нақадар мураккаблигини тушунган ҳолда у Аҳмад Заки Валидий шундай муаллифга айланишига умид қилади<sup>1</sup>.

М. Бехбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдир» асари — муҳим манба, афсуски, ҳамон тарихчилар ва этнографлар у билан яхши таниш эмаслар. У ҳозирги тушунчадаги ҳақиқий илмий асардир, аҳоли ўртасида сўров ўтказиш, асл манбаларни ўрганишдан то ушбу мавзу бўйича замонавий адабиётларни танқидий таҳлил қилишгача бўлган илмий тадқиқот методларига асосланган. Нега М. Бехбудий мазкур масалага мурожаат қилган? Маълумки, Туркистоннинг рус аҳолиси орасида ҳукмрон доиралар топшириғи билан маҳаллий аҳолини истеъмолда бўлмаган «сарт» сўзи билан аташ кенг тарқалган, Бехбудий бу атаманинг узил-кесил қарор топишига қарши бўлган. Унинг асоссизлигини тасдиқлайдиган жиддий тадқиқотлар зарурлигини яхши англаган, шу боис одамларнинг хотирасига, халқ тарихига мурожаат этади. У ҳам ўз газетасида, ҳам «Туркестанский курьер»да бу ҳақда мақола эълон қилган «Таржимон» газетасининг муҳаррири Исмоил Гаспринскийнинг ташаббусини давом эттиради. Туркистонда бу беҳуда масала эмас, балки анчадан бери баҳс-мунозара қилинадиган масаладир.

<sup>1</sup> Туркистон тарихи керак // Ойна. 1914. №38. 797-б.

М. Бехбудий «Ойна»да бу ҳақда биринчи бўлиб Баҳромбек Қоровулбеги гапирниши бошлаганини эслатиб ўтади. Аҳмад Заки Валидий қатнашган мунозаралар «Ойна» саҳифаларида ўз аксини топган. М. Бехбудий ўзининг йирик мақоласини журналнинг уч сониди бошлаб, ниҳоят, якуний ечимга келиш учун тафаккур қиладиган одамларни, ёшларни, олимларни баҳсни давом эттиришга чорлайди. У, авваламбор, туркистонликлар ўзларини қандай аташлари ва қўшни ҳудуддагилар уларни қандай аташларига ойдинлик киритади. Туркистоннинг гарбида яшовчи туркманлар туркистонликларни тожиклар деб аташади, Туркистоннинг жануби — Балх, Бадахшон, Чаҳор аҳолиси туркча гаплашишади ва туркистонликларни ўзбеклар деб аташади. Ҳам тожикча, ҳам ўзбекча гаплашадиган Афғонистон аҳолиси туркистонликларни ўзбеклар ва турклар деб аташади. Юқорида санаб ўтилган ҳудудлар аҳолисининг ҳеч бири «сарт» сўзини билмайди. Кавказ, Эрон ва Ҳиндистон халқларига ҳам «сарт» сўзи маълум эмас, улар Туркистон аҳолисини ўзбеклар ва тожиклар деб билишади. Фақат қозоқлар ва татарларнинг маълум қисми туркистонликларни «сарт» деб номлайди, яъни улар бу ном билан қозоқларга тааллуқли бўлмаганларни аташади. М. Бехбудийнинг «Нега сарт деб атайсан?» деган саволига улар: «Биз даштимиздан ташқарида яшайдиганларни сарт деб атаймиз. Қадимда Сирдарё Яксарт деб номланган. Биз дарёнинг нариги қирғоғида яшовчиларни сарт деб атаймиз», — деб жавоб беради<sup>1</sup>. Бехбудийнинг сўзларига кўра, Туркистондаги 92 та қабила ва элат орасида «сарт» номи йўқ. Муаллиф бу борада Самарқанд ва Самарқанд вилоятини батафсил тадқиқ этади ҳамда шундай хулосага келади: «Самарқанд ви-

<sup>1</sup> Ойна. 1914. №24. 364-6.

лоятида Тотор, Мангит, Мўгул, Қангли, Қозоқ, Намин, Дўрмон, Қирк, Ўзбек, Сарой, Олчин, Бахрин, Юз, Турк, Барлос каби номлар билан аталган қишлоқлар кўп. Хулоса: ҳар бир қабиланинг туркча-ўзбекча номи билан аталган қишлоқлар бисёр, аммо номаълум «сарт» номи билан аталган бирорта қишлоқ йўқ. Самарқанд вилоятининг шарқий, жанубий ва ғарбий қисмларида туркча гаплашишади ва улар шаҳар аҳолисини тожик деб аташади. Ягона улус халқини, шаҳарликларни сарт деб аташга ҳеч қандай сабаб йўқ<sup>1</sup>. Фақат Самарқанднинг ғарбий қисмида, тожикларнинг 24 та қабиласи яшайдиган Чашман бўлисида кичик Қайирма Қозоқ қишлоғи бор, унда яшайдиган қозоқларнинг бир қисми шаҳар аҳолисини сартлар деб атайди<sup>2</sup>. Бехбудий кенг кўламли этнографик тадқиқотни амалга оширган, ҳар сафар унинг сўровлари ва суҳбатлари ягона хулосага олиб келган: «сарт» атамасини фақат руслар ҳамда қозоқ ва татарларнинг кичик қисми қўллайди. У ёзади: «20 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида мен ҳуқуқшунослик билан, баъзида Самарқанд атрофидаги қишлоқлар аҳолисига солиқ белгилаш билан шуғулланганман, ўшанда турли-туман одамлар билан суҳбатлашганман. Ҳар бир ҳолат татар ва қозоқларга мансуб одамлар шаҳар аҳолисини сарт деб аташидан далолат берарди. Мен кимдир Туркистон халқлари ёки тожикларни сарт деб атаганини эшитмаганман — ушбу икки халқ ва яна руслардан бошқа ҳеч ким: на қирғизлар, на кавказликлар, на араблар, на ҳиндлар, на хитойлар»<sup>3</sup>. Бехбудий Туркистоннинг турли жойларидаги 60 ёшдан 100 ёшгача бўлган кекса инсонларни сўроққа тутган ва кўплаб қабилаларнинг номига ойдинлик кирит-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 362 – 363-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Бехбудий М. Сарт сўзи мажхулдир // Ойна. 1914. №22. 340-б.

ган, уларни мақолада келтиради, аммо кексалардан бирортаси «сарт» сўзини билмаган<sup>1</sup>. Ўзбеклар, тожиклар ва бошқа халқларнинг ўзи «сарт» сўзига қандай муносабатда бўлган? Бехбудий ҳақли равишда бу лақаб одамларнинг ҳамиятига тегади деб ҳисоблайди. «Матбуотдан бохабар Туркистон ўзбек ва ё тожик ва ё арабига «сарт» деб хитоб қилинса, ўзларига ор хисси этарлар. Албатта, бир кишини ота-онаси берган исми бўлуб ва ани мансуб бўлган қабила ва уруғи бўлуб туруб, ани бошқа бир исмила чақириб ва номаълум ва ё маълум бир қабила исмини анга тоқилса, ани хушланмасига ва эътироз қилмоқига ҳаққи бўлса керак»<sup>2</sup>. Афсуски, машҳур тарихчи ва адибларга мурожаат ҳеч қандай натижа бермаган (уларнинг номини келтирмайди). М. Бехбудий Н.П. Остроумовнинг машҳур «Сартлар. Этнографияк материаллар» асарини, А. Вамберининг «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат», Логофетнинг «Бухоро хонлиги», Гайернинг «Туркистон бўйлаб йўл эсдаликлари» асарларини ўрганайди, «Ойна» журналининг 1914 йил 25-сонигадаги мақоланинг давомини уларнинг таҳлилига бағишлайди. У Н.П. Остроумовнинг китобига ўзининг танқидий муносабатини билдиради, китоб зиддиятларга тўла ва муаллиф сартлар ким эканини кўрсатиб бера олмаган деб ҳисоблайди. Эҳтимол, Бехбудий Туркистон халқларини сартлар деб атаган ҳолда уларнинг турмуш тарзини тадқиқ этишни ният қилган Н.П. Остроумовнинг китобига ўта катта талаб қўйгандир. У ўзбек ва тожикларни сарт деб аташнинг тўғрилиги борасида шубҳа билдирган Гайернинг фикрини маъқуллайди. А. Вамбери ва Логофет асарларини ўқиш ўз қарашларининг тўғрилигига ишончини мустаҳкамлайди.

<sup>1</sup> Албатта, «сарт» атамаси анча чуқур тарихий илдизларга эгаллиги маълум. Бирок бу ҳолатда гап XIX аср охири — XX аср бошларидаги воқеалар ҳақида кетмоқда.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Сарт сўзи мажхулдир // Ойна. 1914. №22. 340-6.



М. Бехбудий расмий манбалар, 1898 йилги аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларига ҳам мурожаат этади ва уларда номлари келтирилган «рус» Туркистонидаги халқларни санаб ўтади. Бу мақола у нафақат публицист, адиб, маърифатчи, балки суриштирувнинг илмий методларига асосланган тадқиқотлар ўтказишга, таҳлил қилишга, назарий ва амалий хулосаларга келишга қодир ажойиб олим ҳам бўлганига бизни ишонтиради. «Туркистон ўзбеклари» ва «Туркистон тожиклари, араблари, туркманлари, яҳудийлари» атамаларини қўллашга чакириб у «чаласавод, бемаъни, халққа ёт бўлган» атамаларни йўқотишни таклиф этади. Кейинги жараёнлар, «сарт» атамасининг йўқ бўлиши кенг халқ оммаси қўллаб-қувватлашига эришган М. Бехбудийнинг нақадар ҳақ бўлганини кўрсатди. Бироқ бу бошқа фикрлар бўлмаганини билдирмайди. Масалан, «Садон Фарғона» газетаси «Сарт сўзи маълум» мақоласи билан жавоб қайтарган (1914. №30), унда муаллиф Абдуллобек афсоналарга асосланиб «сарт» сўзи «масжид ва мадрасага тегишли», «покиза ва маданиятли» деган маъноларни англатишини исботлашга уринган ҳамда бу ном билан фахрланиш кераклигини уқтирган. «Ойна»да тез орада унга жавоб пайдо бўлган<sup>1</sup>. Мақоланинг муаллифи кўрсатилмаган, лекин унинг услуби ва савияси М. Бехбудийнинг ўзини муаллиф деб ҳисоблашга имкон беради. Нима бўлган тақдирда ҳам, мақолада айтилган ажойиб фикрлар унга тегишли эканига шубҳамиз йўқ; бирор жиддий масалани илмий далилларсиз таъкидлаб бўлмайди ва «ниманингдир, айниқса, жиддий фактнинг тарихини номаълум ривоятларга таяниб белгилашга уриниш тарих олдида жинойт ҳисобланади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Сарт сўзи маълум бўлмади // Ойна. 1914. №39. 922 – 924-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 924-б.

Бехбудий тараққиётда фаннинг ролини муҳим ҳисоблаганидан у билан Бухоро ва Самарқандда кўп бора учрашган Садриддин Айний ҳам гувоҳлик беради. С. Айний у билан 1908 йили Самарқандда биринчи марта учрашгани ҳақида ҳикоя қилади, Бехбудий ҳамманинг диққат марказида бўлган: «Ўша кечаси Махмудхўжа илмий муаммолар ҳақида, ер, осмон ҳақида, ой, юлдузлар ҳақида, қисқаси, ўша пайтгача мен умуман билмаган нарсалар ҳақида кўп гапирди, ҳикоя қилиб берди»<sup>1</sup>. Иккинчи марта учрашув Абдуқодир Шакурый билан М. Бехбудийнинг уйига борганларида юз бергани, суҳбат мавзуси яна Туркистон ва Бухоронинг илмий ва ижтимоий муаммолари бўлганини таъкидлайди<sup>2</sup>. Вақтлар ўтиб ўз замонасида юз бераётган воқеаларни таҳлил этишга ҳаракат қилган Бехбудийнинг сиёсат ва маданиятшуносликка оид асарлари ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлди. Уларда Туркистоннинг миллий-давлат тузилиши масаласи муҳим ўрин эгаллайди.

М. Бехбудий Туркистоннинг сиёсий аҳволига қандай муносабатда бўлган? У ўз халқининг тараққиётини нафақат маърифат, балки сиёсий мақомининг тубдан ўзгариши, мустақилликка эришиш билан боғлаган. Ўзининг кўплаб мақолалари ва фаолиятида у Россия империяси ва Муваққат ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини фош этган, улар чиқарган қонунларини танқид қилган. Масалан, Муваққат ҳукумат ўз моҳиятига кўра демократикдек туюладиган 25 ёшга тўлган ҳар қандай киши қози ёки мингбошилиқка сайланиши мумкин бўлган қонун чиқарган. Бироқ сайланадиган шахснинг қобилиятидан далолат берувчи ҳеч қандай талаблар, ҳужжатлар кўзда тутилмаган. Де-

<sup>1</sup> Айний С. Бехбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1988 й. 15 апрель; Зарафшон. 1922 й. 25 март.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

мак, масаланинг бундай қўйилиши саводсиз, виждонсиз одамларнинг лавозимларни сотиб олишига имконият яратади деган хулосага келади М. Бехбудий. «Мустабид ва золим ҳукуматнинг мақсади ҳукмронларнинг бу қилган жабрлари ўзлари учун энг яхши, биз, мусулмонлар, учун энг жонсиз ва хароблиги (юз) берди. Бу закўн бизга саводсиз қозиларни ақча ва ришва ила сайланмогига ёрдам этди. Нодон ва жоҳил кишиларни қози ва муфти бўлиш учун бу закўн замона ёрдам берар эди. Қози, муфти, мударрис ва ўзгалардан салоҳият бобинда, илм ва истеъдод тўғрисида на шаҳодатнома сўралур эди, нада имтиҳон қилинур эди»<sup>1</sup>. Мадрасада ўқитувчилар сонининг қисқартирилиши кекса мударрислар ўрнини билими паст ёш йигитлар эгаллашига олиб келган, икки-уч нафар мударрис алмаштирилган ҳолатда битта «нодон» бир неча фандан дарс берган. «Натижада уламо озайди. Ахлоқ бузилди, уламои мусулмонияга жоҳил ва хоин сарф-саводсиз кишилар қози бўлди. Тадрис ва афтодан ожиз кишилар муфти, мударрис бўлди. Бир мулла ҳам қози ва мударрис ва ҳам оқсоқол бўлиб, талаба, маориф ва аҳоли ишларини сактага учратди. Бошқа тарафга қарасак, қози ва мударрислик учун истеъдод томони бўлган уламоимиз оч юрадур. Оҳ, золим ҳукумат ва миссионерлар бизга налар қилдилар!»<sup>2</sup>. Аммо курашсиз мустақилликка эришиб бўлмайди. Бунга М. Бехбудийнинг ишончи комил. «Ҳақни олинур, берилмас», — деб таъкидлайди у шу номдаги мақоласида ва «Баёни ҳақиқат»да<sup>3</sup>. Тарих ҳақ олинishi кераклиги ҳақида кўплаб мисолларни билади деб ёзади Бехбудий. «Билмоқ керакки: «Ҳақ олинур, берилмай-дур!» Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзини ҳуқуқи диния ва

<sup>1</sup> Бехбудий М. Бизга ислоҳ керак // Нажот. 1917 й. 7 ноябрь.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Бизга ислоҳ керак // Нажот. 1917 й. 7 ноябрь.

<sup>3</sup> Бехбудий М. Ҳақ олинур, берилмас // Хуррият. 1917 й. 13 июль; Ўша муаллиф. Баёни ҳақиқат // Улуг Туркистон. 1917 й. 12 июнь.

сиёсиясини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиходгардур. Жиход — жаҳд ва жиходни шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозир бизни жиходимиз фикр, газет ва басират ҳамда иттифоқ ила бўлур. Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ»<sup>1</sup>. У шунга ўхшаш «Хуррият берилмас, олинур»<sup>2</sup> деган мақола ёзган Мунаввар қори билан ҳаммаслак. Аммо Мунаввар қори эркинликка фақат қон тўкиш ва қурбон эвазига эришиш мумкин деб ёзади. Беҳбудий аксарият жадидлар каби мустамлакачилик билан қонсиз кураш тарафдори бўлган, у ҳар қандай инқилобларга қарши эди. У доимий равишда ва диққат билан Дума фаолиятини кузатиб борган ва парламент кураши орқали кўп нарсага эришиш мумкин деб ҳисоблаган. Мухториятнинг қизгин тарафдори сифатида тараққиётга эволюцион йўл билан боришни маъқул кўрган, ҳатто Россия империяси таркибида ҳам Туркистон мустақилликка эришиши мумкин деб билган.

Бироқ, М. Беҳбудийнинг энг яқин сафдоши ва шогирди Ҳожи Муиннинг гувоҳлик беришича, Маҳмудхўжа ёшлик чоғларида инқилобий ғояларга асир бўлган, айниқса, 1905 йилги рус инқилоби унга кучли таъсир кўрсатган. Аммо йиллар ўтиб у мустақилликка эришишнинг тинч йўлларини қидириш зарур деган қарорга келган. Шарқшунос Лазиз Азиззода М. Беҳбудий вафот этган куннинг етти йиллигига бағишланган мақола-сида ёзади: «Беҳбудий илк бор халқ онгига Туркистонни чор ҳокимияти истибдодидан озод қилиш ғоясини сингдирганлардан бири, илк бор халқнинг ночор аҳволини тушуниб етган, айни

<sup>1</sup> Беҳбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуг Туркистон. 1917 й. 12 июнь.

<sup>2</sup> Мунаввар қори. Хуррият берилмас, олинур // Нажот. 1917 й. 26 март.

дамда, халққа, мустақиллик учун курашга чақириқ билан му-  
рожаат этишининг турли самарали йўлларини топа олганлардан  
биридир... У ўз мақолаларида чор ҳукуматини танқид қилган,  
уни баъзан ошқора, баъзан Бухоро амирлигини танқид қилиш  
орқали кесатиб фош этган»<sup>1</sup>.

Мустақиллик йўлидаги энг муҳим шартлардан бири, М. Бех-  
будий фикрича, ёшлар ва кекса авлодни бирлаштиришдир.  
Ёшлар жиззакиликни йиғиштириши ва сабрсизликни енгиши,  
масалага илмий ёндашиши керак. Афсуски, ўзим ҳам тезкор  
харакатлар тарафдори бўлганман деб эътироф этади Бехбудий,  
лекин ҳамма нарса режа асосида амалга оширилиши зарур ва  
кекса авлод ёшларни миллатга хизмат қилиш имкониятидан  
маҳрум қилмаслиги даркор<sup>2</sup>.

М. Бехбудий ҳам барча жадиждлар каби Россиядаги февраль  
инқилобининг хурсандчилик билан қаршилаган. У жадиждларнинг  
Туркистон мустақиллиги ҳақидаги дастурини амалга ошириш  
учун кенг имкониятлар эшигини очишини тушунган. Туркистон  
махаллий халқларининг сиёсий, миллий ва иқтисодий манфаат-  
ларини ҳимоя қилиш 1917 йил баҳори ва ёзида, то Туркистон  
мухторияти тор-мор этилгунга қадар жадиждлар, хусусан, М. Бех-  
будийнинг фаолиятида асосий ўрин тутган. Заки Валидий Тўғон  
ўз эсдаликларида М. Бехбудийнинг Россиянинг федератив ту-  
зилишини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига алоҳида урғу  
беради. «Кураш ниҳоятда аёвсиз тус олди, агар сизга қарши  
чикса, ҳатто дўстларингизни ҳам аяб ўтириб бўлмасди. Тош-  
кент муниципалитетининг собиқ раиси, кадетлар партиясининг  
етакчиларидан бири профессор Малесткий (Н.Г. Маллицкий  
назарда тутилмоқда – Д.А.) билан шиддатли кураш олиб

<sup>1</sup> Азиззода Л. Бехбудий // Маориф ва уқитгувчи. 1926. №2.

<sup>2</sup> Улуғ Туркистон. 1917 й. 12 июнь.

борнишга тўғри келди. Мени Самарқанд муфтийси, адиб Махмудхўжа Бехбудий ва эсерлар, асосан, Вадим Чайкин ва шарқшунос Лев Зимин қўллаб-қувватладилар. Кадетлар партияси қўллаб ўрта осиелик зиёлиларнинг ишончини қозонди, лекин қозоқ, ўзбек ва туркман қишлоқларининг кўзи очила бошлаган вакиллари унга эҳтиёткор муносабатда бўлди. Улар билан Махмудхўжа олиб борган очик суҳбатлар ўз таъсирини кўрсатди ва биз вилоятлардан келган мусулмон делегатларни ишонтиришига, уларни федерация тарафдорига айлантиришига муваффақ бўлдик»<sup>1</sup>. Қайд этиш керакки, федератив тузумга қарши бўлганлар агар Россия федератив республика мақомини олса, мусулмонлар ютқазишади, негаки улар мухторият асосида ўзларини бошқаришга тайёрланмаган, тараққиётга ғов бўлиб турган рухонийлар тобелигига тушиб қолишади деб ҳисоблаганлар. Маҳаллий аҳолидан бўлган делегатларнинг маълум қисми ҳам ушбу қарашлар таъсири остида эди. Шу боис Бехбудий тушунтириш ишларини олиб борган. У Туркистон парламентида фақат рус тилида гапирилиши катта хато бўлади, туркий ва рус тиллари тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак ва бу эртами-кеч амалга ошади деб ҳисоблаган. 1917 йил 9 – 16 апрель кунлари бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталари съездида чиқиш қилар экан, Бехбудий Валидий билан ҳамкорликда маҳаллий аҳолининг сайланадиган органларда иштирок этиш ҳуқуқини ҳимоя қилган. Кадетлар партиясининг шовинистик сиёсати ва Н.Г. Маллицкийнинг нуқтаи назарига қарши чиқишда давом этиб М. Бехбудий шаҳарнинг ҳар икки қисми — эски ва янги қисмлари учун ягона ўзини ўзи бошқариш органини яратиш зарурлигини қайд қилади. «Шаҳарнинг ўзини ўзи бошқариш ор-

<sup>1</sup> Заки Валиди Тоган. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. С. 176.

ганларини бўлиб юбориш руслар учун ҳам мақсадга мувофиқ эмас: кўплаб шаҳарларда руслар яшайдиган қисм ўз эҳтиёжларини ўзлари қондиrolмай қолади. Руслар ёш мусулмонлар билан ишлашлари керак. Мусулмонларнинг ўзлари эркинлик ва маданият йўлида ўз ўринларини русларга бўшатиб берадилар». Нотик муросага келишга ва русларга барча ўринларнинг учдан бирини ажратишга тайёр бўлган. «Руслар жабр кўришдан хавфсирамасликлари керак. Бухорода яҳудийлар мусулмонлар орасида 1200 йилдан бери яшаб, бойиб, ривожланиб келишади. Маданият ва қўшинга эга европаликлар ҳеч нарсадан хавотирланмасалар ҳам бўлади, аммо мусулмонларнинг ҳуқуқлари камайтирилиши демократия принципларига зид келган бўларди»<sup>1</sup>. Бу материал кўп нарсалар ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради: биринчидан, «Туркестанские ведомости»да М. Бехбудийнинг нутқи сал бошқачарoқ кўринишда бўлган. Туркистон ижроия қўмиталари съезди ҳужжатларида унинг иккита фикри тушиб қолган (биз юқорида келтирган фикрлар). Газетада М. Бехбудий мусулмонлар муросага бориб 1/3 қисмнинг ўрнига барча ўринларни русларга беради деб айтган дейилган<sup>2</sup>. Бундай бўлиши мумкин эмасди. Н.Г. Маллицкий, афтидан, ўринларнинг пропорционал миқдори принципи русларнинг маҳаллий аҳоли билан таққослаганда кам сонли эканини ҳисобга олганда уларга умуман жой қолдирмаслигидан хавфсираган кўринади. Шундан келиб чиқилса, М. Бехбудий муроса сўзи остида русларга кўп ўрин, яъни учдан бирини тақдим этишни назарда тутган. Унинг нутқида, газета материалларига кўра, бир муҳим деталь бор — бу қуйидаги сўзлар эди: «Бўлинишга уринишлар бўлмаслиги

<sup>1</sup> Заки Валиди Тоған. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. С. 174.

<sup>2</sup> Протоколы съезда делегатов Исполнительных Комитетов Туркестанского края. 9 — 16 апреля, 1917 г. Ташкент: Типография «Туркестанских ведомостей», 1917. С. 29.

керак, акс ҳолда, мусулмонларнинг ўзлари тенгҳуқуқлилиikka эришадилар». Хужжатларда мазкур фикр кескинроқ янграйди: «Агар руслар бунга рози бўлмасалар, мусулмонлар умумий масалалар бўйича келишув комиссиясини ташкил этган ҳолда ажралиб чиқишга мажбур бўладилар»<sup>1</sup>. Демак, М. Бехбудий Туркистон Мухториятига асос солингунга қадар ҳам муваффақиятсизликке учралган тақдирда ва сиёсий кучлар номувофик тақсимланган ҳолатда мустақил давлатни ташкил этиш эҳтимолини кўзда тутган.

М. Бехбудий жадидлар ўртасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Унинг ишонтириш қобилияти сафдошларининг шубҳа ва қийинчиликларни ортда қолдиришига ёрдам берган. Валидийнинг гувоҳлик беришича, у кенг миллий ҳаракатни авж олдиришни уйдлашларига ишонган. Ҳатто турли гумонлар курсовида қолган Мунаввар қори ҳам унга қулоқ солган, деб ёзади Заки Валидий. Унинг съездедаги танқиди туфайли Туркистонда шаҳар бошқарувининг икки шакли — руслар учун алоҳида ва маҳаллий аҳоли учун алоҳида сайловлар ҳақидаги хавфли усул рад этилган, ўзини ўзи бошқаришнинг ягона тизими таклиф қилинган. М. Бехбудий фаолиятида миллий манфаатлар етакчи ўрин эгаллаган, бироқ у барча сиёсий кучлар, миллий ҳаракат ғояси тарафдорларининг бирлашишини ёқлаган. Шу билан бирга, Аҳмад Заки Валидийнинг гувоҳлиги Бехбудийнинг большевикларга муносабати салбий бўлганини тахмин қилиш имконини беради. Ҳар ҳолда, «Мунаввар қори, Бехбудий ва бухоролик жадидлар ҳам кадетларга, ҳам социализмга қарши чиққанлар» деган жумла фақат шу маънода тушунилиши мумкин<sup>2</sup>. М. Бехбудий ўша пайтда мавжуд партияларнинг ҳаммасидан хабардор бўлган. 1906 йи-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 30-6.

<sup>2</sup> Заки Валиди Тоган. Воспоминания. С.176.



лиёқ махсус мақолада тўрт партияга, жумладан, большевиклар партиясига баҳо берган<sup>1</sup>. Сарлавха сифатида арабча «Хайр ул-умури авсатуҳо» мақоли танланган, унинг мазмунини «Хар бир ишда ўрталикни танлаган маъқул» деб ифодалаш мумкин.

Биринчи партияни М. Бехбудий монархистлар, эски тузум тарафдорларидан ташкил топган «буйрукратия-мустабид» деб атайдн. Агар бу тузум, М. Бехбудий фикрича, Туркистоннинг мустақил ривожланиши учун тамомила яроқсиз бўлса, социал-демократик партия (иштирокиюн аъмиюн маъишат муштарак фирқаси) дастурини нафақат яроқсиз, балки зарарли деб ҳисоблайди: «Хар холда, бу партиянинг муроди мумкин лойиқи ёинки хаёлийдек кўрунуб, бу тоифага кўшулмоқ биз, мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлиқдур. Програмларини(нг) молия моддаларина бир оз тағйир бермагунча, шариатга мувофиқ ўлмағони каби жоний ва оила бобидаги фикрлари ҳам асло-асло тўғри келмайдур»<sup>2</sup>. Бехбудийнинг мазкур муносабати совет тадқиқотчилари томонидан социализм мақсадларини тушуниб етмаслик, марксизмни билмаслик, кейинчалик англаб етилган хато сифатида талқин этилган. Аммо «Хайр ул-умури авсатуҳо» мақоласининг асл нусхаси билан танишиш М. Бехбудийнинг социал-демократик партия ва унинг дастурига салбий баҳоси аниқ-равшанлигига шубҳа қолдирмайди. У кадетлар партияси (кадет аъвомия маъишат маршрута фирқаси) ҳақида радикалроқ, ҳатто хайрихоҳлик билан фикр билдиради, лекин кейинроқ апрелда Туркистон ўлкаси ижроия кўмиталари делегатлари съездида ушбу партия аъзоларининг хатти-ҳаракатларига тўқнаш келиб ҳафсаласи пир бўлган ва уларнинг нуқтаназарини кескин танқид қилиб чиққан.

<sup>1</sup> Ўша жойда. 186-б.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Хайр ул-умури авсатуҳо // Хуррият. 1906 й. 11 октябрь.

М. Бехбудий баҳо берган тўртинчи партия «Русия мусулмонлари иттифоки»дир. Ушбу партиянинг сиёсий дастури кадетларникига ўхшаш бўлган, бироқ у мусулмонларни диний, иқтисодий, мафкуравий жihatдан бирлаштирган. Бехбудий мазкур ҳаракатда Туркистон, Бухоро ва Хиванинг ҳар бир вилоятдан умумий ҳисобда 30 нафардан кам бўлмаган мусулмонлар вакиллари бўлиши, Туркистоннинг ривожланиши учун хизмат қиладиган қўмита яратилиши керак деб ҳисоблаган<sup>1</sup>. Шундай қилиб, у ўзининг нуқтаи назарини «олтин ўрталик» деб атаб Туркистон замини учун энг мақбул партияни танлайди. Ўзининг енгил ва жонли тилда ёзилган фельетони билан ўқувчиларга тўртала партиядан ҳар бирининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Бироқ биз, муаллифдан фарқли ўларок, бу асарни фельетон эмас, балки мустақил баҳо ва тизимлаштиришга эга таҳлилий мақола сифатида баҳолаймиз.

Энди Маҳмудхўжа Бехбудийнинг энг улкан мероси – гоёлари ва жўшқин фаолиятининг гўзал ёдгорлиги бўлмиш «Ойна» журналига тўхталиб ўтамиз. Журналнинг биринчи сони 1913 йил 20 августда чиққан. А. Навоий номидаги Миллий кутубхонада сақланаётган 52 сон умумий ҳисобда 1256 бетни ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб 68 та сон чиққан. Журнал ҳар ҳафтада чоп этилган, ҳар бир соннинг ҳажми 24 бет атрофида бўлган. 47-сондан фототасвирлар жойлаштирила бошланган. Улар асосан Самарқанднинг меъморий обидалари ва М. Бехбудий саёҳат қилган жойлар тасвирини акс эттирган, Исмоил Гаспринскийнинг бир нечта фотосурати эълон қилинган. Журналнинг ташқи кўриниши диққатга сазовор. Унинг формати ва араб алифбосида ўқиш учун шрифти қулай бўлган. Супермукова ва

<sup>1</sup> Бехбудий М. Хайр ул-умури авсатухо // Хуррият. 1906 й. 11 октябрь.

сўнгги саҳифалар реклама ва рус тилидаги маълумотлар учун қолдирилган. Муқовада журналнинг номи тўрт тилда берилган: ўзбекчада «Кўзгу», тожикчада «Ойна», арабчада «Миръот», русчада «Зеркало». «Ойна» нима дегани? Маҳмудхўжа Бехбудий шундай жавоб беради: «Кўзгу — бу инсон ўзини кўрадиган, ўз қиёфаси ҳақида тасаввурга эга бўладиган нарса. Қизил ё сариқ, қора ё оқ ранглар устун келиши қандайдир жисмоний ёки рухий ҳолатнинг натижаси ҳисобланади... Ва инсон (ўз саломатлигига) таъсир кўрсатиш йўлларини қидиришни бошлайди...»<sup>1</sup> «Аммо бу камлик қилади, зеро, инсоннинг ҳақиқий кўзгуси бошқа инсон ҳисобланади. Дўстлар — бир-бирлари учун кўзгу. Фақат инсонга кўзгу яратиш санъати берилган»<sup>2</sup>. Кўқонлик Маҳмудхожи Ризоизоданинг «Ойна»га бағишланган ва унинг саҳифаларида чоп этилган шеърида журналнинг одамлар учун аҳамияти шундай ифодаланган:

*Сен биз оламни кўрадиган кўзгусан,  
Сен йўл қидирганлар учун йўлбошчисан.  
Сенинг турли фанлар ҳақидаги сўзларинг —  
Билим, инсонлар қалбидаги нур.  
Оламнинг кўзлари сенга боқиб ёрқинлашди, зеро,  
Сен оддий халқ учун тўтигуфторсан.  
Сен Искандар Зулқарнайн кўзгусисан, сен энг зарур  
нарсасан,  
Сен камолотга интилаётган инсонларнинг муродисан»<sup>3</sup>.*

<sup>1</sup> Бехбудий М. Ойна чист? // Ойна. 1913. №1. 25-6. Тожик тилидаги асли қуйидагича: «Ойна... бар вай инсон назар афканад, худро мебинад, ва аз чи гунағни холок ва қиёфе ва ваҳче ки иборат аз сурхи ва зарди ва саёҳи ва сафеди аст, ва ҳосил шудан аз таъсироти моддий ва маънавий аст, воқиф ва огоҳ мешавад. Ва пас ба илоз мекушад. Ойнаи одамай одаме аст... Дўстон ойнаи акдигаранд... Ва яке аз хоси инсон оинасо зист».

<sup>2</sup> Бехбудий М. Ойна чист? // Ойна. 1913. №1. 25-6.

<sup>3</sup> Ойна. 1913. №25. 405-6.

«Ойна» журнаliga асос солишда М. Бехбудий ўз устозлари тажрибасига таянган. Маълумки, Исмоил Гаспринский ҳам «Таржимон» газетасини нашр эттиргунча «Миръоти жадид» («Янги кўзгу») номли варақалар чиқарган, Абдурашид Ибрагимов эса 1902 — 1909 йилларда ислохотчилик-минтақавийлик йўналишидаги «Миръот-Кўзгу» журнаlinesи чоп қилдирган, 1910 йили Озарбайжонда шу номдаги бадий журнал нашр юзини кўрган<sup>1</sup>.

«Ойна» номи бир неча тилда берилишида ҳам таҳсил учун, ҳам фан ва маданиятни ривожлантириш учун, ҳам бутун тараққиёт учун хорижий тилларни билиш зарур деб ҳисоблаган М. Бехбудийнинг тил концепцияси ифодаланган. Бежизга журналнинг биринчи сондаёқ унинг «Икки эмас, тўрт тил лозим»<sup>2</sup> мақоласи эълон қилинмаган.

Журнал ўзбек тилида чоп этилган бўлса-да, ҳар бир сондан тожик тилидаги мақола ҳам ўрин эгаллаган. Масалан, журналнинг биринчи сонда ўзбек тилида ёзилган «Туркистон» номли дастурий мақоладан кейиноқ аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи «Ойна чист?» («Кўзгу нима?») мақоласи тожик тилида берилади. М. Бехбудий, А. Фитрат, Мирзозода, Ҳожи Муиннинг қатор маърифий мақолалари, ўлканинг турли нуқталари ва хориждан келган ахборотлар шарҳи ҳам тожик тилида эълон қилинган. М. Бехбудийнинг «Чугрофия чист?» («География нима?»)³, А. Фитратнинг «Ҳаёт ва гоёи ҳаёт», «Манфаат»⁴, Мирзозоданинг «Илм ва тараққий»⁵, Ҳожи Муиннинг

<sup>1</sup> Балдауф И. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993 й. 21 май.

<sup>2</sup> Ойна. 1913. №1. 14-б.

<sup>3</sup> Ўша жойда. №2. 20-б.

<sup>4</sup> А. Фитрат мақолалари бир неча сонларда туркум тарзида берилган. 1913. №4, 6, 8 ва б.

<sup>5</sup> Ойна. 1914. №17. 313-б.

«Жавоб ва масъалан мактаб»<sup>1</sup> мақолалари, «Дар дунё чи қадар халқанд?» («Дунёда одамлар, халқлар қанча?»)<sup>2</sup> ва б. материаллар шу жумладандир.

Ҳиндистонда таҳсил олаётган туркистонлик талабаларнинг хати ҳам диққатга сазовор. Улар «Вақт» газетаси муҳаррири Фотих Қаримий ва «Ойна» журнали муҳаррири Махмудхўжа Бехбудийга юборилган газета-журналлар учун миннатдорлик билдирадилар: «Бухоро ва унинг атрофидан бўлган турк тилини билмайдиган талабалар ўз Ватанларидан форс тилида маълумот олишга муҳтожлар»<sup>3</sup>.

Айрим тадқиқотчилар «Ойна» бир йил чоп этилганидан кейин тақиқланган деб ҳисоблайдилар. Лекин 49-сондаёқ таҳририят ўз ўқувчиларини молиявий қийинчиликлар, обуначилар сонининг қисқариши туфайли журнал ёпилаётгани ҳақида огоҳлантиради. Г. Андреев билан суҳбат чоғида М. Бехбудий тан олиб айтади: «Ўтган йили 300 обуначини ҳисоблаб чиққандим, иккинчи йил бошида эса улар бор-йўғи 200 та қолди. Шунда ҳам энг кўп обуначини Фарғона тақдим этмоқда (100 дан ортик), бизнинг Самарқанд вилоятида 50 атрофида. Шундай қилиб, дастлабки пайтларда фақат зиён кўришимга тўғри келди»<sup>4</sup>. Бехбудийнинг кейинги сўзлари журнал чиқишини қийинлаштирган бошқа ҳолатларга ҳам ойдинлик киритади — бу иқтисод қилиш зарурати, шунингдек, журналда керакли ходимларнинг йўқлигидир. «Мен ёлғиз ўзим ишлайман»<sup>5</sup>, — деб шикоят қилади у. Муҳаррирнинг ҳолдан тойиши ва саломатлиги яхшимаслиги ҳам

<sup>1</sup> Ойна. 1913. №7. 182-6.

<sup>2</sup> Ойна. 1913. №4. 98-6.

<sup>3</sup> Ойна. 1914. №51. 1225-6.

<sup>4</sup> Андреев Г. Самаркандский журнал «Ойна» и его редактор — издатель Махмуд Ходжа Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915 г. 17 сентября.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

уни масъулиятни зиммасидан соқит қилишга мажбурлагани эҳтимолдан холи эмас. Журналда у неврологик ва ошқозон хасталикларидан азият чекканлиги қайд этилган. Табиийки, бу улкан ақлий зўриқишлар оқибати эди. Г. Андреев ҳам суҳбатдошининг сарғайган хаста юзи, касал кўзларига эътибор қаратган.

М. Беҳбудийнинг журнални ёпиш ҳақида қарор қабул қилишига яна бир сабаб цензуранинг босимни ҳаддан зиёд ошириб юбориши бўлиши мумкин. Журнал ҳарбий цензор томонидан «тозалов»га учраган. Охирги сонлардан бирида таҳририят журналнинг чиқиши цензура туфайли кечикаётгани изоҳланган эълон беради<sup>1</sup>. Гарчи «Ойна» қисқа муддат чоп этилган бўлса-да, у М. Беҳбудий гоёларининг жарчисига айланган ҳолда ўз вазифасини уддалаган. Агар бошида у ўзи ишлаган бўлса, 1913 йили Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Тошкент ва Туркистон ўлкасининг кўплаб шаҳарлари жадидлари, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ота-оналари, Туркия, Ҳиндистон, араб давлатлари, Россиядаги илғор зиёлилар қиёфасида қудратли мададга эга бўлган, улар даврий нашрлар, китоблар билан Беҳбудийга ёрдам бериб туришган. Бу журнал чиқариш учун ақл бовар қилмас даражада куч сарфлаган 39 ёшли Беҳбудий учун улкан манба эди.

Журнал мазмунини тадқиқ қилиб Г. Андреевнинг М. Беҳбудий чиқарган «Ойна» журнали бир оз ҳажвий хусусиятга эга бўлган деган фикри ҳаққонийлигини текширишга уриндик. Мақолаларнинг аксарияти сатирик ва публицистик усулда бўлиб, одатда, бирор муаммо ечимига бағишланган. Шу билан бирга, М. Беҳбудийнинг ўз сўзлари, Г. Андреев хотираларига кўра, кўп нарсага ойдинлик киритади, донишмандона услубини намоён этади: «Журнал қарашлари моҳияти илгари чоп этилган «Са-

<sup>1</sup> Ойна. 1914. №49. 1165-6.

марқанд» газетасига ўхшаш. Аммо бу ерда хақиқатга ойдинлик киритишнинг бошқа йўлини танладим. Дарғазаб кулги билан ҳақоратлар ва баландпарвоз ваъзлардан кўра кўпроқ нарсага эриши мумкин деган ўйда фош қилувчи услубдан сатирик, ҳажвий услубга ўтдим»<sup>1</sup>.

Журналнинг жуда машҳурлигидан бу ерга юборилган ва ҳаётнинг турли жабҳаларига бағишланган хат ва телеграммалар далолат беради. Масалан, «Ойна» журналининг 1914 йил 14 апрелдаги 51-сонида Қозондаги россиялик мусулмонларнинг ва Ҳиндистонда университетда таҳсил олаётган бухоролик талабаларнинг хатлари эълон қилинган, бу журналнинг тарқалиш кўлами нақадар кенг бўлганлигидан далолат беради. Журнални нашр қилишни давом эттириш илтимос қилинган хатлар жамият уйғона бошлаганидан далолат эди. Демак, журнал замондошларнинг маънавий ҳаётида катта ўрин эгаллаган.

Журналнинг мавзу мундарижаси турли-туман бўлган: иқтисодиёт, сиёсат, маданият, фан ва ҳ.к. Замонавий тарихчида М. Беҳбудийнинг Осиёи Васат (Ўрта Осиё) ва Туронзаминнинг қадимий географик чегаралари ҳақидаги маълумотлари катта қизиқиш уйғотади.

Бу ерда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий тузилмаларига ҳам тавсиф берилган, вилоятлар, уездлар номлари, 1902 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари тақдим этилган. Журнал материаллари мавзуси ва жанрига кўра илмий-оммабоп («География нима?», «Улуғбек расадхонаси», «Ер», «Қуёш», «Тарих ва география») ва адабий (ўқувчиларни бошқа даврий нашрлар, кўпроқ татар нашрларидан олинган ўзга халқлар адабиёти билан таништириш) йўналишларга таснифланган.

<sup>1</sup> Андреев Г. Самаркандский журнал «Ойна» и его редактор — издатель Махмуд Ходжа Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915 г. 17 сентября.

Журнал жамиятнинг маданий ва ижтимоий ҳаётидаги янги жараёнларни кенг ёритган, масалан, «Андижонда янги банк», «Самарқандда электр трамвай», «Бухорода темир йўл». Кино, театрлар, янги кутубхоналар ва ўқув заллари ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган. Ижтимоий фанлар бўйича илмий мақолалар алоҳида ўрин эгаллаган, уларнинг аксарияти М. Беҳбудий қаламига мансуб. Хорижий давлатлар ҳақидаги хабарлар кўлами анча кенг — Япониядан Америкагача бўлган.

Бундан ташқари, «Ойна» Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Россия мусулмонлари ҳаёти ҳақида тизимли маълумот беради. Журнал мақолалари орасида кўпинча Беҳбудийнинг севимли шоири Умар Хайём тўртликлари бериб борилади.

Жадидлар қаҳрамони Исмоил Гаспринскийга бағишланган мақолалар журналнинг энг самимий сатрларини ташкил этади. Беҳбудийнинг ўзи уни «ҳазрат» деб атаган, бу маънавий, таълим-тарбия нуқтаи назаридан олий ҳурматга сазовор кишини англатади.

«Ойна» журнали ҳам, М. Беҳбудийнинг бутун умри ҳам бош мақсад — тараққиётга, халқ маорифига хизмат қилишга бағишланган. У ҳар тарафлама маърифат улашади. Бирор ижтимоий муаммо йўқки, у эътибор қаратмаган бўлсин. Бундан «Ойна» журнали мазмун-моҳияти ҳам, Беҳбудийнинг мақола ва китоблари ҳам далолат бериб турибди.

Масалан, Туркистон жамияти ҳаётида унинг ўзбек ва тожик тилларида элементар, лекин зарур ахлоқий таълим берадиган «Китобат ул-атфол»<sup>1</sup> китоби пайдо бўлиши ноодатий ҳодисага айланган. Унинг мазмуни ҳаётини эҳтиёжлар, авваламбор, иш юритишнинг фаоллашиши ва жадидларнинг бошқарув апаратига маҳаллий миллатлар вакилларида чикқан кадрларни кўп-

<sup>1</sup> Беҳбудий М. Китобат ул-атфол. Самарқанд: Типография Т-во «Б.А. Газарова», 1914. 30-б.



роқ жалб этишга интилиши билан белгиланади. Айни дамда, китоб болаларга хизмат ва шахсий ёзишмалар олиб боришни ўргатади. Бу ерда ҳам муаллиф «Хайр ул-умури авсатухо» — «Хар бир ишда ўрталикни танлаган маъқул» нуқтаи назарига амал қилади, яъни инсон воқеа ва одамларга баҳо беришга интиладиган хатда босиқликка, вазминликка, бегаразликка чақиради<sup>1</sup>. Беҳбудий ўқувчиларни нафақат хат ёзишнинг лингвистик жиҳатларига, балки «ахлоқий-ёзув» одоби қоидаларига ҳам ўргатади. Бу ерда у яна тиллар масаласига қайтади. Хизмат хатлари хорижий тиллардаги исм ва номларсиз бўлмайди, шу боис тўғри ва мазмунли ёзишни ўрганиш учун тилларни билиш зарур. У томонидан берилган хатлар таснифда қон-қардошлик муносабатларига ҳам (хат кимга — отага, ака-укага, опа-сингилга ёки дўстга ёзилишига қараб), ёш поғонасига ҳам амал қилинади. «Китобат ул-атфол» М. Беҳбудий маданият сабоқларида хулқ-атворнинг европача ва шарқча меъёрлари бирлигига таянишининг яққол исботидир.

Бу йўналиш у томонидан илгари сурилган бошқа мавзуларда ҳам мавжуд. «Ҳифзи сихати оила» («Оила саломатлиги муҳофазаси») мақоласида (ўқувчининг эътиборини Беҳбудий тиббий маърифат мавзусига кўп мурожаат қилганига қаратамиз) инсон учун биринчи даражали билим «илми бадан ва ҳифзи сихатдур» деб ёзади, бу организм ва саломатликни сақлаш ҳақидаги билимдир<sup>2</sup>. Куръон ва ҳадислардан иқтибос келтириб ҳамда Голландия ва Франция олимларининг статистик тадқиқотларига таяниб Беҳбудий ҳам эрта турмуш қуришнинг зиён экани ҳақида, ҳам беникоҳлик, кўпхотинлилик, жинсий тарбия меъёрлари ҳақида мулоҳаза юритади. Ўша пайтда бу каби ма-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 5-6.

<sup>2</sup> Беҳбудий М. Ҳифзи сихати оила // Ойна. 1914. №48, 49, 50. 1148, 1171, 1191, 1195-бетлар.

қоғдалар ниҳоятда ноёб эди. Бу ҳақда фақат ақли ўткир ва дунё-қарашли кенг одам ёза оларди.

Махмудхўжа Бехбудий мулоҳазалари доираси жуда кенг, аммо унинг аксарият фикрлари ёш авлодга қаратилган. «Бизга ислох керак» («Нажот», 1917 й. 7 ноябрь), «Ҳақ олинур, берилмас» («Хуррият», 1917 й. 13 июль), «Ёшларга мурожаат» («Ойна», 1914 й. №2), «Самарқандда миллий ишлар ҳақида» («Хуррият», 1917 й. 23 июль), «Бизни кемиргувчи иллатлар» («Ойна», 1914 й. №23), «Таҳсил оёи» («Самарқанд», 1913 й. 3 сентябрь) ва бошқа қатор мақолаларида унинг адиб ва сиёсатчиликдан ташқари педагогик қобилияти ҳам намоён бўлади. Айтганча, бу, авваламбор, яхши таълим берган, хорижий тилларни ўргатган фарзандларида акс этган. Билим эгаллаш учун ҳеч нарса тўсқинлик қилмаслиги керак деб ёзади М. Бехбудий, одамлар тўй ўтказиш учун мол-мулкини сотган вақтда у кўп йиллик зарарли урф-одатлардан воз кечишга чақирган, агар мулкни сотиш керак бўлса, ўғилларини Европада ўқитиш учун сотиш лозимлигини уқтирган<sup>1</sup>. Боз устига, чуқур эътиқодли инсон сифатида, С. Айний сўзларига кўра, эътиқод инсон билими учун хизмат қилиши зарур деб ҳисоблаган. Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд қабри атрофидаги кўплаб масжидларни кўриб шундай деган: «Намоз учун битта масжид ва битта сўфининг ўзи етарли, бунча кўп масжид қуриш ўрнига бу маблағга йўқсилларнинг болаларини ўқитиш керак эди ва жамият шунча фойдасиз одамлар ўрнига етарлича ўзини таъминлай оладиган фаол аъзоларга эга бўлган бўларди»<sup>2</sup>.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, Бехбудийнинг кўплаб асарлари, жумладан, ўлимидан ярим йил олдин тугатилган

<sup>1</sup> Бехбудий М. Ёшларга мурожаат // Ойна. 1914. №21. 290-б.

<sup>2</sup> Айний С. Бехбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим // Зарафшон. 1922 й. 25 март.

мерос ҳуқуқи бўйича йирик асари (200 саҳифача), форс ва турк муаллифларининг асарлари асосида тузилган астрономиядан дарслик, аёллар масаласи бўйича мақолалари чоп этилмай қолган<sup>1</sup>.

Ҳазрат Маҳмудхўжа Бехбудий қобилияти айни чўққисига чиққан пайтда, ёш, лекин катта ҳаётий тажрибага эга етук инсонлигида вафот этган. Ўлимидан бир оз олдин у сиёсатдан чекинган. Нега? Сўнги йилларда у Халқ маориф комиссарлигининг Самарқанд бўлимида ишлагани маълум. 1918 йилдан кейин у қандай фикрда бўлган? Уни нима безовта қилган? Бу саволлар жавоби номаълумлигича қолмоқда. Бу йилларда таълимни ташкил этиш бўйича давлат хизматида бор куч-салоҳиятини бағишлаган. Бехбудий ҳаётининг ушбу босқичига баҳо бериш осон эмас. Маълумки, у большевизмга салбий муносабатда бўлган, Туркистон Мухториятининг тор-мор этилишига ҳам бефарқ қараб туrolмасди, у республика ҳақида завққа тўла мақола ёзган<sup>2</sup>. Аммо 1922 йилиёқ «Наука ва просвещение» журналида М. Бехбудийни «оқлаш»га уриниб кўрилган — унинг аҳоли орасидаги обрў-эътибори ниҳоятда юксак бўлган<sup>3</sup>.

Кўкондаги воқеалар — Туркистон Мухториятининг қонга ботирилиши унга ёмон таъсир қилган ва сиёсатдан узоқлашган бўлиши мумкин. Маълумки, у янги республика ҳукумати аъзоси эди ва воқеаларнинг муваффақиятсиз якун топганидан қаттиқ қайғуга ботган. 1919 йили у навбатдаги ҳаж сафарига отланади. Бироқ бундай қарорнинг кутилмаганда бўлгани кундек равшан. 1919 йил феврилида у Тошкентга борган, қайтиб келгач янги

<sup>1</sup> М.Ф. Махмуд Ходжи Бегбуди. Материалы к биографии // Наука и просвещение. 1922. №1. С.23 — 25.

<sup>2</sup> Бехбудий М. Туркистон Мухторияти // Хуррият. 1917 й. 12 декабрь.

<sup>3</sup> М.Ф. Махмуд Ходжи Бегбуди. Материалы к биографии // Наука и просвещение. 1922. №1. С.23 — 25.

мактаб дастури ва Тошкентдаги таълим ҳолати билан таништириш учун Самарқанд ўқитувчиларини чақирган. Ўзи эса мажлисга келмаган. У билан тасодифан учрашиб қолган С. Айнийнинг мажлис қачон бўлади деган саволига жавобан тоби йўқлигини, агар вақти ва кайфияти бўлса, бу ҳақда маълум қилишини айтган<sup>1</sup>. М. Беҳбудий ниҳоятда масъулиятли шахс эди ва фақат ўта жиддий сабабгина унинг режаларини бузиши мумкин бўлган, агар тоби йўқ бўлса, қандай қилиб ҳаж сафарига отланиши мумкин, С. Айнийнинг айтишича, учрашувларидан 2 — 3 кун ўтиб ҳажга йўл олган. 25 март куни у Бухоро амирлиги чегарасидан ўтган ва Шаҳрисабзга келган. Бу ерда амирлик маъмурлари томонидан ҳибсга олинган, Қаршига жўнатилган ва қатл этилган. Маҳмудхўжа Беҳбудий ижоди тадқиқотчиси Б. Қосимов З. Валидийнинг «Бугунги турк эли ва яқин тарихи» китобидан олинган маълумотларга таяниб ҳазрат Туркистон мусулмонлари кенгашининг Каспийорти вилоятида жойлашган инглизлар билан музокаралар ўтказиш ва большевикларга қарши шартнома тузиш топшириғини бажарган деб тахмин қилади<sup>2</sup>. Иброҳим Ёрқин худди шу манбага асосланиб Беҳбудийнинг «босмачилик» ҳаракатидан мадад сўраш мақсадида йўлга чиққани ҳақида хулосага келади<sup>3</sup>. Яна унинг ўлимини большевикларга боғловчи тахмин ҳам бор, буни тасдиқловчи бошқа факт ва ҳужжатлар йўқ, шу боис бу ажойиб инсон ҳаёти ва ижодини тадқиқ этувчиларнинг фаразидан қолмоқда. Маълумки, «Самарқанд» газетасида, сўнгра «Ойна» журналида Бухоро амирлиги қаттиқ танқид қилинган. Тошкент, Кўқон, Фарғона, Каттақўрғон, ҳатто кўплаб кичик шаҳарлардаги воқеаларни доимий ёритиб борган газета

<sup>1</sup> Айний С. Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим // Зарафшон. 1922 й. 25 март.

<sup>2</sup> Қосимов Б. Беҳбудийнинг қабри қаерда? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 й. 30 сентябрь; Ўша муаллиф. Истиклол фидойилари. Маслакдошлар. Тошкент, 1994. 3-б.

<sup>3</sup> Ibrahim Yarkin. Mahmud Hoca Behbudi // Hur Turkistan icin istikbala gazeta. 1975. 15 ocak.

ва журналда Бухорога алоҳида ўрин ажратилган. Унинг «Лулу-ми мактаб дар Бухоро» («Самарқанд», 1913 й. 26 июль, №26), «Бухорода тўйлар» («Ойна», 1913 й. №5), «Бухорода муҳим кич-роқ» («Ойна», 1910 й. №10), «Бухоронинг Шерободидан мак-туб» («Ойна», 1917 й. №17), «Бухорони истиқболи қоронгу» («Ойна», 1914 й. 26 июль, №40), «Бухородан қаро хабарлар» («Ойна», 1914. №39) ва бошқа мақолаларида аҳолининг оғир иқтисодий, ижтимоий-мансий аҳволи, таълимдаги инкироз хо-лати кўтарилган ва, албатта, ҳукумат ва амирнинг ўзи танқид қилинган. Бундан ташқари, Иброҳим Ёрқин таъкидлаганидек, Бухорода муфтий лавозимини олиш учун борган ҳазрат Бехбу-дий маълум маърифатчилик фаолиятини ҳам олиб борган. Аҳмад Дониш издоши сифатида унинг Бухородаги таълим ислохотлари ҳақидаги гоёларини тарғиб қилган ва ривожлантирган, атрофига жадид сафдошларни жамлаган, улар 1910 йили «Бухоро нашри маориф» тўпламини чиқаришган. Унинг Бухоро амири ва ҳуку-матини танқид қилиб чиқиши эътиборсиз қолмаган, таъқибга учраб 1910 йили Бухорони тарк этишга мажбур бўлган. Юқори-да айтиб ўтилганидек, амир сиёсатини танқид қилиш «Ойна»да давом эттирилган. Буларнинг бари унинг амир жосуслари томо-нидан таъқиб қилиниши ва ҳибсга олинishiга сабаб бўлмаслиги мумкин эмасди. Б. Қосимов фикрича, амир Бехбудийни ўзининг шахсий рақиби деб билган, унинг большевиклар ёки амир та-рафдорлари томонидан ўлдирилгани ҳақидаги саволга аниқ жа-воб бериш қийин. Унинг бутун ҳаёти, айниқса, ҳаётининг сўнгги йиллари, Туркистон Мухторияти ташкил топишидан охириги на-фасига қадар бўлган воқеаларни пухта тадқиқ қилиш талаб эти-лади. Ўн йилдан ошиқроқ вақт давомида М. Бехбудий номи рас-ман халқ қаҳрамони сифатида турди. Қарши шаҳрига, Тошкент, Самарқанд кўчаларига унинг номи берилди. Дўстлари унинг

асарлари тўпламини нашр қилдиришга чоғланишди. Ўлимидан кейинги дастлабки йилларда у ҳақда кўплаб мақолалар чоп этилди. Бироқ жадидчилик тоталитар тузум томонидан унутилишга маҳкум этилган лаҳзадан унинг номи тилга олинисдан тўхтади ва буржуа-миллатчилик ҳаракати етакчиси ёрлиғи ёпиштирилди. Ҳазрат Маҳмудхўжа Бехбудий ўз ишининг ҳақиқий фидойиси эди, ҳатто ўлаётиб ҳам ўз дўстларини маориф, маданият, фанни ривожлантириш, тараққиётга хизмат қилишга чақириб, она халқига маънавий васиятини тузган ва ошкор этишни уддалаган. У Туркистон тарихидаги жадидчилик деб аталган янги қудратли нафасни ўзида мужассамлаштирган.

Бу ҳаракат тарафдорлари Маҳмудхўжа Бехбудий бошчилигида тарихни чуқур таҳлил қилиш, ўзлари яшаган даврни ҳар томонлама ўрганиш йўли билан ўз юртининг келажагини лойиҳалаштиришни, унинг тараққиёт йўлларини режалаштиришни уддаладилар.

Бугунги кунда Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг сафдошлари номи севиб тилга олинади, уларнинг мероси ва тақдири Германия, Туркия, АҚШ, Япония, Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон олимларининг тадқиқот мавзусига айланиб улгурган.

Унинг учун энг яхши ёдгорлик ўз вақтида дўстлари томонидан маълум сиёсий сабабларга кўра амалга оширилмай қолган тўлиқ асарлари тўпламини чоп эттириш бўлур эди. Қувонарлиси, бу иш аллақачон бошланган. М. Бехбудий ўзининг оламга сўнгги номасида ёзади: «Сизларга васият қиламан: Туркистон болалари билимсиз бўлиб қолмаслиги керак... Ҳаммага Озодлик сари йўл кўрсатинг!».

Унинг дўстлари ва издошлари, биз — авлодларининг халқ маърифати ва Ватан бахт-саодати йўлида тинимсиз фаолият юритиши М. Бехбудийга энг яхши ёдгорлик бўлиши аниқ.

## ИСҲОҚХОН ИБРАТ: ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ИЖОДИ<sup>1</sup>

*«Ибрат домланинг Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда»*

Ўзбекистон Президенти  
Ш.М. Мирзиёев

Кўхна тарих бағрида бир даврларда юрт юксалди, тараққий қилди, бир даврларида таназзулга юз тутиб, изтироб чекди. Бироқ тарихнинг ўзи бу дардга малҳам топиб, маълум бир босқичларда юрт ва миллат қайғусини ўзининг маслағи деб билган, унинг тараққийсини илму-урфонда кўрган илгор фикрли, зиёли фарзандларини дунёга келтириб, айни бир мақсад атрофида жипслаштирди. XIX аср охири XX аср бошида Туркистонда вужудга келган ва унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат бўлган жади́дчилик том маънода юрт тараққийси дардида ёнган ватанпарвар, маърифатпарвар шахсларни тарих сахнасида бир маслак йўлида курашга чорлади. М. Бехбудий, М. Абдурашидхонов, А. Фитрат, У. Асадуллахўжаев, А. Авлоний, А. Зоҳирий, О. Махмудов<sup>2</sup> каби қомусий билимлар эғаси ва бу билимларини ватан риво-

<sup>1</sup> К. Воҳидова билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

<sup>2</sup> Унутилмас сиймолар. Жади́дчилик ҳаракатининг намоендалари. Тошкент: Академия, 1999. 23 б.

жи йўлида сарфлашга интилган, ўрни келса ушбу жараёнларни моддий жиҳатдан қўллаб қувватлашда ўз хиссасини, маблағини аямаган сиймолар жадидчилик ҳаракатининг ёрқин намоёндалари бўлдилар. Бу шарафли рўйхатда кўплаб тараққийпарварлар номлари туради ва унда Фарғона жадидчилик ҳаракатининг вакили Исҳоқхон Жунайдуллахон ўғли Ибрат (1862-1937) алоҳида ўрин тутди.

Совет даври тарихшунослигида миллий зиёлилар ҳаёти ва фаолияти етарли даражада ўрганилмаган ёки ўрганилган тақдирда ҳам ўз миллий анъаналарига эмас коммунистик давлат мафкураси талабларига мос равишда ёритилган. Бу даврда тарихшуносликни ривожлантиришга ўзининг катта улушини қўшган миллий сиёсий арбоблар мавқеи беркитиб келинган ёхуд тузум талабига қараб талқин этилган. Улар дунёқараши, маърифат йўлидаги ҳаракатлари «реакцион, аксил инқилобий, миллатчилик» каби салбий негизда баҳоланиб келинди. Совет мафкурасига зид бўлган, унинг манфаатларига мос келмайдиган фикрлар унутилишга маҳкум этилди. Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Ибратнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий илмий меросини ўрганиш борасида ҳам худди шундай йўл тутилган.

Республикамиз мустақилликка эришгач, ўтмишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, тарихий-илмий, қўлёзма манбаларни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб борди. Қатагон қилинган миллий зиёлилар ижодини нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон маданияти тарихини ўрганишда аҳамиятини кўрсатиб бериш, тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш заруриятга айланди. Миллий тараққийпарварларимиз, жадидлар ҳақида кўпгина тадқиқотлар, монографиялар, рисолалар вужудга келди. Шу жумладан жадид намоёндаси Исҳоқхон Ибратнинг илмий ва маънавий мероси ҳам ўрганилди. 1991 йилда Ҳ.Н. Бобобе-



ков, М. Хасаний Ибратнинг «Тарихи Фарғона»<sup>1</sup> кўлиб эмасини нашрга тайёрладилар ва асар чоп этилди.

У. Долимовнинг 1994 йилда «Исҳоқхон Ибрат»<sup>2</sup> деб номланган рисоласи нашрдан чиқди. 2001 йилда япониялик олим Х. Коматцу Б. Бобожонов билан ҳамкорликда И. Ибратнинг «Мезон уз замон» асарини таҳлил ва изохлар билан эълои қилдилар<sup>3</sup>, 2008 йилда К. Воҳидованинг «Исҳоқхон Жунайдуллоххўжа ўгли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси» номли монографияси чоп этилди<sup>4</sup>. 2005 йилда У. Долимов ва Н. Жабборовлар Исҳоқхон Ибратнинг асарларини «Танланган асарлар» туркумида нашр эттирдилар. Илмий жамоатчилик ва китобхонлар омма-сига тақдим этилган Исҳоқхон Ибрат ҳаёти ва ижодига оид бу тадқиқотлар, унинг кенг қиррали фаолиятини муносиб баҳолаб, бетакрор маънавий меросини халқига етказди.

Серқирра қобилият, қомусий билимлар соҳиби бўлган Исҳоқхон Ибрат тарихчи олим, атоқли шоир, тилшунос, ношир, таржимон, хаттот, зукко муаллим, жаҳид намоёндаси сифатида ўз замондошлари эътирофига сазовор бўлди. Мустақиллик туфайли эса ноҳақ қораланган номи оқланди, аждодлари хотирасида тараккийпарвар юрт фидойиси бўлиб жонланди. Янги тарихий шароит Ибратнинг илмий меросини ўрганиш имконини берди. Шу билан бирга унинг меросини халқимиз орасида, айниқса ёшлар онгига оммабоп нашрлар орқали етказиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда. Зотан, унинг фаолияти, Ватан тақдирига бўлган муносабати, равнақига доир гоё ва қарашла-

<sup>1</sup> *Ибрат И.* Тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ. Қ. Нив. № 11616

<sup>2</sup> *Долимов У.* Исҳоқхон Ибрат. Тошкент: Шарқ, 1994.

<sup>3</sup> *Коматцу Х., Бобожонов Б.* Исҳоқхон тура иби Джунайдуллах Хайди. Мизан аз заман. Тошкент-Токио, 2001.

<sup>4</sup> *Воҳидова К.* Исҳоқхон Жунайдуллоххўжа ўгли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси. Тошкент, 2008. 199 б. 2018 йил тўлдирилган нашри чоп этилган.

ри ёш авлодни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашда, бугунги кундаги сиёсий ислохотлар моҳиятини тушуниб етишда жуда катта аҳамиятга эга.

Исҳоқхон Жунайдуллоххўжа ўгли Ибрат 1862 йил 21 мартда Қўқон хонлиги қасабодларидан бири бўлган Тўрақўрғонда туғилган (Наманган вилояти). «Илми Ибрат» шеърӣ тўпламида берилишича, олимнинг асли исми Исҳоқхон, отасининг исми Жунайдуллоххўжа, Ибрат эса унинг тахаллусидир<sup>1</sup>. П.Д. Қаюмов маълумотига кўра, Ибрат тўралар авлодидан бўлиб, «Умархон даврида бўлмиш машҳур шоир Афсуснинг набирасидир»<sup>2</sup>.

Исҳоқхон Ибрат Аҳмад Яссавий авлодларидан ҳисобланади. Бунга унинг авлодларидан қолган ва ўз қўли билан давом эттирган шажаралар рўйхати далил бўла олади. Авлодлари қўлида сақланиб қолган араб тилида ёзилган бу ёдгорликда Аҳмад Яссавийдан то Ибратга қадар бўлган шажаралар рўйхати номма ном келтирилади<sup>3</sup>.

Исҳоқхон Ибрат биографиясини ўрганишда Аҳмад Убайдуллохнинг унинг шажараси ҳақида эълон қилган бир қатор мақолалари маълум аҳамиятга моликдир. Муаллиф Исҳоқхон Ибратнинг шажарада ўз авлодларини XVIII асрнинг иккинчи ярмида Туркистон томондан келиб, Наманган, Тўрақўрғон туманлари ҳудудларида жойлашиб қолганлигини қайд этганлигини аниқлайди<sup>4</sup>.

Ибратнинг ота-онаси ўз даврининг илмли инсонлари бўлиб, улар ўзбек, форс тилларини мукаммал билган ва бу тилларда

<sup>1</sup> *Ибрат И.* Илми Ибрат. Тўрақўрғон: Матбааи Исҳоқия, 1909. ЎзР ФА ШИ. Т. инв. № 9987. 15-в.

<sup>2</sup> *Қаюмов П.Д.* Тазкираи Қаюмий. Тошкент, 1998. II қисм. 420-б.

<sup>3</sup> *Насабнома* (араб тилида). Асл нусхаси Ибратнинг авлодлари қўлида сақланади.

<sup>4</sup> *Убайдуллоҳ Аҳмад.* Хожа Аҳмад Яссавийнинг Наманганлик авлодлари. «Халқ сўзи» газетаси. 2005. 14-сон.

ижод қилишган. Ибратнинг отаси Жунайдуллоххўжа Суннатуллоххўжа ўгли ўқиминшли, гоҳида «Ходим» тахаллуси билан шеърлар машқ қилар, шунинг билан бирга соҳибкор боғбон бўлган, онаси Ҳурибиби маҳалла қизларига сабоқ бериш билан шугулланган. Бу оила муҳити ёш Исҳоқхонда билимларга қизиқиш, турли тилларни ўрганиш ва зиёлига хос фазилатларни шакллантиришда асосий омил бўлди.

Ибрат учун устози аввал отаси Жунайдуллоххўжа Суннатуллоххўжа ўгли бўлди. 1871 йилда Исҳоқхон отаси вафотидан сўнг таълимни онасидан олди. Ибрат дастлаб онаси Ҳурибиби мактабида мукаммал саводга эга бўлгач, Қўқоннинг Сиддик Тункатор мадрасасида ўқишини давом эттиради.

Мадрасада у Қуръонни ўқиш илми, ислом таълимоти, мусулмончилик одоб-ахлоқи, тарих ва мунозара маданияти, нотиклик санъати, қонуншунослик асослари, фалсафа, мантиқ, астрономия каби табиий фанларни, араб ва форс тиллари, бу тилдаги адабиётларни табдил ва тафсир қилиш каби амалларни ўрганadi.

Исҳоқхон ҳаётининг бу палласи ҳақидаги маълумотлар унинг қаламига мансуб «Жоме ул хутут», яъни «Хатлар мажмуи» номли рисоласида келтирилган. У мактаб ёшида меъморликка ихлоси баланд бўлганлиги, нақш чизишнинг турли усулларини ўрганиш учун узоқ вақт сарфлаганлиги, бу эса кейинчалик Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида олами ислом ёзувларини, яъни финикия, сурия, юнон хатларини ўрганишда қўл келганлигини ёзади.

Ибрат мадраса талабаси бўлиб юрган пайтларидаёқ ўз даврининг илғор фикрли кишилари Муқимий, Фурқат, Нодим, Хазиний, Мулла Йўлдош, Туроббой ўгли, Хилватий, мулла Шамсий, Шавқий Намангоний, Муҳаммадшариф Сўфизода каби қаламкашлар ва Низомхон, Абдулла Тароқ каби созанда

ва хонандалар давраларида қатнашиб, улар билан яқин мулоқотда бўлган. Давралар аксарият Нодим уйида ўтган. Бунда самарқандлик Хўжа Абдулазиз Расул ўгли, тошкандлик Мулла Тошмухаммад ўгли Шобарот, хўжандлик Содирхон ва бошқа машхур хофиз ва бастакорлар ҳам қатнашганлар. Ушбу йигинлар иштирокчилари билан мунтазам алоқада бўлишлик, бундай яқинлик Ибрат дунёқараши шаклланишига катта таъсир кўрсатиб, унинг кейинги ижодий фаолиятида ҳам акс этди. Бундай мухит Ибрат ҳаётида ўзига хос мактаб бўлиб, илм-фанга, яхшиликка ва тараққиётга бўлган интилишининг янада ортиб боришида муҳим роль ўйнайди.

Ибрат дунёқарашининг шаклланишида, забардаст олим бўлиб етишишида унинг ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни мукамал ўзлаштиришида оила мактаби, олий таълим мадрасасида олган таълим ва тарбияси мустаҳкам пойдевор бўлди.

Фарғона водийсида ва умуман Туркистонда миллий матбуот вужудга келгунга қадар Кўкон зиёлилари ҳаётида Боғчасаройда нашр этиладиган «Таржимон», Қозонда чоп этиладиган «Вақт», «Юлдуз» каби газета ва журналлар сезиларли таъсирга эга бўлиб, бу нашрлар орқали тараққийпарварлар дунё халқларининг миллий уйғониш ғоялари билан танишиб борган. Бу нашрларда Крим жадидларининг етакчиси Исмоил Гаспринскийнинг маърифатпарварлик қарашлари акс этган мақолалари Ибратда илғор дунёқараш, тараққийпарварлик ғояларининг вужудга келишида туртки бўлди. Кейинчалик Ибрат томонидан ташкил қилинган кутубхонада «Исҳоқия кутубхонасида сақланаётган китоблар рўйхати»да И. Гаспринскийнинг «Таржимон» рўзномасини 1884 йилги бойламлари ҳам бўлганлигини<sup>1</sup> қайд этилган. У И. Гаспринскийнинг миллат тараққиёти йўли-

<sup>1</sup> Ибрат И. Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА ШИ. Қ. инв. № -11620.

даги фикрларидан қаттиқ таъсирланиб, рус ва татар тилларини ўрганган. Шунини таъкидлаш жоизки, Ибрат Қўқонда, Сиддик Туқатор мадрасасида ўқиб юрган вақтдан бошлаб жаидлар гоялари билан танишиб, улар таъсирида маърифатпарварлик йўлига аста-секин кириб борган.

У Туркистон маърифатпарварлари таъсирида «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости», «Таржумон» рўзномаларини ўқиш орқали давр ижтимоий воқеликларига кириб боради. Ундаги чуқур таҳлилий тафаккур ва жиддий мушоҳада воқеликларни олдиндан кўра билиш, баҳолай олиш имкониятини берди. Ибрат миллатнинг илғор жаид зиёлиси сифатида шаклланди.

Исҳоқхон Ибрат маърифатпарварлик маърифат тарқатишдан бошланиши ва бу йўлда нафақат янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, балки дунё билимларини, тилларни ўрганиш лозимлигини яхши англаган.

Исҳоқхон Ибрат жаҳон ва ривожланган мамлакатлар маданияти, турмуш тарзи билан танишиш мақсадида хорижга сафар қилади. Буни у ҳаж сафаридан бошлайди. Ибрат эътиқолида комилликка эришиш, қолаверса ҳар бир мусулмон учун фарз саналган ҳаж зиёратини амалга ошириш мақсадида 1887 йилда 25 ёшида онаси билан биргаликда Маккага боради<sup>1</sup>. Бу сафар жараёнида у хорижнинг Қобул, Бағдод, Истамбул, Жидда шаҳарларида бўлади. Сафар давомида Хурибиби она 1891 йилда Жидда шаҳрида вафот этади. Ибрат онасининг вафотидан сўнг олти ой мобайнида Жидда шаҳрида қолиб кетади<sup>2</sup> ва шундан сўнг Шарқ мамлакатларига саёҳат қилишга қарор қилган. У Грециянинг Афина шаҳрида, сўнгра Италия, Миср, Арабис-

<sup>1</sup> Ибрат И. Мезон ул замон. ЎзР ФА ШИ. Қ. Инв. № 11618. 32-в.

<sup>2</sup> Ибратнинг набираси Ж. Низомова билан олиб борилган суҳбатда берилган маълумот.

тон, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сайёҳати-ни давом эттиради. Ҳиндистон, Бирма, Хитой мамлакатларида бўлиб, 1895 йилда Қашқар орқали Тўрақўрғонга қайтади. Ис-ҳоқхон саёҳат қилган мамлакатлари олим ва фозил кишилари билан уларнинг шарқлик ёки европалик эканликларидан катъи назар, яқин мулоқотга кириб, уларнинг билим ва фазилатла-ридан баҳраманд бўлишга интилади. Бу ҳақда 1912 йилда чоп этилган «Жоме ул-хутут» асарида: «*Ҳар бир заввор ва аҳли фазл кишини кўрсам кайфият ва таълимот маолларин андин сўрдум*»<sup>1</sup>, деб ёзиб қолдиради.

Исҳоқхон хориж сафари давомида яҳудий, сурий, юнон ва инглиз тилларини ўрганиш устида иш олиб бориб, Ҳиндистонда амалда бўлган тўрт тил — араб, форс, инглиз, ҳинд тилларини ўзлаштирганлигини қайд этади. У сафарда ўндан ортиқ тилни — араб, форс, пушту, турк, лотин, грек, ҳинд, хитой тиллари-ни ҳамда рус, француз, инглиз, арман тилларини ўрганеди. Бу эса унга хориж илм-фани, маданияти, илгор техникаси билан танишиш, Шарқ ва Ғарб илм-фани ўртасидаги тафовутни ан-г-лашга олиб келади. Исҳоқхон Ибрат Ҳиндистондан «Сантур» номли 12 хил мусиқа асари ёзилган ашё олиб келган<sup>2</sup>. Саккиз йил давом этган хориж сафаридан қайтгач (1895 й.), у ўз халқи турмуш тарзи, маданиятини юксалтириш мақсадида, бор би-лими ва тажрибасини маърифатпарварлик йўлида сарфлайди. Ибратнинг бу ҳаракатлари аввал Хонободда, сўнгра Тўрақўр-ғондаги қозилик фаолияти билан бирга кечади. Ибрат қозилик фаолияти давомидаги тажрибаси ва муаммолар таҳлилини бир қатор мақолаларида ёзиб қолдирган. Жумладан, «Жаноби Иб-ратни никоҳ важидан жавоби», «Даъвои ҳақорат», «Даъвои

<sup>1</sup> Ибрат И. Жоме ул-хутут ЎзР ФА ШИ. К, инв. № -621.

<sup>2</sup> Бу ашёлар ҳозирда Ибратнинг қизи Афибахон ая уйида сақланади.

ҳақорати хотун», «Даъвои раият» ва «Ваъсиhi насабинома», «Хатти талоқ» каби асарларида маънавий турмушда учрайдиган салбий ҳолатлар: ўғрилик, онлавий можаролар, кўйди-чиқди, кишилар орасидаги келишмовчиликлар хусусида танқидий фикр билдиради. Ибрат қозиллик лавозимида мавжуд тажрибага таяниб иш кўради. Унинг кўп тилларни мукаммал билиши бу жойда жуда асқотади. У Қайдонийнинг<sup>1</sup> Қуръон ва ҳадисларга асосланиб тузилган «Фикҳий-Қайдоний» асарини арабчадан туркийга таржима қилади ва ўз фаолиятида ундан ўринали фойдаланади. Ибрат маҳаллий аҳолини шарият қонунилари моҳиятини ўз тилларида аниқ тушуниб етишларини назарда тутган ҳолда, бу маъбани арабча матни билан 1908 йилда «Матбааи Исҳоқия» номли матбаасида чоп эттиради.

Исҳоқхон Ибратнинг 1901 йиллардан то 1917 Октябрь тўнтаришигача бўлган давр мобайнидаги илмий, ижодий, ва амалий фаолиятининг асосий мазмуни маърифатпарварликка йўналтирилган эди.

Ибратнинг маърифатпарварлик ва ватан тараққиётига доир қарашлари аке этган мақолалари «Садон Туркистон», «Садон Фарғона», «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида мунтазам чоп қилинди. У. Долимов таъкидлашича Ибратнинг 45 дан ортиқ мақоласидан 35 таси «Туркистон вилоятининг газети»да босилган<sup>2</sup>. Бироқ, бугунга қадар мамлакатимиз кутубхоналарида Ибратнинг «Туркистон вилоятининг газети», «Садон Фарғона» рўзномалари ва «Ал-Ислоҳ» журналида 21 та мақоласи сақланиб қолиб, бундан 10 таси У. Долимов муҳаррирлигида нашр қилинган Ибратнинг «Танланган асарлар»идан ўрин олган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қайдоний – Лутфуллоҳ ан – Насафий ал-Қайдоний

<sup>2</sup> Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. Тошкент: Шарқ, 1994. 46-б.

<sup>3</sup> Исҳоқхон шўра Ибрат. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2005. 144-156-бетлар.

Ибрат қозилик вазифасини бажариш билан бир қаторда илмий фаолият билан ҳам шуғулланади. Бу фаолият самараси ўлароқ бир қанча асарлар халқимизга қолдирган илмий мероси бўлди. Жумладан, унинг 1901 йилда нашр қилинган «Лугати Ситта ал сина» асари эътиборга лойиқ. Рисола замондошлари эътирофига ҳам сазовор бўлган. «Туркистон вилоятининг газети» таҳририяти бу ҳақда «Тўрақўрғон қозиси жаноби Исҳоқхон тўранинг «Ситта ал сина» номли олти лугатлик арабий, форсий, туркий, сартий, ҳиндий ва русий китобини» таҳрир қилаётганлиги ва нашрга тайёрлаётганлигини хабар қилган ва юқори баҳолаган. Ибрат бу асарни 1890 йилларнинг иккинчи ярмида ёзиб тугаллаган эди. Аммо Россия ҳукумати цензурасининг таъқиблари таъсирида бирмунча вақт чоп эттира олмайди. Бу ҳақда Н. П. Остроумов<sup>1</sup> шахсий архивида сақланиб қолган мактубларидаги маълумотга кўра, Ибрат 1898 йилда нашр қилишга рухсат олиш учун икки нусхани шу вақтда бош цензор бўлган Н.П. Остроумовга жўнатади. Орадан икки йил ўтиб, 1900 йил 26 февралда иккинчи маротаба мурожаат қилади<sup>2</sup>. Асар минг бир чиғириқдан ўтгачгина нашр этилади.

Асарнинг қимматли жиҳати Ибрат русча сўзларни арабча ёзув тизимида ифодалаганида. Бу билан рус тилини ўрганишга кизиққан, аммо русча алифбо билмайдиган миллатдошларига амалий ёрдам беришни мақсад қилади, бу усул анча мураккаблик туғдирсада, олим томонидан бу иш муваффақиятли бажарилади.

Асарда Исҳоқхон хорижий шарқ тиллари, жумладан, араб, форс, турк, ўзбек ва ҳинд сўзларини тартибга солиб, русча сўз-

<sup>1</sup> Н.П. Остроумов — Туркистон ўлкаси халқ билим юртлари инспектори. Тошкент эрлар гимназияси директори.

<sup>2</sup> Таҳрирчи. Ахборот//Туркистон вилоятининг газити. 1901. №30. 4 август.



ларни араб шрифтида киритади, бу билан асарни шарқ ёки гарб тилларини ўрганиш учунгина эмас, жаҳон илм-фан ва маданияти ютуқларидан фойдаланиш, яъни «*ҳар лисон сафар аҳлина юз олтин баробаринда ишладигини мушоҳада қилганлиги*»<sup>1</sup> учун ёзади. Бундан кўринадики, рисола халқнинг жаҳон маданияти ютуқларидан фойдаланиши учун энг зарур хорижий тилларни ўрганишга бўлган маҳаллий халқ эҳтиёжини қондириш учун яратилган.

Бир қатор хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ва уларнинг билимдони бўлган Ибрат ёзувлар тарихи билан ҳам шуғулланган. Ибратнинг ёзувлар тарихига оид 1912 йилда ёзилган «Жоме ул хутут»<sup>2</sup> асари ҳақида унинг «Тарихи маданият» рисоласида қуйидагича ёзилган: «Бу хил хатти қадимийларни тарихи эди. Икки минг дона босма бўлиб, босмахонада қолди. Ҳозир ўзимизда ҳам кам. Кўп ерлардан сўрайдурлар, йўқ деб жавоб берамиз»<sup>3</sup>.

Ибрат асар сўзбошисида бу хатларнинг қадимийлиги учун ўз хатимиз ва ўз тилимизда миллатимизга ягона бир тарих қолдиришни ният қилганлигини билдириб<sup>4</sup>, у бу асарда европа ёзувларини ўрганишни даъват қилиш<sup>5</sup> билан бирга, пиктографик ёзувлардан кейин вужудга келган қадимий товуш-ҳарф ёзувлари: финикия, яҳудий, сурия, араб, юнон, форс, славян, санскрит, ҳинд, лотин, арман, грузин, уйғур ва бошқа қирқдан ортиқ ёзувлар, уларнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақида маълумот беради.

<sup>1</sup> *Ибрат И.* Лугати Ситта ал-сина. Тошкент: Ильин, 1901. 2-б.

<sup>2</sup> *Ибрат И.* Жоме ул хутут. ЎзР ФА ШИ. Қ. инв. № -621.

<sup>3</sup> *Ибрат И.* Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ. Қ. инв. № -10117. 139-б.

<sup>4</sup> *Ибрат И.* Жоме ул хутут. ЎзР ФА ШИ. Қ. инв. № -621. 7-б.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 74-б.

Ҳаж сафари Ибрат тафаккури ва тарихий жараёнларни мушоҳада қилишида катта ўзгаришлар ясади. У сафардан қайтгач, ўзи яшаб турган ҳудуд ижтимоий ҳаётида юз бераётган ҳар бир воқеликни жиддий таҳлил қилади, маълум хулосалар чиқаради, жараёнлар Ибратнинг тарихчи олим сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнади. Бу ҳақда «Лугати Ситта ал-сина» номли китобида қуйидаги изохни келтиради: *«Умрим нақдини ҳавас бозорида кечирмак тақозосида ўлуб синним йиғирма кечмиш экан, ҳавас тақозои муҳтарама душуб, саёҳат этдум»*<sup>1</sup>.

XX аср бошларида жадид намоёндаларининг кечаётган тарихий жараёнларни мушоҳада этувчи, муносабатини билдирувчи кўплаб тарихий-илмий асарлари вужудга келди. Ибрат ҳам бу соҳада изланишлар олиб бориб ўз қарашларини «Жанд шаҳри хусусинда», «Воқеаи зилзилаи Андижон», «Письмо из Наманганского уезда», «Тарихи чопхона», «Наманган — Қўқон темир йўлининг очилиш маросими ҳақида», «Наманганская железная дорога», «Новая мадраса в Намангане», «Қарз», «История древнего города Ахси в Ферганской области» каби мақолаларида<sup>2</sup> тақдим қилди.

Ибратнинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон уз-замон» асарлари ўз даври тарихий жараёнларининг долзарб муаммоларини қамраб олганлиги билан эътибор қозонди.

<sup>1</sup> Ибрат И. Лугати Ситта ал-сина... 2-б.

<sup>2</sup> Ибрат И. Жанд шаҳри хусусинда//Туркистон вилоятининг газити. 1900, 43 сон, 10 июнь. Воқеаи зилзилаи Андижон//Туркистон вилоятининг газити. 1903, 8 март; Письмо из Наманганского уезда//Туркистон вилоятининг газити. 1905, 10 июнь; Тарихи чопхона. Илми Ибрат. Матбааи Исҳоқия. Тўрақўрғон, 1909. ЎзР ФА ШИ. Т. Инв. № -9987. 14-в.; Наманган — Қўқон темир йўлининг очилиш маросими ҳақида//Туркистон вилоятининг газити. 1912 йил, 15 июль; Наманганская железная дорога//Туркистон вилоятининг газити. 1911 йил, 11 окт.; Новая мадраса в Намангане// Туркистон вилоятининг газити. 1913, 28 апр.; Қарз//Туркистон вилоятининг газити. 1913, 5 дек.; История древнего города Ахси в Ферганской области//Туркистон вилоятининг газити. 1913, 23 июнь.

Исҳоқхон Ибротнинг «Тарихи Фарғона» (1916) асари миллий тарихий манба бўлиб, унда Фарғона водийсининг энг қадимий давларидан Қўқон хонлиги ҳукмронлиги, Россия империяси босқини, ўлканинг рус ҳукумати қўлига ўтган дастлабки давлари ҳамда Қўқон хонлигида жойлашган шаҳарларнинг қадимий тарихига оид муаммолар ёритилади. Асарни ёзиш давомида Ибротда аер боши жадиждарига хос хусусият, ҳар бир воқеаликка танқидий ёндашиш кўринади. Бинобарин, муаллиф Фарғона водийси аҳолисини узок тарихий ўтмишга эга бўлган халқ сифатида кўрсатади, маҳаллий тарихнависелик анъаналарига мувофиқ Қўқон хонларининг сандлар авлодига мансублиги ва тожу тахтга даъвогарлигини исботлайди, асарни ёзишда маҳаллий тарихчилар асарларига асосланади, ҳамда ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ва суҳбатлар асосида тўплаган манбалардан фойдаланади.

Иброт Қўқон хонлигининг Россия империяси томонидан босиб олиниши, таназзулга учраши сабабларини ижтимоий арбоб сифатида баҳолаб, хоннинг халқ томонидан қўллаб-қувватланмаганида деб кўрсатади. Насриддинхон, сохта Пўлатхон ва тожу тахт учун курашган бошқа шаҳзодалар фаолияти миллий давлатга хиёнат сифатида муаллиф томонидан қораланади, шунингдек мамлакатдаги кучлар ўртасидаги парокандалик ўлканинг Россия империяси мустамлакасига айланиб қолишининг биринчи сабаби сифатида кўрсатилади. Бендлилик ва беҳунарлилик оқибатида замонавий қуроль-яроғ ва мунтазам ҳарбий қўшин тузилмаларининг йўқлиги кабиларни ҳам енгилиш сабаблари деб ҳисоблайди.

Исҳоқхон Иброт Туркистонни Россия империяси босиб олишига эътироз билдириб, унга қарши курашда қахрамонлик кўрсатган Мулла Олимкул (айрим манбаларда Алимкул), Валихон

тўра кабиларнинг хизматларини юқори баҳолаб, воқеаларни манбалар асосида тасвирлайди.

У Россия империяси ўлкани мустамлакага айлантиргандан кейин иқтисодиётнинг огирлашиб бораётганлиги, пахта якка ҳокимлиги, аҳолининг қарздорлик юки остида қолганлиги, аҳволнинг ночорлиги каби воқеликларни тарихий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилиб берди. Қўқон тарихнавислик мактабининг дурдона асари «Тарихи Фарғона» Ўзбекистон тарихини ўрганишда қимматли манба вазифасини ўтаб, бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан юқори баҳога сазовор бўлди.

Ибрат асарни ёзиш давомида ўлканинг энг қадимий даврларидан то ўзи яшаб турган вақтларига қадар муфассал баёнини беради. Бу билан у ўзидан олдин ўтган тарихчилар Фазлий Фарғоний, Мушриф, Дилшодий Барно, Андалиб ва Мутриб, Муҳаммад Ҳакимхон, Тожир Абу Убайдулло, Абдулвосеъ Манзур, Муҳаммад Олим Тошкандий, Мулла Холбек, Муҳаммад Солиххўжа, Муҳаммад Ризо Марғилоний, Муҳаммад Тойиб ва Қўқоннинг бошқа тарихнавислари тарихчилик анъаналарини давом эттиради.

Комусий билимлар эгаси бўлган Исҳоқхон Ибрат билим доирасининг анча кенглиги билан ҳам замондош шоирлар ва олимлардан ажралиб туради. У кўплаб Шарқ ва Ғарб олимларининг илмий асарлари билан танишган. Унинг шахсий кутубхонасида рус ва ўзбек тилидаги маҳаллий газета, журнал бойламлари ва китоблардан ташқари Россияда нашр этилган «Нива», «Литературная газета» каби адабий журналлар бойламлари, «Туркча-французча лугат», В. Наливкин, М. Наливкиналарнинг «Сартовско-русский словарь», «Русско-сартовский словарь», «Краткая история Кокандского ханства» асарлари, В.В. Бартольд, В.В. Радлов, Г. Вамбери каби атоқли шарқшу-

носларнинг ўнлаб асарлари бўлган. Исҳоқхон Ибрат ўз юрти маданиятининг гуллаб яшнашини жуда истаган ва бунга ҳаётини бағишлаган. У «Маданият ҳақида маснавий» шеърисида ўзининг мушоҳадаларини қуйидагича изҳор қилади:

*«Бадавийлик эрур ҳалокатлик»,  
Илми ахлоқ йўқ, фалокатлик»<sup>1</sup>*

Ибратнинг илмсизлик ҳалокатга олиб келиши ҳақидаги бу фикрига ҳамоҳанг равишда машҳур маърифатпарвар А. Авлонийнинг ҳам тарбиясизликнинг ҳалокатга олиб бориши ҳақида қуйидаги сўзлари маълум:

*Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот,  
ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат  
масаласидур.*

Демак, икки миллий тараққийпарвар фикрича маданият ва тарбия — бу жамият ва инсон учун саодатга элтувчи йўллар.

Ибрат маданият тарихига алоҳида асар ҳам бағишлаган. 1925 йилда ёзилган тарихий тараққиёт талабларини ўзида акс эттирган «Тарихи маданият»<sup>2</sup> номли асари маънавий мерос сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бу асарда муаллиф асосий эътиборни мустақил давлатнинг ҳам моддий, ҳам маънавий заминини яратиш муаммосига қаратган. Рисолада Ибрат давлат тараққиётининг моддий замини сифатида маҳаллий саноатни ривожлантириш, сугориш иншоотлари қуриш, мамлакатда қишлоқ хўжалигини юритиш, ички ва ташқи савдони йўлга

<sup>1</sup> Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2005. 21-б.

<sup>2</sup> Ибрат И. Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ. Қ-инв. № 10117.

кўйиш, мамлакатдаги фойдали қазилмалар, уларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот чиқаришни ўзида ташкил қилиш, четга хом ашё ўрнига тайёр маҳсулотни экспорт қилишга эришиш каби муаммоларни кўйган бўлса, давлат тараққиётининг маънавий замини сифатида мактаблар, жумладан қизлар мактаби, кечки мактаблар, кўп мутахассислик ҳунар-техника мактаблари, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ташкил қилиш, нашриётлар, турли ихтисосликка, жумладан муҳандисликка оид фирмалар ташкил этиш масалаларини кўтариб чиқадди. Жумладан, у аҳолини хориж фирмалари ишбилармонлари ва тадбиркорлари тажрибасидан ўрганишга чақиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, асар миллий давлат асосларини яратиш, мамлакатда жорий этиш муаммоларига бағишланган дастлабки уриниш бўлганлиги учун ҳам миллийликка интилиш миллатчилик сифатида қораланиб, 1920 йилларда совет тузуми назоратидан ўта олмай, кўлёзма ҳолида бугунга қадар қолиб кетади. XX асрнинг 20-йиллардан бошлаб «ерли халқ зиёлиларига ишончсизлик билан қараш, уларни турли ижтимоий фаолиятдан чеклаш, зиёли эмас, зиёнли деган мафкуравий тамгалар осийш»<sup>1</sup> одат тусига кириб, Ибрат каби миллатпарварларга халқ душмани тамғаси босилиб, советлар томонидан қатағон қилиндилар.

Ибрат «Тарихи маданият» асарида аслида ўз халқини маданиятли кўриш ниятида жаҳон илмий-маданий тараққиёти ютуқларига таяниш ҳақидаги фикрларини тақдим қилган эди. Унинг қарашлари жадидлар томонидан илгари сурилган маданий тараққиёт мақсадлари бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз аксини топмоқда.

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Хошим. Истиқлол фидойилари. Тошкент, 1993. 5-6.

Исҳоқхон Ибротнинг маърифий қарашларини ўрганишда унинг «Мезон ул-замон» асари (1926) алоҳида аҳамиятга эга. У «Мезон ул-замон» асарини ёзиш давомида Туркистон, хусусан Фарғона водийси халқлари ҳаёти ва турмуш тарзига оид махсус муаммоларни ўрганиб, улар ҳақида мулоҳазаларини билдиради. Муаллиф асарда жадиidlар томонидан илгари сурилган гоё ва қарашларни Қуръон ва ҳадисларга асосланган ҳолда халққа етказиш мақсад қилган. Бу ўринда у Ғарб ва Шарқ илмий ютуқларидан хабардор дунё кўрган олим, 10 дан ортиқ тил билган мутахассис, мусулмон шарқ мутафаккири, халқ қозиси, Қуръон ва шариаат қонун — қоидалари, диний билимлардан хабардор инсон сифатида муаммога ёндошади. Ўз мулоҳазаларини тўққиз мезондан иборат қисмларга бўлиб, аҳолининг асосий қисми дунёқароши ва қизиқишларидан келиб чиқиб, содда тилда, равои баён этади. Ибротнинг бу асари Туркистон жадиidlарининг мақсадлари, фикр ва маслаклари, гоё ва қарашларини ўзида акс эттирган манба сифатида қимматлидир. Асардан унинг Фарғонада жадиid мактаблари, қадим-жадиid муносабатларига қарашлари ўрин олган.

Олимнинг қаламига мансуб қимматли илмий мерос Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номи Шарқшунослик институти қўлёзма фондларида «Тарихи Фарғона», «Мезон ул-замон», «Тарихи маданият», тошбосма асарлардан «Мухрадот», «Манзумаи Иброт», арабчадан таржима қилинган мусулмон қонуншунослигига оид «Фикҳи Қайдоний», қўлёзма ҳолидаги «Мажмуаи ашъор» ҳамда «Луғати ситта ал-сина» асарлари сақланмоқда. Афсуслар бўлсинки, Иброт «Тарихи маданият» асарида хабар беришича, «Гулшани роз», «Мушкулот ал-ғаройиб», «Музабзаб», «Туркистонда турли машаққатлар», «Барзах» номи асарлари инқилоб дав-

рида йўқолган<sup>1</sup>. Ибрат томонидан ёзилган «Тарихи Хуррият», «Кўрбошилар замони», ўттиз йил давомида ёзилган девони «Девони Ибрат», «Тазкирани Сувайдо», «Таржимаи ҳолим», «Сайри жибол» каби асарлари 1937 йил қатағонда НКВД<sup>2</sup>\* ходимлари томонидан олиб чиқиб кетилади. Ибрат ижодига мансуб тарихий, илмий, ижтимоий асарлар бир-бирини узвий давом эттириб, Кўқон хонлигидан то 1930 йилларга қадар бўлган воқеликларни ўз ичига олади. «Тарихи хуррият», «Кўрбошилар замони» номли асарларида муаллиф октябрь тўнтариши, Туркистон мухториятининг ўрнатилиши, бу даврда водийда рўй берган воқеликлар, унинг қонга ботирилиши, босмачилик ҳаракатининг келиб чиқиши, моҳияти, сабабларига тўхталиб ўз даври нуқтаи назаридан баҳо беради.

Ибрат асарлари мазмуни турли йўналишда ёзилган эканлигига қарамай, уларнинг ғоясини бир мақсад — янгиликни жорий қилиш орқали мустамлакачилик асоратидан қутилиш, миллатни мустақил давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсади бирлаштиради.

Маърифатпарварликнинг асосий ўзагини маориф ишини ташкил қилишда деб билган Ибрат миллий маориф таг-тубидан ўзгартирилмаса ҳар қанча ислоҳ қилиш бефойда эканлигини уқтиради. Жадид мактаблари афзалликларидан яхши хабардор бўлган Ибрат ўз фаолиятида бу йўналишда талай ишларни амалга оширди.

Исҳоқхон Ибрат Сиддиқ Тунқатор мадрасасини тамомлагач 1886 йилда Тўрақўрғонда биринчи жадид мактабини очади. Бироқ, унинг бу ҳаракати Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурлари томонидан тазйиққа учрайди. Ибратнинг бу мак-

<sup>1</sup> *Ибрат И.* Тарихи маданият.... 139-б.

<sup>2</sup> Народный комиссариат внутренних дел.



табини мустамлакачилар «мақсадга мувофиқ эмас» деб топиб, орадан олти ой вақт ўтгач ёпиб ташлашга эришадилар. Бу мактаб ҳақидаги таассуротларини у «Қалам» номли шеърда баён қилиб ўтган. Ибрат кейинчалик «Тарихи Фаргона» асарида ўлкадаги мавжуд ўқув тизими, мактабларнинг аҳолининг илмга муносабати, илмсизликнинг тараққиётга салбий таъсирини кўрсатиб, жадид мактабларининг зарурияти ҳақида: *«Аммоки, илмия тўғрисида бизни халқда чандон аҳамияти йўқ, таназзулда турур... Маданият учун ҳар қайси вақтдаги замона илмини, қайси бири ривожда бўлса, ани билмак зарурдир»<sup>1</sup>*, — деб ёзади.

Ибрат фаолиятида маориф масалалари жуда муҳим ўрин тутганлигини унинг ҳаммаслаклари эътирофига сазовор бўлганлигида ҳам кўринади. Бу соҳага оид қарашлари ва амалий ишлари туфайли Туркистон жадидлари Ибратни устоз муаллим мақомида тутар эдилар. У. Долимов далилларига кўра, Ибрат М. Абдурашидхонов таклиф хатига биноан 1907 йилда бир неча марта Тошкентда жадид мактаблари талабалари йиллик имтиҳонида иштирок этган. Жумладан, хатда: *«Хурматлу Исҳоқхонхўжа жанобларина! 1907 йил май ойиндан эътиборан Тошкентда Тарновбоши маҳалласинда «Хония» мактабинда талабаларни йиллик имтиҳонлари бошланур. Сиз ҳурматлудан рижо қилурмизки, тавобингизда бўлгон усули жадидия мактаблари муридлари ила имтиҳон мажлисларина ташриф қилсангиз, муаллим ва шогирдлар мамнун бўлур эдилар.*

*Муҳибингиз Мунаввар Қори 1907 йил 15 март», —* деб ёзилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ибрат И. Тарихи Фаргона. ЎзР ШИ. Инв. № 11616. 22-в.

<sup>2</sup> Истиклол қахрамонлари. Ибрат, Сиддиқий Ажзий, Сўфизода. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1999. 33-б.

Ибратнинг замондошларидан бири И. Давроннинг 1907 йилда нашр этилган «Ҳақ сўз» номли мақоласида келтирилишича, Ибрат хаттот ҳам бўлган. И. Даврон Ибратнинг «Хаттоти азим» эканлигини мусулмонча хат ёзишнинг 17 хилини билишлигини, унинг бу санъати 1907 йил Туркистон генерал-губернатори томонидан иккинчи даражали ёрлик-халат билан мукофотланганлиги мисолида кўрсатади.

XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракати ўз ривожининг янги поғонасига кўтарилади. Жадидлар томонидан босмахоналар ташкил қилина бошланди. Ноширчилик ишига катта эҳтиёж ва зарурат борлигини англаган Ибрат 1907 йилда Россиянинг Оренбург шаҳрига боради ва Кауфман исмли матбаачидан 10 йил мобайнида пулини тўлаш шарти билан 1901 йилда чиққан тошбосма машина сотиб олади. 1908 йилда Наманган уездига қарашли Тўрақўрғонда, унга «Матбааи Исҳоқия» номи билан Фарғона водийсида биринчи нашриёт ташкил қилади. Ибрат бу ишдан мақсадини «Тарихи чопхона» шеърисида қуйидагича ёзади:

*«Мақсад бу ишдан эрди оламга илм қасри  
Ҳам қуймоққа асарлар ёдвора жаҳона»<sup>1</sup>.*

Нашриёт ҳақида Ибратнинг «Санъати Ибрат қалами мирражаб Бандий» рисоласида келтирилган бўлиб, бу ҳақда Абдурауф Шоҳидий: «Боқий дуо умид қилиб... биринчи ҳадямизни ожизона тақдим айладик», деб ёзиш билан рисола «Матбааи Исҳоқия»нинг дастлабки нашрий маҳсулоти эканлигини эътироф этади.

<sup>1</sup> Ибрат И. Илми Ибрат. Матбааи Исҳоқия. Турон Ирфон, 1909. ЎзР ФА ШИ. Инв. № 9987

Бу йилларда Ибрат нашриётда илм-фан, маърифат ва таракқиётга оид китоблар ҳамда унинг ўзи томонидан ёзилган китоблари чоп этилади. 1908 йилда унинг хуснихат ва савод чиқаришга оид «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» рисоласи, «Фикҳи-Кайдоний» таржима асари арабча матни билан, 1909 йилда «Илми Ибрат» шеърый тўплами, 1912 йилда турли ёзув белгиларидан иборат мураккаб матили — «Жоме ул-хутут» асари нашр этилади<sup>1</sup>. Бу ишда унга Мирзабой Ғиёсов ва Ибратнинг хусусий мактабида ўқитувчилик қилган Хусайн Макаев яқиндан ёрдам берадилар<sup>2</sup>.

У ўзининг бу амалий фаолияти билан XIX аср охири — XX аср бошларида жадидлар томонидан илгари сурилган гояларни оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшади. Бу матбаада турли китоблар, савод чиқаришга оид рисолалар, дарсликлар, плакатлар, откриткалар мунтазам нашр этиб борилган. Ибрат матбаада чоп этилган рисолалар учун рамзий тасвир ишлаган бўлиб, илмни қуёшга ўхшатган ва нашр этилган китобларнинг юқори қисмида бу тасвир акс эттирилган. Унинг кўрсатмасига мувофиқ матбаа фаолиятини кенгайтириш ва кўзга кўринган таниқли матбаага айлантириш, кредит қарзларини узиш мақсадида турли буюртмалар қабул қилиш учун эълонлар берилади.

Н.Г. Чабров<sup>3</sup> келтирган маълумотларга кўра, 1910 йилдан бошлаб Наманган шаҳрида 13 та, Чустда 2 та, Попда 2 та, Янгиқўрғонда битта китоб дўкони очилади. Бу дўконларда асосан «Матбааи Исҳоқия»да нашр қилинган китоблар жуда арзон нархларда сотилади. Бу матбаада нашр қилинган асарлар мав-

<sup>1</sup> *Ибрат И.* Жоме ул хутут. ЎзР ФА. ШИ. Қ. № 621.

<sup>2</sup> *Долимов У.* Исҳоқхон Ибрат. Тошкент: Шарк, 1994. 60-б.

<sup>3</sup> *Чабров Н.* Из истории полиграфии и издательства на местных языках в дореволюционном Туркестане. (1867-1919). Труды САГУ. Выпуск 37. Исторические науки. Кн.7. Ташкент, 1954. 83-б.

зун ҳам диққатга сазовор. Мазкур матбаада миллий тараққиёт, миллий тарбия ва маърифатпарварликка оид рисолалар нашр қилинади. Бундан кўринадики, ўз даврида Фарғона водийси жадидлари миллат тараққиёти ва истиқлоли йўлида хизмат қилади, бу ишларда асосий ташаббускор Исҳоқхон Ибрат бўлади. 1917 йил октябрдан сўнг нашриёт совет ҳукумати ихтиёрига ўтказилган ва бу нашриётда «Халқ газетаси», «Эркинлик», «Ишчилар қалқони», «Совдеп», «Роста» каби газеталар рус ва ўзбек тилларида нашр қилинади. Матбаанинг номи 1917 йилда «Ударник» деб ўзгартирилади. Ибрат олиб келган тошбосма машина 1952 йилгача Наманган босмахонасида ишлатиб келинган.

Ибрат фаолиятида матбуотчилик ҳам жой олган бўлиб, кўплаб тараққийпарвар жадидлар қатори у ҳам маориф ва маданий тараққиёт янгиликларининг тез оммалашувида газетанинг ролини юқори баҳолайди. Ўзининг ғоясига амал қилиб у «Газет хусусида» номли шеърида шундай ёзади:

*«Газетдур жаҳон аҳлига бир хисон,  
Муайян эрур анда яхшию-ёмон.  
Газет кўрмаган, беҳабар халқлар  
Мисли ўлгандур ва ё ухлаган»<sup>1</sup>.*

1913 йилда у «Матбааи Исҳоқия» қошида «Алтижорал-Наманган» номли газета чиқариш учун ҳукуматга ариза беради. Бу ҳақда Уфада чиқадиган Ўрта Осиёда, умуман туркий дунёда машҳур бўлган «Вақт» газетаси: «Наманган. Муътабар андин Исҳоқ қози хазратлари «Алтижорал-Наманган» исминда бир газета чиқарарга сўраб ариза берди.... Ҳозир газета чиқармоқ ҳаддиндадур. Чин кўнгилдан муваффақият тилаймиз», — деб ёзади.

<sup>1</sup> Исҳоқхон Тўра Ибрат. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2005. 56-б.

Ибратнинг жадиdчилик ҳаракатидаги иштироки мактаб очиш, нашриёт, рўзнома ташкил этиш билан чекланиб қолмай, ўз уйида «Кутубхона Исоқия» номли кутубхона очганлигида ҳам кўринади.

Серқирра қобилият эгаси бўлган Ибрат шеърийят билан ҳам шуғулланган. 1909 йилда унинг «Илми Ибрат» номли шеърий асари «Матбаан Исоқия»да чоп этилади. Ибратнинг шеърий асарлари тўпланган манба унинг тўнгич ўгли Аббосхон Исоқов томонидан 1914 йилда тузилган баёзга киритилган. Чунончи, «Мажмуан ашъор» кўлөзма шеърий тўплами ўзбек, қисман араб ва форс-тожик тилларида ёзилган. Ибратнинг «Девони Ибрат» асарини унинг замондоши кўқонлик шоир Мухсиний юқори баҳолаган, афсуски, девон бугунга қадар етиб келмаган.

Октябрь тўнтаришидан кейин Исоқхон маориф ишлари билан шуғулланади. У янги мактаблар очиш, саводсизликни тугатиш компанияларида фаоллик кўрсатади. 1918 йилда Ибрат томонидан очилган мактаб заминида Тўрақўргондаги 44-мактаб ташкил топиб, бу мактаб 1960 йилларда «Исоқхон Ибрат» номли 3-сон мактабга айлантиради. Дастлабки вақтларда бу мактабда Исоқхон Ибрат она тили, адабиёт, тарих фанларидан дарс бериб, кейинроқ мактаб дастурига муסיқа-ашула предмети киритади. 1919 йилда унинг ташаббуси билан Наманганда ўзбек хотин-қизлари учун биринчи марта қизлар мактаби очилади ва унда Хусайн Макаевнинг рафиқаси Фотима Макаева ўзбек аёлларига дарс беради<sup>1</sup>. 1920 йилдан эътиборан Наманганнинг Шаҳанд қишлоғида Муҳаммадшариф Сўфизода, Арғин қишлоғида Орифжон Умаров, Тўрақўргонда Исоқхон Ибрат

<sup>1</sup> Р.Исоқов ва Ж.Низомовалар билан ўтказилган суҳбат матни. 1994. Март-апрель; Б.Низомов билан ўтказилган суҳбат матни. 1994. Март; Р.Назаров билан ўтказилган суҳбат. 1994. Март. Суҳбатларни К.А.Воҳидова уюштирган.

ва Мирзахамдам Хонкелдиевлар бошчилигида саводсизликни тугатиш мактаблари очилади.

1926 йил февралда Самарқандда Жумҳурият маориф ва маданият ходимларининг биринчи қурултойи бўлиб, унга Намангандан Исҳоқхон Ибрат вакил сифатида юборилади. Бу қурултой маориф ва маданият ходимлари олдига янги мактаблар очиш, хотин-қизларни давлат, жамоат ҳамда ўқув-тарбия ишларига жалб қилиш вазифасини қўяди. Исҳоқхон Ибрат совет даврининг дастлабки йилларида маориф соҳасида сидкидилдан хизмат қилди, зеро унинг асосий маслаги халқини илмли, аждодларини юксак маданият соҳиби сифатида кўриш эди.

Совет ҳукуматининг қатагон сиёсати бутун ҳаёти ва фаолиятини маърифат, зиё йўлига бағишлаган, миллатнинг ифтихори бўлган олиму фузало Исҳоқхон Ибратни ҳам ўз домига тортди.

Ибрат 1929 йилда қишлоқ фаоллари томонидан қулоқларга алоқадор деб айбланади ва мол-мулки мусодара қилинади. Худди шу вақтларда Ибрат Ўзбекистон халқ комиссарлар советига шикоят хати ёзади. У ердан «Ибратга тегилмасин, ипидан игнасигача қайтариб берилсин», — деган лотин ёзувидаги хат келади. Бу хат мазмунига кўра, Ўзбекистон халқ комиссарлари Совети раиси Ф. Хўжаев вилоят раҳбариятига И. Ибратнинг буюмларини қайтариб беришни буюради. Аммо сиёсий тазйиқдан қўрққан вилоят раҳбарияти Ибратнинг уйини қайтаради, гулбоғини эса давлат ихтиёрида қолдиради<sup>1</sup>. Бу Ибрат тақдиридаги вақтинчалик осойишталик палласи бўлди холос.

Совет ҳукуматининг бешафқат қатагон сиёсати миллатнинг фидойи фарзанди, бутун онгли фаолиятини ва ҳаётини халқини маърифатли ва масрур кўриш истагига бағишлаган бу фозили

<sup>1</sup> Долимов У. Исҳоқхон Ибрат... 106-б.

замонни ўз гирдобига тортди. У 1937 йил 7 январда камокка олинади. Ибрат томонидан ёзилган ва тўпланган қўлёзма ва тошбосма китоблар, Ф. Хўжаев томонидан берилган имтиёзли хат 4 та қанор қопга жойланиб, олиб кетилади. Унинг уй-жойи, уй-рўзгор асбоблари ким ошди савдосига қўйиб сотиб юборилади, оиласи ва болалари уч сотихдан иборат куруқ ерга чиқариб қўйилади.

Ибрат Андижон турмасига олиб кетилгач, 2 ойдан сўнг камокдаги жисмоний ва рухий қийноқларга дош бера олмай, вафот этади.

1963 йили Исҳоқхоннинг шогирди мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли шоирнинг қамалиши олдидаги рухияти хақида куюниб гапирган эди: «Минглаб ўзбек зиёлиларининг ёстигини қуритган Сталин қатагонининг энг даҳшатли йили — 1937 йилнинг илк баҳор кезлари «халқ душмани» деб кўплар қамалган, газета ва журналларда Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек ва бошқа ёзувчиларни «машҳур миллатчилар», «аксилинкилобчилар», совет ҳукуматига қарши қўпоровчилик ишларини олиб борувчилар сифатида қораловчи мақолалар кетма-кет чиқиб турган, тўрам (Исҳоқхон Ибрат) ҳам «тақ» этса, эшикка қараб турган вақтлар. Улар бир куни мени уйларига чақириб қолдилар. Қиёфалари анча ташвишли. Салом-алиқдан кейин мени машҳур кутубхоналарига олиб кирдилар.

— Қаранг шунча китоб. Буларнинг қанчаси 1919 — 1920 йилларда нес-нобуд бўлди. Мана энди яна потинчилик. Бу китоблардан қанчаси кеча кун қамалган «халқ душмани», «аксилинкилобчи» деб бадном қилинаётган ёзувчиларнинг асарлари. Буларни қандай қилиб йўқ қилиш мумкин? Ахир булар халқнинг бебаҳо мулки-ку!

Тўрамнинг овози анча синиққан эди.

— Мана мен ҳар эҳтимолга қарши юзга яқин назикроқ китобларни ажратиб қўйдим. Буларни сиз меҳмонхонанинг орақасига — қўшенич орасига нобуд бўлмайдиган қилиб териб, деворни яна суваб қўясиз.

Мен бу китобларни кўздан кечирдим:

— Тўрам, мана бу китоблар Исмоилбек Гаспиралининг «Хўжан сибён», Мунавварқорининг «Адиби аввал», Бехбудийнинг «Китобат ул-атфол» алифболари. Ахир, улар вафот этганларига бир қанча йиллар бўлди, қолаверса, бу китоблар ёш болалар учун ёзилган.

— Азизим Мулла Искандар, большевикларнинг мақсади фақат уларни жисман йўқ қилиш эмас, балки уларни ҳатто фарзандларимиз хотирасидан ҳам сидириб ташлаш. Мабодо, Гаспиралилар, Бехбудийлар бу кунларга етиб келганларида эди, большевиклар биринчи навбатда уларни отар эдилар.

Мен, тўрам айтганларидек, қўшеничнинг гувалаларини тушириб, аввал 2-3 қатор қуруқ пишиқ гишт тердим ва унинг устига китобларни тахладим. Бу воқеадан 1-2 ой ўтгач, тўрамни, кутубхонадаги бор-йўқ китобларини бир машинага босиб олиб кетишди. Ҳақиқатан ҳам тўрам авлиё одам эдилар»<sup>1</sup>.

XX аср бошида ватан истиқлоли ва равнақи йўлида миллатнинг энг илғор қисми — жадидлар томонидан бошланган ислохотлар ва ислохотчиларнинг ўзлари коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган совет тузуми шароитида йўқотиб юборилади.

Исҳоқхон Ибрат ўгли Ротифхон Исҳоқов саъй ҳаракатлари туфайли 1959 йил 2 октябрда Андижон вилоят прокуратураси-

<sup>1</sup> Долимов У., Жабборов Н. Сўз боши// Исҳоқхон Тўра Ибрат. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2005. 44-46-бетлар.



нинг 3336 рақамлик хужжатига кўра тўла оқланади<sup>1</sup>. Бу билан тухмат гирдобига тортилган бир инсон тақдири мисолида тарих олдида адолат қарор топди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий қадриятлари-мизни тиклаш, маданий-маънавий меросимизни ўрганиш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жўмладан, Наманган вилоятида қатагон йилларида вайронага айлантирилиб, оёқости қилинган Мулла Бозор Охунд мақбараси мажмуининг ўз ўрнида қайта тикланиши, вилоят марказида «Мерос» маданий-марифий ва илмий марказининг ташкил этилгани ҳамда қарийб 50 гектар майдонда Бобораҳим Машраб боғи бунёд этилгани фикримизнинг далилидир.

Шунингдек маърифатпарвар инсон, юрт фидойиси Ибрат номини абадийлаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. У ташкил қилган «Ударник» номли босмахонага 1991 йилда «Исҳоқхон Ибрат» номи берилди. Сайрам қишлоғи ҳудудидаги Калинин номли жамоа хўжалиги 1991 йил 27 июнда Халқ депутатлари Тўрақўрғон совети ижроия комитети 85/8 сонли қарорига кўра, «Исҳоқхон Ибрат» номи билан атала бошланди.

1996 йилда Ибрат номли жамоа хўжалиги ва Тўрақўрғон туман жамоа хўжаликлари ҳиссадорлик компаниялари ёрдамида жамоа маданият ишлари бўйича ўринбосари Б. Низомов ташкилотчилигида «Исҳоқхон Ибрат» номли музей биноси қурилди ва фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳридаги кўчалардан бири «Исҳоқхон Ибрат» номи билан аталди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан маърифатпарвар Исҳоқхон

<sup>1</sup> Бу хужжат Исҳоқхон Ибрат номли музейда сақланади.

Ибрат номи билан боғлиқ махсус ихтисослашган мактаб барпо этишга киришилди.

2017 йилнинг 5 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўрақўрган туманида Исҳоқхон Ибрат номдаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги (698-сонли) қарори қабул қилинди. Кўп ўтмай, қарорга мувофиқ, икки гектардан зиёд майдонда сўлим боғ, музей ва мактаб-интернатни ўз ичига олган мажмуа барпо этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёв ўзининг 2018 йилнинг 3 майида ушбу мажмуага ташрифи чоғида маърифатпарвар номи билан аталувчи мактабни ҳар томонлама намунали бўлиши, бир неча тилларни билган замонавий кадрларни тарбиялаши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Айни пайтда, ёшларнинг юрт қорига ярайдиган муносиб инсонлар бўлиб вояга етишларда Ибрат ҳаёти ҳам намуна мактаби бўлиши лозимлигини қайта-қайта уқтирди. «Ибрат домланинг Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда», — дея давлат раҳбари унинг ватан олдига хизматларини яна бир бор юксак баҳолади.

Исҳоқхон Ибрат таъбири билан айтганда:

*«Оламдин ушбу она сонсиз кишилар ўтди,  
Мингдин бири қўюбдур оламга бир нишона».*

Ҳақиқатда ҳам Исҳоқхон Ибрат Ватан ва миллат равнақи учун унинг тарихида ўз ҳаёти ва фаолияти мисолида минглардан ягоналарга хос бўлган муносиб намунадир.

## ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ: ҒОЯ УЧУН БАХШИДА УМР

1896 йилнинг июль ойи, жазирама саратонда Бухорои шарифда тақдири бутун мамлакат тақдири билан чамбарчас боғланиб кетган бир инсон дунёга келди. Бу Файзулла Хўжаев эди.

Ф. Хўжаев Бухорода жамият уйғонган ва талатўпларга тўлган, реакцион ва тараққийпарварлар кураши авж олган шароитда вояга етди. Отаси ёш Файзуллани ана шундай мураккаб сиёсий жараёнлар кечаётган, 1905 — 1907 йиллар воқеаларидан кейин Москвага олиб борди. У Москвада хусусий рус ва немис ўқитувчилардан замонавий илмлар ва тиллардан сабоқ олди. Бу ерда ўтган йиллар албатта, ёш Файзулланинг дунёқараши ва характери шаклланишига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасди.

1913 йили у 17 ёшга киради. Бухорога қайтиб, жадидчилик ҳаракатига қўшилади. Кейинги таҳсили ҳақида маълумот йўқ. Халқ орасида у Германияда ҳам ўқиган деган гаплар юради. Шуниси маълумки, Ф. Хўжаев 1922 йили Германияда даволанган. Унинг ўзи ҳеч қачон хориждаги таҳсили ҳақида ёзмаган ва Германияда ўқиганини атайин яширган деган қараш мавжуд. Нима бўлган тақдирда ҳам, фақат уй таҳсили билан чекланганини тасаввур қилиш қийин — унинг тақдири шу қадар ғаройиб, ақли шу қадар ўткир ва кенг қамровли, карьераси шу қадар шиддатли, ижодий мероси шу қадар катта. Боз устига, у немис тилини мукамал билгани кундек равшан.

Маълумки, унинг отаси Убайдуллахўжа Қосимхўжа ўгли Бухоронинг энг бадавлат одамларидан бири, миллионер савдогар бўлган, Россия ва хорижда қорақўл савдоси билан шуғулланган. Отасининг вафотидан кейин Файзулла беш йил давомида унинг савдо-сотик ишларини давом эттирган, айти пайтда жадид ташкилоти ишини ҳам олиб борган, Ёш бухороликлар партияси тузилгач, тижорат ишларини юритишни укасига топширишга мажбур бўлган. Бу соҳада эгалланган тажриба, савдо-сотик муносабатларини билиши кейинчалик халқ хўжалиги масалаларини ҳал қилишда унга қўл келган. 1918 йил мартида Бухорода юз берган воқеалардан сўнг (бу ерда амирни қурол кучи билан ҳокимиятни ёш бухороликларга топширишга мажбурлашга ҳаракат қилган ТАССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф. Колесовнинг амалга ошмаган авантюраси ҳақида кетмоқда) Москвага кетаётганида Оренбургда Дутовга асирга тушади ва катта маблағга эгаллиги бир ўлимдан қолишига сабаб бўлади.

Маҳаллий шароит, Қуръон ва шариатдан (ахир у Бухоро мадрасасида ўқиган) хабардорлик Ф. Хўжаевни аҳолининг барча ижтимоий қатламлари аҳволини, имкониятларини ва интилишларини инобатга олишга ундаган. Бухоро инқилоби арафасида Ёш бухороликлар партияси Туркистон қўмитаси аъзоси бўлган ва ушбу партиянинг коммунистик гуруҳи билан расман бирлашишга қарши чиққан, у ўзининг нуқтаи назарини бу иш ижтимоий асосни чеклаб қўяди, «гарчи инқилобий ва амирга душман кайфиятида бўлса-да, коммунизмга умуман бегона ва ундан хавфсирайдиган барча гуруҳларни» узоқлаштиради деб далиллайди. «Шу боис, — деб ёзади у, — Туркистон бюроси мавжуд инқилобчилар, буржуа ёшлар, майда савдогарлар гуруҳлари ва инқилобий зиёлиларнинг коммунизмга бегона қис-

мини чўчитиб қўймаслик учун коммунизм шиорини муддатидан аввал ташлаш керак эмас деб ҳисоблайди»<sup>1</sup>.

Ф. Хўжаев компартияга фақат 1920 йили, Бухородаги инкилоб Туркистон большевикларисиз имконсизлиги аён бўлганидагина кирган. Ҳашта йил октябрида у БХСР Халқ Нозирлари Кенгаши раиси этиб сайланган. Миллий-худудий чегараланиш ва Ўзбекистон Республикаси ташкил қилинганидан сўнг Халқ Комиссарлари Совети раиси ва ЎзССР МИК Президиуми аъзосига айланган. 1925 йил майида СССР Советлари МИК сессиясида Президиум аъзолигига сайланган ва СССР Советлари МИКнинг олти раисидан бири бўлган. У Туркфронт ҳарбий-инкилобий советининг аъзоси ва СССР Ҳарбий денгиз халқ комиссарлигининг Ўзбекистон бўйича вакили ҳам ҳисобланган. Унга ўша пайтда мавжуд олий ҳарбий унвон — армия қўмондони унвони берилган. Ф. Хўжаевнинг эгаллаган лавозимлари рўйхати жуда узун, биз унинг асосий лавозимларини келтирдик, холос. Совет даври тарихнавислигида у билан бирга Ф. Хўжаевнинг «алоҳида жиддий сиёсий хатолари»ни қайд этиш ҳам қабул қилинганди. Бу «хатолар», аслида, Марказ сиёсати ва шароитга қарамай, холис фикр юритгани ва иш олиб борганидан далолатдир. Ҳозир биз Файзулла Хўжаевнинг ўша мураккаб йилларда «18 лар гуруҳи» деб аталган, Ўзбекистон компартиясининг II съезди (1925 йил ноябрь) арафасида ЎзКП(б) Пленумида ўзлари эгаллаб турган масъул вазифалардан воз кечишини маълум қилган бир гуруҳ жасур кишилар, республика раҳбар ходимларининг ташаббусидаги иштироки ҳақида ғира-шира тасаввурга эгамиз, холос. Улар хусусий мулкни зўрлик билан тортиб олиш орқали

<sup>1</sup> Хўжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Ташкент: Узгиз, 1926. С.72.

амалга оширилган ер-сув ислохоти, Марказнинг пахта ишлаб чиқариш соҳасидаги зўравонлиги, эски зиёли кадрларга салбий муносабат, кадрларни синфий нуқтаи назардан, ижтимоий келиб чиқишига қараб танлаб олишга рози бўлолмадилар.

Кўп тарихчилар Ф. Хўжаевнинг ушбу ходисаларга дахлдорлиги масаласини мунозарали деб ҳисоблашади. Ф. Хўжаевнинг ўзи Ўзбекистон компартияси III съездида эътироф этганидек, у «18 лар гуруҳи» чиқишида фаол қатнашган.<sup>1</sup> Албатта, бу ик-рор бўлиш, пушаймонлик таъна-маломатларга нуқта қўяди деган мақсад билан боғлиқ эди. «Бу масаланинг муҳокамаси 1925 йилдаёқ яқунланган», — дейди у. Аммо, кўриб турганимиздек, таъқиблар 1927 йилда ҳам давом этган. Компартиянинг III съездида Ф. Хўжаевнинг хатолари ҳақидаги масала яна кўтарилган. Бу хатолар орасида унинг жадидчиликка муносабати ҳам тилга олинган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, у дастлаб маърифатчилик хусусиятига эга бўлган, лекин 1916 — 1917 йилларда конституцион монархия ўрнатилиши, сўнгра Бухоро амирлигининг демократик республикага айлантирилиши учун курашган Ёш бухороликлар сиёсий партиясига айланган Бухоро жадидчилигининг қоқ марказида бўлган.

Ф. Хўжаевнинг тараққийпарварлар ҳаракатига мансублиги, тўғрироғи, ушбу ноёб тарихий ходиса билан мустаҳкам алоқаси узоқ йиллар давомида, ҳатто турғунлик йилларида ҳам унинг шахсига бир ёқлама муносабатда бўлинишига олиб келган.

Қандай қилиб, Ф. Хўжаев фикрича, «бир гуруҳ норозилик билдириб чиққан зиёлалар» фаолиятдан бошланган жараён «қудратли миллий-тараққийпарварлик ҳаракати» даражасига ўсиб чиққан? Ушбу тарихий саволга Ф. Хўжаевнинг ўзи мақо-

<sup>1</sup>Ходжаев Ф. Избранные труды. Ташкент, 1970, Т I. С. 381 — 396.

лаларида, сўнгра 1926 йили чоп этилган «Бухоро инқилоби тарихига» китобида жавоб беради.

Аммо дастлаб китобнинг ёзилиши ва нашр этилиши хақида икки оғиз. Ф. Хўжаев томонидан жади́дчиликни умумий таҳлил қилиш, жади́дчилик нима ва у мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун нима берди деган саволларга жавоб беришга дастлабки уриниш тўпламда эълон қилинган «Жади́длар» мақоласида амалга оширилган. Бу тўпламдан Е. Федоров, Т. Рисулов, С. Гинзбургнинг маҳаллий аҳолининг 1916 йилги кўзгонлари ва Фарғонадаги босмачилик ҳаракати хақидаги мақолалари ҳам ўрин олган<sup>1</sup>. Мақолада Ф. Хўжаев илк бор мусулмон Шарқи мамлакатларидаги жади́дчиликка умумий таъриф беради, жади́дчиликнинг Бухорога кириб боришини нафақат ташқи омиллар, балки амирликнинг ўзидаги сиёсий ва ижтимоий вазият билан боғлашга ҳаракат қилади.

Жади́дчиликнинг батафсил тарихини у «Бухородаги инқилоб тарихига доир» китобида ёритади. Бу китобни ёзиш хақидаги ўй уни узок таъқиб қилган, унинг бу истаги 1926 йили Садриддин Айнийнинг мемуар хусусиятга эга «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар»<sup>2</sup> асари чиққанидан сўнг янада кучайган. Гарчи Ф. Хўжаев С. Айнийнинг китобини тарихий-психологик эссе сифатида ижобий баҳолаган ва муаллифнинг айрим фикрларига қўшилмаган бўлса-да, асосийси, воқеаларнинг илмий асосланган, зарур ҳужжатларни жалб этган ҳолдаги ижтимоий-тарихий баёнини кенгроқ ёритиш зарурлигини англаб етган.

<sup>1</sup> Очерки революционного движения в Средней Азии. М.: Издание научной ассоциации востоковедения, 1926.

<sup>2</sup> Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. М., 1926.

Ф. Хўжаев жадидчиликнинг ички суръатини, унинг бошқа мамлакатлардаги тараққийпарвар ҳаракатлар билан алоқасини кўрсатишни, унинг тараққиёт босқичларига аниқлик киритишни уддалаган. 1926 йили рус ва ўзбек тилларида чоп этилган асар жамиятда катта ақс садо берди ва тез орада қўлма-қўл бўлиб кетди. Одамларнинг жадидчилик ҳақидаги тасаввурлари ҳали тирик эди, минтақада совет ҳокимияти ўрнатилгач, бор кучини таълим ва халқ маорифини ривожлантиришга бағишлаган жадидларнинг ўзлари ҳам ҳаёт бўлган.

Ф. Хўжаев минтақа ҳолатига аниқ-равшан тавсиф беради. Унинг фикрича, бу ерга кириб келган янги цивилизация шакллари деҳқонларнинг табақаланиши ҳамда уларнинг қашшоқлар ва қулоқларга бўлинишига, уруғ-аймоқчилик алоқаларининг таназзулга учрашига, савдо капиталининг ўсишига олиб келган. Туркистонда юз берган бу жараёнларнинг бари мавжуд ҳокимият шакли туфайли Бухорода заифроқ кечган. Боз устига, Бухоронинг Ўрта Осиёдаги маънавий марказ сифатидаги ҳолати «ундаги ҳар қандай ислохотларни бир вақтнинг ўзида ҳам ўта муҳим, ҳам ниҳоятда мураккабга» айлантирган.

Ф. Хўжаев изоҳлаганидек, руҳонийлар «амалдорларни етказиб берувчи асосий қатлам» бўлган ва «икки куч: амир ва руҳонийларнинг Бухоро ҳукуматининг мустаҳкамдек туюлган қудратини юзага келтирган», у «ўз қўлида бутун бошқарув фаолиятини, суд ва таълимни жамлаган. Аҳолига дунёвий таълим бериш имкониятини яратиш ўзига рақиблар тайёрлаш, Бухоро бошқарувида таянилган ўрта аср анъаналари тизими илдизига болта уришни англатарди...»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Ташкент: Узгиз, 1926. С. 8 – 9.



1917 йил мартида жадидлар етакчилиги остида амир манифестини қўллаб-қувватлаб кўчага чиққан намоёнчиликларни тор-мор келтиришда амир айнан оломонни кўзгатган рухонийлардан фойдаланганини эсга олиш кифоя. Ф. Хўжаев тизимли равишда қайта сайланадиган Марказий Кўмитанинг барча таркибига кирган, маълум босқичда амалда унинг раҳбари бўлган. Унга ишонганлар, қадрлаганлар ва ҳурмат қилганлар. Бундан делегация таркибида дастлаб рус резиденти Миллер, сўнгра амирнинг ўзи билан музокаралар ўтказиш учун икки марта амир саройига боргани ҳам далолат бериб турибди. Китобда жадидчилик ҳаракати ва унинг ташкил этилишида Абдурауф Фитрат, Абдулвоҳид Бурҳонов, Мухитдин Рафоат, Муса Саиджонов, Усмон Хўжаев ва бошқаларнинг ролига катта эътибор қаратиб ўзининг фаолиятига камтарона баҳо беради.

Ф. Хўжаев манифестнинг асосий сабабчиларидан бири эди. Рус резиденти Миллер унга рухсат бермаганига қарамай, Ф. Хўжаев, ўзининг ёзишича, Фазлитдин Мансур ва Абдулвоҳид Бурҳоновнинг манифест ҳақидаги саволига мужмал жавоб берган, манифестга рухсат берилмаганини айтмаган. Бу уларни ғафлатда қолдирганини англатарди. Манифестчилар сони анча кўп бўлиб, 7 минггача кишини ташкил этган. Бироқ уларга қарши амир кўрсатмаси билан рухонийлар томонидан кўзгатиш ва ниҳоятда ғазабга тўлган шунча миқдордаги оломон йиғилганди. Шунда жадидлар қон тўкилишидан қочиш учун тинчгина тарқалишган. Аммо реакция ўз ишини қилишга улгурганди, жадидларни қатагон ва таъқиб қилиш бошланади. Ф. Хўжаев Янги Бухоро, яъни Когонга кетади. У сафдошларини қутқариши керак эди, уларнинг тақдири учун ўзини масъул ҳисоблаган ва воқеаларнинг бундай кечишида қисман ўзини айбдор деб бил-

ган. Шу боис у рус инкилобчиларига мурожаат этишга мажбур бўлган. Улар рус резиденти Шульцни хибсга олганлар. Амир ҳукумати ушбу жараёнлар босими остида Ота Хўжаев, Юсуфзода, Айний, Мирбўта, Мирза Насрулло ва б. жадидларни озод қилади<sup>1</sup>.

Ф. Хўжаев Ёш бухороликлар партияси Марказий Қўмитасининг ўзгартирилишига рози бўлади, ёши улуг ўртоқларининг маслаҳати билан вақтинча фаолиятга раҳбарликни унинг ўнг қанотига топширади. Бу унинг моҳир стратеглигини кўрсатади.

У эришилган вақтинчалик иттифок охир-оқибат бўлинишга олиб келишини жуда яхши тушунган, негаки ўнлар қуролъли курашни асло хоҳлашмаган. У амир билан музокараларни давом эттириш ҳеч қандай натижа бермаслигини ва у жадидларни қонунийлаштиришга йўл қўймаслигини англаган. Когон инкилобий кўшинлари ёрдамида яна бир марта амир қўлидан кутулиб қолишга эришади. Шундан кейин «жадидчилик меросидаги кўп нарсаларга, жумладан, тор маданиятчилик ва сиёсатдаги иккиланишларга барҳам берган» Ф. Хўжаевнинг нуктаи назари ғалаба қозонади. Ф. Хўжаевнинг бу сўзлари унинг партиядagi ёши улуг ўртоқларининг либерализмига чек қўйишга интилишидан далолат беради. Шу лаҳзадан А. Фитрат мададига таяниб Ф. Хўжаев ҳаракатни оғишмай инкилоб томон етаклайди. Бу унинг партиядagi кўплаб нуфузли шахслар, хусусан, Мансуров ва Мухитдин Рафоатдан узоқлашишига олиб келган. Бу ҳаракатлар 1918 йил мартада Колесов воқеаларининг муваффақиятсиз чиқиши ва жадидларнинг навбатдаги мағлубиятини белгилаб беради.

<sup>1</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. С. 27.

1918 йили Москвага эмиграция қилган Ф. Хўжаев Турк-республика раислигида Ёш бухороликларнинг янги Москва кўмитаси МКга бошчилик қилади. Унинг саъй-ҳаракатлари билан совет Россияси ўз манфаатларидан келиб чиқиб Бухорода инқилобни амалга ошириш ва амирни ағдаришга ёрдам қўлини чўзишга қарор қилади. 1919 йил январиди БМИК раиси Я.М. Свердловга қуролланиш учун моддий ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат этади. 1920 йил январиди Ф. Хўжаев Тошкентга қайтиб, Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон марказий бюросини ташкил қилади, уни эндиликда РКП(б) Турккомиссияси ўзининг қатъий назорати остига олади. Шундай қилиб, кўрсатилган ёрдам учун катта ҳақ тўлашга тўғри келди. Бухородаги кейинги воқеалар олдиндан ўйланган сценарий бўйича кечади. Россия ва ёш бухороликлар манфаатлари бир-бирига мос тушади.

Шунга қарамай, китобнинг сўзбошисиди Ф. Хўжаев С. Айнийнинг жадидчиликни большевизм билан чамбарчас боғлиқ ва ягона ҳодиса сифатида талқин этишидан норозилигини ифодалайди. Г. Туркестанский сўзлари орқали у бу иккала тушунча ўртасига аниқ чегара қўяди. Ф. Хўжаев ҳақиқатан ҳам ўзининг ахлоқий қоидалари, мақсадлари ва моҳиятига кўра жадидчилик большевизмдан узоқ деб ҳисоблаган.

Агар «Жадидлар» мақоласиди Ф. Хўжаев жадидчилик Ёш бухороликлар партияси тузилиши билан якун топган деб ёзган бўлса, китобда бу масалага анча босиқлик билан ёндашади ва жадидчиликни ёш бухороликлар ҳаракатининг ажралмас қисми деб атайди. Аммо уни ҳам большевизмдан фарқлаган. Охиروқибат ўз фаолиятида у большевикларсиз ҳаракат қила олмади.

Бундан икки йил аввал Ф. Хўжаев РКП(б)нинг бу йўналишдаги сиёсатига анча очик баҳо беради: «1918 йилнинг февраль

ойида Туркистонда совет ҳокимияти учун амир билан курашни биринчи ўриндаги ва зарурий вазифага айлантирган ҳодисалар юз берди. Совет Тошкентининг бевосита душмани — Фарғона мухтор ҳукумати<sup>1</sup> йўқ қилинди», эндиликда большевикларга қарши бўлган барча кучлар жамланган амирликни йўқ қилишга бор кучларни қаратиш қолганди.

Ф. Хўжаев барча мақолалари ва китобида «Ўрта Осиёда миллий-инқилобий ҳаракатга бошчилик қилишга қодир кадрлар тарбиялангани учун айнан жадидчилик олдида қарздормиз»<sup>2</sup> деб бир неча бор такрорлаган. Агар инқилоб большевиклар ёрдами билан амалга оширилгани инобатга олинса, бу гапда жон бор. Айнан шу нарса унинг рақибларининг кескин норозилигига сабаб бўлган; «бундай раҳбарлик бўлмаган, Туркистондаги инқилобга Россия коммунистик партияси, яъни БКП(б) етакчилик қилган, партиянинг ўлкадаги сиёсати БКП(б)нинг сиёсатидир, агар жадидчилик томонидан тарбияланган унсурлар ва уларнинг миллий компартиялардаги роли ҳақида гапириш мумкин бўлса, БКП(б) йўналишига у ёки бу даражада изчиллик билан қўшилган ва шу боис БКП(б) сафларига кириб қолган унсурлар сифатидагина гапириш мумкин», — деб ёзади Г. Туркестанский, у ҳақда қуйроқда яна тўхталамиз. Эҳтимол, у ҳақдир, чунки Россиядан экспорт қилинган инқилоб халққа бегона бўлиб, Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси манфаатларига жавоб бермаган<sup>3</sup>. Жадидларнинг аксарияти Кўкон воқеаларидан кейин сиёсатдан узоқлашган. Бухорода эса бу кейинроқ юз берган, инқилоб амалга оширилгач, улар Ф. Хўжаев бошчилигида ҳокимият тепасига келишган. БХСР ҳукумати дастлаб собиқ

<sup>1</sup> Туркистон Мухторияти кўзда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. С.45.

<sup>3</sup> Туркестанский Г. Кто такие были джадиды. Ташкент: САГУ, 1926. С.25.

жадидлардан ташкил топган, улар Россиянинг миллий мустақилликка йўл қўймаган империячилик сиёсатини кўриб қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари сафларига киришган ёки шунчаки сиёсатдан воз кечишган. Аммо БХСР, унинг раҳбарияти, ички курашлар, ғоявий оқимларнинг кейинги тарихини жадидчилик тарихини билмасдан тушунтириб бўлмайди, негаки у кейинги воқеаларга ва Ф. Хўжаевнинг ўзига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Совет тарихшунослигида Ф. Хўжаев Москвада эмиграцияда (Бухородаги 1920 йилги инқилобгача) яшаб марксизм-ленинизм билан танишган ва бу ерда ҳаётининг «коммунистик маърифат» босқичи бошланган деб ҳисоблаш қабул қилинган. Таъкидлаш керакки, нима бўлишидан қатъи назар, у ўз принципларига қатъий амал қиладиган инсон эди. Ёш бухороликлар инқилобий партиясининг Тошкентда тузилган Туркистон марказий бюроси коммунистик йўналишга амал қилмагани ва, партиясининг коммунистик гуруҳидан фарқли ўлароқ, амирга қарши курашда Бухорода мавжуд барча кучлардан, жумладан, коммунистик ғояларни тушунмаган ва қабул қилмаган, лекин ислохотлар тарафдори бўлган майда савдогарлар, хунармандлар, ўрта ва кичик амалдорлардан фойдаланишга урингани бундан далолат бериб турибди. Ёш бухороликлар Туркистон марказий бюроси дастурининг РКП(б) дастури таъсири остида ёзилганини рад этмаган ҳолда таъкидлаймизки, унда Ёш бухороликлар партиясининг пойдеворига айланган жадидчилик ҳаракатининг тарихий аҳамиятига ургу берилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ф. Хўжаев бу икки ҳодисага бир жараённинг икки ажралмас босқичи сифатида қараган. Китобнинг хулосасида, жадидчиликнинг кўп жиҳатлари тафтиш қилиниб, қайта баҳоланганига қарамай, кўп нарсалар ёш бухороликлар ҳаракати томонидан қабул қилинганини яна бир бор таъкидлаб ўтади. Бу

билан Ф. Хўжаев жадидчилик Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг барча соҳаларида тараққийпарварлик жараёнларига асос солганини қайд этган. У чуқур қайғу ва афсус билан «кекса жадидлар» янгиликларни тушунмаганини, барча жадидлар янги ҳаёт қуришда иштирок этмаганини таъкидлайди. «Бухоро инқилоби тарихига доир» асарига якун ясаб Ф. Хўжаев янги ҳукумат ҳақида ҳеч қандай салбий фикр билдирмайди, аммо жадидчиликка ҳам танқид тошларини отмайди.

Бироқ тоталитар тузум қарор топиб улгурган ва раҳбарлардан бири, амалда ҳукумат бошлиғи большевизмга зарар келтириш эвазига жадидчиликни «идеаллаштириши»га қандай қилиб йўл қўйиш мумкин эди? Дарҳол матбуотда Ўрта Осиё коммунистик университети кафедра мудири П.Г. Галузонинг Г. Туркестанский<sup>1</sup> таҳаллуси остидаги мақоласи пайдо бўлади, унда муаллифга ушбу айбловлар қўйилади. Мақола ижтимоий буюртмадан бошқа нарса эмасди. Айнан у билан Ф. Хўжаевга қарши узоқ муддатлик таъқиб кампанияси бошланган. Унинг ўзини БКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси ва ЎзКП(б) МҚ йиғилишига чақиришади, унда ушбу масала муҳокамаси бўлиб ўтади ҳамда унинг жадидчиликнинг ижтимоий моҳияти борасидаги таърифлари, умуман, ижтимоий-инқилобий ҳаракат сифатида баҳолаши хатолигига ишора қилинган қарор қабул қилинади. Кейинчалик совет тарихчилари уни ўз устози деб билган Маҳмудхўжа Бехбудийга нотўғри баҳо беришда ҳам айбланишган. Ф. Хўжаев камдан-кам одам сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билим доираси билан М. Бехбудийга тенглаша олади деб ўйлаган ва шундай ёзган.

<sup>1</sup> Туркестанский Г. Об одном историческом документе // Коммунистическая мысль. 1926. №2. С.196 – 198.

Ф. Хўжаевнинг «миллатчилик тусидаги мафкуравий хатолари» танқидига сўнги улушни БКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг котиби Я.К. Бауман 1932 йили Тошкент шаҳар партия конференциясидаги чиқиши қўшади. Айблов кампанияси олти йил, ниҳоят, китобнинг жиддий ўзгартирилган иккинчи нашри<sup>1</sup> чиқмагунча давом этади. Ф. Хўжаев китобни қайта ишлашга мажбур бўлган ҳамда уни БХСРнинг ҳолати ва Ўрта Осиёнинг миллий-худудий бўлиниши ҳақидаги қисм билан тўлдирган. Оқибатда жадидчилик советча андазадаги хусусиятга эга бўлиб қолган: хизматлари бор, аммо «жадидлар аксилинқилобий бойлар ва қулоқлар томонида турган ҳамда капиталнинг ҳақиқий хизматчиларига айланган». Хулосани ўзгартирар экан, Ф. Хўжаев, гарчи Ёш бухороликлар партиясини энди ташкилот деб атаса ҳам, барибир, асосий жихатларни аввалгидек қолдиришга уринган.

Ф. Хўжаев китобининг биринчи нашри (1926 йил) деярли олтмиш йил кутубхоналарнинг махсус омборларида сақланди, ундан кенг ўқувчилар оммаси фойдаланиши тақиқланди. Бугунги кунда жадид ҳаракати тарихи, Бухоро тарихини ўрганишда унинг аҳамиятига қайта баҳо бериш жуда қийин. Муаллифни бундай талқин учун муҳокама қилишга ҳаққимиз йўқ. Унинг ҳатто оддий масалалар бўйича, масалан, БХСР Халқ Нозирлари Кенгаши бошлиги сифатида БКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг розилигисиз тўғридан-тўғри РСФСР билан иқтисодий шартнома тузишга бўлган уриниши кескин қаршиликка учради. ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлганида у республика манфаатларини инобатга олишга ҳаракат қилган ва Марказнинг, хусусан, пахтачилик масаласидаги мустабид

<sup>1</sup> Қараг: Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии // Избранные труды. Ташкент: Фан, 1970. Т.1. С.71 – 318.

сиёсатига қарши чиққан. Баъзида халқ манфаати йўлида фаолиятини давом эттириш учун садоқатли итоатгўй ниқобини тақшига ҳам тўғри келган. Ташқаридан қараганда у «партиянинг содиқ фарзанди» эди. Буни принципсизлик деб баҳолаш юзаки хулоса, унинг қандай фоживий муҳитда ишлашига тўғри келганини тушунмаслик бўлур эди. Ахир, унинг ўзи жуда кам нарсага қаноат қилган. Бундай одамлар ҳақида халқ орасида «кўзи тўқ» деган гап юради. У жадидчиликка, тараққиётга, Бухоро инқилобига, ўз мамлакатининг келажагига ишонган, шу боис давлатга 25 пуд қўйма олтин, 4,8 миллион тилла танга, 5 пуд кумуш танга, 7 миллион атрофидаги кредит маблағларини топширган, топширган ер-мулклари ва бошқа бойликлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади<sup>1</sup>. Юксак лавозимларни эгаллаганида ҳалол ишлаган ва, айрим большевик раҳбарлардан фарқли ўларок, чўнтак ғамида бўлмаган. Бу кўпчиликка маълум бўлган ва Ф. Хўжаев ўз қарашларида масъул лавозимларда ишлаган ҳамда иқтисодиёт ва маданият масалаларида партия йўлига муҳолиф марраларда турган кўплаб инсонларнинг қўллаб-қувватлашига эришишининг сабабларидан бири эди. У Москвага эмас, балки миллий кадрларга, фавқулодда вазиятларда ва амирнинг мустабид тузумига қарши курашда синовдан ўтган, большевиклар томонидан «пантуркизм»да ва Ватанга хиёнатда айбланган Усмон Хўжаев, Абдулҳай Орифов, Отахўжаев, М. Аминов ва бошқа жадид сафдошларига таянган. У таниш-билишчилик ва уруғ-аймоқчиликка асосланиб кадрларни танлашда айбланган. С.Н. Оржоникидзе 1922 йил 9 майда Бухоро фаоллари йиғилишидаги нутқида шундай деган: «Файзулла бошчилик қилаётган ҳукуматни мустаҳкамлаш билан бирга уни нафақат аксилинқи-

<sup>1</sup> Ражабов Қ. Ўчиб, сўниб... яна ёниш бор // Жамият ва бошқарув. 1998. №2. 35 – 36-бетлар.



лобий унсурлардан, балки уруг-аймоқчилик алоқаларидан ҳам тозалаш учун барча чораларни кўришимиз керак»<sup>1</sup>.

Аммо уни «миллий унсурлар»дан узоқлаштиришга уриниш ҳеч қандай натижа бермади. У ЎзССР ХКС раиси лавозимида ишлаганида ҳам Ўзбекистон зиёлиларининг мададига ва халқнинг ҳақли ҳурмат-эҳтиромига таянган. У ҳақдаги овозалар республика ҳукумати раҳбари бўлишидан анча олдин кенг ёйилганди. У Бухородан Тошкентга келган кун, гувоҳларнинг эслашича, кўчалар уни қутлаш учун чиққан одамлар билан тўлиб-тошган, оқсоқоллар оқ фотиҳа беришган. Тез орада эски шаҳардаги Коффон бозорида кўпнинг кишилик митинг бўлиб ўтган. Ф. Хўжаев у ерга салла ва бухороча чопонда келган ҳамда халқ олдида чиқиш қилган. Митингда ҳатто паранжи ўранган аёллар ҳам кўп бўлган. Ф. Хўжаев ажойиб нотик эди. Халқ унинг республика келажаги ҳақидаги сўзларини гулдурас қарсақлар билан қарши олган. Унинг ақл-заковати, улугвор қиёфаси ва жозибаси одамларни мафтун айлаган<sup>2</sup>.

Ф. Хўжаев сермулоҳаза ва ташаббускор раҳбар бўлган. Ўзбекистон халқ хўжалигининг кўплаб тармоқлари унинг саъй-ҳаракатлари туфайли ривож топган. Масалан, 1933 йили Хоразмга ташрифидан сўнг иттифоқ ҳукумати олдида Амударёнинг қуйи оқимида сугориш ишларини тубдан яхшилаш, шунингдек, олис вилоят иқтисодиётини Ўзбекистон ва Туркманистоннинг хўжалик ҳаёти билан чамбарчас боғлаш имконини берадиган 500 км лик Чоржўй — Янги Урганч темир йўлини қуриш орқали Хоразмнинг табиий ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш масаласини қўяди.

<sup>1</sup>ЎзМА. 47-фонд, 1-руйхат, 264-иш, 15-в.

<sup>2</sup>Каминанинг онаси — Раҳбар Гуломованинг эсдаликлари, Онам уна пайтда 16 ёшда бўлиб, бозор яқинида яшайдиган тоғасининг уйида меҳмонга борган ва тоғасининг онаси билан митингга чиққан.

Фаргона ва Зарафшон водийларида, Қарши чўли ва Сирдарё вилоятида 50 га яқин канал қуриш орқали янги ерларни ўзлаштириш лойиҳасида ҳам Ф. Хўжаевнинг хизматлари катта.

Унинг узоқни кўра билиш қобилияти республика саноатини ривожлантириш бўйича реал режаларни илгари суришига ёрдам берган. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ховдоғ районида нефт, Бойсунда кўмир, Олмаликда мис, Самарқанд ва Фаргона вилоятларида мрамор ва рангли металллар конларини аниқлаш ва ўзлаштириш ишлари бошланган, Чирчиқда электркимё комбинати, Тошкентда тўқимачилик комбинати қурилиши йўлга қўйилган. СССР Советлари VII съездида чиқиш қилар экан, Ф. Хўжаев илк бор Тошкент шаҳрини қайта қуриш масаласини кўяди.

Унинг хизматларини узоқ санаш мумкин эди. Аммо фаолиятининг бошқа қирраси ҳам бор. Фикримизча, агар Ф. Хўжаев давлат арбоби бўлмаганида, ажойиб иқтисодчи олим, ҳуқуқшунос ёки тарихчи бўлиши аниқ эди. Унинг нутқлари, мақолалари, китоблари, чиқишлари, уларнинг сони икки юздан ортиқ, таҳлилийлиги ва муаллифининг улкан ақл-заковати билан ажралиб туради. Унинг «Бухоро инқилоби тарихига доир» асарини энг қимматли илмий асар сифатида баҳолаймиз, гарчи унинг ўзи камтарлик билан бунга даъво қилмаслигини таъкидласа ҳам. Ўзбекистон зиёлиларининг I съездида (1937 йил 25 май) чиқиш қилар экан, у бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этган ва биз учун васиятнома сифатида янграган сўзларни айтган: «... Ҳақиқатан фан ходимлари бўлганларнинг барчаси... тўлиғича ва бутун борлиги билан биз билан бирга бўлиши керак. Уларнинг бутун ўй-хаёли, бор куч-қудрати, бор билими битта буюк мақсад — улуг Ватанимизнинг бутун дунё

бўйлаб мустаҳкамланишини амалга оширишга йўналтирилиши лозим»<sup>1</sup>.

Уша замон парадокси: Файзулла Хўжаев Ленин ордени билан тақдирланганидан икки йил ўтиб бу даврдаги зиёлиларнинг энг яхши намояналари қатори айбланган. Лекин бу парадоксни изоҳлаш осон. Бу Сталиннинг одатий тактикаси эди — кейинчалик осонгина тагига сув қуйиш ва йўқ қилиш учун гафлатда қолдириш, бўлажак қурбонни дохийнинг хайрихоҳ муносабатига ишонтириш. Ф. Хўжаев зақоси беқийёс ва машҳур шахс бўлиб, замоннинг даҳшатли қатағон машинаси домига тортилмаслиги мумкин эмас эди. Ф. Хўжаев шундай тоталитар тузум шароитида яшади ва фаолият юритди, лекин йигирма беш йиллик кураш ва хизматини тузумга эмас, балки тараққиётга ва халқ фаровонлигини оширишга сарфлади.

Тарихчилар томонидан унинг ниҳоятда мураккаб ва фожиали тақдирининг ҳаққоний баёни ёзилиши у учун энг яхши ёдгорлик бўлур эди.

<sup>1</sup>Ходжаев Ф. О задачах интеллигенции в социалистическом строительстве. Речь на I съезде интеллигенции Узбекистана. 1937 г. 25 мая.

## АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ВА ЗАМОН

Абдулхамид Чўлпон жуда қисқа, бор-йўғи қирқ йил умр кўрди. Унинг ҳаёт йўли бир-биридан тубдан фарқ қилувчи, тарихий воқеаларга бой, Туркистондаги сиёсий ва маънавий ўзгаришлар кўзга ташланган икки давр чегарасида ўтди. Агар уларнинг биринчиси ўзида тараққийпарвар гоёлари билан туркистонликларнинг миллий ўзлигини уйғотган ўлканинг энг яхши зиёли кучларини жамлаган жадидчиликнинг юзага келиши ва ривожланиши билан ифодаланган бўлса, иккинчиси уни йўқ қилди ва «бахтли келажак» ҳақидаги тасаввурларни остин-устин қилиб ташлади, жамиятни ўзгартириб, фожиаларга бой кечган саноатни юксалтириш ва «маданий инқилоб»ни амалга ошириш мақсадларини қўйди. Дастлабки пайтларда қудратли ҳаёт тўлқини А. Чўлпонни мавҳумлик гирдобидан олиб чиқиб, кенг халқ оммасининг шеъриятдаги қаҳрамонига айлантирди. Истеъдод уни юксак чўққиларга олиб чиқди, лекин тез орада жамиятнинг суюқлиси овлоқ жойларга улоқтирилди. Унинг мураккаб ҳаёти замон талатўпларида янчилган тақдирлардан бири эди. А. Чўлпон шахсини билиш ва уни охиригача тушуниш, унинг бетакрорлигини ҳис қилиш, буюклиги ва қудратини англаб етиш учун у қандай даврда яшаганини ҳисобга олиш зарур. Буни ёзувчи ёки шоирнинг (умуман, тарихий шахснинг) ҳаёти ва ижодини албатта у яшаган тарихий вазият ва шароит замирида ўрганиш шартлигини машҳур адабиётшунос О. Шарафутдинов ҳам таъкидлайди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Шарафутдинов О. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. Ҳаётини лавҳалар. Хужжатлар. Ривоятлар. Тошкент: Шарк, 1993. 76-б.

Биз ўрганаётган муаммога шу нуқтаи назардан ёндашиб А. Чўлпон яшаб фаолият юритган даврни икки босқичга бўлиш мумкин: XX аср бошларидан 20-йиллар ўрталаригача ва 20-йиллар ўрталаридан унинг тақдири фожиали якуни топган 1937 йилгача.

Дастлаб тақдир уни роса сийлади. Унинг истеъдоди жадиличлик гоёлари билан бирга камолга етди ва ҳаётга татбиқ этилди. Абдулҳамиднинг туғилиши ушбу оқим шаклланган вақтга тўғри келган.

Ҳаракатга XIX аср охири — XX аср бошларидаги ижтимоий ва сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланган ижтимоий фикр ўз даврининг энг тараққийпарвар кишиларини майдонга олиб чиқди. Улар орасида А. Фитрат, М. Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва бошқалар қаторида нафақат шоир, балки фаол маърифатчи, илк мухтор республикаларнинг тузилишидаги иштирокини ҳисобга олганда, сиёсий арбоб ҳам бўлган А. Чўлпон ҳам бор эди.

1917 йилги жадида газеталари — «Кенгаш», «Турон», «Турк эли» ва бошқалар Туркистон халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш шаклларида дахлдор ниҳоятда қизгин баҳслардан далолат беради. Туркистон тараққийпарварларининг дастлаб маърифатчилик, сўнгра сиёсий ҳаракати кенг қулоч ёзган 1914 — 1917 йилларда А. Чўлпон ижоди ҳам гуллаб-яшнади. 16 ёшида «Адабиёт надур?» мақоласини ёзган муаллиф жадиличлик вужудга келтирган янги адабиёт асосчиларидан бирига айланди. Бироқ унинг қизиқишлари фақат адабиёт ва театр санъати билан чекланмаган. 1914 йили «Садои Фарғона»да эълон қилинган «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик»<sup>1</sup>, «Ва-

<sup>1</sup> Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик // Садои Фарғона. 1914 й. 29 апрель.

танзимиз Туркистонда темир йўллар»<sup>1</sup>, «Ойна» журналида чоп этилган «Андижонда янги банк»<sup>2</sup> номли мақолаларида унинг иқтисодиёт соҳасидаги чуқур билими намоён бўлган. А. Чўлпон ўз мақолаларида Россия, Европа ва Американинг тараққиёт тажрибасидан мисоллар келтириб Туркистоннинг бўлажак иқтисодиёти ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида мулоҳаза юритган. А. Чўлпонга сиёсат ҳам бегона бўлмаган. У томонидан 1917 йили «Турон» газетасида эълон қилинган «Иш вақти — ишлаш вақти», 1918 йили «Эл байроғи» газетасида чоп этилган «Умид сиздан» мақолалари унинг большевизмга салбий муносабати ва Туркистон Мухториятини кўллаб-қувватлаши акс этган. У нафақат публицист, балки амалий сиёсатчи ҳам бўлган, Туркистон ва Бошқирд Мухториятларида фаол иштирок этган. Кўқондаги Туркистон Мухторияти тор-мор келтирилгач, кўплаб жадидлар юртни тарк этишга мажбур бўлганлар, у Убайдулла Хўжаев, Абдулҳамид Орифов, Мирмуҳсин ва бошқалар билан бирга Бошқирд советлари кичик ташкилотида котиб бўлди ва унинг ахборот марказида фаолият юритди<sup>3</sup>. Кейин кўплаб тараққий-парварлар қатори маориф соҳасида ишлади.

Умуман, Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётида бу даврда кечган зиддиятли жараёнлар А. Чўлпон тақдирини ҳам четлаб ўтмади. Унинг учун мураккаб вақтлар келганди. Бир томондан, жадидларнинг маърифатчилик фаолияти ўзининг юксак чўққисига кўтарилди, уларнинг катта қисми мамлакатда қолиб, маданият муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари ва театрларида ишлашда давом этди. Аҳоли саводхонлигининг кескин ошиши, технологик

<sup>1</sup> Чўлпон А. Ватанзимиз Туркистонда темир йўллар // Садон Фарғона. 1914 й. 6 июнь.

<sup>2</sup> Абдулҳамид Сулаймоний. Андижонда янги банк // Ойна. 1914. №13.

<sup>3</sup> Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. Тошкент, 2014. 112 — 113-бетлар.

таъминотнинг ўсиши, илмий муассасаларнинг пайдо бўлиши билан Ўзбекистон маданияти тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бошқа томондан, бошқаруvingнинг тоталитар тизими мустаҳкамланиб бориши маданий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. «Маданий инқилоб»нинг жорий этилиши, кадрларнинг пролетарлаштирилиши эски миллий кадрларнинг қораланишига олиб келди. Совет ҳокимиятининг ўйламай қилинган ислохотлари маданиятда ўнглаб бўлмас ҳолатларни келтириб чиқарди. Бошланган қатагонлар, биринчи навбатда, зиёлиларга қаратилди, бу эса, маънавий ҳаётга улкан зиён етказди.

«Шаклан миллий, мазмунан социалистик» бўлган пролетар адабиётнинг яратилиши ёзувчиларни ўз гоёларини сунъий равишда ҳосил қилинган қолипларга солишга мажбур этди. Бу ерда 1923 йилдаёқ Л.Д. Троцкий «Адабиёт ва инқилоб» асарида «пролетар маданият бўлмаган ва бўлмайди ҳам»<sup>1</sup> деб ёзганини эсга олиб ўтиш ўринли. Акс ҳолда, деҳқонлар адабиёти ва зиёлилар адабиёти ҳақида масала юзага келади. А. Чўлпон ижоди, албатта, ҳеч қанақасига пролетар адабиёт каторига кирмаган.

Юқоридан келган кўрсатма асосида А. Чўлпонга қарши аёвсиз сиёсий таъқиб амалга оширилган. Зариф Башир, Айн, Отажон Ҳошимов, Сотти Ҳусайн, Трегулов, С. Письменный, А. Аршаруни ўзларининг танқидий мақолаларида унга миллатчи шоир, «пессимистик кайфиятдаги зиёлилар шоири» тамғасини босдилар. Партиянинг масъул ходими С. Письменный фикрича, 1924 йилдаёқ адабиёт вакиллари орасида, умуман, жамиятда иккита лагерга бўлиниш хавфи вужуд-

<sup>1</sup> Троцкий Л.Д. Литература и революция. Печат по изд. 1923 г. М.: Политиздат, 1991. С.147.

га келган, яъни кўнгли амри билан ижод қилганлар ва барча нарсада партия белгилаб берган йўлга амал қилганлар, бу ҳақда Чўлпон қайгуриб ёзади: «Ҳар доим тирноқ остидан кир топиш мумкин, қанча кўп қидирсанг, шунча кўп чиқади. Аммо одамга ҳаёт фақат шунинг учун ато этилмаган. Айниқса, педагоглар Туркистоннинг оқни қорадан ажрата олмайдиган маҳаллий аҳолисига ниманидир исботлашга уринган ҳолда бир-бирининг айбини қидириб умрини беҳуда ўтказишмоқда — бу жиноятдир». Чўлпонни танқид қилиш нафақат республика миқёсида, балки СССР даражасида давом эттирилган. Оммабоп бўлган «Новый Восток» журналида 1929 йили партиянинг масъул ходими А. Аршарунининг «Ўрта Осиё бадиий адабиёти ҳақида қайдлар»<sup>1</sup> мақоласи чоп этилган, у А. Чўлпоннинг «марксистча» адабиётшунослик талабларига жавоб бермайдиган ижоди таҳлилига бағишланган. Ўша пайтда Чўлпонни ҳимоя қилишга журъат этган ёш ёзувчи Ойбек ҳам аёвсиз танқид остига олинган. Муаллифни, айниқса, Ойбекнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасидаги «... Чўлпон ўзининг келиб чиқиши, тарбияси ва интилишлари билан бу нарсадан йироқдир» деган сўзлари газаблантирган. Боз устига, Ойбек уни аҳамиятига кўра Пушкин билан бир даражага қўйиб Чўлпон ва Пушкинни тенглаштиришга журъат этган.

«... Наҳотки, биз ҳозирги адабий талабларга жавоб бермайди деб ҳисоблаб Чўлпондан воз кечамиз? Менимча, бу хатодир... Шоирларни қулогидан тортиб прольетар шоирига айланишга мажбурлаб бўлмайди...

Бизнинг замонавий адабий талабларимизга жавоб бермайди деб Чўлпондан узоқлашишимиз керакми? Менимча, бу янги-

<sup>1</sup> Аршаруни А. Заметки о художественной литературе Средней Азии // Новый Восток. Журнал Научной ассоциации востоковедения Союза ССР. М., 1929. Книга 26 — 27. С. 361 — 371.



лиш ҳаракат. Агар биз ҳозир рус ўртоқларимизга қарасак, улар Пушкинни қанчалар севишларини кўрамиз. Уни ҳамма ўқийди ва яхши кўради. У инқилобдан кейин ҳам Пушкинлигича қолган. Рус адабиётида олий ўринни эгаллаган. Пушкин пролетар шоир бўлмаган, у помещик ва ҳукмдорлар шоири бўлган ва унинг дунёқараши замонавий даврга мос келмайди, лекин нега уни бунчалар ёқтиришади? Негаки у гўзал асарлар яратган, рус шеърига ажойиб бадиий образларни тақдим этган, бу орқали рус адабиётининг ўлмас бойликларини яратган. Руслар ҳеч қачон ушбу буюк адабий меросдан воч кечишмайди.

Биз ҳам Чўлпондан кўл тортмаймиз. Чўлпон янги адабиётда янги шаклларга асос солди. Мистик адабиёт ўрнига замонавий зийрак адабий дидга жавоб берувчи ажойиб шеърларни тақдим этди. Бугунги ёш авлод унинг жозибали техникасини, содда тилини, ғаройиб услубини севади ва ундан кўп ажойиб нарсаларни қабул қилади.

Чўлпоннинг ғоялари эмас, балки у томонидан яратилган оригинал шеърӣй образлар ўқилади ва ундан ҳеч ким воз кечмайди»<sup>1</sup>.

Маданиятли кишининг буюк мутафаккирларга беҳурмат муносабатда бўлишига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр Ойбек мақоласининг лейтмотиви сифатида янграган. У Чўлпонни айнан шундай шахс деб билган. Бундай тенглаштиришдан ғазаб отига минган А. Аршаруни Ойбек, агар Чўлпонни А. Пушкин билан солиштиришга журъат этган бўлса, бу унинг А. Пушкин ижодини яхши билмаслигидан дея айблаган. Эҳтимол, А. Аршаруни А. Пушкин асарларини яхши билгандир, аммо Чўлпон ижодидан умуман беҳабар бўлган. Бу ўринда Германияда таҳсил олган, «Кўмак» журналинини чоп эттирган

<sup>1</sup> Ойбек. Шоирларни қандай таъқид қилиш керак // Қизил Ўзбекистон. 1927. №109.

туркистонлик талабалар журнал сонларидан бирида Чўлпон Шекспир билан таққосланган мақолани эълон қилишганини келтириб ўтиш жоиз бўлур эди. Мақола муаллифи ёзади: «Мен Шекспир лирикаси ва Чўлпон шеърияти ўртасидаги фаркни қанчалик қидирмай, уни топа олмадим. Мен Чўлпоннинг «Ўй-ғониш»ини қайта-қайта ўқиганман. Шекспирни ўқиганман. Ниҳоят, Шекспир — бу Чўлпон ёки Чўлпон — бу Шекспир деган хулосага келдим». Бироқ бундай муносабат шоирнинг ахволини янада оғирлаштирган.

Мустақил фикрига эга бўлиш, эркин ишлаш, айниқса, ўша давр ҳукмрон мафкурасига тўғри келмайдиган мулоҳазаларни билдириш инсон ҳаёти учун ниҳоятда хатарли эди. Чўлпон юз бераётган ҳолатларни жуда яхши англаган. Бундан унинг шеърлари далолат бериб турибди. Чунончи, у «Япроқлар» шеърини Ўзбекистонда эмас, балки Туркияда эълон қилган. Ватанида бунинг имкони йўқлигини тушунган деган фикр келади одамга.

*Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,  
Билмадим, кимларнинг қисмати узилур?  
Ёпроққа ёпишиб, бир чангал солдилар,  
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур?  
Эй совуқ эллардан муз кийиб келгонлар,  
У қўпол товшингиз қорларда йўқ бўлсин!  
Эй меним боғимдан мевамни тергонлар,  
У қора бошингиз ерларга кўмулсин!*

Шоирнинг бу қисқа сатрларида алам-изтироблар, халққа бегона бўлган эътиқодини мажбурлаб тикиштирганлар, поймол этилган тақдирлар, Ватан ҳақида қайғуриш ифодаланган. Ўн

йиллар мобайнида Чўлпон танқид тиглари остида яшади. Оддий журналистдан тортиб республика рахбари Акмал Икромовгача унинг ижоди хақида салбий муносабат билдирди.

Нихоят, 1937 йил охирида Чўлпон «халқ душмани» деб эълон қилинди. Сиёсий тузум унинг Аҳмад Заки Валидий билан дўстлигини, Бошқирдистоннинг миллий мустақиллиги учун курашдаги ёрдамини, Туркистон Мухториятидаги фаол иштирокини, жадидлар сафида туриб очик-ойдин ифодалаган сиёсий қарашларини унутмади ва кечирмади. Эҳтимол, унинг «айби» энг машҳур ва халқаро миқёсда эътироф этилган ўзбек шоири бўлгани ва халқ, айниқса, ёшлар орасидаги обрў-эътиборини ҳеч нарса тушира олмаганида бўлгандир. Шахснинг буюклиги ҳар доим ўз даврини ортда қолдирган. Тақдир тақозоси билан улар ё кўкларга кўтарилади, ё жисмонан йўқ қилинади. Аммо Абдулҳамид Чўлпон хотирасини йўқотишнинг иложи йўқ эди, чунки унинг шеърлари, ғоялари, халқига бўлган мухаббати барҳаётдир.

## ХУЛОСА

Жадидчиликнинг қисқача тарихи шундай. Унинг якуни фожияли кечди. Совет тарихнавислигида у «халқ оммаси онгини миллатчилик гоёлари билан бузувчи ва уни инқилобий курашдан чалғитувчи»<sup>1</sup> буржуа ҳаракати сифатида баҳоланди, жадидларнинг ўзлари эса қатағон қилинди ва жисман маҳв этилди. Жадидчиликнинг большевиклар томонидан йўқ қилинишига сабаб миллий давлатчилик қурилиши ва жамиятнинг мустамлакачилик олиб кириб қўйган боши берк кўчадан чиқиши концепцияси тоталитар совет тузумига жиддий рақобатчи эди ва унга хавф туғдирарди. Лекин, аянчли якун топганига қарамай, жадидлар томонидан асос солинган миллий-тараққийпарварлик ҳаракати миллий ўзликни англашнинг ўсишига имкон яратди, миллий-озодлик ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади. Унинг улкан аҳамияти шундаки, уйқуда ётган Шарқни уйғонишга ва атрофга теран назар ташлашга, эркни, миллий гурурни, буюк аждодларни, бой маданиятни, мустамлакачи тузум томонидан унутилишга маҳкум этилган ҳамма нарсани ёдга олишга мажбур қилди. Уларнинг таълимоти ҳаққоний эди, шу боис илгор ва фикри очиқ шахсларни ортидан эргаштира олди. Уларнинг фаолият дастури келажак авлодлар учун намунага айланди. Жадидларнинг муқаррар тарихий хизмати

<sup>1</sup> История философии. В 6 томах. Т.5. М., 1961. С.385. Қуйидаги парча совет давридаги жадидчиликка берилган баҳо намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин: «Жадидчилик Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги илгор ижтимоий фикрнинг ривожига улкан зиён келтирди, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қолоқлиги туфайли ушбу реакцион буржуа-миллатчилик мафқуранинг синфий моҳиятини тушуниб етмаган демократик мафқуранинг кўп-лаб намояндаларига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Ўша жойда. 386-б.

Ўзлари тараққиёт асоси деб ҳисоблаган кичик соҳа — маорифдан бошлаб жамиятни ислоҳ қилишга уринишидадир. Уларнинг сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга уриниши гоёларининг концептуал ривожининг ёрқин далили, муваффақиятсизликлари эса Туркистон XX асрда тортилган дунёдаги агдар-тўнтарлар оқибати бўлган.

Уларнинг шиори — миллий қолипларда қотиб қолмаслик, айни дамда, улкан ватанпарварлик ва ўз ўлкасига мафтунлик, нима қилиб бўлмасин инқироздан чиқиш истаги оқилона ва мулоҳазасиз хатти-ҳаракатларга ундаган. Жадидчиликни идеаллаштирмай, унинг тарихини объектив ёритган ҳолда уни ҳеч иккиланмай Шарқнинг ақлий феномени сифатида баҳолаймиз. Жадидларнинг тараққий этган жамият концепциясидаги энг қимматли жиҳат, фикримизча, ўзида Шарқ ва Ғарбнинг энг яхши ютуқларини мужассамлаштирган жаҳон тажрибасидан фойдаланиш бўлган.

Бугунги кунда жадидларнинг дин, кекса ва ёш авлод муносабатлари, демократия, Туркистон маданияти ривожини борасидаги қарашлари, уларнинг мамлакат фаровонлигининг асосий шarti бўлмиш билим эгаллашга эҳтиёткорона муносабати долзарблигича қолмоқда.

Афсуски, жадидлардан ҳеч қандай архив ҳужжатлари қолмаган. Жадидларнинг фикрлаш тарзи ва фаолияти ҳақида мулоҳаза юритиш имконини берадиган ягона манба улар қаламига мансуб асарлар, ўзлари чоп этган газета ва журналлар, қолаверса, шоҳидларнинг ноёб хотиралари ҳисобланади. Мунавар қорининг қамоқда ёзилган хотиралари ниҳоятда қимматли, аммо унинг қандай шароитда ёзилганини ҳисобга олмоқ зарур. Подшо оҳранкаси архив материаллари — агентлар, амалдорларнинг хабарлари, департаментларнинг хулосалари ва ҳ.к.га

келсак, албатта, улар кўплаб маълумотлар беради. Бирок улар бир ёқлама хусусиятга эга ва сиёсий мазмун касб этади. Шу боис қиёсий таҳлил методи ушбу масалани ўрганишда энг тўғри ва самарали йўл ҳисобланади. Мазкур китобда ёзилганлар миллий-тараққийпарварлик ҳаракати тарихи мавзусининг кичик бир қисми, халқ тили билан айтганда, «денгиздан томчи»дир.

Бу борада ўзбекистонлик адабиётшунослар томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин бу жадидлар фаолиятининг фақат бир қиррасидир. Тарихий изоҳларсиз, тарихчиларнинг иштирокисиз ушбу ноёб ҳодисанинг келиб чиқиш ва ривожланиш сабабларини тушунтиришнинг имкони йўқ.

Қувонарлиси, эндиликда тарихчиларнинг ёш авлоди унинг кўплаб жиҳатларини ўрганишмоқда, ҳаракат етакчиларини, уларнинг диний дунёқарашини, маданий ва сиёсий фаолиятини ва б.ни тадқиқ этишмоқда. Туркистон тарихидаги ушбу феномени эътироф этган ҳолда баландпарвоз тавсифга берилмаслик муҳим. XX аср бошидаги Ўрта Осиё минтақаси чегаралари билан чекланмаган сиёсий жараёнларни таҳлил қилган ҳолда жадидчилик тарихини дунёдаги воқеалар контекстида текшириш, унинг етакчилари фаолиятидаги ижобий натижалар билан бирга йўл қўйилган хатоларни ҳам инобатга олиш зарур.

## ИЛОВА

### Унутилмас сиймолар

1999 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Д. Алимова, С. Агзамходжаев ва Ш. Ризаевдан иборат ижодий гуруҳ таклифи билан «Унутилмас сиймолар» (жадидчилик ҳаракатининг намояндалари» лойиҳасига асос солинди. Унинг мақсади Туркистон, Бухоро ва Хива жадидчилиги атоқли намояндаларининг таржимаи ҳоли ва фотоальбомини яратишдан иборат эди. Лойиҳа муаллифлари бир неча ой давомида образлар устида иш олиб боришди, бу шахслар фотосуратларининг асл нусхалари қидириб топилди, уларнинг характеридан тортиб кийим-кечакларидаги кичик тафсилотларгача ўрганилди, таржимаи ҳолларига аниқлик киритилди. Олимларнинг Ўзбекистондаги машҳур рассомлар: С. Раҳматов, Т. Кўзиев, А. Икромжонов, М. Нуритдинов, И. Мансуров билан ижодий ҳамкорлиги ажойиб натижа берди. Рассомлар катта маҳорат ва қалб кўрини сарфлаб ХХ аср бошларида фаолият юритган 20 нафар атоқли миллий тараққийпарварнинг портретини чиқишни уйддалашди, уларнинг кўпи ҳақида мазкур китобда тўхталиб ўтдик. Портретларнинг асл нусхаси Давлат бошқаруви академиясида сақланмоқда. Ушбу монографияда жадидларнинг «Унутилмас сиймолар» фотоальбомида тақдим қилинган таржимаи ҳоли берилган.

**Абдулла Авлоний**  
(1878 – 1934)

Таниқли маърифатпарвар, адабиёт ва театр арбоби, публицист Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг Мерганча маҳалласида туқувчи Миравлон ака хонадонида туғилган. Дастлаб Ўқчи туманидаги бошланғич мактабда ўқиган, сўнгра Тошкентдаги мадрасалардан бирида таҳсилни давом эттирган. Ўз билимини такомиллаштириб тез орада замонасининг энг маърифатли инсонларидан ва жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бирига айланган. А. Авлоний XX аср бошларида юқори малакали педагог ходимларни тайёрлашга кўп саъй-ҳаракат қилган.



Унинг маърифатпарвар сифатидаги фаолияти кўп қиррали эди. Ўз уйида «Шухрат» газетасини чоп этишни йўлга қўйган, бу воқеа 1907 йил 4 декабрда юз берган. Ўзи яшаган маҳаллада янги усул мактабини очган, 4 қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар», «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони» каби дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ёзган. Янги усул мактаблари ва маориф муассасаларига ёрдам бериш учун хайрия жамғармаси ташкил этган, «Нашриёт» ширкатига асос солган ва Хадра майдонида жойлашган «Мактаб кутубхонаси» номли китоб дўкони очган.

Абдулла Авлоний ўзбек театри ривожига улкан ҳисса қўшган. У томонидан 1913 йилда ташкил қилинган «Турон»



труппаси Туркистон ўлкасидаги биринчи профессионал театр труппаси бўлган. У татар ва озарбайжон драматурглариининг асарларини ўзбек тилига ўгирган, ўзи ҳам миллий сахнада кўйилган «Пинак», «Адвокатлик осонми», «Биз ва сиз» пиесаларини ёзган.

1917 йил февраль ва октябрь воқеаларидан кейин А. Авлоний материаллари Туркистон тараққиёти ва янгилалишига бағишланган «Турон» газетасининг муҳаррири сифатида ноширлик фаолиятини давом эттирган.

1919 – 1920 йилларда у Ҳирот (Афғонистон)даги совет элчихонасининг бош консули сифатида фаолият юритган. Истеъфога чиққач, маърифатпарварлик фаолиятини давом эттирган ва ҳарбий билим юртида, Ўрта Осиё давлат университети (эндиликда Ўзбекистон Миллий университети)да ўзбек тили ва адабиётдан дарс берган. Унга профессор унвони берилган. А. Авлоний ажойиб нотик бўлган. Унинг маърузаларини бир марта эшитган инсон бир умрга эслаб қолган. Педагог сифатида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ишига улкан хисса қўшган, халқ орасида катта обрў-эътибор қозонган ва кўпчиликка ёрдам қўлини чўзган. А. Авлоний Ўзбекистоннинг буюк маърифатпарвари бўлган ва сиёсий арбобларни фаол қўллаб-қувватлаган.

Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августда Тошкентда вафот этган, Боткин қабристонида дафн қилинган.

**Абдулла Қодирий**  
**(1894 – 1938)**

Абдулла Қодирий — таниқли адиб, XX аср ўзбек миллий романчилигига тамал тошини қўйган янги давр ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири. У 1894 йил 10 апрелда Тошкентда боғбон оиласида таваллуд топган. 9 ёшидан дастлаб эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида ўқиган. Ўн етти ёшидан бир неча йил давомида шаҳардаги савдо муассасаларидан бирида мирза бўлиб ишлаган, кейин боғбончилик билан шуғулланиб ҳаёт кечирган.



А. Қодирийнинг ижодий фаолияти 1913 – 1914 йилларда бошланган. Бу даврда илғор фикрли ёшлар каби у жадидчилик ҳаракатига қўшилган ва ўзининг илк асарлариданок маориф, миллий тараққиёт ва озодлик гояларини тарғиб қилишни бошлаган. Дастлаб шеърятга қизиққан, унинг жадид матбуотида эълон қилинган «Аҳволимиз», «Миллатимиз», «Тўй» шеърлари маърифатпарварлик хусусиятига эга бўлган ҳамда мутаассиблик ва жоҳилликка қарши курашга чақирган.

1915 йили М. Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси таъсирида «Бахтсиз куёв» пьесасини, сўнгра «Жувонбоз» ҳикоясини ёзган, уларда жамиятда сақланиб қолган қадимий урф-одатлар ва удумларни янада кескинроқ танқид остига олган.

1917 йил февраль ва октябрь воқеаларидан кейин у ижодни ташламай, турли газета ва журналлар таҳририятларида ишлаган, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида адабий ходим лавозимини эгаллаган, кейинчалик «Муштум» журнали асосчиларидан бирига айланган. А. Қодирий Москвадаги Б. Брюсов номидаги Журналистика институтини тамомлаган.

1925 – 1926 йилларда у «Ўткан кунлар» романини эълон қилган. Бу юксак бадиий савияда ёзилган ва ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеаларини ақс эттирган илк реалистик ўзбек романи эди. Айни дамда, муаллиф ёшларнинг мухаббат тарихини ва уларнинг фожиаи тақдирини мохирона ёрита олган. Китоб тез орада қўлма-қўл бўлиб кетган ва жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлган.

Унинг кейинги асарлари – «Меҳробдан чаён» романи, «Обид Қетмон» қиссаси, ижтимоий хусусиятга эга ҳажвий ҳикоялари А. Қодирийга улкан машҳурлик келтирган. Бу тоталитар тузумнинг эътиборидан четда қолиши мумкин эмасди.

Ҳукумат томонидан миллатчиликда айбланган улуг ўзбек адиби Абдулла Қодирий 1937 йил охирида ҳибсга олинган ва 1938 йил 4 октябрда Тошкентдаги Бўзсув канали соҳилида отиб ташланган.

### Абдурауф Фитрат (1886 – 1938)



Бухоро жадидчилигининг энг атоқли вакили, сиёсий арбоб, шоир ва олим, публицист ва драматург, маърифатпарвар Абдурауф Абдурахим ўғли – Фитрат (тахаллуси) 1886 йили Бухорода хизматчи оилада тугилган. Бошлангич таълимни эски мактабда олган, сўнгра Мир Араб мадрасасида ўқишни давом эттирган. 1902 – 1903 йилларда А. Фитрат Маккага ҳаж сафарини амалга оширган, Туркияга, Ҳиндистонга ва қатор араб давлатларига таъриф буюрган. Кейинчалик Москвада, Санкт-Петербургда бўлган.

1909 – 1913 йилларда XX аср бошларида асос солинган «Тарбияи атфол» жамияти кўмагида Истанбулда тахсил олган. 1911 йилда чоп этилган «Сайҳа» («Наъра») шеърий тўплами унинг фаол ижодий фаолияти маҳсули эди. Туркиядан қайтганидан кейин А. Фитрат Бухорода маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланган ва «Бухоро таълими маориф жамияти» маориф жамиятини ташкил этган. «Ёш бухороликлар» ҳаракатида фаол иштирок этиб унинг асосий мафкурачиларидан бирига айланган ва Ф. Хўжаев билан биргаликда 1920 йили илгари сурилган Ислохотлар дастурининг муаллифи бўлган.

У халқ хўжалигининг турли соҳаларини, айниқса, таълим тизимини яхшилаш бўйича сезиларли ишларни амалга оширган. Унинг ташаббуси билан бир гуруҳ истеъдодли ёшлар Истанбул, Берлин, Москвага ўқишга юборилган. А. Фитрат шарофати билан Бухоро мактаблари ўқув жиҳозлари билан таъминланган, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилган.

А. Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари», «Саёҳати баёни ҳинди» («Ҳинд сайёҳи қиссаси»), «Мунозара» асарлари халқ, айниқса, ёш авлод онгида инқилобий ўзгаришлар ясаган, негаки бу асарларда жамият ўзгариши учун «Нима қилмоқ керак?» деган савол қўйилган ва «маърифатга эришиш» деб жавоб берилган.

Амирнинг жадидларга қарши уюштирган таъқиби натижасида А. Фитрат Самарқандга кўчиб келган, бу ерда 1917 йил апрелидан 1918 йил мартигача «Хуррият» газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган. 1918 йилда Тошкентга кўчиб келган, бу ерда асосан илмий, ижодий ва маърифатчилик фаолияти билан шуғулланган, бир нечта дарсликлар ёзган, «Чигатой гурунги» ижтимоий-адабий ташкилотининг ташкилотчиси ва фаол аъзосига айланган.

Бухорода 1920 йилги инқилоб ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганидан кейин А. Фитрат маориф нозири (вазири) лавозимини эгаллаган, сўнгра 1921 — 1922 йилларда ташқи ишлар нозири бўлиб ишлаган, шунингдек, бошқа масъул вазифаларда фаолият юритган.

У қилмаган ишлари учун ноҳақ айбловлар натижасида сиёсат майдонини тарк этишга ва Москвага кетишга мажбур бўлган.

1923 — 1924 йилларда Москва ва Ленинградда яшаган, Шарқ тиллари институтида ишлаган, у ерда турк, араб, форс тили ва адабиётидан дарс берган ҳамда адабиётшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар билан шуғулланган. Ленинград университети профессори этиб сайланган. Илмий жамоатчиликка унинг манбашунослик соҳасидаги кашфиётлари, тарихий характердаги асарлари ҳам маълум.

Ўзбекистонга қайтганидан кейин А. Фитрат ўзининг маданий-маърифий фаолиятини давом эттирган ва унинг ижодий мероси «Абулфайзхон», «Бедил», «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни» каби тарихий-адабий, фалсафий асарлар билан бойиган. Ўзбек тили қоидаларига бағишланган «Сарф» («Морфология») ва «Наҳв» («Синтаксис») асарлари уни тилшунослик билимдони сифатида машҳур қилган. Муסיқашунос сифатида ноёб манбаларга айланган «Шашмақом», «Ўзбек классик муסיқаси ҳам унинг тарихи», «Шарқ муסיқаси» илмий асарлари муаллифига айланган.

Абдурауф Фитрат умрининг сўнгги йилларида республиканинг илмий-тадқиқот муассасаларида, Самарқанд ўқитувчилар малакасини ошириш институтида, Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтида ишлаган.

1937 йилда у «халқ душмани» сифатида ҳибсга олинган ва 1938 йили Тошкентдаги Бўзсув анҳори ёқасида отиб ташланган.

## Абдулвоҳид Бурҳонов — Мунзим (1875 — 1934)

Маърифатпарвар, шоир, жамоат ва давлат арбоби Абдулвоҳид Бурҳонов — Мунзим 1875 йилда Бухорода тугилган. Бошланғич таълимни эски мактабда олган.

XIX асрнинг 90-йилларидан А. Бурҳонов «Мунзим» тахаллуси остида шеърлар ёзишни бошлаган, сўнгра маърифатчилик фаолияти билан шуғулланишга киришган. Бухорода янги усул мактабларининг очилиши унинг номи билан боғлиқ. 1908 йилда Мунзим жадид мактабларида ўқитиш методикасини ўрганиш учун Самарқандга келади ва ўша йили ўз уйида янги усул мактабини очади, 1909 йилда эса катталар учун кечки мактабни ташкил қилади.

Бу даврда А. Бурҳонов ҳамфикрлари билан бирга «Тарбияи атфол» жамиятини ташкил қилган, бу ташкилот Бухоро маърифатпарварлари ва эркин фикрли зиёлилар орасида илғор демократик ғояларнинг тарқалишида ҳамда халқнинг сиёсий онги уйғонишида муҳим роль ўйнаган.

1917 йил февраль воқеаларидан кейин бухоролик жадидлар икки гуруҳга ажралган: Абдулвоҳид Бурҳонов бошчилигидаги эски жадидлар ҳамда Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат бошчилигидаги янги жадидлар. Агар эски жадидлар маърифатчилик фаолиятини асосий вазифа деб ҳисоблаган бўлсалар, янги жадидлар кенг кўламли инқилобий ислохотлар тарафдори бўлганлар. Бироқ кейинчалик, ислохотларни амалга ошириш йўлидаги қарашларнинг тескарилигига қарамай, Бухоро тараққийпарварлари бирлашганлар, натижада «Ёш бухороликлар» партияси яратилган. Мунзим унинг раиси этиб сайланган.



1918 йилдан 1920 йилгача Мунзим Тошкентда яшаган. Бухоро Халқ Республикаси ташкил этилгач, у МИК раиси ўринбосари, сўнгра халқ таълими нозири (вазири), соғликни сақлаш нозири бўлиб ишлаган.

Халқ таълими нозири бўлиб ишлаганида Мунзим 1922 йил июнида БХСР ҳукумати томонидан миллий кадрларни, жумладан, муҳандисларни тайёрлаш мақсадида бир гуруҳ бухоролик ёшларни Германияга жўнатиш ҳақидаги қарор қабул қилинишига катта ҳисса қўшган. Қарорга биноан ушбу масала бўйича комиссия раиси этиб тайинланган. 1922 йил ёзида Мунзим 44 кишини Берлиннинг олий таълим муассасаларига жойлаштириш учун шахсан Германияга ташриф буюрган.

20-йиллар ўрталаридан Мунзим ўзини тўлиғича ижодий ва публицистик фаолиятга бағишлаган.

Абдулвоҳид Бурҳонов 1934 йили қисқа вақт давом этган касалликдан сўнг вафот этган.

### Абдулҳамид Чўлпон (1897 – 1938)



Янги ўзбек шеърляти асосчиларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон (тахаллуси) 1897 йилда Андижон шаҳрида тугилган. Бошланғич мактабни эски мактабда олган, сўнг мадрасада ўқишни давом эттирган, у ерда араб, форс тилларини, Шарқ адабиётини ўзлаштирган. Кейинчалик рус-тузем мактабида ўқиган, рус тили ва адабиётини ўрганган.

XX асрнинг 10-йиллари ўрталаридан Чўлпоннинг ижтимоий ва илмий фаолияти бошланган. У даврий матбуотда «Қаландар», «Андижонлик», «Чўлпон» тахаллуслари остида материаллари билан қатнашиб турган. Унинг «Дўхтур Муҳаммадёр», «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар», «Адабиёт надур?» каби илк ижод намуналарида ва бошқа кўплаб мақола ва шеърларида маърифат, озодлик ва мустақиллик каби жадидчилик ғоялари биринчи ўринга олиб чиқилган.

Шоир қисқа умри давомида «Тонг сирлари», «Уйғониш», «Булоқлар» каби шеъррий тўпламларини эълон қилган.

Унинг театр санъатини ривожлантириш борасидаги тинимсиз ҳаракати ҳам алоҳида диққатга сазовор. Драма театрида адабий кўмакчи сифатида ишлаб А. Чўлпон ўнга яқин пьесалар ва театрга доир мақолалар ёзган. Унинг «Ёрқиной», «Чўрининг исёни», «Замона хотуни» каби театрбоп асарлари ўзбек драматургияси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган.

А. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ўзбек адабиёти тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Романда XX аср бошларидаги воқеалар ёрқин мисоллар билан кўрсатиб берилади, инсоний тақдирларга ойдинлик киритилади. Роман маърифатпарварлик хусусиятига ҳам эга бўлиб, халққа тараққиёт ғояларини етказди, миллат ривожига тўсқинлик қилаётган воқеликларга ишора қилади.

А. Чўлпон таржимон адиблар мактаби ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган. М. Горькийнинг «Она», А.С. Пушкиннинг «Дубровский», «Борис Годунов», В. Шекспирнинг «Ҳамлет» асарларини ва б. асарларни улкан маҳорат ила таржима қилган. Чўлпон ўзининг бутун онгли ҳаётини ватан эрки ва тараққиёти ғоясини тарғиб этишга бағишлаган. 1928 йилдан бошлаб



ўн йил мобайнида ҳукумат таъқиби ва мафкуравий ҳужумига дучор бўлган ҳамда қатагон қурбонига айланган.

Абдулхамид Чўлпон 1938 йил 4 октябрда Тошкентдаги Бўзсув анҳори соҳилида отиб ташланган.

## Ашурали Зоҳирий

(1885 – 1937)



Машҳур маърифатпарвар, адиб, журналист ва тилшунос олим Ашурали Зоҳирий 1885 йилда Қўқонда туғилган. Дастлаб Қўқондаги Мадалихон мадрасасида таҳсил олган. Бу даврда араб ва форс тилларини ўзлаштирган, ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиётини ўрганган.

1907 йилдан А. Зоҳирий жадид ва рус-тузем мактабларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган.

1912 – 1919 йилларда қизгин педагогик ва журналистик фаолият билан шуғулланган. 1917 – 1918 йилларда Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши унинг фаолиятига катта таъсир кўрсатган. Республиканинг расмий матбуот органи — «Эл байроғи» газетасида ишлаб Туркистон Мухторияти ғояларининг ривожини ва уларнинг халқ орасида кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган.

1917 йилдан кейин А. Зоҳирий маърифатпарварлик билан шуғулланишда давом этган. У биринчи педагогика билим юрти асосчиси бўлган, бу даргоҳ кейинчалик педагогика техникумига айлантирилган, унинг асосида 1930 йили Фарғона педагогика

институту очилган. А. Зоҳирий Фаргона водийсидаги дастлабки замонавий мактабларнинг ривожланишига ва педагог кадрларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган.

1929 йилда у ҳибсга олинган ва эркесварлик гоյлари учун қамалган. Қамокдан чиққанидан кейин маърифатчилик фаолиятини давом эттирган. Бироқ 1937 йили яна қатағон қилинган ва ўша йилнинг 4 декабрида отиб ташланган. А. Зоҳирийнинг қабри қаердалиги аниқланмаган.

### Абдуқодир Шақурий (1875 – 1943)

Маърифатпарвар ва педагог Абдуқодир Шақурий 1875 йилда Самарқанд яқинидаги Ражабамин қишлоғида боғбон оиласида туғилган.

Эски мактабни битиргач А. Шақурий Самарқанддаги мадрасада таҳсилни давом эттирган. Рус гимназиясига ташриф буюриб, унинг ички тартиби, қоидалари ва ўқитиш методлари билан танишганидан кейин маҳаллий аҳоли учун янги мактаблар ташкил қилиш орзуси туғилган.

А. Шақурий газеталардан Россиянинг турли жойларида яшовчи туркий халқлар учун янги усул мактаблари мавжудлигини билган. Бу каби мактаблар ўша пайтда Туркистонда, жумладан, Қўқонда ҳам бор эди. Қўқон мактабларининг тажрибасини ўрганган А. Шақурий Самарқандга қайтган ва 1901 йил кузида она қишлоғи Ражабаминда биринчи янги усул мактабини очган.



Тез орада А. Шакурий мактабининг шуҳрати бутун ўлка бўйлаб тарқалган ва Ўрта Осиёдаги бошқа маърифатпарварларнинг эътиборини жалб қилган.

А. Шакурий фақат ўқитиш билан кифояланмай, ўзининг мактаби учун шахсий дарсликлар ёзган, уларни ўз маблағи ҳисобига чоп эттирган. Унинг «Раҳнамой савод» дарслигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

А. Шакурий биринчи бўлиб қизлар учун ҳам мактаб очган. Унда рафиқаси ўқитувчилик қилган. Кейинчалик ўғил болалар ва қиз болалар биргаликда ўқитила бошлаган.

1921 йилда А. Шакурий Самарқанд шаҳридаги 13-сонли мактаб директори этиб тайинланган, айти дамда, она тили ва адабиётдан ўқитувчилик қилган. Болаларнинг саводхон ва ўз даврининг илғор кишилари бўлиб вояга етишларини чин дилдан истаб бутун вақтини уларнинг таълим-тарбиясига бағишлаган.

Абдуқодир Шакурий 1943 йилда вафот этган.

## Бобоохун Салимов

(1874 – 1929)



Давлат ва жамоат арбоби, маърифатпарвар Бобоохун Салимов 1874 йилда Хива хонлигининг Гурлан беклигида қозикалон Салимохун хонадонидан туғилган. Унинг ҳақиқий исми Муҳаммад бўлган, аммо халқ орасида Бобоохун исми билан танилган. Бошланғич таълимни олганидан сўнг Хивадаги Оллоқулихон мадраса-

сида таҳсинини давом эттирган. Араб, форс ва рус тилларини жуда яхши билган, шеърлар ёзган. 1910 – 1918 йилларда Б. Салимов Хива хони Асфандиёр саройида шайхулислом вазифасини бажарган. Хивадаги 1917 йилги ниқилобий воқеаларда нштирок этиб, Мажлис аъзоси этиб сайланган. 1918 – 1920 йилларда «Ёш хиваликлар» партиясининг ташкилотчиларидан бири бўлган. 1920 йили I Бутунхоразм съездида Хоразм Халқ Совет Республикасининг адлия ноziри (вазири) этиб сайланган. 1924 йилда Хоразм руҳонийларининг I съезди ташкилотчиси ва раҳбари бўлган.

Бобоохун Салимов ислом ақидаларига асосланган тенглик ғояларини тарғиб этган ва хонлик амалдорларининг ҳуқуқларини савдогарлар, саноатчилар, хунармандлар ва зиёлилар ҳуқуқлари билан тенглаштиришга ҳаракат қилган. Дастлаб хонликда арзимаган ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар ўтказиш йўли билан тараққиётга эришиш мумкин деб ҳисоблаган.

XX асрнинг 20-йиллари охирида Бобоохун Салимов миллий зиёлиларни таъқиб қилиш кампанияси бошланиши оқибатида барча давлат ишларидан озод этилган. Унинг қарашлари, мақсад ва ғоялари большевик ҳукуматнинг мафкурасидан тамомилан фарқ қиларди. Шу сабабли 1929 йил 10 майда Б. Салимов судсиз-сўроқсиз совет ҳокимияти вакиллари томонидан ўлдирилган.

Бобоохун Салимовнинг қабри қаерда экани номаълум.

## Исҳоқхон Тўра Ибрат (1862 – 1937)



Маърифатпарвар, шоир, тилшунос, тарихчи, дастлабки ўзбек ноширларидан бири 1862 йилда Намангандан узоқ бўлмаган Тўрақўрғон қишлоғида тугилган.

Бошланғич таълимни эски мактабда олган. Кейинроқ Қўқондаги мадрасада ўқишни давом эттирган. Мадрасани 1886 йилда тугатиб, Тўрақўрғонга қайтган. Ўз фаолиятини қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилишдан бошлаган. Ўша йили Тў-

рақўрғондаги биринчи янги усул мактабини очган.

1887 йилда Исҳоқхон Ибрат Маккага ҳаж сафарини амалга оширган. Сўнгра Европадаги Истамбул, София, Афина, Рим каби шаҳарларга ташриф буюрган. Узоқ муддат Жидда, Бомбей, Калькуттада яшаган. У ерларда инглиз, араб, форс, урду, хинд, шунингдек, яҳудий ва санскрит тилларини ўрганган.

1896 йилда у Тўрақўрғонга қайтган. Тил билиши ва тўпланган тажриба 6 тиллик ноёб «Лугати ситта алсина»ни тузишига имкон берган, лугат 1901 йилда чоп этилган. Ушбу лугатдан янги усул мактабларида рус ва шарқ тилларини ўрганиш бўйича ягона қўлланма сифатида фойдаланилган. 1912 йилда Исҳоқхон Ибрат ёзув тарихига бағишланган «Жомеъ ул-хутут» («Ёзувлар тўплами») илмий асарини ёзган ва уни ўзининг «Матбаи Исҳоқия» босмахонасида чоп этган.

И. Ибрат бутун умр она халқи саводхон ва маърифатли бўлишини орзу қилган, бунинг учун қўлидан келган ҳамма ишни амалга оширган. Сўнги 20 йил давомида у 14 та илмий-тари-

хий, тилшуносликка оид асарлар ёзган. 30 йиллик шеърий ижоди махсули бўлмиш «Девони Ибрат» тўпламини тузган. «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон уз-замон» каби асарлар ёзиб тарих фани ривожига ҳам катта хисса қўшган.

И. Ибрат ҳаётининг сўнгги йиллари жуда ташвишли кечган. Кексайган чоғида, 75 ёшида, 1937 йилнинг апрелида қатагон қилиниб, Андижондаги камоқхонага ташланган ва у ерда вафот этган.

Исҳоқхон Ибратнинг қабри қаердалиги номаълум.

### Маҳмудхўжа Бехбудий (1875 – 1919)

Буюк мутафаккир, жадидчилик ҳаракати етакчиси, машҳур маърифатпарвар, сиёсий арбоб, драматург Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йил 19 январда Самарқанд шаҳрида муфтий хонадонида таваллуд топган. Бошланғич таълимни тоғаси Муҳаммад Сиддикдан олган. Сўнгра эски мактабда ва мадрасада таҳсилини давом эттирган. Араб, форс, рус ва бошқа тилларни билган. Мирза ва қози вазифаларини бажарган, Самарқанд яқинидаги Жомбойда муфтий лавозимини эгаллаган. 1900 йилда Маккага ҳаж сафарини амалга оширган.



1903 – 1904 йилларда Москва, Петербург, Қозон ва Уфага ташриф буюрган. 1914 йилда Туркия, Миср ва бошқа араб давлатлари бўйлаб саёҳат қилган.

М. Бехбудий ҳам диний, ҳам дунёвий таълим олган. Кенг дунёқарашга ва чуқур билимга эга бўлган ҳолда доим консерватизм ва жоҳилликка қарши чиққан, ўз асарларида ислом динини тўғри тушуниш ва шарҳлашга чақирган.

Туркистоннинг миллий матбуоти саҳифаларида унинг Туркистондаги ижтимоий ва сиёсий муаммоларга, шунингдек, маданият, дин ва ёшлар тарбияси масалаларига бағишланган кўплаб мақолалари эълон қилинган. Таълим ва маориф масалалари доим унинг диққат марказида турган. Ўзининг «Мурожаат», «Саёҳат хотиралари», «Сарт сўзи мажхулдир» ва бошқа мақолаларида консерватив рухонийларни, маданият, турмуш ва диний онгдаги реакцион анъанавийликни ва жоҳилликни танқид остига олган. М. Бехбудийнинг маърифатпарварлик гоёлари унинг издошлари томонидан қабул қилинган ва жадинлар томонидан чоп этилган газета-журналлар, янги усул мактаблари орқали тарғиб этилган.

1911 йилда у, айниқса, ёшлар орасида тараққийпарварлик гоёларини ёйишга имкон берган «Падаркуш» драмасини ёзган.

1913 йилда Самарқандда М. Бехбудий «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журнаliga асос солган, уларнинг саҳифаларида ўша даврнинг энг муҳим муаммолари жой олган. У бошқа жадин нашрларини ҳам қўллаб-қувватлаган ҳамда «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Хуршид» ва б. газеталар билан ҳамкорлик қилган.

Маҳмудхўжа Бехбудий янги усул мактабларига дастлаб асос солганлардан ва уларни тарғиб қилганлардан бири, ўқитувчи ва ўқувчилар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи ҳисобланади.

М. Бехбудий маърифатпарварлик ҳаракатидан ижтимоий-сиёсий ҳаракат даражасига етган жадинчилик етакчиси сифа-

тида 1917 йил февраль инқилоби ва октябрь тўнтариши оқибатида большевиклар ҳокимият тепасига келганидан кейин Туркистон туб аҳолисининг ўз ҳуқуқлари учун кураши гоёларини илгари сурган, Туркистоннинг мухтор мақоми масаласини кўтариб чиққан.

Унинг «Ҳақ олинур, берилмас!» деган сўзлари жадидлар учун шиорга айланган. Унинг сиёсий фаолияти чўққиси Муслмон депутатлари ўлка советининг аъзоси, «Хуррият» газетаси таҳририяти аъзоси, тўртта Ўлка муслмонлари съезди иштирокчиси бўлган 1917 йил баҳорига тўғри келади. Самарқандда дастлабки сиёсий ташкилотларнинг вужудга келиши ҳам М. Бехбудий номи билан боғлиқ.

У Туркистон Мухторияти номи Туркистон мухтор республикасининг ташкил қилинишида бевосита иштирок этган, республиканинг муваққат миллий йиғилиши (Миллий Мажлис) таркибига киритилган. Мухторият тугатилганидан сўнг у сиёсатдан чекинган ва Самарқанд таълим бўлими мудирлиги бўлиб ишлаган. Аммо бу ватанининг миллий мустақиллиги ҳақидаги орзудан воз кечганини англатмасди. Совет ҳокимияти зиёлиларга қарши ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни авж олтирган ва қатағон чораларини кўрган ўша даврда М. Бехбудий Туркистондан ташқарига чиқишга ва ушбу воқеалар тўғрисидаги ҳақиқатни жаҳон жамоатчилигига етказишга ҳаракат қилган. Бироқ айни шу пайтда, 1919 йил баҳорида, Бухоро амирининг буйруғига биноан ҳибсга олинган ва Қарши шаҳрида қатл этилган.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг қабри қаерда экани номаълум.



**Мунаввар Қори Абдурашидхонов**  
(1878 – 1931)



Ёзувчи, мураббий, мухаррир, маърифатпарвар, жамоат ва давлат арбоби Мунаввар қори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги Дархон маҳалласида мударрис оиласида тугилган. Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида ўқиган, Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсилини давом эттирган. Тошкентга қайтгач, Дархон масжиди имоми вазифасини бажарган. Ҳам диний,

ҳам дунёвий соҳада кенг дунёқараш соҳиби бўлган Мунаввар қори аҳоли орасида катта обрў-эътиборга эга эди.

У жадидчилик ҳаракатидаги фаол иштирокини XIX аср охирларидан бошлаган ва 1901 йилда биринчилардан бўлиб Тошкентда ўз уйида янги усул мактабини очган. Кейинчалик бундай мактаблар шаҳарнинг турли жойларида очилган. Бу мактаблар учун 1907 йилда «Адиби аввал», «Адиби соний» дарсликларини ёзган, «Тажвид ал-Қуръон», «Ер юзи» ўқув қўлланмаларини тузган ва чоп эттирган, шунингдек, болалар учун қатор шеър ва хикоялар муаллифи бўлган.

1909 йилда Тошкентда М. Абдурашидхонов «Жамият хайрия» ташкилотига асос солган ва «Турон» жамиятини очган. 1906 йилда илк ўзбек газеталаридан бири — «Хуршид»ни нашр қила бошлаган. Кейинчалик, 1917 йилда, «Нажот», «Кенгаш» газеталари бош мухаррири бўлиб ишлаган ва «Садои Туркистон» газетасининг таҳририят бўлимини бошқарган.

1917 йилда Мунаввар қори «Шўрои исломия» ижтимоий-сиёсий ташкилотининг асосчиларидан ва раҳбарларидан бирига айланган ҳамда барча тўртала Ўлка мусулмонлари съездида иштирок этган.

Мунаввар қори Туркистонда миллий-демократик давлатчиликнинг йирик назариётчиси ва амалиётчиси бўлган. 1917 йил ноябрида у Туркистон мухтор республикаси — Туркистон Мухториятини зўр мамнуният билан қарши олган ва уни қўллаб-қувватлаб Тошкентда оммавий намойишларни ташкиллаштирган.

Совет ҳокимияти йилларида у очик маърифатчилик ва яширин сиёсий фаолиятини давом эттирган. 1918 йил апрелида унинг ташаббуси билан Туркистон халқ университети (Туркистон халқ дорилфунуни) ташкил қилинган, у Ўзбекистон Миллий университетининг дебочаси ҳисобланади.

Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1918 йил 2 июнда Миллий ўқитувчи кадрлар тайёрлаш институти — Дорулмуаллимин очилган. Ўша йили у «Турк ўчоғи» илмий-маърифий жамиятига асос солган.

20-йиллар ўрталарида тоталитар тузумнинг кучайиши ва миллий зиёлиларнинг таъқиб остига олиниши оқибатида Мунаввар қори барча лавозимларидан бўшатирилган.

1929 йилда у Ўзбекистонни мустақил қилишни мақсад қилган яширин «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» ташкилотларига раҳбар бўлган деган шубҳа асосида ҳибсга олинган.

Мунаввар қори 1931 йилда отиб ташланган. Москвадаги Ваганково қабристонига дафн этилган.

## Муса Саиджонов

(1893 – 1937)



Бухородаги миллий-тараққийпарварлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси Муса Саиджонов 1893 йилда Бухорода савдогар оиласида таваллуд топган. Мир Араб мадрасасида таҳсил олганидан сўнг Когондаги рус-тузем мактабида ўқишни давом эттирган. М. Саиджонов араб, форс, турк тиллари, адабиёт, тарих ва географияни ўрганиш билан жиддий шуғулланган. 1913 йилда жаҳидчилик ҳаракатининг фаол аъзосига айланган, кейинчалик Ёш бухороликлар партияси аъзоси этиб сайланган, 1917 йилда эса унинг Марказий Кўмитаси аъзолигига сайланган. М. Саиджонов инқилобий ҳаракатларга қарши чиққан ва эволюцион ислохотлар тарафдори бўлган. Шу боис 1917 йил апрелида ўша даврдаги вазиятни инобатга олган ҳолда ёш бухороликлар томонидан манифест ўтказилишига қарши чиққан. Бироқ амир билан музокараларда иштирок этган. М. Саиджоновнинг сиёсий қарашлари коммунистик мафкурага тўғри келмаган, шу сабабли у Ёш бухороликлар партиясининг 1920 йилда ташкил топган коммунистик гуруҳига атайин кирмаган. Кейинроқ сиёсатдан узоқлашиб, фаолиятини маориф ва фан соҳасида давом эттирган, йирик тарихчи олим ва Ўзбекистоннинг тарих фанидаги илк профессорлардан бирига айланган. М. Саиджоновнинг сафдошлари уни кенг дунёқарашга эга, юксак маданият ва ахлоқ соҳиби бўлган инсон сифатида билганлар.

1935 йилда М. Саиджонов ўзбек олимлари орасида биринчилардан бўлиб шарқшуносларнинг III конгрессида иштирок

этган. Унинг илмий ишлари тарихнинг долзарб ва кам ўрганилган даврларига, хусусан, ўрта асрларнинг меъморий ёдгорликлари ва ноёб қўлёзмаларига бағишланган.

Жадидчилик тарихини сохталаштиришга қарши чиққани ва давлатчилик тарихи борасидаги объектив нуқтаи назари, шунингдек, ёш бухороликлар билан алоқаси туфайли М. Саиджонов 1937 йилда қатагон қилинган ва отиб ташланган.

Муса Саиджоновнинг қабри қаердалиги номаълум.

### Муҳаммадшариф Сўфизода (1869 – 1937)

Ўзбек маданияти тарихида ёрқин из қолдирган маърифатпарвар ва шоир Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли Сўфизода 1869 йил 29 январда Фарғона водийсининг Чустида хунарманд оиласида туғилган. Бошланғич таълимни қўшни маҳаллада яшаган муаллима Манзура отиндан олган.



1883 – 1898 йилларда у Кўқонда яшаган ва мадрасада таҳсил олган, Кўқон адабий муҳитининг Муқимий, Завқий, Нодим Намангоний каби машҳур шоирлари билан яқин алоқа ўрнатган. Муқимий тавсиясига кўра бўлажак шоир ўзининг илк шеърларини «Ваҳший» тахаллуси билан ёзган.

Бойлар, подшо амалдорлари, консерватив руҳонийларни мазах қилиб ёзган ҳажвий шеърлари учун она шаҳри Чустда «беадаб» ва «дахрий» деб эълон қилинган ва ўлим жазосига

махкум этилган. У ватанини тарк этишга ва 14 йил мобайнида бошқа мамлакатларда яшашга мажбур бўлган.

1900 йилдан 1913 йилгача Сўфизода Тифлис, Баку, Арабистон, Ҳиндистон, Туркияда истиқомат қилган. Аммо, қаерда бўлмасин, ватани билан алоқани узмаган, Тошкент, Фарғона, шунингдек, Кавказ, Қрим, Оренбург ва Туркиядаги жаҳид газеталари таҳририятлари билан алоқа қилиб турган. Унинг мақолалари ва шеърӣ асарлари «Туркистон вилояти газети», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» саҳифаларида мунтазам равишда чоп этиб турилган.

1913 йилда М. Сўфизода чет элдан Чустга қайтган ва янги усул мактабини очган. Камарсадо қишлоғида етимлар учун «Дорулайтом» масканини ва катталар учун кечки мактабни ташкил қилган, унда ўзи она тили, геометрия ва бошқа фанлардан дарс берган. 1914 йилда «Чустийлар бизлар» шеърини ёзган, унда Туркистондаги ижтимоӣ-сиёсий ва маънавий таназзул сабаблари ҳақида фикр юритади, таълим ва маданиятдаги янги меъёрларга консерватив муносабатни танқид қилади. Бунинг учун М. Сўфизода уезд амалдорлари томонидан яна она шаҳридан сургун этилади. Тўрақўрғон яқинидаги Шаҳанд қишлоғига кўчиб келиб, ўша пайтда Тўрақўрғон қозиси бўлган Исҳоқхон Иброт ёрдамида бу ерда янги усул мактабини очади.

М. Сўфизода совет даврида ўз халқига хизмат қилишда давом этган, ижодий, педагогик фаолият билан шуғулланган. 1937 йилда шоир «халқ душмани» деб эълон қилинган, қатағон қилиниб, отиб ташланган.

Мухаммадшариф Сўфизоданинг қабри қаерда экани номаълум.

**Обиджон Маҳмудов**  
(1858 – 1936)

Давлат ва жамоат арбоби, йирик молнахчилардан бири, Фарғона тараққийпарварлари етакчиси Обиджон Маҳмудов 1858 йилда тугилган. Санкт-Петербург кон-металлургия институтини тамомлаб, Туркистондаги биринчи ўзбек тоғ муҳандисига айланган.



Унинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги билан 1914 йилда Қўқонда босмахона очилган, у ерда Фарғона жадидларининг «Садон Фарғона» ва рус тилидаги «Эхо Ферғаны» газеталари чоп этила бошлаган. «Садон Фарғона» газетаси нафақат Туркистонда кенг тарқалган, балки Россиянинг муслмон жамоатчилиги орасида ҳам машҳур бўлган.

О. Маҳмудов жадид матбуотида тез-тез чиқиш қилиб, маърифат, эрк ва мустақиллик, миллий ўзликни англашнинг ривожланиши ғояларини биринчи ўринга олиб чиққан.

Туркистон мухторияти учун ҳаракатда фаол иштирок этиб, Туркистон мухтор республикаси тузилишига ҳар томонлама ёрдам берган. 1917 йил ноябрда бўлиб ўтган Туркистон муслмонларининг IV фавқулодда съездида Туркистон Мухториятининг муваққат ҳукумати таъсис қилинган ва О. Маҳмудов озиқ-овқат вазири лавозимига сайланган. 1918 йил феврилида Туркистон Мухторияти тугатилганидан сўнг у Қўқонда қолган, нафақат Фарғона водийси, балки бутун Туркистон маданияти ва таълимининг ривожига катта ҳисса қўшган ҳолда маориф муассасаларида ишлашда давом этган.

Обиджон Маҳмудов 1936 йил 21 ноябрда вафот этган.

## Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1863 – 1936)



Атоқли тараққийпарвар, Хива жадинлари ва Ёш хиваликлар партиясининг раҳбарларидан бири Полвонниёз Ҳожи Юсупов 1863 йилда Хива шаҳрида савдогар оиласида туғилган. 1871 йилгача ўз ота-онасидан, уларнинг вафотидан кейин эса амакиси Юсуфбойдан таълим-тарбия олган. 13 ёшида эски мактабда бошланғич таълимни олган. Мактабни тамом-

лаб, савдо билан шуғуллана бошлаган.

П. Юсупов 1877 йилда амакиси билан Москвада бўлган. 1885 йилда янги усул мактабини тугатган. 1904 йилда Туркия, Миср, Сурия ва Маккага ташриф буюрган. Араб, форс, рус тилларини билган, кенг дунёқарашга эга саводхон киши сифатида ёш хиваликлар ҳаракати раҳбарига айланган.

П. Юсупов 1917 йил 4 апрелда Хива хонига тақдим этилган Давлат қурилиши соҳасида ислохотлар ўтказиш ҳақидаги манифест асосчиларидан бири бўлган.

1920 йил 30 апрелда Хива хонлиги тугатилганидан сўнг Полвонниёз Юсупов Хоразм Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Кенгашининг раиси этиб тайинланган. Бу лавозимда ишлаб Хоразм Республикасида демократик ислохотлар ўтказишга интиланган ва Марказдан анча мустақил раҳбар бўлган, бу Турккомиссиянинг ташкил этилиши ва Туркфронт томонидан Хивада давлат тўнтариши ўтказилишига сабаб бўлган.

1926 йилдан П. Юсупов Хоразм вилояти ижроня кўмитасининг хўжалик ишлари мудирини ўринбосари бўлиб ишлаган, кейинчалик Хивадаги «Ичанқалъа» музейида фаолият юритган.

Полвоҳиниёз Юсупов 1936 йилда вафот этган.

### Саидахмадхўжа Сиддиқий – Ажзий (1864 – 1927)

Миллий-тараққийпарварлик харакатининг йирик намояндаларидан бири, шоир Саидахмадхўжа Сиддиқий – Ажзий (тахаллуси) 1864 йилда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги Халвойи қишлоғида хунарманд оиласида тугилган. Ёшлиғида отасидан айрилиб, бобоси қўлида тарбия топган. Сўнгра унинг таълими билан янгаси шугулланган. Шундан кейин у Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсилини давом эттирган. С. Сиддиқий шарқ мумтоз адабиётини қунт билан ўрганган, араб, форс, озарбайжон, рус тилларини ўзлаштирган. 1880 йилдан анъанавий жанрларда шеърлар ёзишни бошлаган, айни дамда, маърифатпарварлик фаолиятига кўп вақт ажратган.



1901 йилда С. Сиддиқий Маккага ҳаж сафарини амалга оширган. Шарқнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, ислом оламидаги янгиликлар билан батафеил танишган. С. Сиддиқий бир оз муддат Россиянинг Жиддадаги элчихонасида тар-



жимон бўлиб ишлайди. Сўнгра Москва, Петербург ва Тифлистеда бўлади.

1903 йилда Самарқандга қайтиб, Халвойи кишлоғида янги усул мактабини очган, унда табиий фанлардан дарс ўтган, араб ва рус тилларини ўргатган, дареликлар яратган. Бу пайтда ўзини фаол публицист сифатида намоён қилган. Қозон, Оренбург ва Кавказ нашрларида унинг Туркистоннинг энг мухим муаммолари — маориф ва маданият масалаларига бағишланган мақолалари эълон қилинган. 1914 йилда С. Сиддикий Самарқандда «Зарафшон» номли кутубхона очган.

1910 йилда у томонидан ўзбек ва тожик тилларидаги икки шеърний тўплам — «Айн ул-адаб» ва «Ганжинаи ҳикмат», шунингдек, «Миръоти ибрат» («Ибрат кўзгуси») ва «Анжумани арвоҳ» («Рухлар мажлиси») дostonлари чоп эттирилган.

1917 йил февраль воқеаларидан кейин «Иттифок» жамоат ташкилоти Саидахмадхўжа Сиддикийни Самарқанд шаҳар думасига делегат этиб сайлаган. Совет даврида у Самарқанд муслмон совети раиси ўринбосари, вилоят адлия нозири бўлиб ишлаган. Аммо 1921 йилда барча расмий лавозимлардан воз кечиб, она қишлоғида очган мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирган.

1927 йил июлида Сиддикий узоқ давом этган касалликдан сўнг Самарқандда вафот этган.

Саидносир Миржалилов  
(1884 – 1934)

Машхур маърифатпарвар ва сиёсий арбоб, Туркистон миллий-тараққийпарварлик ҳаракатининг фаол аъзоси Саидносир Миржалилов 1884 йилда Туркистон шаҳрида таваллуд топган.

С. Миржалилов болалик чоғларидан ўз қобилияти, саводи, тадбиркорлиги ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб турган. У ўзининг тадбиркорлик фаолиятини мато сотиладиган кичик дўкон очиш билан бошлаган, 1914 йилда эса моҳир тадбиркор ва Туркистоннинг энг бой инсонларидан бири мақомига эришган ҳолда пахта заводини қурган. Айни дамда, у ўз ҳисобидан жадид мактабларини очган ҳолда маориф ҳомийсига айланган. Кенг дунёқарашга эга инсон сифатида сиёсий ўзгаришларсиз Туркистон тараққиётига эришиб бўлмаслигини яхши тушунган.

1917 йилдан С. Миржалилов февраль инқилобидан кейин Тошкентда ташкил қилинган «Шўрои исломия» ташкилотининг фаол аъзоси ва Туркистон мухтор республикаси — Туркистон Мухториятининг асосчиларидан биридир. У Муваққат миллий кенгаш (Миллий мажлис) аъзоси бўлган. Совет ҳокимияти томонидан Туркистон Мухторияти тугатилиб, унинг раҳбарлари таъқиб остига олинганидан сўнг С. Миржалилов хорижга кетишга мажбур бўлган. Дастлаб Самарада яшаган ҳамда Туркистон Мухториятининг Россия ва хорижий давлатлар демократик жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланишига ҳаракат қилган. Сўнгра Туркия ва Тифлисида истикомат қилган.



Большевиклар томонидан эълон қилинган афвга ишониб 1924 йилда ватанига қайтган ва ўзининг ҳомийлик фаолиятини давом эттирган. Ўзи ташкил қилган «Туркистон» савдо-саноат ширкатидан олинган маблағларга «Кўмак» жамияти воситасида истеъдодли ёшларни Германия ва Европанинг бошқа давлатларига юборган. У «Нашри маориф» жамиятига катта хайрия ёрдами кўрсатган.

1925 йил 12 декабрда С. Миржалолов Туркистонни мухториятга айлантириш ҳаракатининг кўплаб иштирокчилари каби ҳибсга олинган, суд ҳукми билан Соловецк оролига юборилган, у ерда уч йиллик қамоқ жазосини ўтаган. 1932 йилда у яна беш йилги озодликдан маҳрум этилган, 1937 йил 21 июлда эса қайтадан қамоққа олинган ва ўша йилнинг 25 октябрида отиб ташланган.

Саидносир Миржалиловнинг қабри қаерда экани номаълум.

## Тўлаган Хўжамёров — Тавалло

(1882 — 1937)



Тўлаган Хўжамёров — Тавалло (тахаллуси) XX аср бошларидаги жаҳид шеъриятининг энг таниқли намояндаларидан бири бўлган. У 1882 йилда Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида хизматчи оиласида туғилган. Бошланғич таълимни ўша пайтда Тошкент ҳаётининг адабий марказларидан бири ҳисобланган Бекларбеги мадрасасида олган. Бу ерда Тавалло Қаримбек Камий, Мискин, Хислат, Юсуф Сарёмий каби машҳур шоирлар билан танишган. Айниқса, ўзининг маънавий ус-

този, пири деб билган Юсуф Сарёмий билан яқин алоқада бўлган. Айнан у Т. Хўжамёровга «Тавалло» тахаллусини танлашни маслаҳат берган.

Жадидлар сафига кўшилишига унинг Туркистоннинг қолоқлиги сабабларини англагани ва бошқарувнинг мустамлакачилик шаклига танқидий муносабати сабаб бўлган. Унинг шеърлари ва мақолалари «Тараққий», «Шухрат», «Садои Туркистон», «Садои Фаргона» каби миллий газеталар саҳифаларида эълон қилинган. Тўлаган Хўжамёровнинг исми Тошкентнинг илгор ёшлари томонидан 1914 йил августида ташкил этилган «Нашриёт» ширкати таъсисчилари қаторида учрайди. 1913 йил ўрталарида Тошкентда дастлабки театр труппаси ўз фаолиятини бошлаган. Тавалло унинг ташкилотчиларидан ва ташаббускорларидан бири бўлган. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги «Қолизей» театри саҳнасида қўйилган «Падаркуш» спектакли ушбу труппанинг биринчи намоёиши ҳисобланади. Шоир бу воқеага бағишланган махсус шеърлар ёзган.

1916 йилда Таваллонинг маърифат ва унинг тараққиётдаги ролини тарғиб қилувчи 70 та шеърдан ташкил топган «Равнак ул-ислом» шеърий тўплами чиқади.

20 — 30-йилларда Тавалло маориф соҳасидаги турли муассасаларда ишлаган, «Муштум» журналида тез-тез хажвий шеърларини эълон қилиб турган.

1937 йилда шоир кўплаб маслақдошлари каби қатағон қурбонига айланган. У ҳибсга олинган ва қамокда вафот этган.

Тўлаган Хўжамёровнинг қабри қаердалиги номаълум.

## Убайдулла Хўжаев (1880 – 1938)



Жадидчилик ҳаракатининг атоқли раҳбарларидан бири, давлат ва жамоат арбоби, кўпроқ Убайдулла Хўжаев сифатида танилган Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев 1880 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. Рус-тузем мактабини тугатганидан сўнг давлат ташкилотларида таржимон бўлиб ишлаган. Кейинчалик Саратов университетининг ҳуқуқшунослик факультетини

муваффақият билан тамомлаган ва илк ўзбек адвокатларидан бирига айланган. Тошкент округ судида ишлаган. Демократик гоялар тарафдорига айланган У. Хўжаев ўз атрофига ёшларни жамлаган ва яширин «Умид» жамиятини ташкил қилган. Кейинроқ ушбу ташкилот «Тараққийпарвар» деб атала бошлаган ва жадидларнинг асосий ташкилотларидан бирига айланган.

1914 йилда маҳаллий ҳомийлар кўмагида ўзининг таҳрири остидаги «Садон Туркистон» газетасини чоп этишни бошлаган, газета миллий тараққийпарварлар минбарига айланган. Мазкур газета саҳифаларида туркистонликларни тараққиётга эришиш учун бор кучларини ишга солишга чақирувчи мақолалар нашр қилинган. Бунга эришишнинг асосий йўлларида бири маърифат ва халқнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий онгини ошириш ҳисобланган. Газета кўп бора миллий ўзликни англаш ва мустақилликка эришиш масалалари илгари сурилган мақолаларни чоп этган. У империя маъмурияти томонидан ёпилгач, У. Хўжаев Андижонга кетади ва у ерда рус тилидаги «Туркестанский голос» газетасини чиқаради.

1917 йил февраль инқилобидан кейин у Туркистон Мухторияти учун сиёсий ҳаракатнинг энг фаол иштирокчисига айланган ва «Шўрон исломия» ташкилотининг Тошкент бўлими раиси, аynи дамда, Бутунроссия мусулмонлари совети аъзоси этиб сайланган. У. Хўжаев Россиянинг илғор сиёсий етакчилари билан доимий алоқада бўлган. Туркистон ва Бутунроссия мусулмон съездларида чиқиш қилиб, Туркистон ўлкасининг ижтимоий ва давлатчилик қурилиши масалаларини кўтарган.

Туркистон Мухторияти учун ҳаракатда фаол иштирок этган У. Хўжаев Россия Федератив Демократик Республикаси таркибида Туркистон мухтор республикасини яратиш ҳақидаги дастурий ҳужжатларнинг муаллифларидан бири бўлган. 1917 йил декабрда Туркистон мусулмонларининг IV фавқулодда съезди бўлиб ўтган, унда Туркистон мухтор республикаси — Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати ташкил этилган. Убайдулла Хўжаев Туркистон Мухториятининг ҳарбий вазири этиб сайланган. 1918 йил февралида Туркистон Мухторияти тугатилгач, у Оренбургга кетади ва Аҳмад Заки Валидий билан Бошқирд Мухториятини шакллантиришда фаол иштирок этади.

1920 — 1938 йилларда У. Хўжаев совет ҳокимияти мафқурасига зид бўлган сиёсий қарашлари туфайли таъқибга учраган. 1938 йилда кўплаб ўзбек тараққийпарварлари каби ҳибсга олинган ва отиб ташланган.

Убайдулла Хўжаевнинг қабри қаерда экани номаълум.

**Файзулла Хўжаев**  
(1896 – 1938)



Машхур давлат ва жамоат арбоби, Бухоро жадидчилигининг фаол иштирокчиси, Ёш бухороликлар партиясининг раҳбарларидан бири Файзулла Хўжаев 1896 йилда Бухорода йирик савдогар хонадонида таваллуд топган. Бошланғич таълимни эски мактабда, сўнгра Бухоро мадрасаларидан бирида олган. 1907 – 1912 йилларда Ф. Хўжаев Москвада хусусий ўқитувчилардан таълим олган. 1913

йилдан унинг жадидлар сафидаги ижтимоий фаолияти бошланган, бу 1917 йилда сиёсий ҳаракатга ўсиб чиққан. Шу йилдан у Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бирига айланган. Бухоро жадидларининг инқилобий кайфиятдаги сўл қаноти аъзоси бўлган Ф. Хўжаев 1920 йилда амир томонидан ислохотлар ўтказилишига эришади, амир томонидан қатағонлар бошлангач, Тошкентга кетади.

1920 йилда Туркистонда туриб Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон бюросини ташкил қилган. Партиянинг Ф. Хўжаев ва А. Фитрат ҳамкорлигида тузилган дастури миллий анъаналар ва халқ маданиятининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда Бухоро Халқ Демократик Республикасига асос солишни мақсад қилиб қўйган.

Бухоро амири ағдарилиб, ҳокимият ёш бухороликлар қўлига ўтгач, Ф. Хўжаев БХСР ҳукумати раиси этиб сайланган. Бу лавозимда мустақил сиёсат юритишга интиланган ҳамда Россия ва хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқаларни йўлга

қўйишга ҳаракат қилган. 1922 йилда у хорижий компаниялар ва йирик бизнесменлар билан шартномалар тузиш учун Германияга ташриф буюрган.

1925 йилда Ф. Хўжаев Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси этиб сайланган. Бу у учун мураккаб йиллар бўлган. Марказга бўйсунушга мажбур бўлгани ҳолда имкон қадар ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий ривожига учун хизмат қилган масалаларни биринчи ўринга қўйишга интиланган. Ф. Хўжаев совет ҳокимиятининг миллий зиёлилар фаолиятини чекловчи кадрлар сиёсатига қарши чиққан. Жадидчилик тарихига бағишланган «Бухоро инқилоби тарихига» асари учун компартия раҳбарияти томонидан гоёвий жиҳатдан «айбланган».

Ф. Хўжаев Ўзбекистон раҳбари сифатида халқ хўжалиги, жумладан, пахтачилик, сугориш тизими, капитал қурилиш, чорвачилик, маданият ва таълимнинг ривожига учун кўп саъй-ҳаракат қилган. Умрининг якунида советларнинг миллий республикаларга нисбатан сиёсати моҳиятини англаб етган.

Файзулла Хўжаев 1937 йилда қатагон қилинган. 1938 йил 15 мартда Москвада, «Коммунарка» полигонидан отиб ташланган. Унинг қабри қаерда экани номаълум.



*Илмий нашр*

**Дилором АЛИМОВА**

# **ЖАДИДЧИЛИК ФЕНОМЕНИ**

**Мухаррир: Абдулла ШАРОПОВ**  
**Бадий муҳаррир: Бахриддин БОЗОРОВ**  
**Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ**  
**Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ**  
**Мусахҳих: Парвина ҒАЙБУЛЛАЕВА**



Теришга берилди: 03.04.2022 й.  
Босишга руҳсат этилди: 25.06.2022 й.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет босма. Ҳисоб-нашриёт т.: 11,2. Шартли б.т.: 17.  
Адади: 500 нусха.  
Буюртма № 56

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.  
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Сўгалли ота 5-уй.

Tel.: (+99899) 433-16-77  
e-mail: info@akademnashr.uz  
web: www.akademnashr.uz

Дилором АЛИМОВА

# ЖАДИДЧИЛИК ФЕНОМЕНИ

